

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

БАРАТБАЕВ БЕКЗОД БАТИРОВИЧ

МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Барча бакалавр таълим йўналишлари учун

**(5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими
йўналишидан ташқари)**

**Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўқув қўлланма / Баратбаев
Бекзод Батирович. 284-б**

Тақризчилар:

**Ж.Юсупов – ЎзМУ, сиёсий фанлар
бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент в.б.**

**З.Бойтемирова – Кўқон ДПИ, фалсафа
фанлари номзоди**

Мазкур ўқув қўлланма 2019 йил декабр куни Кўқон ДПИ кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва барча бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланганлиги муносабати билан нашрга тавсия этилган.

Мазкур ўқув қўлланмада «миллий ғоя» ва «миллий мафкура» тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, мафкураларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, ёшлар қалби ва онгига бузғунчи ва вайронкор ғояларга нисбатан огоҳлик ва ҳушёрлик хусусиятлари шаклланиши билан боғлиқ масалалар, миллий ғоя ва мафкуралар тизими, ”ғоявий таҳдид”, “ахборий таҳдид”, “мафкуравий фаолият”, “мафкуравий жараёнлар”, “мафкуравий таъсир”, “мафкуравий майдон ва полигонлар”, “мафкуравий хуруж”, “ғоявий бўшлиқ”, “мафкуравий профилактика”, “мафкуравий иммунитет” каби тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш билан боғлиқ масалалар мажмуи ёритиб берилган.

К И Р И Ш

XXI асрда кечаётган глобал интеграция жараёнлари, дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур услубини тақозо қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистонда таълимнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор берилиб, ўқитилаётган фанларнинг мазмунини замон талабларига мослаштирилиши бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, талаба ёшларимизни Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва қадрини англайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган, муайян мутахассисликни, касб-ҳунарни чуқур эгаллаган, мустақил, эркин фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсонни тарбиялаш учун олий таълим тизимида гуманитар ва ижтимоий фанларнинг дастурларини замон талаблари асосида қайта қўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бу эса ёшларда тарихий воқеликка объектив баҳо бериш ва тўғри хулоса чиқариш малакаларини шаклантиришни талаб қиласди. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев Парламентга йўллаган мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур."дир. Демак, обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган халқимиз тараққиётининг ғоявий тамойилларини, мамлакатимиз ҳаётида устувор бўлаётган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғуларини шаклантиришга ёрдам берадиган мавзуларни ўрганиш "Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Мазкур фан доирасида «Миллий ғоя» ва «Миллий мафкура» тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, мафкураларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, ёшлар қалби ва онгида бузғунчи ва вайронкор ғояларга нисбатан огоҳлик ва ҳушёрлик хусусиятлари шаклланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилади.

Миллий ғоя ва мафкуралар тизими, ”ғоявий таҳдид”, “ахборий таҳдид”, “мафкуравий фаолият”, “мафкуравий жараёнлар”, “мафкуравий таъсир”, “мафкуравий майдон ва полигонлар”, “мафкуравий хуруж”, “ғоявий бўшлиқ”, “мафкуравий профилактика”, “мафкуравий иммунитет” каби тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш билан боғлиқ масалалар мажмуи ҳам ушбу фаннинг асосий мавзулари доирасига киради.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” – мустақиллик йилларида ўрганиш имкони очилган янги фанлардан биридир. Мазкур фаннинг мақсади эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир миллат ва жамиятнинг узоққа бора олмаслигини, ҳар қандай ҳалқ ва давлат ўз тараққиётининг ғоявий-мафкуравий тамойилларини белгилаб олиши зарурлиги ижтимоий жараёнларнинг муқаррар қонунияти эканлигини ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришдан иборатdir.

Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, ва ниҳоят, юртимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни чукур ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди. «Ушбу таълимотни қандай зарурат шакллантириди?» ва «Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?» - деган саволларга жавоблар Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидағи фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий ғоя тасодиф эмас, балки ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. Шу маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, ҳалқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир.

Бу эса, ўз навбатида, «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар» - деган фикрнинг ҳаққонийлигини исботлайди.

Биз ушбу ҳаёт ҳақиқатини ёшлар қалби ва онгига сингдиришимиз лозим.

Бу таълим тизими олдига ғоявий тарбияни кучайтиришга доир ўқув дастурлари ва адабиётларнинг янги авлодини яратиш вазифасини қўйди. Мазкур дастурни яратишида таълим тизимининг барча бўғинларида миллий ғояни ўрта мактаб, лицей, коллежларда ўқитишининг мавжуд дастурлари таҳлил қилиниб, олий таълимда уларнинг такрорланиши бартараф этилди.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг қонун-қоидалари, тушунча ва тамойилларини ўргатишида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш;
- ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши, уларнинг халқлар ва давлатлар тараққиётига таъсири, ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси, бузғунчи ғояларнинг таъсиридан ҳушёр ва огоҳ бўлиш шартлари ва мезонлари ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;
- ўқув машғулотларини олиб боришида талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишлирини ҳисобга олиш, таълим-тарбиянининг илғор, таъсирchan воситаларидан, замонавий ўқитиши технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услугуб ва тамойилларни қўллаш натижасида фанинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;
- таълим жараёнида тазиик ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш.

Бу фан аввало ушбу таълимотнинг тарихий манбалари, илмий, фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари, асосий тамойиллари, назария сифатида намоён бўлиши, ўзига хос шаклланиш қонуниятлари ва

хусусиятларини босқичма-босқич ўрганишни назарда тутади. Миллий ғоя, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, биринчи галда халқимиз даҳоси ва миллатимиз маънавияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар, мустақил давлат барпо этиш йўлидаги бой тажрибаларимизга асосланади ва улардан озиқланади. Бироқ ҳар қандай дараҳтдан мўл ҳосил олиш учун факат кўчат ўтқазишнинг ўзи етарли бўлмаганидек, миллий ғоянинг кутилган самарани бериши учун уни жамиятимиздаги турли ижтимоий қатлам ва тоифалар манфаати нуқтаи назаридан муттасил равишда бойитиб бориш талаб этилади. Чунки миллий ғоя халқимиз ва миллатимизнинг тараққиёт тамойилларини кўрсатиб борувчи умуммиллий дастур бўлиб, унда жамиятимизнинг ривожланиш диалектикаси акс этиб бориши керак.

1-МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг предмети

Миллий ғоя ўз - ўзидан инсоннинг онгига, тафаккурига сингиб, ишонч ва эътиқодига айланиб қолмайди. Бунга ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида эришиб боради. Унинг қандай даражада одамларнинг ишонч ва эътиқодидан, турмуш ҳаётидан жой олиши бир қатор омилларга боғлиқ. Демак, унда ҳам муайян қонуниятлар амал қиласди. Миллий ғоянинг фан сифатида ўқитилиши, унинг ўзига хос предмети, обьекти, мақсад ва вазифалари мавжудлигини англатади.

Биринчидан, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар қатори «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг ҳам муайян билимлар тизими хос бўлганидек, унинг ҳам ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари мавжуд.

Иккинчидан, унинг барча бошқа фанлар қатори ўз предмети, обьекти ва мақсад ҳамда вазифалари бор. Аввало, ҳар бир фан олдида қўйиладиган умумий талаблар миллий ғояга ҳам бевосита дахлдор. Айни пайтда миллий ғоянинг жамият, халқ миллий маданияти негизлари асосида шаклланиш, ишонч ва эътиқодга айланиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунда ҳар бир инсон ёки шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг ўзига хос дунёқараси, шунга мос тафаккур ва ҳаёт тарзи, миллий онг, ўзлигини англаганлиги даражаси алоҳида ўринга эга. Миллий анъаналарга, тарихи, она тили, маданиятига бўлган муносабатда шаклланган ва мустаҳкамланган қалбдаги рухияти, эътиқоди, садоқати билан Ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари ўзининг ва миллатининг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилишда намоён бўлади. Шунингдек, ҳар бир инсонда умуминсоний қадриятлар бошқа халқлар ва миллатларнинг маданий ютуқларига ҳам ўзаро манфаатдорлик ҳамда миллий тараққиётида уни

мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қараш, баҳолаш кўникмалари, саъй ҳаракатлари орқали ўз ифодасини топади. Ушбу фаннинг предметини миллий маданий мерос ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабати миллий ғояни халқнинг ишонч ва эътиқодига айланиши «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари, уларнинг халқлар, миллатлар ва давлатлар тақдирига таъсирини ўрганиш ташкил этади. Миллий ғоя фанинг предметини фақат «ғоя ва мафкура» тушунчаларидан иборат деб қабул қилиш ушбу фанни тор доирада тушунишга олиб келади. Бу фаннинг предметини ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, унинг маъно-мазмунидаги ўзига хос жиҳатлари таъсир этиш қонуниятлари, маълум бир маконда ва даврда намоён бўлиш хусусиятлари, уни кўп миллатли давлатимиз фуқаролари онги ва қалбига сингдириш йўллари ҳамда услубларини аниқлаш ҳам ташкил этади.

Бу жараён, биринчидан, фан талаблари асосида, муайян андоза, тартиб ва қоидаларга, билим ва тажриба тизимиға шунчаки тушавермаслиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Унинг ана шундай хусусиятга эга бўлиши миллий ғоя кишиларнинг онг ва тафаккури, дунёқарashi, мақсад ва интилишлари миллий-маънавий меросга муносабатнинг ишонч ва эътиқодлари орқали жамият ҳаётида намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлик; Иккинчидан, миллий ғоянинг шаклланиши кишилар (халқ, миллат, авлодлар) амалий фаолиятида ҳамда ўзаро муносабатларида ишонч ва эътиқодга айланишининг намоён бўлиши «бир чизикли», ягона тартиб, меъёрларга осонликча тушавермайди. Айни пайтда фуқаролар, турли ижтимоий гуруҳлар ёки қатламлар, миллат ва элатларни ўзаро муштарак мақсадлар, ғоялар бирлаштириб турмас экан, улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам, миллий ғоянинг предмети умуман, ҳар қандай ғояларнинг шаклланиши унинг жамият ҳаётига таъсирини эмас, Ўзбекистоннинг миллий ғоянинг шаклланиши, мамлакатда кенг жамоатчиликнинг ишончи ва эътиқодига айланиши унинг миллий-маданий негизларини кенг жамоатчиликнинг онг ва таффакурига, интилишлари, хулқ атвори, кўникмаларига айланиши, ҳамда ижтимоий ҳаёт,

мехнат фаолиятида намоён бўлиш шарт-шароитларини, омилларини, қонуниятларининг, илмий-назарий асосларини ўрганишдир.

Миллий ғоя - мустақилликни қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзига хос ва мос тарзда ўз нуфузига эга бўлишига ундейдиган, халқни, миллатни жисплаштириб турадиган мақсадлар, манфаатлар мажмуидир.

Миллий ғояни ўрганишнинг обьекти аввало, Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, миллий-маданий ривожланиш хусусиятларини, қадриятларини ўзида қамраб олади ва унга асосланади. Шунингдек, унинг бунда халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, тили, маданияти, миллий-маданий мероси, унга одамларнинг муносабати, ишонч ва эътиқодлари, онг ва тафаккури, дунёқараши билан боғлик мақсадларини жамият ҳаётида намоён бўлишини таҳлил этиш ҳам муҳимдир. Шунингдек, фаннинг обьектини Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли ва миллий ривожланишнинг миллий-маънавий негизлари ва умумбашарий тамойиллар ташкил этади.

Миллий ғоя асосан дунё халқлари тажрибаси ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш янги йўналиши моделининг миллий-назарий асосларидир. Негаки, Ўзбекистон халқининг ўзига хос шундай миллий-маданий мероси ва қадриятлари мавжудки, мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила, халқ ва миллат уни ўз ҳаётининг барча жабҳаларидан чукур ўрин олиши муҳим. Улар орқали шу халқ, миллатнинг «ўзлигини», «борлигини» бошқа халқлар ёки миллатлардан фарқини англаб олиш мумкин. Шу хусусиятларни сақлаб қолинган ҳолда «Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан ривожланиши мумкин». Бунинг учун унинг ўз миллий ғояси жамият ҳаёти соҳалари билан ўзаро уйғунлашмоғи муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай ишонч, эътиқод, миллий ғуурланиш, ўзлигини намоён этиш ва қадрлаш туйғулари миллий ғояни халқнинг ишонч ва эътиқодига айланганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир. Ана шу ишонч ва эътиқод Ўзбекистон тараққиётининг кафолатидир.

Демак, миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойилига тўла тўқис мос келиши, демократик эркинликлар ва инсон хуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоҳанглиги билан ҳам инсоният тарихидаги қўпгина миллий ғоялардан фарқ қиласди.

Тўғри ривожланишга миллий қадриятларга таянмасдан ҳам эришиш мумкин. Ёки биз қадриятларга кўпроқ боғланиб қолмоқдамиз, қадриятларимиз эса бизни тараққиётимизга айрим ҳолларда туртки бериш ўрнида, ҳалақит ҳам қилмоқда дейдиганлар топилади. Бундай қарашлар қайси жиҳати билан тўғри келмайди, ёки уни қабул қилиш қийин деган саволлар доимий равища мавжуд бўлади.

Тараққиётга эришишнинг турли йўллари мавжуд. Айтилганидек «бирон бир андозани» қабул қилиб ҳам, халқ ёки миллат ўз тараққиётини унга мослаштириши мумкин! Лекин, халқ ёки миллатнинг миллий тараққиёти йўли тарихий анъаналари ва меросига тўғри келмасдан, бошқа халқнинг тарихий ривожланиш тажрибасини афзал кўрса, унинг ўзлиги қаерда қолади?

Миллий ривожланишида ҳар бир халқ тили, маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, қадриятларига бефарқ, лоқайд қараса ва истаган «турмуш тарзи», урф-одат, қадриятларини ўзи учун қабул қилаверса, ўз тараққиёт йўлинин йўқотиб қўяди. Бунга мустабид совет даври типик мисолдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ривожланиш андозасини эмас, ўзига хос ва мос ривожланиш йўлинин эътироф этиш миллий ғояга тўғри келади. Шу маънода, миллий ғояни халқимизнинг янги жамият қуриш борасидаги ҳаракат дастури дейиш мумкин.

Миллий ғоянинг асосий мақсади фуқароларни, кенг жамоатчиликни асосий ғоялари, мақсад ва йўналишлари билан Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлининг маъно ва мазмуни, миллий-маданий негизлари, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларда ишонч уйғотиш, уларни адолатли, демократик фуқаролик жамияти қурилиши мақсадларини амалга оширишга уюштиришда маънавий-рухий рағбатлантиришда намоён бўлади. Миллий ғоя фуқароларни ғоявий жиҳатдан тарбиялайди. Ғоя билан ғоянинг, фикр билан фикрнинг,

жаҳолатдан маърифатни фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фуқароларда миллий ғояга «зид» бўлган ёт ва бегона, зарарли ғоялардан сақланишга, унга нисбатан фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, унга нисбатан доимо тайёр бўла олиш «иммунитетини» шакллантиради. Миллий ғоя мамлакатнинг олдида турган улуғ, бунёдкорлик ишлари ундан кўзланган асосий мақсад инсонларни эркин ва фаровон ҳаётга эришиш, озод ва обод Ватан қуриш йўлида ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишга қаратилган. Миллий ғоя ҳеч қачон кишиларнинг онги ва дунёқарашини «бошқариш»ни, уларни яна аллақандай «қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас.. У фикрлар, ғоялар хилма-хиллигига асосланади. Эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва айтишга имконият яратади. Демак, миллий ғоя «ягона ғоя»га интилишдан мутлақо бегона бўлганлиги билан ҳам бошқа носоғлом ғоялардан фарқ қилади. Миллий ғоя воқеа-ҳодисаларни билиш, таҳлил этиш, баҳо бериш каби илмий, тарбиявий ва амалий вазифаларни ҳам бажаради.

Улардан энг муҳимлари:

- одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин фикрлашни шакллантириш;
- миллий тотувлик, ҳамжиҳатликни истиқболимиз йўлидаги энг катта ғоялардан ҳисобланиши носоғлом маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик деб аталадиган иллатлардан ҳоли этиш;
- ҳаётга энди қадам қўяётган ёш авлоднинг дунёқарашига янгича маъно ва мазмун баҳш этиш орқали унда фаол ҳаётй позицияни, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантириш;
- жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, кишилар онгига Ватан тақдирни учун маъсуллик, ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлаш;
- истибодод даври асоратлари, қуллик ва мутелик кайфиятларининг онгимизда, тафаккуримизда сақланиб қолаётгани сабабларини таҳлил этиш, уларни бартараф этиш йўлларини топиш зарурати билан боғлиқ вазифаларни

ҳал этишдан иборатдир. Демак, янгича фикрлайдиган, мутелик туйғусидан холи бўлган ўзлигини анлаган, авлод-аждодларини, маданий меросини яхши билган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш жамият мафкурасининг муҳим вазифасидир.

Ғоя тушунчаси ва унинг ижтимоий моҳияти

Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади. Инсон онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси - инсоннинг руҳий олами; иккинчиси - фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, дикқат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, хукм ва хулоса киради. Фалсафанинг азалий қоидаларидан бири-тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг энг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли - тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўzlар билан ифодаланади; аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўzlар воситасида англатилган тугал фикр гап деб аталишини биламиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, биринчидан, ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир. Иккинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган ўзида янгиликни ташувчи фикрдир. Учинчидан, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёsat пайдо бўлади. Бинобарин, **ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсули бўлсада**, лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин. Гояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Гоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Муайян ғоя одатда алоҳида олинган шахс онгидан шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлади. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларини санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти - инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак оламни барча шакллари - илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёsat ва хуқуқ-муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

1. Илмий ғоялар - фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари устувор қоидаларини ташкил қиласиган илмий фикрлардир.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

2. *Фалсафий ғоялар* ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўплаган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг баҳт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади¹.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илоҳиётчилари турфа хил ғоялар яратганлар.

3. *Диний ғоялар* деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади. Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган **политеизм** динлари вақти келиб **монотеистик** - яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса жаҳон динлари - христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақидалари, руқнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

4. *Бадиий ғоялар* - адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно – мазмунини ташкил этадиган, ундан қўзланган мақсадга хизмат қиласидиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001. 27-29 б.

етилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. «Қаҳрамон»ларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам шу асосда рўй беради.

5. Ижтимоий - сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади.

Ғояни субъектив аҳамиятига қараб, яъни кимнинг манфаатига хизмат килишига қараб, **синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар** ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум бир тарихий шароитда эзгу ҳаракатга ундейдиган ғоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ва инсон манфаатларига зид, тажоввузкор бўлиши ҳам мумкин.

Янги минг йилликда, халқимизнинг тараққиёт йўлида хилма-хил ва мураккаб муаммолар юз кўрсатаётгани, уларнинг мақбул ечимини топиш талаб этилаётгани кўрсатади. Бу эса асосан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратаБтган кишиларга, уларнинг ижтимоий кайфиятига, жамият ҳаётида намоён бўлаётган миллий, ижтимоий ва ҳаттоқи индивидуал манфаат ва эҳтиёжларни қай даражада қондирилишига боғлиқ. Зотан, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади»¹. Демак, ҳар қандай ғоя ва мафкура ўз-ўзидан тасодифий пайдо бўлмайди, балки у муайян мақсад, манфаатлар тизими жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шакли сифатида юзага келади.

Манфаат ва эҳтиёж бирлиги ишлаб чиқаришга ҳам, сиёсий жараёнлардаги ғоя ва мафкураларнинг шаклланишига ҳам бевосита таъсир ўтказади. **Эҳтиёж** бу, инсоннинг табиий, физиологик, психологик, моддий-

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 490.

иқтисодий, ҳуқуқий-мафқуравий ҳамда маънавий қондириши ёки рўёбга чиқаришга интилишининг мажмуудир. Киши эҳтиёжи маданий борлиқнинг манбаигина бўлиб қолмасдан, балки, унинг ажралмас тизими, яратувчиси, компоненти ҳамдир. Эҳтиёж манфаатни туғдиради, бунинг устига бир эҳтиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб қилиши ҳам мумкин. Манфаатлар турлича бўлади ва ўз белгиларига қараб бир-биридан фарқ қиласади, масалан, манфаат эгалари жиҳатидан шахсий, жамоавий, миллий, ижтимоий ва ҳ.к. манфаатлардан иборат. Жамиятдаги ҳар қандай интилиш, буюк мақсад ва ғоялар ўша давр эҳтиёжи туфайли юзага келиши файласуфлар томонидан таҳлил қилинган. Буюк аллома Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” китобида инсон - инсонсиз яшай олмайди, фаолият кўрсата олмайди, яхши кунларда ҳам, мусибатли пайтларда ҳам одам одамга ғанимат, деган улкан фалсафий, умумбашарий ғояни илгари суради¹. Ўз фикрини давом эттириб, “ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, - деб таъкидлайди аллома, - яشاши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”²

“Миллий манфаат – жамиятда яшаётган кишиларнинг ўзларини муайян миллатга мансуб деб билгани ҳолда бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат ўз миллий тараққиёти, урф-одати, анъаналарига садоқатни қарор топтириш, ўз миллий ва диний эътиқодларини қадрлаш, миллий давлатчилик тараққиётини таъминлаш, миллий ғоянинг ҳаётбахш тамойиллари асосида миллий ғурур, миллатлараро тотувлик ғояларини такомиллаштириш асосида ўзлигини англаш учун олиб бориладиган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуудир”³. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамиятнинг ўзига хос эҳтиёжи ва манфаати остида шаклланган ғоягина чинакам миллий ғояга айланади.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1983. –Б. 22-23.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1983. –Б. 186.

³ Мухтаров А. Миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги. Док.дис. Т.:2011

Мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти

Мафкура (арабча «мафкура» - назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) ва ғоя тушунчаларини айнан бир хил тушунча сифатида баҳолаш ноўриндир. Биринчидан, мафкура ғояга нисабатан мазмунан кенгроқ тушунчадир. Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар ботиний эмас, балки зоҳирий таркибда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш, жоиз. Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ғоя бу ижтимоий фикрлар мажмуи, мафкура эса ушбу ғояларни амалга ошириш жараёнидир.

Мафкура тушунчасини таърифлашда фалсафий адабиётлар ва луғатларда бир қанча фикрлар берилади. Мафкура тушунчаси ғарб оламида “идеология”(лот. .”idea” – ғоя ”logos”– таълимот) атамаси билан ифодаланади. “Идеология” атамасини фанга француз олими Дестют де Траси XIX аср бошларида олиб кирган. Унинг фикрича идеология, яъни мафкура - исталган ижтимоий фаолиятнинг асосида ётган ғоялар мажмуидир. У янги давр олимлари ғояларини муайян тизимга бирлаштириш мақсадида ғоявий таълимотга асос солади. Ғарб файласуфлари А. Грамши ва Д. Беллнинг фикрича, мафкура фалсафадан фарқли равишда ғояларни ижтимоий ҳаракатга ва амалиётга йўналтиради. Т. Парсонс жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизимини мафкура деб тушунади. К. Ленк ҳам мафкурани хукмронликни қонунлаштирувчи қадриятлар тизими сифатида баҳолайди. У. Матц фикрича мафкура дин асосидаги тамойилларга эга, лекин таркибида секуляризатив (диний мол-мулкни давлат мулкига айлантириш) йўналишлар тизимидан иборат. Сиёsatшунослар фикрича эса, мафкура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ягона ҳамкорликка бирлаштирувчи сиёsat

марказидаги умумий ечимлар мажмуи. Хуллас, мафкура тушунчасига турли даврларда файласуф олимлар томонидан берилган таърифлар шакл ва мазмун жиҳатидан ҳар хил бўлган. Уларнинг барчасида мафкура жамиятдаги муайян сиёсий, фалсафий, ҳукуқий, аҳлоқий, диний, бадиий, илмий қарашлар, фикрлар, ғоялар мажмуи сифатида асослаб берилади. Ғоявий таълимот сифатида вужудга келган мафкура(идеология) тарихий тараққиёт жараёнида ғояларни амалга оширувчи воситалар мажмуига айланади. Демак, мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг, жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимига айланади. Унда манфаатлари ифодаланган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Шу сабабли мафкуравий дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч эътиқоднинг асосини ҳам ғоялар ташкил этади.

Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади¹.

Янги давр файласуфлари мафкурани муайян элементлардан ташкил топади деб ҳисоблайдилар. Булар: мўлжал, эмоция ва хулқ-атвор. Ҳар қандай мафкура муайян мўлжалга эга бўлади, яъни мафкура аниқ бирон мақсад ва шу мақсад остида муайян самарани кўзлаган ҳолатда яратилади. Мафкура жамият аъзолари ёки бирон-бир индивиднинг ўзига хос эмоцияси, яъни ҳис-туйғулари асосида шаклланади. Мафкура остида ўзига хос жамоавий ёки индивидуал хулқ-атвор ҳам намоён бўлади. Хулқ-атвор мафкуранинг қандай тартиб қоидаларга асосланганлигини ифода этади. Юқоридаги мафкура элеменларида

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент. «Янги аср авлоди». 2001. 31-б.

жамоавийлик рухи мавжуд бўлса жамият юксалади, индивидуалликка асосланган ғоялар хукмрон бўлса жамият таназзулга юз тутади.

Шундан кўриниб турибдики, мафкура жамият барқарорлиги ва миллий тараққиётни таъминловчи ўта муҳим механизmdir. Бугунги кунда илм-фан равнаки, буюк қашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартириш билан бирга мафкура ривожига ҳам катта таъсир ўтказмоқда

Замонавий дунёда илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун жамиятга соғлом мафкура керак. Айнан шу асосда шаклланган мафкуралар бир қатор функциялар (вазифалар)ни бажаради. Улар қўйидагича:

➤ *интеграциялаштирувчи* функция, турли соҳа, қатлам, йўналиш вакилларини узвийликка мослаштиради, улар ўртасидаги ҳиссиётни ҳамда куч-ғайратни бирлаштиради. Мафкура жамият аъзоларини ҳамфирлилик ва бир бирини қўллаб қувватлаш учун ғоявий асос вазифасини бажаради.

➤ *йўналтирувчи* функция, мафкурада мавжуд ғоя ва қадриятлар тизими орқали ўз субъектларини ҳаракат қилишлари учун муайян мақсадлар сари йўналтириш вазифасини ўтайди.

➤ *таъсирчанлик* функцияси, жамиятда мавжуд турли соҳа, қатлам, дин, миллат ва жинс вакилларига мафкура бирдек таъсир кўрсатишга интилади. Уларни умумий қизиқишилар доирасига бирлаштиради.

➤ *тарбиявий* функция, мафкура жамият хулқ-авторини тартибга солувчи тегишли меъёр вазифани бажааркан, кишиларни маънавий тарбиясини юксалтиришга хизмат қиласи.

➤ *гносеологик (билиш)* функция, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг ўзаро сабабий боғланишлари ва дахлдорликларини аниқлаб, уларнинг келиб чиқиш генезисини, ривожланиш тенденциясини ва характеристикасини мантиқий изоҳлайди;

➤ *праксиологик* функция, миллий ривожланиш ғояларини амалиётга тадбик қилиниши, яъни жамият ғоявий-мафкуравий муносабатларни

ўзгартириш учун ижтимоий гурухлар ва сиёсий институтларнинг амалий фаолиятини мувофиқлаштиради;

➤ *прогностик* функция, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг мавжуд ҳолати, ривожланиш тенденциясини қиёсий таҳлил қилиб, унинг келажакдаги хусусиятлари ҳақида илмий фаразлар, хulosалар ишлаб чиқади.

➤ *ҳимоя қилувчи* функцияси, ижтимоий жараёнларни бирлаштириш билан бирга мафкура кишиларни муайян хавф хатарлардан ҳимоя қиласди, Уларга барқарор ҳаёт қуриш ва ўз ҳаётидан қониқиш ҳосил қилиш учун умид вазифасини ўтайди.

Инсоният тарихида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар, ўз ғоялари ва таълимотлари орқали, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун интилган. Мафкуралар, моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади.

Турли-туман ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таяниши, улардан назарий асос сифатида фойдаланиши мумкин.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари деганда унинг фалсафа илми хulosаларига асосланиши назарда тутилади. Бунда ҳар бир халқнинг ўзига ҳос фалсафий мероси, қарашлари, ғоялари уларнинг мақсадларида ўзининг иродасини топади. Шарқ ва Ғарб, дунё фалсафаси бунга мисолдир.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга ҳос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар, мажмуудан иборатдир. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялар дунёвий жамиятининг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари, жумладан виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади.

Мафкуранинг диний илдизлари - инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларига бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда ва

Упанишадлар, Инжил ва Куръон каби китобларда зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Ҳозирги даврга келиб мафкуранинг қуидаги шакллари намоён бўлаётганлигини кузатишимиз мумкин. Булар: анархизм, монархизм, тоталитаризм, консерватизм, либерализм ва демократизм мафкуралари.

Анархизм мафкураси бу жамиятда мавжуд тартибларни тан олмасдан, ҳокимиятсизликка интилиш билан характерланади. Анархизм индувидуализмдан тортиб бутун жамоавийликкача бўлган кенг ғоялар тизимини ўзида намоён этади. Шахсий манфаатларнинг жамият манфаатларидан устун қўйилиши ўзига хос тарзда анархизм таълимотида ҳам ўз аксини топган. Анархизм (юонча anarchia – бебошлиқ, ҳокимиятсизлик)-ҳар қандай давлат ҳокимиятини инкор этувчи таълимот бўлиб, XVIII асрнинг охири ва XIX асрда ғоявий оқим сифатида шакл-ланган. Анархизмнинг асосчиларидан бири инглиз олими Уильям Годвиндир (1756-1836). У “Сиёсий адолат ҳақида илмий иш” асарида жамиятдаги тенгсизлик ва адолатсизликнинг сабаби хусусий мулк эмас, балки давлат ҳокимиятидир, деб ёзади. Анархизм таълимотининг кенг тарқалишида француз маърифатчиси П.Прудоннинг ва рус анархисти М.А.Бакуниннинг таъсири катта бўлган. М.А.Бакуниннинг фикрича, давлат кишини киши томонидан эксплуатация қилинишини вужудга келтиради. У давлатни йўқ қилиш орқали эксплуатацияга сабаб бўлувчи ҳукуқий асослар ҳам барҳам топади, деган фикрни илгари сурган ҳолда, давлатга қарши кураш сиёсатини ишлаб чиқсан. XX асрда анархизм мафкураларининг ижтимоий тараққиётга зид эканлиги тасдиқланди. Бугун бу мафкурага эргашувчилар кўп эмас.

Монархия мафкураси, якка хукмронликка асосланган ғояларни устувор эканлигини тан оловчи, мутлоқ ҳоқимият тизимини бир киши томонидан бошқарилишини маъқулловчи ғоялар мажмуидир. Ушбу ғоялар Томас Гоббс (1598—1679) қарашларида ривожлантирилди. Гоббс монархияни — ҳокимиятни бошқаришнинг энг қулай шакли, деб хисоблади. Буни ўзининг „Левиафан” асарида инсонларнинг давлат пайдо бўлгунигача бўлган даврдаги

хаётини тасвирлаб, унда „хаос" ва „ихтилоф"лар хукмон бўлганлигини таъкидлайди ёки бу хукмонликни „хамманинг хаммага қарши уруш" холати сифатида қайд этади. „Ижтимоий келишув"га „хаос"дан чиқишидаги мухим йўл сифатида қаралади.

Тоталитаризм мафкураси XIX—XX аср сиёсий ғояларидағи йўналишлардан бири бўлиб, фуқароларнинг тўлиқ давлатга бўйсунишига асосланган мафкурадир. “Тоталитаризм” атамаси лотинча "totalitas" - тўлиқ, бутун деган маъноларни англатиб, биринчи бор ушбу тушунчани сиёсий лексиконга 1925 йили италиялик сиёсий етакчи Бенито Муссолини олиб кирган. Бироқ унинг мавжуд тамойиллари жуда узок тарихга эга. Тоталитаризм мафкураси тенглик, ижтимоий адолат, умумий манфаатларнинг устунилигига асосланган жамият хақидаги ғоя сифатида даставвал қадимги дунёда пайдо бўлган. Унинг негизида илк христиан жамоалари қурилган. Бироқ, унинг тамойиллари янги даврда Т. Мор, Т. Кампанелла, Р. Оуэн, Ш. Фурье, А. Сен-Симон асарларида назарий жихатдан ишлаб чиқилди ва ғоявий оқим сифатида шакллантирилди. Кейинроқ, XIX асрда тоталитаризм ғоялари пролетариатнинг мафкураси сифатида К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан асослаб берилди ва марксизм номини олди. Маркс таълимотига кўра, тенглик ва ижтимоий адолатни капитализм эмас, балки социализм ва коммунизм таъминлайди. Унга эса инқилобий йўл билан, пролетариат диктатурасини ўрнатиш орқали дунёning ривожланган мамлакатларида бирданига ўтилади. Аммо бу мафкура ўзининг устувор тамойили сифатида умуминсоний манфаатларни қабул қилмаганлиги учун ҳам жамият барқарорлигига путур етказади.

Либерализм – лотинча „liberalis" – озод, эркин сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, янги даврнинг биринчи тарихий ғояси сифатида вужудга келган. Унинг пайдо бўлиш тарихи Европадаги XVII—XVIII асрларда бўлиб ўтган буржуа инқилоблари даврига бориб тақалади, яъни либерализм феодал тартиблар ва христиан черкови хукумронлигига қарши олиб борилган курашлар жараёнида сиёсий таълимот сифатида шаклланган.

Либерализм таълимотимафкурасининг асосчилари англиялик Джон Локк (1632-1704) ва Адам Смит (1723-1790) хамда америкалик Томас Джефферсон (1743—1826) лардир. XIX асрда либерализм Англиядаги кучли ривожланди. Унинг ривожига бу ерда Милль (1806—1873), Гербет Спенсер (1820—1903), кейинроқ эса Джон Кейнс (1883—1946) лар катта хисса қўшдилар. Бу таълимот тараққиёти XX асрда „янги либерализм“ концепциясининг пайдо бўлишига олиб келди. Либерализмнинг ижтимоий фикр ва сиёсий оқим сифатида асосий принциплари инсон эркинлиги ва озодлиги бўлиб, либерализмнинг асосий қадриятидир. Унинг бошқа барча принциплари мана шу асосий қадриятдан келиб чиқсан ва булар қаторига қўйидагиларни киритиш лозим:

- инсон ўз эркинлигига таяниб жамиятда хаётий мақсадларини белгилаш ва фаолият йўналишини танлаш хуқуқига эга;
- у ўз фаолиятининг натижалари учун, фаровонлиги ва ижтимоий ахволи учун ўзи масъулдир.

Либерализм инсоннинг индивидуал эркинлигини унинг аввало сиёсий эркинлиги ва табиий хуқуқлари билан уйғун ҳолда тушунади. Бунда инсоннинг хусусий мулкка эгалик қилиш хуқуқига алоҳида эътибор берилади. Демак, индивидуал эркинлик аввало хусусий мулк эгасининг эркинлиги билан узвий боғлиқликда тушунилади.

Хуллас, либерализмнинг асосий идеали тенг хуқуқ ва имкониятларга эга бўлган фуқароларнинг жамиятидирки, ундаги хар бир инсон, агар меҳнатсевар ва ақлли экан, хаётда муваффақиятларга хамда ижтимоий тан олинишга, яъни хурматга эришиши мумкин.

Демократизм (юонча “demos” — «халқ» и “kratos” — «ҳокимият») — жамиятни бошқаруви хилма-хил фикрлар ва ғоялар устуворлигига асосланган мафкуравий тизимдир. Бунда барча тизим халқнинг назорати остида бўлади ҳамда халқнинг умумий тўхтами биргаликдаги келишишга асосланади. Демократик мафкуранинг бугунги кунда қўйидаги асосий тамойиллари мавжуд:

- давлат раҳбарининг халқ томонидан умумий овоз билан сайланиши;
- халқнинг қонун олдида тенглиги;
- жамият бошқаруви фақатгина халқ манфаатлари учун хизмат қилиши.

Ушбу мафкура таъсирида қўйидагилар олий қадриятга айланади: қонунийлик, тенглик, озодлик, эркинлик, инсон ҳуқуқлари ва бошқалар.

Чинакам демократия ақл-идрок учун жиддий синов, бой маънавиятнинг ўзига хос намойишидир. Демократия ўз ҳаётини ўз ақл-идроқига таяниб, ўз хоҳиш-истагига монанд қуриш имконини бериши билан ҳам жозибали. Демократия шахсга кенг эркинлик беради, бироқ шунга яраша катта масъулият ҳам юклайди. Демократия халқ иродасини ифода этади ва шахс салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай замин бўлиб хизмат қиласи. Халқнинг онглилиги, ўзини ўзи англаши эса демократияни қувватлантиради.

Башарият тарихи аксарият мамлакатларда жамиятни демократлаштириш жараёнлари узоқ муддат давом этганидан далолат беради. Шуни унутмаслик керакки, демократия ўрнатилмайди, балки яратилади. Шунуктаи назардан қараганда, айрим кучларнинг муайян давлатлардаги демократик жараёнларни сунъий равища тезлатишга уриниши ҳеч қандай назарий ва амалий асосга эга эмас.

Миллий ғоя тушунчаси,	Инсон тафаккурига таянган фан
унинг тузилиши ва	тараққиёти олам каби узлуксиз ва чексиздир.
намоён бўлиши	Бу жараёнда тасдиқланмаган, эскирган
	фикрлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Миллатлар ташкил
	топган даврлардан, миллий ғоя ва мафкуралар энг долзарб, сиёсий-ижтимоий,
	маънавий масала ҳисобланиб, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари
	бирлаштириб, оммани маънавий руҳият жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса
	қўшган¹.

¹ Рахимов С., Машарипов И. “Миллий истиқлол ғояси”. “Иқтисод-молия” - Т.: 2000, 12-бет

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-кувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суюнч деб билади. Журналист ва сиёсатшунос Нарзулла Жўраевнинг фикрича, “Миллий ғоя – миллий онг ва анъаналар, турмуш тарзи асосида шаклланади, умуминсоний қадрият даражасига қўтарилиган миллий манфаат атрофида онгли равишда ақл-идрок йўриғи билан жиспешсан ғоягина миллий мафкурага айланади”¹.

Адабиётшунос олим Султонмурод Олим “Миллий мафкура – моҳиятан миллий ғояга етиш йўли. Миллий ғоя назария бўлса, миллий мафкура амалиёт ёки миллий ғоя – стратегия, миллий мафкура – тактика”² деган нуқтаи назарда туради.

Миллий ғоя ва мафкуранинг у ёки бу жиҳатларини тадқиқот обьекти қилиб олганлар ҳам, миллий мафкурага муайян қарашлар, ғоялар тизими ёки мажмуаси сифатида ёндашадилар.

Кейинги йилларда бу соҳада билдирилган турлича фикрларни маълум маънода синтези ҳисобланган Абдувоҳид Очилдиевнинг фикрича, миллий ғоя ҳақида шундай таъриф берилади: “Миллий ғоя – миллий ҳаётни уюштириш, миллатни бирлаштириш, унинг истиқболини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, миллатни миллат сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишига хизмат қиласиган ва демакки, ўзга миллат ва элатларни ўзига хос эҳтиёжларига ҳам ҳурмат руҳи билан суғорилган ғоявий назарий қарашлар тизимиdir.”³

¹Жураев Н. Мафкуравий иммунитет. Т., «Маънавият» нашр., 2000, 5-бет

² Султонмурод Олим. Миллий мафкура – халқ таянадиган куч. Т., «Маънавият» нашр., 2000, 5-бет

³ Ачилдиев А.С. Миллий истиқбол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Автореферат, Т., 2004 йил.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”¹.

Истиқлол қўлга киритилгандан кейинги ўн йилликда миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишига ҳаракат қилинди. Шу мақсадда ижтимоий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик эътиборини ана шу муҳим масалага қаратилди. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили, авваламбор, мустақилликни араб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйилди ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди.

Табиийки, миллий ғоя шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови – бу тинчлик ва осойишталиқdir. Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йифин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталиқни сўраб дуо қиласиз.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 71 б..

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган ғоялар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини ўзимизга тасаввур қиласиз.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизнинг зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига күтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча – Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас. Ана шундай мантикий хулосадан келиб чиқкан ҳолда, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир. Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уй-жойли қилиш, уларнинг баҳту камолини кўриш орзузи билан яшайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизнинг ана шундай орзуумидларини рўёбга чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар – табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий ғоямизга қайси томондан таъриф ва баҳо бермайлик, халқимизни бирлаштирадиган бу олий мақсадлар асрлар

давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-умид ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Эндилиқда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиласиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно – моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқарааш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, “миллий ғоя” деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, мана шу табаррук диёrimiz – Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Академик Эркин Юсупов ғоя ва мафкура умуман инсоният ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда шаклланишини таъкидлаб, миллий ғоя ҳақида бундай фикр билдиради: “Миллий ғоя – этник илдизлари, тарихи, тили, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, қадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омилdir.”¹

Ҳозирги даврда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураш миллий мафкуранинг бош ғояси сифатида талқин этилмоқда. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг асарларида илгари сурилган ва аниқ равшан

¹ Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтиомий-тарихий илдизлари, ахамияти. Чимкент. 2001 й., 37-бет

ижтимоий мақсадлар ифодаси бўлиб, бу ғоянинг ҳақлиги кишиларда ишонч руҳини қарор топтириш, бу жараёнда ушбу ғояни халқ оммаси маслагига айлантириб, қудратли ижтимоий ҳаракатни юзага келтириш, миллий мафкурада устувор йўналиш бўлиб туриди.

Нега айнан қатор ижтимоий мақсадлар ифодаси бўлган ушбу ғоя бош устувор бўлиши назарда тутилмоқда? Бизнинг фикримизча, ўзбек ва қорақалпоқ миллатларидан ташқари яна 130 дан ортиқ бошқа элат намояндалари Ўзбекистонни ўз ватанлари деб ҳисоблашади. Бинобарин, уларнинг барчаси шу мамлакатни озод бўлиши, чет давлатларга қандайдир шаклда қарам бўлиб қолмаслигидан манфаатдордир. Фақат мамлакат озодлиги шароити муҳитидагина улар ўз ватанлари деб билган Ўзбекистон обод бўлишини англайдилар. Обод Ватан шу жойда яшаётган барча кишиларни маромли турмуш кечиришлари учун кафолатдир. Эркинликни, фаровон турмуш кечиришни қўмсовчи биронта ҳам одам топилмаса керак. Зоро, фақат умумий эркинлик ва фаровонлик шароитидагина ҳар бир одам баркамол шахс бўлиб шаклланиши мумкинлигини билади. Демак, айнан республикамизда ҳозирги тарихий шароитда юқоридаги ғоя бош устувор ғоя бўлиши бу – мамлакатда яшаётган барча миллат намояндалари учун тушунарли бўлиб, уларни умумий ижтимоий мақсадлар сари жиспластирадиган, бирлаштира оладиган ғоя ҳисобланадики, миллий мафкура воситалари, йўллари, услублари орқали бу ғояга ишонч руҳи индивидларга сингдирилмоқда. Эндиликда шу йўналишда ғоявий таъсир кўрсатиш, кишиларда миллий истиқлол ва тараққиётга зид бўлган бегона ғояларга қарши курашда миллий мафкура самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб туриди.

Ватан равнақи ва юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик – миллий мафкурани асосий ғоялари сифатида талқин этилмоқда. Масалани айнан шу тахлитда қўйилиши фақат ижтимоий мақсадни ифодалайди ва аслида бош ғояда илгари сурилган мақсадларни маълум маънода такрорлайди (Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро ҳамжиҳатлик,

озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураш ғояси юқоридаги мақсадларни ўз ичига қамраб олади).

Масалага социологик асосда эмас, балки фалсафий нұқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун курашни соф миллий ғоя деб бўлмайди. Чунки, Ватанини озод ва обод ҳолда кўришни истамайдиган, шу мақсад учун курашмайдиган жаҳонда биронта миллат топилмаса керак. Сўнгра, эркин ва фаровон ҳаётни қўмсайдиган, бинобарин, шунинг учун курашмайдиган миллатни миллат деб бўлмайди. Бу фикрлардан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадики, бугунги тарихий вазият тақазоси билан миллий мағкурамиз учун танлаб олган бош ғоямизда умуминсоний, умумбашарий ижтимоий мақсадлар етакчи ҳисобланади. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг фикрича, “одамларни минг йиллар давомида шаклланган дунёқарashi ва менталитетига асосланган, айни пайтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва уни дунёдаги ўрнини аниқ равshan белгилаб беришга хизмат қиласадиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида кўприк бўлишга қодир бўлган”¹ ғоягина маънавий куч сифатида қарор топади.

Шундай қилиб, юқоридаги билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики: “Миллий ғоя – турли синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларидағи умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни, халқнинг орзусини акс эттирувчи ғоядир. Ушбу сифатда у миллатнинг жипслигини таъминловчи, ўзлигини англатувчи маънавий омилдир.²

Миллий ғоя миллий онг ва тафаккур маҳсули ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши натижасида миллий ўзликни англаш юзага келади. Миллий тафаккур миллат ҳаёт тарзи, хусусиятлари ва фаолияти, унинг мақсадлари ва манфаатлари негизларининг миллий онгидаги намоён бўлишидир.

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил. 420-бет

² Рахимов С., Машарипов И. “Миллий истиқлол ғояси”. “Иқтисод – молия” - Т.: 2005 йил.8-бет

Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидаги кўрсаткичи бўлса, миллий ўз-ўзини англаш манфаатларни ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-рухий салоҳиятидир.¹

Аслида миллий онг, миллий тафаккур ва миллий ўзликни англашдан иборат бўлган учликка амал қилмаган уни ўзида акс эттиргмаган ёхуд уни ривожлантиришга ва мустаҳкамланишига йўналмаган ғоя ўзига миллий ғоя мақомини ҳам олаолмайди. Чунки, ана шу учликнинг миллат мавжудлигининг ҳам реал ифодаси ҳисобланади. Миллий ғоя миллий онг ва миллий тафаккурнинг олий кўриниши, унинг реалликка айланишининг белгиси ҳисобланади. Уларнинг ўзаро таъсири натижасидагина миллий ўзликни англаш омили шаклланади ва миллатнинг «мен»и юзага келади. Шунинг учун ҳам уларни ўзида акс эттириш миллий ғоянинг бош тамойили ҳисобланади.

Миллат ўз-ўзидан шаклланмайди, балки у жамият тарихий тараққиётининг мевасидир. Унинг тўлақонли миллат мақомига етиши учун ҳар бир этник бирлик, миллий тилнинг, маданият, урф-одат, анъаналар, қадриялардаги ўзига хослиги, миллий ўзликни англашнинг шаклланганлиги лозим.²

Ана шу ўзига хослик орқали миллий ғоя намоён бўлади. Миллий ғоя ўзига хосликни мустаҳкамлайди, ва унинг миллат вакиллари дунёқарашига айланишида асосий омил бўлиб хизмат қиласида. Бу жараён ўз навбатида миллий тотувлик, ҳамжиҳатликнинг вужудга келишига олиб келади.

Шу маънода унинг энг муҳим тамойили миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги ҳисобланади.

Миллий манфаатлар миллий ғояда мустаҳкам ифодаланган бўлсагина миллий ҳамжиҳатлик мустаҳкам бўлади ва миллат барқарор тараққиётга эришиши мумкин бўлади. Шу маънода ҳам миллий ғоянинг қудрати миллий манфаатларни тўлақонли ифодалаши билан белгиланади.

¹ Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-рухий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 27-бет.

² Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-рухий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 163-бет

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, унинг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожланишига асос бўлиши ҳисобланади. Улар миллатнинг ўзига хослигини энг юксак даражада ифода этади. Унинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши миллий ғояга боғлиқ бўлади.

Миллий ғуур, ифтихор ва маъсулият каби туйғуларнинг шаклланиши ҳам миллий ғоя билан боғлиқдир.

Миллий ғуур ҳар бир инсоннинг миллат вакили сифатида ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти ҳисобланади. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўз Ватанининг тараққиётда эришган ютуқларидан, миллатининг ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан руҳининг кўтарилиш ҳиссиётдир.

Миллий ифтихор ҳар бир миллат вакилининг ўз миллатининг, тараққиётнинг барча йўналишларида эришган ютуқларидан фаҳрланиш, хурсанд ва шодланиш кайфияти ҳисобланади.

Миллий маъсулият эса ҳар бир миллат вакилининг ўз миллати бугунги, эртанги куни ва истиқболи учун ўзини даҳлдор эканлигини ҳис қила билишдир.

Бу туйғулар негизида миллий ғоя туради. Унинг асосий вазифаси ҳам ана шу туйғуларни шакллантиришга йўналганлиги билан белгиланади. Чунки, улар ҳар бир миллатнинг тараққиётга эришиш ва юксалишида асосий омил булади.

Инсоният ақл заковати юксалиб бораётган, унинг олдида ечиш мураккаб булган глобал муаммолар қўлами кенгайиб бораётган ва дунёда барча мамлакатларда халқлар биргалашиб яшашлари авж олиб бораётган бугунги кунда миллий ғоя тор манфаатлар эмас, балки мамлакатда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини ифода этиши ва уларда ягона Ватан туйғусини шакллантиришга хизмат қиласи. Албатта, Ватан туйғусини шакллантириш бу ҳар бир миллатга хос булган хусусиятларнинг барбод бўлишига эмас, балки

умумхалқ руҳиятининг шаклланишига олиб келади. Ягона Ватан руҳияти на факат мамлакат номи билан аталувчи миллат вакилида, худди шунингдек, унда яшаётган ўзга миллат ва элат вакиларида ҳам Ватанпарварлик, унга эгалик қилиш, унинг истиқболи олдида маъсуллик каби ҳиссиётиниң шаклланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя бугунги кунда бир миллат доирасидан умумхалқ доирасигача бўлган манфаатларни ўйғунлаштиришга асос бўлмоқда.

Назорат саволлари:

1. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани нимани ўрганади ва унинг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Ғоя ва мафкура тушунчалари моҳиятини шарҳланг.
3. Миллий ғоя деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий ғоянинг умуминсоний мазмуни нимадан иборат?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Миллий ғоя ўрганилишининг сабаблари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти
2. Ғоя ва мафкураларнинг мазмун моҳияти.
3. Мафкуранинг асосий функциялари ва шакллари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008

6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010

8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003

2-МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари.

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари. Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни кўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти ижтимоий-иктисодий, сиёсий маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй берадиган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган холда уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий - сиёсий кучлар фаолиятида содир бўлган турли мазмундаги ҳодиса ва жараёнлар, айниқса ғоявий ҳамда мафкуравий омиллар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу – интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий

юксакликка эришиши қийин. Айрим ёвуз кучлар таъсир ўтказиш орқали ўзғаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли барча даврларда инсон ва жамият ўз мақсад муддоаларини ифода этадиган манфаатига зид бўлган заарли ва бегона ғояларга қарши туради. Ҳар бир халқ, миллат ва жамият ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиётини таъминлашга ёрдам берадиган муайян ғояга эҳтиёж сезади.

Бинобарин, ғоя муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддаолари, манфаатлари замирида шаклланади ҳамда такомиллаша боради. Миллий ғоя ҳам миллат манфаатларини, халқнинг орзу-истакларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзининг ҳаётбахш ғоялари, буюк мақсадлари билан ўз куч ғайрати, ақл-заковати ва ҳатто ҳаётини, буюк ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қиласди.

Инсоният тарихидан маълумки, ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, қабила жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврларда ёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилган. «Чунки, мафкура - жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»¹, деб таъкидлайди Биринчи Президент И.А.Каримов. Дарҳақиқат, барча даврларда ҳар бир давлат, халқ, инсон ва жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси бўлган. Чунки инсоннинг, жамиятнинг, халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундейдиган ғояси ва мафкураси бўлмаса у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ғоя ва мафкура инсон ва жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани,- деб ёзган эди Биринчи Президент И.А.Каримов, - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг рухини, ғуур-ифтихорини, керак бўлса қурдатини, орзу-интилишларини

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

мужассам-лаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин»¹.

Миллий гоянинг туб мазмун-моҳиятини аниқлашда ғоя ва мафкуралар шаклланиб, ривожланишининг тарихий давр ва босқичларини таҳлил қилиш мухимдир. Гап шундаки, совет мустабид тизими даврида ғоя ва мафкуралар ривожланиш тарихини даврлаштириш тарихни даврлаштириш билан бир хил амалга оширилди. Бунда формацион ёндошувга амал қилинди.

Маълумки, формацион ёндошув асосида инсоният тарихи: ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм формацияларидан иборат, деган ақидага амал қилинди. Бу ёндошувнинг хато жиҳатлари эса қуидагилардан иборат эди:

- ✓ Ҳар бир даврни ўрганиш синфиийлик, партиявийлик тамойиллари асосида олиб борилди.
- ✓ Цивилизацион ёндошув мутлақо инкор этилди.
- ✓ Тарихни даврлаштиришда хукмрон сиёсий-мафкуравий куч манфаатлари ҳимоя қилинди.

Мазкур ҳолатга биноан совет мафкураси формацион ёндошув асосидагина ўзининг яшовчанлигини таъминлаши мумкин эди. Шу ўринда Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг қуидаги фикрлари жуда ўринлидир: «Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали бутқул халос бўла олганимиз йўқ»¹

¹ Каримов И.А. Миллий исстиқол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 89.

Демак, умуман тарихни, шу жумладан ғоя ва мафкуралар тарихини даврлаштиришда умумийлик мавжуд. Ҳозирги кунда тарихни синфиийлик, партиявиийлик каби тамойиллар асосида ўрганиш ва даврлаштириш инкор этилгани каби, уларни цивилизацион ёндашув асосида ўрганиш ҳам аниқ бўлиб қолди. Цивилизацион ҳодисаларни комплекс-тизимли ёндашув асосида ўрганиш бизга ғоя ва мафкураларнинг ривожланиш тарихини даврлаштиришда тўғри йўл танлашга имкон бермоқда.

Агар масалага шу асосда ёндашадиган бўлсак, унда Ўзбекистонда ғоя ва мафкуралар ривожланишини қуидаги цивилизацион ёндашув асосида ўрганиш мумкин:

1. Ибтидоий (антик) давр;
2. Уйғониш даври;
3. Хонликлар даври
4. Чор Россияси мустамлакачилиги даври;
5. Миллий мустақиллик даври.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий тараққиётининг ўша босқичини ўзида мужассам этган ғоялари мавжуд бўлган. Масалан, ибтидоий жамиятда инсон ёввойиликдан маданийлашишга ўта бошлади, табиат сирларини ўрганиб ўзининг инсон эканлигини ҳис этиш билан боғлиқ ғоялар юзага кела бошлади.

Ўрта асрлар даврида эса ибтидоий жамият пайтида шакллана бошлаган миллий давлатчилик янада такомиллаша борди, халқнинг шаклланиш жараёни рўй бера бошлади, маданият ва санъатда ўзига хослик юзага келди ҳамда бу маънавий ҳаётдаги миллийлик сифатида пайдо бўлди. Умуман миллий ғояларнинг юзага келишида бу давр ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, ўрта асрларда Ўзбекистонда буюк Шарқ Уйғониш маданияти, Шарқ Ренессианси юз берди. Айни пайтда, бу даврда юртимизга ислом дини кириб келиши натижасида мусулмон маданияти шакллана бошлади. Табиий, илмий фанлар билан бирга диний таълимот ривож топди. Ушбу даврнинг асосий ғояси эса баркамол инсонни тарбиялаш ва адолатли жамият қуришдан иборат бўлди.

Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улугбек кабиларнинг илмий меросида, Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг диний таълимотларида қўтарилиган асосий ғоялар муштарак бўлиб, уларда миллий ғоянинг муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мустамлакачилик ва совет мустабид тизими давридаги норасмий ғоя ва мафкураларнинг мазмунини асосан мустақиллик ғояси, Ўзбекистонни том маънода истиқололга эришишга йўналтирувчи ғоялар ташкил этганлигини ҳам қайд этиш лозим. Умуман, ғоя ва мафкуралар ривожланишининг тарихий босқичларини ёритишда цивилизацион ёндашиш миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етишга имкон беради.

**Халқ маънавий-маданий
қадриятларида миллий ғоя ва
мафкуранинг ифодаланиши.**

Миллий мафкурамизнинг маъно-
мазмунини белгилайдитан асослардан
бири – бу халқимизнинг қадимиј ва бой
тарихидир. Чунки тарих – буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар
берибина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундейди. Она
заминимизда бундан неча асрлар аввал яратилиб, то ҳануз юртимизга кўрк
бағишилаб турган қадимиј обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак
салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналари ҳакида, Ватанимизнинг
шонли тарихи тўғрисида тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда
яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғуур-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Миллий мафкурамизнинг фалсафий негизларини, аввало, ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, диний, афсонавий қарашлар, дунё фалсафаси дурдоналари белгилайди. Қадимги юонон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқда тутган ғоявий устозларини, «Авесто»дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафаккур бешиги» деб таъриф берган эди.

«Авесто»да ифодаланган фалсафий тамойиллар ва миллий ғоялар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, халоллик,

мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказади.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси худудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам хайратда қолдиришига яна бир карра амин бўламиз.¹

“Авесто”даги ижтимоий адолатга йўғрилган, ғоят инсонпарвар қарашлар нафақат инсон, балки бутун борлик, тупроқ, ҳаво, сув, коинот, юлдузлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар яхлит оламининг ўзаро муносабатлари орқали инсон маънавий-ахлоқий меъёрларини ilk бор ишлаб чиқди. Инсон фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва муносабатларининг қонуниятларини дастлабки кўринишларда, аммо қийматини йўқотмайдиган даражада юзага келтирди. Худди ана шу умуминсоний, дунёвий ғоялар орқали “Авесто”нинг тарихий ҳодиса сифатидаги моҳияти белгиланади. “Авесто”да сув, замин, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. “Ўт-ўланлар ҳамда мевали дараҳтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир”, - деб таърифланади ушбу асарда. Ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар “400 қамчиuriш жазосига” гирифтор қилинарди. Бундай жазоларни қўллаш ўз-ўзидан

¹ Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Тошкент “Маънавият”- 2008, 31-бет
39

кишиларда она заминга бўлган азалий мухаббатни, Ватан равнақи учун чин дилдан ҳаракат қилғанликларини англатади. Ушбу асарни мутолаа қилас экансиз, ҳозирда миллий мафкурамизга асос қилиб олинган Ватан равнақи тушунчаси қон-қонимизга сингиб кетганини ҳис этишингиз мумкин.

"Авесто"да талқин этилишича, инсонда олий мавжудот сифатида меҳнат қилиш, моддий неъматлар яратиш ва ишлаб чиқариш қобилияти мавжуд. Одамзод бу қобилиятни ишга солмас экан, у инсоний қиёфасини йўқотади, вахшийлашади, ёвузлашади. Шу боис хам меҳнат инсон баркамоллигининг асосий шарти ҳисобланади ва унинг маънавий ҳулқ-авторини баҳолашда ўлчов мезони бўлиб, хизмат қиласди. Ноз-неъматлар мўл бўлиши учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий бойлик яратиши зарур. Бинобарин, Зардушт таълимотига кўра, дехқончилик меҳнати эзгулик намоён бўлишининг асосий шаклидир. "Кимда-ким буғдой экса, у Ашахни (Ҳакикат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру- ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қиласди", дейилади зардуштийлик таълимотида.

"Авесто"нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги миллий ғоямиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

Бундан уч минг йил бурунги одамлар тасаввуридаги илк ўзгаришлар бевосита "Авесто" орқали умуминсоний қадриятлар мақомини эгаллади. Жумладан, "Авесто" турли қабилалар, гурухлар ўртасида мавжуд бўлган кўпхудолиликка нуқта қўйиб, яккахудолик ғоясини илгари сурди. Бу бевосита диний таълимотда инсон қандай гурух, уруғ, қабила ёки миллатга мансуб бўлмасин, ер юзининг қайси худудида яшамасин, у ёлғиз Аллоҳнинг бандаси ва ягона Аллоҳ унинг асррагувчисидир, деган ғояга олиб келди. Яккахудолик

орқали “Авесто” турли қабила ва уруғларни ягона эътиқод, ягона маслак ва ягона ғоя орқали бирлаштириб, умумий манфаатлар атрофида жипслashiшига даъват этди.

Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Тўмарис Ўрта Осиё ахолисининг чет эл босқинчилари тажовузига қарши олиб борган мардона курашининг асл ифодасидир. У ҳақида яратилган афсона эпоснинг тарихий афсона жанри деб аталади. Тўмарис афсонасидаги воқеалар Ўкуз (ҳозирги Амударё) дарёси қирғоқларида рўй берган. Эрамиздан аввалги VI асрда бир неча мамлакатларни истило қилган аҳамонийлар (Ерон) шоҳи Кир (Кировуш) Ўрта Осиёга бостириб киради. Ўрта Осиё ахолиси, айниқса, Тўмарис бошчилигидаги массагет қабилалари Кирга қарши мардона кураш олиб борадилар. Кир қўшини енгилади ва унинг ўзи милоддан аввалги 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади. Шу воқеалар тарихий афсона “Тўмарис” эпоснинг мазмунини ташкил этади. Афсуски, бу асарнинг асли бизгача етиб келмаган, унинг мазмuni юонон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китоби орқали етиб келган. Тўмарис бизгача етиб келган афсоналар орасидаги энг қадимги аёллар тасвиридир. Атоқли оlima Фозила Сулаймонова юононлар Тўмарис деб атаган бу қаҳрамонни Тумор деб номлади. Миркарим Осим қадимги афсонани қайта ишлаш асосида “Тўмарис” номли ҳикоясини яратган. Унинг шу номли ҳикояси тўй тасвиридан бошланади. Афсонада Кирнинг Крез исмли маслаҳатчиси доно бўлиб, шоҳга: “Хотин кишидан енгилсанг, чираб бўлмас номусга қоласан” деган гапларни айтади ва хийла ишлатишга чақиради. Бу хийла натижасида Тўмарис фарзандидан айрилса ҳам, Кир қўшинини енгади. М.Осимнинг ҳикоясида Тўмарис “Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган оғзингизни қум билан тўлдирав эдим. Бошимиздан зар сочганларингда ҳам биз эркинликни қулликка

алиштирмаймиз” дейди. Элчи маликани Эрон шоҳининг ҳаёти билан солиштиради: “Шуям малика бўлди-ю, ўз фуқаролари билан ёнма – ён ўтириб овқат ейди, соchlари ўсиб елкасига тушган, йилқичилар қўл чўзиб, унинг олдидан ёғлиқ гўштни олиб ейдилар, на остида олтин тахта бор ва на бошда тожи”. Бундан кўришимиз мумкинки, қадимда ҳам бизнинг юрт аёллари, хатто хукмдорлари ҳам соддадил, андишали, ориятли ва садоқатли бўлганлигига яна бир бор амин бўламиз. Тўмарис ҳақиқатда жасорат ва матонат намунасиdir. У хаттоки, фарзанди асирга тушган вақтда ҳам ватанига садоқат ила аввало ҳалқ манфаатини ўйлаб қарор қабул қилади. Ўз шижаоти билан ғанимга қарши мардонавор кураш олиб боради ва уни(форс хукмдори Кирни) ҳалок этади.

Қадимий афсоналардан яна бири бу Широқ ҳақидаги афсонадир. “Широқ” афсонаси ҳам тарихий воқелик заминида вужудга келган. Широқ – Ватан учун жонини берган қаҳрамонларнинг энг дастлабкисидир. Эрон шоҳи Доро I (522-486) Ўрта Осиёга бостириб киради ва бу ердаги қабилаларни талашни давом эттиради. Ўрта Осиёда яшаган қабилалар ўз мустақилликларини тиклаш учун Дорога қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Масалан, 513 йилда Сак (шак) қабилалири катта қўзғолон кўтарган. Шу кураш “Широқ” афсонасига асос бўлди. Бу асаннинг асли сақланиб қолмаган, унинг мазмuni юони тарихчиси Полиенning (ер. Авв. II аср) “Ҳарбий ҳийлалар” китобида баён қилинади. Афсонада чўпон йигит Широқ ҳийла ишлатиб Доро (Дарявуш) қўшинини ҳалок қилади ва ўзи ҳам қурбон бўлади. Ҳикоя бош қаҳрамони Широқ тимсолида ўз ватанига садоқат, юксак ватанпарварлик тараннум этилган. Миркарим Осим Широқ образини бадиий таъсирчан қилиб тасвиrlашга эришган, Широқ ҳақидаги яна Явdot Илёсов “Холхол ўлим” қиссасини, Мирмуҳсин “Широқ” достонини, Спаретри ҳақида Маҳкам Маҳмуд “Шаклар маликаси” ҳикоясини ёзган.

Широқ тимсоли бу бутун ҳалқ қонида мавжуд бўлган ўз она заминига, оиласига ва ҳалқига садоқат, унинг тинчлиги учун жонини ҳам фидо қила олиш, ўз ватанига бўлган муҳаббат аксиdir. Биз бундан чуқур мулоҳазалар

яратишимиз, бугунги кунимиз учун шукроналар келтиришимиз ва ватанпарварлик туйғусини юрак-юракдан ҳис этишимиз даркор.

Шу маънода, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшигидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳакгуй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўргонини кўриқлашга, дўсту ёrimизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг мукаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан химоя қилишга ўргатади.

Бир пайтлар, аниқроғи, ўттан асрнинг 50-йилларида, миллий меросимизнинг кўпгина намуналари каби, «Алпомиш» достони ҳам миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағонга учраган эди. Ўша оғир йилларда фидойи зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб, уни сақлаб қолишга муваффақ бўлганликларини бугун миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътиқодидек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз «Алпомиш» достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт.

Чунки «Алпомиш» достони ижодий тафаккуримиз, маънавий бойлигимизнинг ёркин намунаси бўлиб, тарихий илдизларимизнинг қанчалик чуқур экани, халқимиз қандай табиий-ижтимоий мухитда шаклланиб, ривожланганини, аждодларимизнинг олис даврларда ҳам жамоа бўлиб, бир-

**Шарқ ва Марказий Осиёда
ғояларнинг намоён бўлиши,
уларнинг гуманистик моҳияти.**

бирига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган кийинчиликларни биргалиқда

енгиб яшаганини ёркин буёқларда тасвирлаб беради.

Ўрта асрлар даврида эса ибтидоий жамият пайтида шакллана бошлаган миллий давлатчилик янада такомиллаша борди, халқнинг шаклланиш жараёни рўй бера бошлади, маданият ва санъатда ўзига хослик юзага келди ҳамда бу маънавий ҳаётдаги миллийлик сифатида пайдо бўлди. Умуман миллий ғоянинг юзага келишида бу давр ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, ўрта асрларда Ўзбекистонда буюк Шарқ Уйғониш маданияти, Шарқ Ренессианси юз берди. Айни пайтда, бу даврда юртимизга ислом дини кириб келиши натижасида мусулмон маданияти шакллана бошлади. Табиий, илмий фанлар билан бирга диний таълимот ривож топди. Ушбу даврнинг асосий ғояси эса баркамол инсонни тарбиялаш ва адолатли жамият қуришдан иборат бўлди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек кабиларнинг илмий меросида, Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг диний таълимотларида қўтарилиган асосий ғоялар муштарак бўлиб, уларда миллий ғоянинг муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Миллий ғоянинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланган миллий ўзликни англашни, тарихий хотирамизни ислом динисиз тасаввур қилиш қийин. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Элимизга тўғри исломни тараннум этиш - жуда катта тарбия”, “Ислом динини тўғри ташвиқот қила олсак, халққа етказа олсак, бошқа давлатларда Ислом динини ўзига ниқоб қилиб, бошқа йўлларга юраётган болалар, шу терроризм, диний ақидапарастлик каби нарсалар бизга ёт бўлиши керак”. Дарҳақиқат, ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатdir. Марказий Осиёда ислом динининг руҳан ўзига хослиги шундан иборатки, унда аждодларимизнинг қадимий қадриятлари мужассамлашган, миллий ва диний қадриятлар бирлашган. Ислом - бу фақат дингина эмас. Миллий фалсафамиз, унинг барча йўналишлари инсон баҳт-саодати идеали атрофида ривожлана борган. Бу идеал диндан кенгроқ кўламли бўлган. Унда диний ва ижтимоий мулкий тенгсизликларни, қарама-қаршилик

ва зиддиятларни йўқотиш, улар ўрнини ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик эгаллаган ижтиомий турмуш орзу қилинган.

Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир.

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга кўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида «муҳаддислар султони» дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами - «Ал-жомеъ ас-саҳих» китоби ислом динида Куръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, ахли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаvvар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда.

Яна бир улуғ ватандошимиз - Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият қасб этиши билан эътиборга моликдир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо - Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Оллоҳнинг буюк марҳамати бордек,

бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради. Ул зот асос солган мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шуҳрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилик, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди. Ўзининг бекиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом хуқуқшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурҳониддин Марғинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида «Бурҳониддин ва миллат», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат «Ҳидоя» - «Тўғри йўл» деб аталган асари, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас.

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азизавлиёларимиз орасида Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.

Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир давринг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, bemisл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Масалан, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани умуминсоний таракқиёт ривожида қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бугунги қунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирас эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади.

Яна бир улуг аждодимиз - Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқарashi ва маънавиятининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди. Унинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум. Алломанинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» номли асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилгани ҳам бу фикрнинг далилидир.

Европада Аль-Фраганус номи билан машҳур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожидаги нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда

Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз - Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улутбек номи билан аталади.

Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райхон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс хиссаси билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу боис ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида турмуш қийинчиликларига дучор бўлган, аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан, эътиқодидан қайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига нақадар содик бўлганидан далолат беради.

Ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машхур аллома Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарслкларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида «Медицина», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўtkазди, деб айтишга барча асослар бор. Ёки ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиқсан, илм-фаннынг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шухрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади.

Агарки мана шу муқаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айни вактда башариятнинг бугунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узоқ гапириш мумкин.

“Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндадари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатdir. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маънозмазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз - бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди.

Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижаат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-куват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган хикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижаатли бир киши мингта тадбирсиз,

лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам ғоявий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.”¹

Амир Темур бобомизнинг бундай чукур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган мақолга ғоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир. Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди. Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва мashaққатли вазифалар юклиди. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннахр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзузи - тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижаот ва матонат кўрсатди. Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдузларнинг ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвални яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг нақадар аниқ ва тўғри эканини бугунги энг замонавий асбоблар ҳам тасдиқлайди. Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир.

**Миллий мафкура
шаклланишида жадидчилик
ғояларининг ўрни**

XIX асрнинг охирларига келиб Туркистонда фожиали танглик намоён бўла бошлади. Минтақанинг бой ер ости бойликлари, сон-саноқсиз молларни боқишига имкон берадиган водийлари,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият“ 2008 й.

кенг сүғориши тармоқларига эга бўлган ва етарли даражада ғалла, шоли, сабзавот, мева-чева етиштириш мумкин бўлган дехқончилик салоҳиятидан ўта тартибсизлик ва уқувсизлик билан фойдаланилди. Боз устига, пахтачилик секин-аста туб халқларни қулликка солиш воситаси вазифасини бажара бошлади. Россиядан кириб келаётган арzon товарлар маҳаллий хунармандларни инқирозга учратди. Маҳаллий халқнинг турмуш даражаси тобора пасайиб борди. Халқнинг ўз ҳақ-хукуқларини талаб қилиб чиқишилари муваффақиятсиз тугади ва хунрезлик билан бостирилди.

Вужудга келган фожиали шароит айни пайтда миллатнинг адолатпарвар, халқпарвар, маърифатпарвар, виждонли зиёлиларию уламоларини ташвишга солмасдан, ўйлантирмасдан қолмасди. Улар тушкунликнинг сабабларини таҳлил қилиб, жараён шу қабилда давом этиши мумкин эмаслиги, мавжуд тузумни ўзгартириш кераклигини секин-аста тушуниб ета бошладилар. Халқда мустамлакачи ҳокимият, сотқин маҳаллий амалдорлар ва, умуман, мавжуд ижтимоий тузумга қарши норозилик ҳаракатлари узлуксиз содир бўлиб турди.

Бу ҳаракатларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин: биринчиси – миллатнинг виждони бўлган, ўз асарларида реал вазиятнинг камчиликларини очиб бериб, кишиларни тараққиётга хизмат қилишга чақирган, ижодкор шоир ва ёзувчилар ҳаракати; иккинчиси – маҳаллий халқларни тараққиётга эриштириш ғояси асосида бирлашган, аммо қаттиқ интизомга эга бўлмаган жадидлар ва уларнинг хайриҳоҳлари ҳаракати; учинчиси – мавжуд тузумни инқилобий йўл билан ўзгартиришни, яъни ҳокимиятни курол кучи билан қўлга киритишни дастур қилиб олган социал-демократлар ва бошқа русийзабон кишилар ташкилотларининг ҳаракати.

Энди ҳар бир ижтимоий ҳаракатнинг жамиятни ўзгартириш жараёнига қўшган ҳиссасига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, ўша даврда Туркистон аҳолисининг 95 % ни маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил қиласи эди. Уларнинг ижтимоий онгини ўстириш, ўзлигини англаш, озодликка, ўз ҳақ-хукуқини муҳофаза қилишга тарғиб қилишда,

шунингдек, демократик қарашларни шакллантиришда халқимизнинг Аҳмад Дониш, Бердимурод Қарғабой ўғли (Бердак), Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Аваз Ўтар, Убайдулла Солиҳ Завқий каби асл фарзандларининг ҳиссаси бекиёсdir.

Ижод аҳли ўзларининг қалб тубидан жўш уриб чиқкан аламли сатрлари билан икки томонлама эзилган маҳаллий авом халқни ғафлат уйқусидан уйғотишга ҳаракат қилди. Шу ўринда ўз замонасининг иллатларини қалб нидоси орқали ифодалаган Аваз Ўтарнинг шеъридан бир парча келтирмоқчимиз:

*Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиги бирла бўлган баҚри юз минг пора халқ,
...Не аларда бор дурур илму адолатдан асар,
Не ажабким, топмаса дози дилига чора халқ,
Етган оғатни бошига доимо тақдир деб,
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора халқ,
Бўлмайин онларда ҳеч миллат, Ватанни сақламоқ,
Бўлди қурбон бу сабабдан доимо агёра халқ.
Халқи оламни бари айлар тараққи кун-бакун,
Биз таназзул айлабон қолдиқ, эдик не қора халқ.*

Аlam билан битилган шу каби мисраларни бошқа шоирлар ижодидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ижоди ўша даврда ҳукмрон бўлган диний миститсизм билан боҚлиқ йўналишдан ҳаётни ҳаққоний акс эттириши, ижтимоий ҳаётни эркинлаштиришга қаратилганлиги билан ажralиб туради.

Маҳаллий халқнинг сиёсий онгини шакллантиришда катта аҳамият касб этган ижтимоий ҳаракат жадидчилик эди. Ушбу ҳаракатнинг тадрижий ривожланиши мураккаб ўтди, шунинг учун унга бериладиган баҳо ҳам турлича. Оддий маърифатчиликдан бошланган жадидчилик ҳаракати 1917 йилга келиб сиёсий партия даражасига кўтарилиди. Орада эса бир-бирини инкор этувчи бир қанча гуруҳларга: радикаллар ва қадимийчилар, капиталистик тараққиёт ва сотсиалистик инқилоб тарафдорлари каби турли

оқимларга бўлиниб турдилар. Бугунги кунга келиб уларнинг фаолиятига холисона баҳо бериш имкони туғилди.

Хўш, жадидлар кимлар эди? XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида маҳаллий халқ зиёлилари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, Россия, Туркия, Германия каби тараққий этган Европа мамлакатларига тез-тез сафар қилиб турдилар. Сафар давомида мусулмон зиёлилари у ерлардаги юксак ривожланган саноат, маданият билан танишдилар ва бу ютуқларнинг моҳияти капиталистик ишлаб чиқариш, янгича таълим тизими, яъни дунёвий билимларга асосий эътибор берилаётганлиги билан бўклиқлигини кўрдилар. Иккинчи томондан, бу зиёлилар асосан диний ақидаларни ўрганишга асосланган маориф тизимини ўзгартирмай туриб маҳаллий халқни маърифатли қилиш, унинг сиёсий онгини ошириш, эркинликка олиб чиқиш мумкин эмаслигини тушуниб етдилар.

Бундай зиёлилар кейинчалик ўзларини жадидлар деб атай бошладилар. «Жадид» арабча сўз бўлиб, янги услугуб, янгича тафаккур деган маъноларни билдиради.

Жадидчилик харакатининг ижтимоий асосини тараққийпарвар зиёлилар, руҳонийлар, мулқдорлар ва ҳунармандлар ташкил қилди. Бу ҳаракат ўзининг ривожланиши жараёнида ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мураккаб босқичларни босиб ўтди.

Жадидлар ўз ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш ва халқ таълимининг янги тизимини яратишга ҳаракат қилдилар. Улар тараққийпарвар уламолар, мулқдорлар ёрдамида бир қанча «жадид» («янги услугуб») мактабларини ташкил қилдилар. Бу мактаблар ўзининг дастлабки давридаёқ самарали эканлигини исботлаб, аҳолининг эътиборини қозонди ва тез орада кўпайиб борди. Фақат Туркистоннинг асосий шаҳарларида 92 та янги услугуб мактаблари фаолият кўрсатган. Шунга қарамай, аҳолини хурофотда сақлашдан манфаатдор реактсион руҳонийлар жадид мактабларининг фаолиятига қаршилик кўрсатдилар. Чор Россиясининг маъмурияти эса вазиятни қўлдан чиқармаслик учун бу мактабларни ўз назоратида ушлаб туриш борасида маҳсус хизматларга

топшириқ берганлиги архив материалларидан маълум.

Жадидлар Туркистон келажаги билан боғлиқ ғояларни халққа етказиш мақсадида ўз газета ва журналларини яратишга ҳаракат қилдилар. Махмудхўжа Беҳбудий 1913 йилдан бошлаб «Самарқанд» газетасини чоп қила бошлади. Кейинчалик бу газета «Ойна» журналига айлантирилди. Бундан ташқари, «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон» каби газеталар ва журналлар вақти-вақти билан чиқиб турди. Улар маҳаллий аҳолининг сиёсий ва миллий онгини шакллантиришда катта аҳамият касб этди.

Албатта, жадидлар маҳаллий аҳолининг миллий ва сиёсий онгини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшган, деярли ягона умумий ғоя атрофида бирлашган ҳаракат сифатида намоён бўлди. Лекин чор Россияси маъмуриятининг бу ҳаракатга шубҳа билан қараб, унинг фаолиятини жуда бўлмаганда чеклашга қаратилган чораларни кўриши, айниқса, мутаассиб руҳонийларнинг Бухородаги жадидларга қарши тиш-тироғи билан қаршилик кўрсатиши ва бу йўлда ҳатто ҳокимиятни ҳам ўз томонига оғдириб олиши жадидларнинг кўзлаган мақсадларини тўла-тўқис амалга оширишларига имкон бермади. Шу боис жадидларнинг илқор намояндалари иш услубини ўзгартириш ва жамиятда муайян сиёсий ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини тушуниб етдилар. Ана шу вақтдан эътиборан жадидчилик ҳаракатининг сиёсийлашув билан боғлиқ бўлган иккинчи босқичи бошланади.

Жадидчиликдаги сиёсий қарашларнинг шаклланишига Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «миллатларнинг маънавий ва иқтисодий тараққиётига икки таянч керак, биринчиси – мактаб, иккинчиси – жамиятдир», деган фикрлари, Абдурауф Фитратнинг жамият ва миллатнинг равнақи учун бир одам қўп иш қила олмаслиги, бунинг учун ватанпарварлар иттифоқини тузиш, унга хайрихox гуруҳларни ташкил қилиш лозимлиги ҳақидаги ғоялари асос бўлади.

Мустақиллик – миллий ғоя ривожининг бош омили.

Мустақиллик - ўзликни танимоқдир, ўзликни танишнинг, миллий ғуур ва ифтихорни шакллантиришнинг асосий воситаси халқнинг тарихий хотирасининг тикланишидир. Миллий ғоя - халқнинг қалбидан чиқувчи, унинг орзу-умидларини ўзида ифода этувчи, халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, унинг қадр-қийматини юксалтиришга ундовчи ҳаққоний фикрдир. Миллий ғоя халқнинг ўзлигини англатувчи, миллий туйғуларини уйғотувчи, миллий ғуур ва ориятини қўзғатувчи фикрдир. Миллий ғоя халқни уюштирувчи, унинг қадр-қийматини тикловчи, ўзлигини англатувчи, ижодкорлик ва яратувчанлигини рўёбга чиқарувчи, жамият тараққиётини инсонпарварлик йўналишига етакловчи куч сифатида намоён бўлади. Миллий ғоя ватанпарварликка, халқнинг тарихий хотирасига, ўзлигини англашига асосланади. Бизнинг миллий ғоямиз миллатнинг, давлатнинг, юртнинг қадр-қийматини юксалтиради, иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий салоҳиятини юзага чиқаради, орият ва ғурурини асрайди, истиқболини белгилайди, келгуси тараққиёт учун йўл-йўриқлар кўрсатади. Миллий ғоя ўзбек миллатининг ўзига хослиги нимада эканлигини асослаб берувчи илмий-назарий ва фалсафий қарашлар системасидир.¹

Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур”². Зоро, тарих - миллатнинг тарбиячисидир, ўзликни англаш - тарихни билишдан бошланади. Алоҳида инсон хотирасида ўзининг ҳаётида нималар қилганлиги, унинг ақл-заковати ва иродаси нималарга сарфланганлиги қай даражада ўрнашиб қолса, миллат учун ҳам у томондан амалга оширилган нарсалар шу даражада яқин ва қимматлидир. Тарих - бу

¹ Қаранг: Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол гояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. -Т.: Ижод дунёси, 2002.

² <http://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-mamlakatimizdagidek-boj-tarikh-bobolarimizdek-buyuk-allomalar-hech-qerda-jog>

инсониятнинг, миллатнинг ижтимоий хотираси, унинг ўз-ўзини билиши ва англашидир: воқеликда йўқолган нарсалар онгда, хотирада яшайди. Ўтмишни билиш ҳозиргини яратиш учун бекиёс аҳамиятга молик. Ижтимоий ҳаётни тушунишдаги биринчи қадам ҳозирнинг ўтмиш томонидан яратилганлигини тасаввур қилиш билан боғлиқдир. Миллий ғоя халқимиз тарихига, унинг тарихий хотирасига таянади. Тарихий хотирасидан жудо бўлган халқ ўзини миллат сифатида англай олмайди, миллатнинг манфаат ва эҳтиёжларини қалбан хис қила олмайди. Бинобарин миллий ғоя ҳам рационал, ҳам иррационал моҳиятга эга бўлиб, у миллий руҳият, кайфият, ички уюштирувчи, йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи, етакловчи миллий хис-туйгу ҳисобланади.¹

Истиқболнинг яратувчиси ҳисобланган миллий мафкура - муайян жамиятнинг таркибидаги миллатларнинг ўз мустақиллигини, мустақиллик манфаатларини химоя қилиш, ривожлантириш йўналишидаги ички интилишлари натижасида вужудга келувчи туйғулари, мақсадлари, ҳохиш-иродаларини ифодаловчи ғоялар мажмуасидир. Миллий мафкуранинг ўзагини миллий ғоя ташкил этади, у жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлайди. Миллий ғоянинг асосий таянчи нуқтаси ҳам, ҳаракатга келтирувчи, уйғотувчи кучи ҳам миллий ўзликни англашдир. Миллат ўзини халқ сифатида, миллат сифатида, эл сифатида англамагунча унинг обрўйи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғуриши, миллий фахр ва ғурури учун курашиши мумкин эмас. Ўзликни англаш халқни ғафлатдан уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи кучдир.²

Дарҳақиқат биз киммиз ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнимиз ва ролимиз қандай кечган? Биз жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва қўшиб келган маърифатли миллат эканлигимизни унуганмиз, аниқроғи, унугтиришган. Миллий ғурур тикланиши шарт. Ўзбек тарихини умумтурк

¹. Қаранг: Тўраев Б., Раматов Ж. Ўша китоб.

² Қаранг: Ўша китоб.

тариҳининг бир қисми сифатида ўрганишимиз ва баҳолашимиз, ўзбек халқининг қадим-қадимдан Турон, Туркистон деб атаб келинган кўхна заминнинг минглаб йиллар давомида яшаб келаётган ва ўз тарихий такомилида ўнлаб салтанатлар қурган ҳақиқий эгалари эканлигини, бу Турон-Туркистон Ўзбекистон қадим маданият бешикларидан бири эканлигини, ҳозирги замонавий фан ва техниканинг пойдевори шу ерда яратилганлигини англатмоғимиз ва англатмоғимиз зарур. «Биз ким, мулки Турон, амири Туркистонмиз, биз ким миллатларнинг энг қадими ва улуғи - туркнинг бош бўғинимиз» - Соҳибқирон Амир Темурнинг буюклиги замирида ана шундай миллий ўзликни англаш, тарихий хотира ётган бўлса ажаб эмас. Зеро, миллий ҳис-туйғу ва мустаҳкам эътиқод - инсоний ва миллий камолотнинг икки қанотидир. Тўмарис момомиз ва Алп Эртўнга бобомиздан то Абдулла Қодирий ва Озод Шарафиддиновгача енгилмас куч-қудрат ато этган нарса миллий ҳис-туйғу ва эътиқодий руҳдир, десак хато қилмасмиз.

Бироқ, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмоқда. Ёш авлод онгу шуурига таҳдид соловчи омиллар нима? Энг аввало, биз учун ёт ғоялар! Бу, айниқса, ҳозирги глобаллашув даврига хос. Зеро, дунёда кечаётган жараёнлар, аёвсиз рақобат муҳитида мафкуралар ўртасидаги кураш тобора кескинлашмоқда.

Ана шу сабабдан ҳам мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда.

Бу мафкура мустақиллик йилларида эришилган ғалабаларни, энг катта ютуғимиз бўлган истиқлолимизни, Она Ватанимизни, фарзандларимизнинг баҳтли келажагини фидойилик билан ҳимоя қилиш, доимо ҳушёр ва сергак бўлишга ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз – уни асраш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Шу маънода миллий ғоя ҳар биримизнинг қалбимизга сингадиган, умумий ғоямиз, онгимиз, дунёқарашимизнинг таркибий қисмидир.

Миллий ғоя ва мафкура мустақил Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, олийжаноб мақсад муддаоларини ўзида мужассам этади.

Шунинг учун Ўзбекистон жамиятининг миллий мафкураси ўз моҳиятига кўра халқимизнинг асосий мақсад муддаоларини ифодалashi, унинг ўтмишини ва келажагини бир–бири билан боғлайдиган асрий орзу–истакларини амалга оширишда хизмат қиласидиган ғоялар тизимиdir.

Миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр қимматини хар томонлама юксалтириши халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Миллий истиқлол мафкураси хар бир кишининг жамият хаётидаги фаолияти, юрт, миллати, ўз ва оиласи олдидаги бурчи ва масъулиятини қай даражада хис этаётганини ва бажараётганини белгилайдиган маънавий меъзони хамdir.

Миллий ғоя ўз мазмун моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий тараққиётига хизмат қиласиди. Барча сиёсий партиялар гурух ва қатламларнинг умумий манфаатларини ифодалайди.

Ўзбекистон миллий ғоя ва мафкураси халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва танлаган йўлимизнинг тўғрилигини англаш омилидир. Ўтмишни келажак билан боғлайдиган маънавий кўприк бўлиб хизмат қиласиди. Яъни халқимизнинг ўтмишда эришган маънавий бойликларига эгалик қилишга, онгимиз, қалбимизга сингиб кетган ўзбекона тафаккур тарзи орқали бугунги вакилчимизни акс эттиришда, уни бошқаришда ва бой тарихий тажрибаларимизга таянган холда келажагимизни бунёд этишда ғоявий таянч бўлади.

Мустақиллик мафкураси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш меъзони сифатида халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўтайди.

Мустақиллик мафкурасини асосий мақсадлари одамларни муайян ғояга ишонтириш, бу ғоялар атрофида уюштириш ғояни амалга ошириш учун

сафарбар этиш. Кишиларни маънавий руҳий жихатдан рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, ғоявий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Миллий ғояни жамиятдаги барча соҳаларда қатламлар ва гуруҳларнинг умумий харакат дастури уларни фаолликка даъват этувчи восита ҳисобланади.

Мустақиллик мафкураси олий мақсади Ватанимиз равнақи, тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда халқимизнинг мустақиллигини мустахкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этишдир.

Миллий мафкура Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган барча кишиларни миллати, дини, тили, касби-кори, ижтимоий мавеқидан қатъий назар ягона мақсад йўлида бирлаштиришни бутун халқ иродасини мураккаб ижтимоий муаммоларини оқилона хал этиш учун йўналтиришни кишиларда ёрқин ва баҳтли келажакка ишонч руҳини тарбиялашни кўзда тутади.

Миллий мафкура бир томондан Ўзбекистон заминида келажаги буюк фаровон жамият барпо этиш учун халқимиз куч – қудратини жипслаштиришини халқ иродасини бунёдкорлик ишларига сафарбар этишини иккинчи томондан эса миллий мустақиллигимизга жиддий хавф колаётган мафкуравий таҳдидларга зарба бера оладиган мард, жасур ёшлар авлодини тарбиялашни кўзда тутади.

Буни жуда яхши англаған юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бу борада зарур чора–тадбирлар ишлаб чиқишига катта эътибор. Шу боис эски мафкурадан воз кечиши натижасида пайдо бўлган бошлиқни янги миллий ғоя тушунча ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа заарли ғоявий тажовузларнинг олдини олишга киришилди. Лекин ижтимоий онг ва тафаккури тезда ўзгариб, янгича дунёқараш осонликча шаклланавермайди. Айниқса бу хали етарли хаётий тажрибига эга бўлмаган, соддадил, ишонувчан, ғўр ёшлар тарбияси яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли йўналишдаги мафкуравий таҳдидлар айrim одамларнинг қалбини эгаллаб, ўз миллий қадриятларимиз хамда

умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этиш юртимиз хаолиси тафаккурини бўйсундиришга харакат қилган эди.

Ана шундай бало –қазолардан химояланиш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет хосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом инсонпарвар мафкура билан куроллантириш зарур.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси хақида гап борар экан, биз нихоятда кенг қамровли, мураккаб серқирра инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси тугал намунаси хали-хануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизча тасаввур қилишмиз керак деб ўйлайман. Бу шунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно–мазмунини теран англаб этишга хизмат қиласди. Бу мафкура халқни–халқ, миллатни –миллат этадиган, унинг шаъни–шарафи, ор-номуси, ишонч–эътиқодини ифодалайдиган жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган холда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимиdir”¹.

Истиқлол мафкурасини ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет хосил қилиш замон амри, давр талаби. Бу бир зумда, бир пасда амалга ошириладиган жараён эмас. Бунда хар бир кишининг фаоллиги, омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширишида эса Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини янада оширади. Келажаги буюк давлат барпо этишга ёрдам беради, ёшларимиз эътиқодини мустаҳкамлайди.

Назорат саволлари:

1. Миллий ғоянинг тарихий илдизлари нимадан иборат?
2. Авесто – миллий ғоя ривожида қандай ўрин тутади?

¹ Каримов И.А. “Ватан равнақи учун хар биримиз масъулмиз”. 9 –жилд. Тошкент 2001 йил 221-222 бетлар

3. Жадидчилик мафкураси деганда нимани тушунасиз?
4. Мустақиллик даври ғоялар ривожига қандай таъсир кўрсатган?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Мустақиллик даври ғоялар ривожининг янги босқичи сифатида
2. Авесто – миллий ғоянинг тарихий илдизи
3. Миллий ғоя ривожида жадид мутафаккирлари меросининг ўрни

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
9. Қ. Назаров. Ғоялар фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т.:2011 й.

З-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Ижтимоий тараққиётнинг миллий ғоя шаклланишига таъсири.

Мафкура ва ғоялар тарихий тараққиётда етакчи мавқелардан бирини эгаллайди. Инсониятнинг кўп минг йиллик ўтмиши буни яққол тасдиқлайди. Ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёк уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Чунки, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради».

Жамият тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, илк моддий ва маънавий маданият масканларининг кўпчилиги дастлаб Шарқда шаклланган ва бу инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилган. Хусусан, қадимги Миср, Бобил, Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда вужудга келган цивилизациялар тарихда муҳим ўрин тутади. Қадимги Шарқ замини халқлари дунёда биринчилардан бўлиб ерга ишлов бердилар, табиатдан танлаб олиш йўли билан маданий ўсимликларнинг кўплаб навларини етиштирдилар. Улар мураққаб суғориш иншоотлари ва мосламаларини яратдилар, тарихга маълум бўлган биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларни қурдилар, дастлабки уй ҳайвонларини қўлга ўргатдилар, ипак қурти боқиб, ундан табиий ипак олишни кашф этдилар. Нихоятда мураккаб меъморчилик санъатига асос солдилар, табиат кучлари қаршисида қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бақувват ва руҳан енгилмас бўлишни жаҳонга намоён этдилар. Шу аснода хилма-хил ғояларни яратдилар, уларни амалга оширдилар.

Мафкуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароит билан узвий алоқадор бўлиб, давлар алмашуви билан янгилик томон ўзгаради.

Маълумки, миллий ғоянинг тарихий шакллари ва кўринишлари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб, сайқал топиб

келди. Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияда илк бор шаклланган, аждодларимиз томонидан бундан 2700 йил олдин яратилган дастлабки ёзма манба – «Авесто» китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилган. Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги азалий кураш акс эттирилган. Зардўштийликнинг эзгулик ва инсонпарварлик хақидаги қарашлари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар асосий ғоялар эди. Шунингдек, туркий халқлар ўртасидаги Кўк тангрисига (осмон ва қуёшга) сифиниш (шаманизм) ва буддизм (буддавийлик) ҳам диний эътиқод сифатида Зардўштийлик билан ёнма-ён яшаб келди.

Зардўштийлик минтақада илк бор шаклланган дастлабки давлат бирлашмалари: Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияда давлат дини даражасига кўтарилиди ва расмий мафкура вазифасини ҳам бажарди. Кушон давлати даврига келиб Зардўштийлик билан бир қаторда, буддавийлик ҳам давлат дини вазифасини бажара бошлади.

Аммо, Туроннинг вақти-вақти билан босқинчилар хужумига учраб туриши жамиятдаги барқарорликни издан чиқарар эди. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Аҳамоний шоҳлари, 329-327 йилларда Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари минтақада мавжуд бўлган мустақил давлатчиликка маълум муддатга чек қўйилишига сабаб бўлди. Халқимиз ўз мустақиллигини қайта тиклаш учун душманга қарши йиллар давомида кураш олиб борди. Мустақиллик ғоялари, ўз миллий давлатчилигини тиклаш учун кураш халқимизнинг ўша пайтдаги орзуумидлари, таъбир жоиз бўлса, унинг ғоя ва мафкурасини ташкил қиласди. Уларга асосланган халқимиз Кушон подшолиги ва Буюк турк хоқонлиги каби улкан салтанатларга асос солдилар.

Бироқ, тарихий жараён ўзгариши билан минтақада мустақил давлатчиликга яна вақтинча чек қўйишга тўғри келди. VII асрнинг охири - VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Туронни босиб олдилар. Бунда истило ва истибдодга қарши кураш ғоялари ягона мақсад йўлида, масалан, Турон заминни араб истилочиларидан озод қилиш учун жангларда бирлаштирувчи

гоя бўлди. Муқанна кўзголони ва унинг озодлик учун кураш ғоялари истиқлолчиларига қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

Мовароуннахрда (ҳозирги Ўзбекистон худудида) ислом динининг тарқалиши халқнинг ягона маслакка бирлаштиришдек тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар сулолари томонидан миңтақада асос солинган давлатлар нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввуфлар: Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотида акс этган комил инсон ғоялари, адолат хақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини саклаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади. Улар миллий-маънавий қадриятлар сифатида халқимиз маданияти, адабиёти ва санъатида, жумладан, Махмуд Кошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллади.

Бу ғоялар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низом-ул-мулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва ахли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди.

XVII-XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм-маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмагани ўзбек давлатчилигининг таназзулга юз тутишига, мустақилликнинг қўлдан берилишига, Туркистанда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиб, пировардида миллий давлатчиликтининг

яна бир бор тугатилишига олиб келди. Шунга қарамасдан, чукур тарихий илдизларга эга бўлган миллий ғоялар тамомила йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, мустамлакачилик шароитида улар миллий давлатчиликни тиклаш, миллат тараққиёти ва истиқболи учун кураш байроғи сифатида яна илгари сурила бошлади.

Бу интилишлар XIX асрда маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан Ахмад Доңишнинг илғор қарашларида, XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намояндадари – Беҳбудий, Фитрат, Чулпон, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний ижоди ва фаолиятида яна ҳам кучайди. Жадидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун улканинг миллий мустақиллиги учун кураш ғоясини илгари сурдилар. Туркистонда босқинчи қизил армия ва совет тузумига қарши кўтарилиган истиқлолчилик ҳаракатининг мафкурачилари ҳам айнан жадидлар бўлдилар. Бироқ, мустабид совет тузуми бу ғояларга қарши ғайриинсоний мафкурани илгари суриб, халқ манфаатларини инкор этди. Бу утопик, хаёлий ғоялар реал ҳаёт талабларига жавоб бермас, халқнинг анъанавий турмуш тарзига, жамият тараққиёти қонунларига мутлақо зид эди. Улар миллий истиқлолни тан олмас, миллий қадриятларни топтар, диний эътиқодга қарши кураш асосига қурилган эди. Лекин, мустабид хукумат уларни халқка тан олдириш учун жон-жаҳд билан курашди. Бу сиёsat аёвсиз курашлар, таъқиб, тазийқ ва зўравонликлардан иборат эди. ўша йиллардаги машъум катағонлар бу курашнинг фожеали намоён бўлиши эди.

Бу тузум ўлкамизда зўрлик билан ўрнатилгач, халқимиз унинг сиёсати ва мафкурасига қарши кураш олиб борди. Бу кураш шафқатсизлик билан бостирилгач эса, яширин тарзда давом этди. Ва ниҳоят, 1937 йилдаги оммавий қатағон бу тузум ва унинг мафкурасига, ғояларига қарши чиққан, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилган, ҳар қандай «ўзгача фикрлайдиган» кишини «халқ душмани» деб эълон қилди. Улар баъзи миллий ғояларни илгари суриб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилганликлари учун уларни йўқ қилиб юборди.

Шундан кейингина, зўравонлик билан ўрнатилган бу ғоялар жамиятнинг яккаю ягона ва хукмрон мафкурасига айланди. Бутун оммавий ахборот воситалари – радио, матбуот, телевидение, маданият, санъат, адабиёт, ижтимоий фанлар шу мафкурани тарғиб қилиш ва сингдиришга хизмат қилди, давлат ташкилотлари унинг ҳукмронлигини куч ва зўрлик билан таъминлаб турдилар. Лекин бу ғоялар барибир ҳалқ қалбидан чуқур жой ололмади, жамиятнинг ўз мафкурасига айланмади, ҳалқимизнинг миллий ғоя ва асрий қадриятларини йўқ қила олмади.

Ҳалқимиз ҳаётида чуқур илдиз отган, унинг азалий орзуси бўлган миллий ғоялар 90-йиллар бошида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан изчил ва жасорат билан яна кун тартибига қўйилди ва Ватанимиз озодлиги ҳамда мустақилликни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Улар мамлакатимизда мислсиз ўзгаришларни амалга ошириш, ҳалқимиз ҳаёти ва тараққиётини белгилаб олишда умуминсоний қадриятлар устиворлигига

Миллий ғоя моҳиятида

ҳалқ манфаатининг ифодаланиши.

асосланган озод ва обод Ватан ва фаровон ҳаёт қуриш каби олий мақсадларимиз ифодаси бўлиб келмоқда.

Ҳаётий кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжуд. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон ҳалқининг мамлакатимиз ривожида белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суюниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ;

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёsat аввало, аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англа

олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади»¹. Демак, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтироқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтироқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаолари ҳамда манфаатларини ифодалаши керак.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажralиб кетишига эмас, балки ўзлигини анлаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қиласи. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг рухи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоянинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимdir.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 464-465-б.

Демак, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғояда бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан диалектик боғланиши унинг яшаш шартидир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан яъни бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай хуносага келади:

«Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, қаттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин»¹. Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиласидиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қиласи.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилишда миллий ғоянинг ўрнини ҳеч бошқа бирон бир омил босолмайди. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жиҳатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз тақдири учун ўта долзарб масаладир.

**Миллий ғоя ўзликни
англаш омили.** Инсоният жамияти тарихий тараққиёти ўз-ўзини англаш энг аввало, инсоний мавжудликнинг моҳиятини маънавий воқелик, шаън, қадр-қиммат, обрў-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 465-б.

эътибор, ор-номус орқали намоён бўлишини кўрсатади. Ҳаётнинг маънозамзумни, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни англашдан бошланади. Миллий ғояда унинг негизлари мужассам бўлганлиги учун ҳам ўзликни англашга хизмат қиласди ва бир-бири билан узвий боғлик.

«Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл наسابимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман»¹ дейди И.А.Каримов.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш, авваламбор, ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида жипслаша олишига, ўзини халқ, миллатнинг ажralмас қисми эканлигини англаб етишига ҳам боғлик. Зеро, буюк бобокалонимиз Амир Темур ўгит берганларидек: “Бирликсиз куч бўлмас”. Бинобарин, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” қуришдек улуг иш, аввало, ўзликни англамаган жойда амалга ошмайди. Миллат бирлигига инсонни ўзлигини англаш омили алоҳида ўринга эга. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади”².

Бунда тилга олинган инсоний фазилатлар инсоннинг маънавий оламини ташкил этади. Маънавият эса фикр, сўз ва иш бирлигига намоён бўлади. Ўзлигини англамаган одамда имон ва эътиқод заиф бўлади.

“Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ғоясида мужассам бўлган миллий ғоя оддий даъват эмас, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 131-б.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. 34-б.

айланмоғи учун, у ҳар бир ўзлигини англаған фуқаронинг онгидан чуқур жой олмоғи ва яшаш тамойилига айланмоғи лозим.

Демак, мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини аниқлаб бўлмайди.

Жамият маълум бир ҳудудда жамланган одамларнинг оддий йигиндиси эмас. Инсон мартабасига хос бўлмаган ўзлигидан маҳрум, тарихий хотираси заиф, ўзининг келиб чиқиши ва кимларнинг вориси, авлодлари эканлигини англаған, билмаган одамларни халқимиз “тўда”, “оломон” деб атайди.

Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини англаған шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидағи масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади. “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат - ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?”. Инсон борки, эртами-кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни - ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаған ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида «мени» билан боғлиқ.

“Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди”. Бу ҳадисда буюк ҳикмат яширинганд. Уни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қуйидагича талқин этиш мумкин: ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улуғ бўлмасин, бирор-бир натижа бермайди. Шунинг учун ҳам ислом аҳли, мутасаввиф алломалар инсонни “олам меҳвари” деб билганлар.

Миллий истиқлол мағкураси ва миллий ғоя жаҳон халқларининг узоқ тарихий тараққиёт жараённida яратилган меросидан ҳам озиқа олганлиги бежиз эмас. Зеро, қадим-қадимданоқ, инсоният жамияти пайдо бўлибдики, турли халқ алломалари инсонни ўзликни англашга даъват этади. Ўзликни англаш борасидаги Шарқ ва Ғарб алломаларининг фикрлари миллий ғоя ва ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол намоён этади.

Дельфадаги Аппалон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзилган ва анъана бўйича етти юонон донишмандларидан бири – спарталик Хилонга тегишли деб ҳисобланган “Ўзингни ўзинг англа” шиори қадимги юонон фалсафасини ўзак масаласи бўлиб қолди. Юонон мутафаккирларини бу борада изланишга даъват этди. Эрамиздан аввалги V асрдаёқ Протагор, “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган машҳур фикрни илгари сурди. Сукрот учун эса “ўзингни ўзинг англа” ҳикмати донишмандликнинг қоидасига айланди. Ўзлигини англаган инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади. Шу нуқтаи назардан инсон руҳий қувватининг рамзига айланган Сукротнинг ҳаёти ва ўлими тарихи сабоқ бўла олади. Шарқу-Ғарб алломалари ўзларини ва ўз даврларини англашга харакат қилишар экан, такрор ва такрор Сукротга мурожаат этишган. Сукрот даври билан бугунги кунни қарийб 2,5 минг йил ажратиб турган бўлса-да, биз ҳам яна бир бор бу улуғ сиймони эсласак фойдадан ҳоли бўлмас. Сукрот бир гуруҳ кишиларнинг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини, ёшлар тарбиясини бузганликда айбланиб ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Ҳукм ижросини кутаётган Сукротга шогирдлари қамоқдан қочишини таклиф этишади. Гарчи ҳукм адолатсиз бўлса-да, Сукротнинг фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад, ҳам унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиноий воситаларни оқламайди. “Бизни ўлдиришга қодир бўлган кўпчилик бу фикрга қўшиладими, кўшилмайдими, бундан биз кўпроқ ёки камрок озор чекамизми, барибир, адолатсиз иш уни қилган учун ҳар қандай шароитда шармандалиkdir”, - дейди у шогирдига, - Ёки бундай қарайлик, агар биз бу ердан жуфтакни ростлашга шайлансанагу, Қонун ва Давлат рўпарамиздан чиқса-да, сўраса: “Айт-чи, Сукрот, нима қилмоқчисан? Ўз қилмоқчи бўлган ишинг билан бизни, Қонунлар ва бутун Давлатни ҳалок қилмоқчимисан? Ёки суд ҳукмлари ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, балки улар алоҳида одамларнинг истаги билан бекор қилинадиган давлат бутун ва безиён қолиши мумкин деб ўйлайсанми?”. Ўз юртини севган ва чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот учун қамоқдан қочишиш бутун ҳаёти давомида ўзи риоя этган қоидаларга, ўзининг умр ишига ва

демак, Ватанига хиёнат бўлар эди. Афина давлатидаги у ёки бу тартиблар билан келишмаган бўлса-да, чинакам ватанпарвар бўлган Суқрот ўлимни афзал кўради.

“Ўзини англаған инсон, - деган эди у, - ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғуланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва баҳтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди”¹.

Ҳазрат Навоийнинг “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмамон”, - деган сўzlари бугунги кунда ҳам чуқур маъно касб этади.

Жамиятнинг таянчи – оддий инсон. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан сұхбатда “Мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қараашлари юзага чиқиши керак”, - деган савол қўйиб, шундай жавоб берган эди: “Даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг қўзи, идроки, тафаккури, ёндошуви билан келажакка қаардим”².

“Ўзликни англаш”, “миллий ўзликни англаш” ва ниҳоят “умумбашарий ўзликни англаш” тушунчалари бир-биридан айри эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадор, бир-бирини тақазо этади. Зеро инсон ота-она, оила, миллат, аҳли башар, борингки, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаған боради. Айни шу муносабатлар ҳамда уларнинг заминида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва аксинча, миллий ғоя уларнинг замон талаблари асосида бойитиб боради.

¹ Кўчирма “Ҳакиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. 226 б.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 91.

**Тарихий хотира миллий ғоянинг
ривожланишидаги ижтимоий
маънавий омил**

Президент Ислом Каримов

ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида: «Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» деб таъкидлаганлар. Демак, тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас. Собиқ иттифоқ даврида миллатимиз онгига шундай ғоя сингдирилди, у ўз юртида бошини баланд кўтариб юриши таъқиқланган эди. Халқимизнинг шундай аҳволга тушиб қолишига асосий сабаблардан бири – унинг тарихий хотирасидан жудо бўлиши эди.

Миллий ғоя халқимизга нафақат ўз тарихини одилона, объектив ва холисона ўрганиш имкониятини яратади, балки миллат сифатида шаклланиш давридаги мураккаб шароитлардан келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб беради. Чунки, миллий ғоя халқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улуг аллома аждодларимизнинг ҳикматлари ва ҳаётий ўгитларидан, бунёдкор ғояларидан, яшаш ибратидан озуқа олган. Шунинг учун ҳам, тарихни буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаи дейилади.

Доно халқимизнинг “Етти пуштингни билгин”, - деган ўгитлари бекорга келиб чиқмаган. Шунинг учун ҳам қадимги Шарқда донишмандлари инсонни гавдаси олдинга, юзи эса ортга қаратган ҳолда тасвирлаганлар. Яъни, уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, ўтмишини доимо ёдда сақламоғи шарт. Бу кўхна ҳақиқатни теран англаган Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида истиқболдаги вазифаларни белгилаб берар экан: “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади”¹ деб таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. Б. 127.

Бу юртимизнинг узоқ ва ғоят мураккаб тарихида қайта-қайта исбот этилган ҳақиқат. Биргина Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бунинг ёрқин исботи бўла олади. “Инсонлик оламини қанотлари остинда олган” (Фитрат) темурийлар салтанати бир неча асрлар мобайнида гуллаб яшнади, улуғ алломаларни дунёга келтирди, илм-фан, маданиятда етакчиликка эришди. Бунинг сабаби нимада эди? Жавоб битта: Амир Темур мамлакат ижтимоий-сиёсий бўхрон исканжасига тушиб қолган, феодал тарқоқлик ва ўзаро нифоқ авж олган бир шароитда халқни ўз ғоялари атрофида бирлаштира олди. “Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим, - деган эди улуғ соҳибқирон, - Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим”².

Амир Темур назидаги “тузук” бизнинг кундаги “миллий ғоя” мазмунида келаётганини англаш қийин эмас ва буюк бобокалонимиз фикрича: “Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, бундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва таркиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди”³. Амир Темур «дину ойин» деганда адолатли жамиятни назарда тутмоқда.

Тарихий хотира миллатга куч-қудрат бағишлияди, ҳаётнинг оғир синовларини муносиб енгиб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишга уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларнинг маънавий меросидан маҳрум этиш орқали тарихий хотирасини заифлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Демак, жамият ҳаётида бунёдкор ғояларга таянсагина, тараққиётга эришади, маънавий жиҳатдан юксалади. Бунёдкор ғоялар маданий мерос ва тарихий хотирага таянади.

² Амир Темур ўйтлари. –Т.: Наврӯз, 1992. Б. 19.

³ Амир Темур ўйтлари. –Т.: Наврӯз, 1992. Б. 18-19.

Ёвуз мақсадни кўзлаган ғоя эса аксинча йўл тутган. Масалан, Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирган Чор Россиянинг генерали М.Г.Черняев подшога ёзган махфий хатида билдириган фикри бунинг ёрқин далилидир: “Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси... Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак” деб ёзади. Дарҳакиқат, чор Россияси босқинчилари ҳар бир ўлкани эгаллашда ўша ҳалқ тарихига ҳужумнинг асл моҳиятини тушунган ҳолда фаолият кўрсатганлиги унинг миллий таракқиётда кучини англағанидан эди.

Фоя ҳалқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғлаб турувчи фикр экан, у, аввало, миллий маънавиятимизга таянади. Ҳалқимизнинг маънавий меросидан озуқа олади, миллий ўзига хослигини сақлаб туришга, миллий манфаатларни амалга оширишга ва миллий таракқиёт йўлларини белгилашга хизмат қиласи. Бунга турли мамлакат мутафаккирлари алоҳида эътибор беришган. Масалан, Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда машҳур француз маърифатчиси Жан Жак Руссо миллийлик, миллий характер ҳақида шундай ёзган эди: “Биз таянишимиз керак бўлган биринчи тамойил – миллий характердир: ҳар бир ҳалқ миллий характерга эга ёки эга бўлиши лозим; ҳалқда у бўлмаган тақдирда ишни унга бундай характерни беришдан бошлиш керак бўларди”¹. Бир қарашда Руссонинг фикрида маълум бўрттириш бордек туюлади. Лекин унинг ватани Франция тарихига назар ташланса, бу фикр тарихий асосга эга эканлиги маълум бўлади. Дастроб қирол Генрих IV Франциянинг миллий давлат сифатидаги яхлитлигини тиклади. Унинг ишини давом эттирган ва Францияни амалда бошқарган Людовиг XIII нинг биринчи министри – кардинал Ришелье “Ватан ва миллат манфаатлари барча нарсадан устун”, деган ғояни илгари сурди. Мамлакатдаги ички низоларга барҳам берди, сиёсий, ижтимоий,

¹ Руссо Ж.Ж. Трактаты. - М., 1969. С.268.

маданий ислоҳотларни амалга ошириди. Жумладан, ўзи асос солган Француз Академиясига умумфранцуз адабий тили луғатини тузишни топшириди, санъат ва адабиётга ҳомийлик қилиб, давлат яхлитлиги ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос миллий ғояни тарғиб этишга сафарбар этди. Шу тариқа Ватан ва халқ йўлидаги фидоийликни олий бурч, даражасига кўтарди, ишонч билан айтиш мумкинки, Франциянинг ўша даврда қудратли мамлакатга айлангани, ҳамда кейинги асрлар мобайнида Европанинг ўзига хос маданий маркази бўлиб қолганлиги айни шу даврда шакллантира бошлаган “миллий характер” билан боғлиқ бўлди. Ана шу тарихни чукур билган Руссо: “Ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак”¹ деган фикрга келди. Инсоният тарихидаги бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда юртбошимиз И.Каримовнинг: “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”², деган сўзлари нақадар чукур асосга эга эканлигини яна бир бор исботлайди.

Аммо бу - миллий ғоя ёки миллий ўзликни англашни ўз миллий қобиғига ўралиш, ўзга халқлардан ўзини устун қўйиш деган эмас, албатта. Қолаверса, Ўзбекистон (Ўрта Осиё) ҳудудида азал-азалдан турли элат ва миллат вакиллари ёнма-ён иноқликда яшаб келишган. Бағрикенглик, меҳмондўстлик ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадриятига айланган. “Меҳмон отангдек улуғ”, дейди халқимиз ва остонасидан хатлаб ўтган бегона одамни ҳам уйининг тўрига олиб чиқади, ўзи емаса-да, меҳмонни сийлайди.

Ўзлигини анлаган одамда меҳр, муруват кучли бўлади. Манманлик каби салбий қусурларни хуш кўрмайди. “Манманлик, - деган эди машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний, - жоҳилона кибру ғуурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини ҳар ерда маъюс ва

¹ Руссо Ж.Ж. Трактаты. - М., 1969. С.268

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 144.

махжуб қилур”¹. Авлоний инсон манманлиги ҳақида гапирайпти. Агар манманлик касалига миллат, халқ ёки бирон бир дин вакиллари учраса не оқибатларга олиб келади? Мисоллар талайгина. Биргина ўз халқи онгига “олий ирқ”қа мансублик ғоясими сингдиришга уринган фашизмнинг бутун инсоният бошига ёғдирган балоларни ёки буюк давлатчилик шовинизми собиқ Иттифоқда яшаган элат ва халқларга келтирган азоб-уқубатларни эслаш кифоя. Айрим сиёсатдонлар бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилаётгани ва оқибат ўлароқ дунёning турли чеккаларида уруш олови алангаланаётгани барчага маълум.

Машҳур француз гуманист ёзувчиси фашизмга қарши урушда жонини фидо қилган Антуан де-Сент-Экзюпери қайғу ва ҳасрат билан одамларни бир-биридан айирадиган тажаввузкор миллатчилик, ирқчилик, мустамлака босқинлари ва урушлар ҳақида фикр юритиб: “Турли цивилизациялар бир-бирида фарқланиши ёмон эмас, ... даҳшатлиси, уларнинг бир-бирини ейишга ҳаракат қилишидир”, - деган эди. Кўпни кўрган, энг оғир ишларни зиммасига олишдан қўрқмаган Сент-Экзюпери инсоннинг ўзини англашини аҳли башар олдидаги масъулият ҳисси билан боғлайди. “Инсон бўлиш - бу масъулият сезишингдир, - ёзади у, - ўзингга алоқасиздай туюлса ҳам қашшоқлик олдида андиша қилишингдир. Ўз гаштингни қўя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашганингни ҳис этишингдир”². Лўнда қилиб айтганда, ўзга миллат ва халқларни камситган миллат ҳеч қачон буюк бўлолмайди.

Шунинг учун ҳам миллий ғоя, бир томондан, “Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш”³ ни назарда тутса, иккинчи томондан, “Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан teng ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига

¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. -Т.: Маънавият, 1998. Б. 80

² Тафаккур гулшани. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўzlари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Б. 34.

³ Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 35.

аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро хуқуқ меъёрларининг усуворлиги каби тамойилларга амал қиласди”¹. Демак, миллий ғоя ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш ва умумбашарий ўзликни англашни узвий боғлиқлиқда кўришга даъват этиб, миллий ва умуминсоний моҳият ҳам касб этади.

Мафкуравий мерос ва унда ворисийликнинг намоён бўлиши

Миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва уларни кейинги авлодга етказишда миллий ғоя маънавий-рухий манба ҳисобланади. У ана шу маънавий-рухий салоҳиятдаги миллийликни «асраш», уларга куч-қувват бағишлиб туриш вазифасини амалга оширади. Шунинг билан бир қаторда миллат вакилларини миллий-маънавий бойликлар билан озуклантиради, уларда ўз меросини асраш ва уни кейинги авлодга етказиш руҳиятини ҳам шакллантиради.

Бу жараёнда миллий ғоя бир томондан миллий-маънавий бойликларни асраш омили бўлса, иккинчи томондан миллат авлодларини ўзаро боғлаб туриш вазифасини ҳам бажаради. Ундаги мавжуд миллийлик омили авлодларни ўзаро маънавий-рухий жиҳатдан боғлаб турари ва шу тариқа миллий мерос ва тарихий хотирага умрбоқийликнинг бахш этилишида миллий ғоя асосий омилдир.

Миллий ғоянинг миллий мерос ва тарихий хотиранинг асоси бўлиши нафақат миллий ўзига хосликни шунингдек миллат вакилида юксак ирода, эътиқод каби фазилатлар шаклланишида ҳам манба ролини бажаради. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон... Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уруш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлади».¹

¹ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 39.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 137-б.

Мамлакат ёшларида Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умумисонийлик каби түйғуларни шакллантириш ҳам миллий ғоянинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаған ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик түйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодларим ким, қайси миллатга мансубман, менинг она заминим қаерда - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб берса олмайди. Чунки, инсон миллийлик руҳиятидан туғилишидан бошлаб, эхтимол она бағрида ҳали у дунёга келмасдан олдин баҳраманд бўлса ажаб эмас. Зоро, янги дунёга келган гўдакни ўзга миллат вакили олиб тарбияласа ҳам, у балоғат ёшига етганида ўз миллий негизларига талпинади, ҳеч бўлмаганда ўз миллати вакиллари билан яқинроқ бўлишга мойил бўлади. Бу ҳаёт тажрибасидан ўтган ҳақиқатдир. Шу тариқа улуғаяётган миллат вакилларига Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умумисонийлик каби фазилатларини миллий ғоя сингдириб боради.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, бирининг иккинчисига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги, ўзгаларнинг маънавий-руҳий холатини айнан қабул қила олмаслиги билан боғлиқдир. Бир миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти шакл ва мазмун жиҳатдан иккинчисида тақрорланмаслиги уларнинг ҳар бирига ўзига хос «индивидуаллик» баҳш этади. Ана шу «индивидуаллик» миллий ғояда ўз ифодасини топади. Бу ҳар бир миллатнинг мустақил субъект сифатидаги мақомини таъминлаб туради. Ўзига хос «индивидуаллик» миллий-маънавий тараққиёт гўзаллигини ифодалайди ва уларнинг илғор қирралари орқали умумбашарийликка дахилдор бўлган маънавий бойлик вужудга келади.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан яна бири унинг миллатнинг озодлиги, унинг мустақиллигини таъминлашда маънавий-руҳий манба бўлишидир.

Миллатнинг мустақил бўлиши, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятига эга бўлишида миллий ғоя асосий манба бўлади. Чунки, у на фақат миллатга мустақил субъект мақомини бахш этади, шунинг билан бирга унинг мустақил тараққий қилишини зарурят ва эҳтиёжга айланишини таъминлайди.

Чинаккам миллий тараққиёт ғоялари, ҳар доим ўзида адолат, тенглик, тинчлик ва демократия тамойилларини акс эттиради. Улар ҳар бир миллат учун энг зарур эҳтиёж ҳисобланади. Чунки, адолат бузилган жойда зиддият, тенгсизлик мавжуд булган шароитда ишончсизлик, тинчлик бўлмаган жойда парокандалик, демократия бўлмаган жойда инсоннинг эркин нафас олиши имкониятини юзага чиқариш мумкин бўлмайди.

Кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири миллатнинг истиқболи учун зарур бўлган омиллардир. Миллий ғоя шу маънода ҳам уларни ўзида мужассамлаштириши ҳамда миллий тараққиётнинг асосий кўрсаткичларига айланишига хизмат қиласи.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти жараёнида янги ғояларнинг такомиллашуви

Республикаси олдида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим, ўта жиддий масала турган эди. Бу – миллий тикланиш, миллий тараққиёт мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳақидаги масаладир.

Миллий ғоя ижтимоий тараққиёт ривожига қараб такомиллашиб, янгиланиб боради. Давр талаби билан ўртага ташланган муайян қоидалар ўз вазифасини ўтаб бўлиб, ўрнини янада долзарброқ бошқа хусусиятларга бўшатиб беради. Миллий ғоя айни ана шундай доимий янгиланиш махсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Миллий ғоя Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни буюк давлатга айлантириш ҳақидаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, илмий, экологик, диний, демографик тарихий қарашлар йигиндиси бўлиб, Ўзбекистон халқини истиқболга юксак ишонч, иймон-эътиқод руҳида тарбияловчи ғоят кудратли маънавий қурол, ғоявий омил ҳисобланади. Ана шу

сабабдан ҳам мамлакатимиз ҳудудини ёш мафкуралар полигонига айланишига йўл қўймай, Ўзбекистон халқининг онги, дунёқараши, ҳаётга ижтимоий муносабати, хатти-ҳаракатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллий истиқол мафкурасини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, бугунги қундаги мухим вазифадир. «Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат қилиш фазилатини қарор топтириш.

У

л Мафкура оммани, халқни янги жамият қуришга йўналтиради ва ўюштиради. Халқнинг фаоллиги, ўз меҳнати, орзу-умидларини муайян мақсадлар билан боғлай олиши илғор мафкурага қанчалик эътиқод қилаётганига кўп жиҳатдан боғлиkdir.

и Миллий мафкурамиз жамият тараққиётининг объектив талабларидан келиб чиқиб, миллатлар ва халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва ижтимоий манфаатларини ўзида акс эттиради ва ҳимоя қиласиди.

, Шунингдек, унда жамиятимиз тараққиётининг туб, устувор муаммолари ҳал этилишининг илмий асосларини белгиловчи ғоя ва қарашлар ишлаб миқиласиди. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, ўз умрини ўтаб бўлган эски мафкура ўрнида янги ижтимоий муносабатларни, халқнинг асл мақсад-муддаоларини ифода этувчи илғор ва бунёдкор мафкура шаклланмас экан, жамиятда ғоявий вакуум – бўшлиқ юзага келади. Бундай бўшлиқ илғор ғоялар билан тўлдирилмаса, уни халқ ҳаёти учу нёт ва бегона бўлган мафкуравий таъсиrlар эгаллаб олиши мумкин.

б Буни яхши англаған юртбошимиз истиқлолнинг биринчи қунлариданоқ бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишига катта эътибор берди. Шу боис қам эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни – миллий

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллани – миллат қилишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон», 1998. 14-б.

гоя тушунча ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа заарли ғоявий тажовузларнинг олдини олишга киришади.

Ана шу бало-қазолардан ҳимояланиш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур. Айниқса, бу ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда халқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, пировард мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш, уюштириш, жипслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ниҳоятда зарур ва бу жараён амалга оширилмоқда.

Пойдевори баланд ва бақувват бўлган бино гирдоб бўлганда ҳам, бурон турганда ҳам, даҳшатли зилзилада ҳам қуламасдан мустаҳкам ва собит турганидек маънавий, аҳлоқий, фалсафий, илмий замини мустаҳкам бўлган, фан қонунлари ва уларнинг илмий хulosаларига, сўнгти ютуқларига асосланган мафкура ҳам умри боқийдир. Бизнинг миллий тараққиёт ғоямиз ана шундай мафкура бўлади. Узоқ тарихга ва буюк ғояларга эга бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар Ўзбекистон халқи миллий мафкурасининг маънавий, илмий пойдеворини ташкил этади.

Назорат саволлари:

1. Ижтимоий тараққиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий ғояда халқ манфаати ифодаланганми?
3. Миллий ғоя ривожланишининг ижтимоий-маънавий омиллари қайсилар?
4. Мафкуравий мерос нима?
5. Мафкуравий меросда ворисийлик қандай акс этади?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Миллий ғоя – миллий тараққиётнинг асосий омили

2. Миллий ўзликни англашда тарихий мероснинг ўрни
3. Миллий мафкура - халқ манфаатлари тутуштирадиган кўприк
4. Мафкуравий мерос ва унда ворисийликнинг намоён бўлиши

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003

4-МАВЗУ: ФОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**XXI асрда мафкуравий
муносабатлар кескинлашувининг
ижтимоий, иқтисодий, сиёсий
сабаблари.**

Ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида икки ярим минг йилдан буён ривожланиб келмоқда. Бироқ, у вужудга келиши биланоқ моддий ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсата бошлагани йўқ. Дастреб фаннинг ютуқлари эмпирик характерга эга бўлгани, ўрта асрлар давомида ижтимоий ишлаб чиқариш бўғинларининг бир-биридан ажратилганлиги фаннинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини чеклаб қўйган эди. Индустрисал ишлаб чиқаришнинг вужудга келишигина фаннинг ишлаб чиқариш жараёнидаги роли ва ўрнини мустаҳкамлади. Бундан кўриниб турибдики, фан ва техниканинг мақсадли ривожланиши, шунингдек унинг ютуқларини халқ хўжалиги тармоқларига татбиқ этилиши XVII-XVIII асрлардагина бошланди.

Табиат ҳақидаги билимларнинг аста-секинлик билан орта бориши илмий қарашлар, ғоялар оламининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Натижада мутлақо янги илмий тизим юзага келди. Ушбу ўзгаришлар икки босқичда рўй берди. Биринчи босқичда меҳнат воситалари ва уларнинг табиий-илмий асослари тубдан ўзгармагани боис фан ва техника ютуқларининг халқ хўжалигига татбиқ этилиши тизимли характерга эга бўлмади.

Иккинчи босқичда илмий билимлар ҳажми ва диапазони шу қадар кенгайдики, эндиликда фан ишлаб чиқарувчи кучга айланди, илмий билимнинг юқори даражасига асосланган меҳнат воситалари шакллана бошлади. Фан ва техника инсон амалий фаолиятида қўлланиладиган қувватнинг диапазонини ҳам кенгайтирди. Масалан, инсон энг заиф сигналларни ҳам илғашга қодир нозик ва хайратланарли асборларни яратишнинг улдасидан чиқди, иккинчи томондан эса, космик кудратга эга водород бомбасини барпо этди.

Илм-фан тараққиёти техникани қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айлантириди. Фан ва техниканинг бундай қудратли ривожланиши, ютуқларини халқ хўжалигига татбиқ этишнинг тезлашиши XX асрнинг 90-йилларига келиб мамлакатлар, миллатлар, давлатлар орасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий муносабатларнинг тезлашиши ва яқинлашишига олиб келди.

Фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши иқтисодиётни жаҳон миқёсида ривожланиши ўз навбатида тараққиётнинг глобаллашувини вужудга келтиради. Умумсайёравий тараққиёт бундай шаклланиши функционал зарурият бўлиб, глобаллашув жараёнининг тезлашуви эса ана шу заруриятга мос геосиёсатнинг мақсад ва устувор йўналишларини ишлаб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтириди.

“Геосиёсат” тушунчаси жаҳон мафкуравий жараёнлари билан боғлиқдир. Глобаллашув жараёнининг тезлашиши жаҳон мафкуравий манзарасининг ўзгаришига таъсири қучли бўлиб бормоқда. Яъни геосиёсий мақсадлар ва устувор йўналишлар ҳам янгиланиб борди. “Геосиёсат” тушунчасини ўрганишда халқаро муносабатлар ва жаҳон мафкуравий жараёнларни таҳлил этишга эътиборни қаратиш зарур деб ўйлаймиз.

“Геосиёсат” тушунчасини илк бор швед олимни ва сиёсатдони Р.Челлен (1846-1922) қўлланади. У мазкур терминни қудратли давлатни шакллантириш мақсадида амалга оширилган самарали сиёсатнинг асосий характеристикаси сифатида ишлатганди. Унинг фикрини мантиқан давом эттирган немис тадқиқотчиси Ф.Ратцель (1844-1904) эса “геосиёсат” деганда давлат сиёсати билан мамлакатнинг географик ҳолати ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушунди. Мюнхендаги геосиёсат институти директори, генерал К.Хаусхофер (1869-1946) “геосиёсат” тушунчасини бундай талқин қилиш анъанасини қабул этиб, унинг империалистик таърифини шакллантириди. Унинг тушунтиришича, немис миллати учун муҳим бўлган макон Германия ҳудудлари билан чекланиб қолмайди. Шу боисдан давлат амалга оширадиган геосиёсат мақсади миллат равнақи учун зарур бўлган ҳудудларни назорат

остига олишдан иборат бўлмоғи шарт. Масаланинг бундай қўйилиши XX аср бошларидағи халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан эди.

Хусусан, 1930-йилларга келиб инсониятнинг келажакдаги тараққиётини асослаб беришга интилган уч асосий сиёсий-мафкуравий йўналиш ўртасида ашаддий кураш авж олиб кетди. Бу уч йўналиш жамиятнинг асосий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий негизларини сақлаб қолган ҳолда туб ислоҳотлар ўтказишни тарғиб қилувчи социал-реформизм, жаҳонда янги иерархик тартиб ўрнатиш ва уни олий ирқ бўлган немис миллатига бўйсундиришни тарғиб қилувчи фашизм, жамиятдаги моддий ва маънавий неъматларни ижтимоий инқиlob ёрдамида қайта тақсимлаш ва тенглик тамойилларига асосланган янги жамият барпо этишни тарғиб қилувчи коммунизм мафкуралари ташкил этди.

Ушбу мафкуралар кураши давомида икки қутбли дунё вужудга келди. Бунинг пировард натижасида геосиёсатнинг асосий мақсади кишилар онги учун курашишдан иборат бўлиб қолди, унинг асосий йўналишларини эса ўз мамлакати танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканлигини асослаб бериш, ўз мафкураси тарафдорларини кўпайтириш, унга қарши мафкуранинг тарқалиши ва ривожланишига йўл бермаслик ташкил этди .

Социал-реформизм, ҳамда коммунизм тарафдорлари ўз қудратлари ва ҳарбий имкониятларини ўзлари танлаган йўлнинг афзалликларини тарғиб этишлари натижасида бутун дунё икки ғоя, икки мафкура кураши майдонига айланди. “Шарқ” ва “Ғарб” тушунчаларининг ўзи мафкуравий ўлчов даражасига кўтарилиди ва географик тушунчалардан сиёсий-мафкуравий категорияга айланди. Айнан мафкуравий ўлчов икки қутбли дунёнинг асосий мезони бўлган эди. Айнан мафкуравий ўлчов стратегик императив даражасига кўтарилди, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари шу ўлчов асосида икки қутб – СССР ва АҚШ атрофида бирлаша бошладилар. Икки қудратли давлат ўртасида авж олиб кетган мафкуравий кураш, бир минтақада содир бўлган бир ижтимоий-сиёсий воқеанинг турлича талқин этилиши охир-оқибатда шунга

олиб келдики, икки қутблилик иккинчи жаҳон урушидан кейинги дунёнинг моҳиятини ташкил этди. Ҳар иккала томон бир-биридан қўрқиб, хавфсираб яшади. Бунинг оқибатида НАТО ва ОАВ каби қарама-қарши сиёсий қучлар дунёга келдики, улар блокларнинг хавфсизлигини таъминловчи омил вазифасини ўтай бошлиди. Албатта, қўшилмаслик ҳаракатининг ривожланиши, Япония ва ГФР каби иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларнинг шаклланиши, Хитойнинг ядро давлатига айланиши, турли минтақаларда миллатчиликнинг вужудга келиши ушбу икки қутблилик тизимга жиддий ўзгартиришлар киритди. Бироқ, бундан қатъий назар жаҳоннинг муҳим сиёсий масалалари икки қутблилик принциплари асосида ҳал этиларди.

Жаҳондаги бундай вазият барча ҳалқларни юрак ҳовучлаб яшашга мажбур этарди. Бутун дунё турли манфаатлар соҳасига бўлиб чиқилгандики, у ёки бу минтақада юз берган уруш ёки келишмовчилик икки блок ўртасидаги кураш деб баҳоланаарди.

XX асрнинг тўқсонинчи йиллари бошига келиб Совет империясининг таназзули билан икки қутбли дунё тушунчасига ҳам барҳам топди. Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларига қандай фаолият кўрсатишни ҳукм этиб турган қудратли мағкуралардан бири жаҳон сахнасидан тушди. “Шарқ” ва “Фарб” тушунчалари мағкуравий курашнинг ўзи ўтмишга юз тутгандек кўринди. Аслида эса мамлакатларнинг геосиёсати мақсадлари ўзгарди, ҳалос. Эндиликда геосиёсий мақсадлар муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёsatни ифодалайди.

Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти ҳалқаро муносабатлар соҳасига демократия, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойилларини қарор топтириш учун курашмоқда. Бундай шароитда зўравонлик қилиш, ҳарбий қуч ишлатиш ва ҳатто иқтисодий исканжага олиш қатъий қораланиши аниқ. Лекин ўз ғаразли мақсадларига етишини кўзлаётган турли қучлар геосиёсатнинг энг таъсиричан воситаси сифатида мағкуравий қуролдан кенг фойдаланмоқда, одамлар онгига таъсир ўтказишнинг тубан ва маккор усууларини қўлламоқдалар.

Кўриниб турибдики, мафкуралар уруши жаҳонда сусайгани йўқ, у ўзгача киёфада олиб борилмоқда. Энг даҳшатлиси, сиёсий мустақиллигини энди кулга киритган мамлакатлар бундай вазият қурбонига айланмоқда.

Хуллас, XX аср бир-бирига қарама-қарши бўлган турли мафкуралар кураши даври бўлди. Бунга кескин ўзгариб борган халқаро вазият замин тайёрлади. Хусусан, халқаро вазиятнинг ўзгариши геосиёсат мақсадлари ва йўналишларининг ўзгаришига сабаб бўлди. Ўз навбатида, геосиёсий мақсаднинг ўзгариши янги халқаро вазиятнинг юзага келишига пойдевор яратди.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши мафкуранинг, мафкуравий курашнинг сусайишига эмас, геосиёсий мақсад ва йўналишларнинг ўзгаришига олиб келди. Аксинча, мафкуравий кураш янада нозиклашди ва кескинлашди. Ушбу курашнинг асосий қийинчилиги эндигина мустақил бўлган давлатлар зиммасига тушмоқда.

XX аср тўқсонинчи йилларининг бошида ижтимоий-сиёсий ҳаёт миллатларнинг бефарқлиги, лоқайдлик каби фазилатларини кучайтирди. Собиқ Иттифоқ даврида халқларни иқтисодий ва маънавий хўрланишлар, миллат табиатида лоқайдлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликка кўнишил иллатларининг юзага келишига олиб келди . Мавжуд коммунистик ғоялар энди халқларни ўз ортидан эргаштира олмай қолди. Коммунистик ғоя барҳам топгани билан унинг ўрнини босадиган, халқларнинг орзу-умидларини ифодалайдиган ғоялар ишлаб чиқилмади.

XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири бўлган ушбу инқироз социалистик тараққиёт йўлини танлаган кўплаб мамлакатларни аросатда қолдирди. Ғоявий-сиёсий оқимлар ўз халқчиллигини йўқотди. Энди коммунистлар икки йўлдан бирини танлашга мажбур бўлиб қолдилар: биринчиси, ўз анъанавий ғоялари ва позицияларига содик қолиб, янада кучлироқ мафкуравий кураш олиб бориш; иккинчиси, умумэътироф этилган қоидаларни қабул қилиб, ўзга мафкураларнинг ижобий тажрибаларини ўзлаштириш эди. Биринчи йўл мантиқий равишда коммунизм ғояларининг

ижтимоий-сиёсий ҳаётдан суреб чиқарилишига олиб келади. Иккинчи йўл эса коммунизм ғояларининг ўзга мафкуралар бағрида сингиб, йўқолиб кетишига олиб келади.

Турли ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бу ҳолат мамлакатларнинг, жумладан халқимизнинг ташқи тазийклар ва хавфларга қарши турла олиш, курашчанлик каби хусусиятларини сусайтирди. Халқлар орасида салбий хусусиятлар пайдо бўлди. Ижтимоий-сиёсий ахвол аҳолининг муайян қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлиги бузилди. Одамлараро мулокотлар тизимида шахснинг ўз кучига, жамият тузилмаларига нисбатан ишончсизлик ҳисси юзага келди.

Дунё бозор муносабатлари принципларини қабул қилаётган бир пайтда Ғарбнинг ўзида бозор иқтисодиёти, шаклланган сиёсий демократия қоидаларини танқид қилиш кучайиб бормоқда. Бу ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ғарбча йўли тўғри эканлигидан далолат бермайди. Бундай икки тарафлама инқироз мафкура оламида бўшлиқни вужудга келтирди. Бунга асосланган айрим мафкурашунослар мафкурадан воз кечиш даври келди, деб хулоса чиқардилар. Бироқ ҳақиқат шуки, мафкура ҳеч қачон тарих мулкига айланмайди. Ҳар қандай жамият маънавий соҳасининг назарий даражаси, ижтимоий онгнинг тизимлаштирилган қатлами (назарий онг) мавжуд бўлар экан, ўзига хос мафкура яшайверади. У барча замонлар ижтимоий-тарихий тараққиёт характери ва йўналишига таъсир қўрсатувчи қудрат бўлиб қола-веради. Хўш, шундай экан, бугунги кундаги мафкуравий бекарорликни, кишилардаги мафкуравий бефарқликни қандай баҳоламоқ керак? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, мафкуравий бекарорлик, дегани асло мафкуравий бўшлиқни (яъни кишилик жамиятида мафкуранинг бутунлай йўқлигини), мафкуравий бефарқлик эса асло мафкурадан холиликни англатмайди. Чунки кишилик жамиятининг бирор бир кўриниши (немис жамияти, ўзбек жамияти, япон жамияти) маълум муддат мафкуравий бўшлиқни бошидан кечириши мумкин, бироқ кишилик жамиятининг ўзи (яхлит ҳолда) мафкурасиз бўлиши мумкин эмас. Худди шу каби кишилар ёлғондакам, ҳақиқатдан йироқ мафкурани тўлиқ англамасдан қабул

қилишлари мумкин, бироқ ҳар қандай мафкуравий таъсирдан ташқарида бўла олмайдилар.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, бугунги кунда мавжуд бўлган қўпгина мафкуралар яхлитлик ва изчилликдан ниҳоятда йироқ. Уларда жамият ҳаётининг маълум жабҳалари қамраб олинади, холос. Дарвоке, ушбу ҳолат жаҳон тарихий тараққиётiga ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, халқаро муносабатлар хилма-хил мафкураларга бўйсунгандари боис бир-бирига зид бўлган, яхлитликдан йироқ иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллар юзага келмоқдаки, улар жаҳон тараққиётини тенденциявийлик хусусиятидан маҳрум этиб, тасодифий тус бермоқда.

Ҳозирги шароитда эса халқаро воқеаларнинг асл мақсади ва моҳиятини аниқлаш ниҳоятда мушкул. Айниқса, бу мафкуравий характерга эга бўлган халқаро воқеаларнинг мақсади ва йўналишини аниқлашда кўринади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мафкура полигонларини ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эгалигини таъкидлар экан, “... агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазийк бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазийк, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”¹, - дейди.

Кишининг муайян ғояга, идеал ёки маслакка интилиши, аввало унинг ички ботиний эҳтиёжлари асосида юзага келди. Кишиларимизнинг тафаккури ва дунёқарашида юзага келаётган ижобий йўналишидаги ўзгаришлар инсонпарварлик тамойиллари билан боғланиши зарур.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “... фақат янгиланишлар ижтимоий муносабат ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгida демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор.”²

Иккинчидан, постиндустриал инқилоб, урбанизация, ахборотлашув, глобаллашув жараёнлари фойда кетидан қувадиган, асосан моддий манфаат ва

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. "Тафаккур" журнали Бош мухаррирининг саволларига жавоблар, "Тафаккур" журналининг 1998 йил 2-сони

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –164 б.

Эҳтиёжларини қондиришга интиладиган кишиларни вужудга келтирдики, бундай кишилар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай афсона-ю ғояни ҳам қўллаб-кувватлашга қодирлар. Бундай ҳолат мамлакат хавфсизлигига бекиёс таҳдид солиши табиийдир.

Ғоявий таҳдидлар ва уларнинг мазмун-моҳияти

Ҳозирги кунда жамият тараққиётига ва унинг маънавий мухитига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидларни Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида уч турга: ғоявий, мафкуравий ва ахборий (информацион) таҳдидларга ажратган.¹ ”**Ғоявий таҳдид** – муайян бир жамият, миллат, ижтимоий қатlam ёки гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган ғоявий тажовуз”²дир. Бу турга кирувчи таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қарашлар ва мақсад-муддаоларни шакллантиришга интилади.

“Бугунги кунда ғоявий таҳдидларнинг қўйидаги кўринишлари намоён бўлмоқда: ахлоқий бузуқлик (аморализм), индивидуализм, эгоцентризм, “оммавий маданият”, миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиши, миллий низолар келтириб чиқаришга уриниш, иқтисодий танглик жорий қилиш, қўшни давлатларни бир-бирига қайраш, ёшлар онгини заҳарлаш. Бундан қўзланган мақсад ривожланаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликлариға эгалик қилишдир. Чунки ғоявий таҳдидлар охир-оқибатда давлатни инқирозга олиб келади, нега деганда бунинг натижасида фуқароларда худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик, иродасизлик, бепарволик каби ижтимоий-ахлоқий иллатларнинг таркиб топади.”³

Ахлоқий бузуқлик ёки ахлоқсизлик ғояларини ғарб олимлари аморализм атамаси билан ифодалашади. *Аморализм* (лот. a – йўқ, moralis – ахлоқ) – маънавий ҳаёт ва шахсларро муносабатда ахлоқ меъёрларининг бузилиши

¹Қаранг. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 Б.-14

² Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.:”Faafur Fулом”,2010.-Б.-297

³ Яна қаранг: Кучуради И. Философия перед лицом мировых проблем. // Вопросы философии. 2004. № 3. –с. 5-11. Фаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. –Т.: “Ворис”. 2007 ва ҳ.к.

ҳамда уларни инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-автор мезонлариға эътиборсизлик ва уларга енгил-елпи муносабатда бўлишни англатади. Амалиётда аморализм алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги муайян кишиларни маънавий тубанликка олиб келувчи ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Аморализмнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий шакллари ҳам мавжуд. XIX аср ўрталарида Фарбда анъанавий маданиятнинг инқирози даврида аморализмнинг бошқача шакли – имморализм ғоялари ривожлана бошлаган. Бу ғояларнинг мазмуни шуки, уларда маънавийликнинг тўла сиёсий мақсадларга бўйсундирилиши лозимлиги уқтирилади.

Қадимда шаклланиб, ҳозирги кунга қадар турли шаклларда намоён бўлиб келаётган ғоявий таҳдидлардан бири — *фатализм*dir. У азалий тақдирнинг олдиндан мутлақ тарзда белгилаб қўйилганига ишониб, ҳаёт измига тўла-тўкис бўйсунишга асосланган дунёқарашиб бўлиб, инсоннинг ижодкорлиги ва эркинлигини инкор этади. Бундай қарашлар инсонни пассив позиция билан яшашга ўргатиб қўяди, унинг ижодий-бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланиш, азми шижаот кўрсатиб, ўз ҳаёти жиловини қўлига олишига тўскىнлик қиласи.

Дарҳақиқат, инсонга берилган ақл ва тафаккур уни ижодкорлик ҳамда бунёдкорлик ишларига ундаши табиий. Ва бундай бунёдкорлик ишлари, аввало, инсоннинг амалий ишларида намоён бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳам халқимизда «Ҳаракатда-баракат» деган нақл бор. Бу ҳар қандай ижобий ҳаракат мукофотланади, яъни қўллаб-қувватланади, демакдир. Шундай экан, инсон ўз ҳаётининг ижобий йўналиши учун, биринчи навбатда, ўзи масъул бўлмоғи керак.

Фарбда кенг тарқалган *индивидуализм* инсон шахсий ҳаётининг жамиятдан холи, алоҳида қадрият эканини, шахс ҳукуқларининг мутлақлигини намоён этадиган қараш бўлиб, унинг асосида шахснинг индивидуал хусусиятларини мутлақлаштириш ётади. Ушбу таълимот замирида индивидуализмга мойиллик инсон табиатининг ўзида яширган деб

хисобланади. Индивидуализмнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш, унинг генезисига муносабат шахсни жамоага қарама-қарши қўядиган, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун деб биладиган тамойил сифатида анъанавий жамоавийлик тамойилига зиддир.

Индивидуализм алоҳида шахс манфаатини жамоа манфаатидан устун қўйгани каби оила манфаатини ҳам жамият манфаатидан айри ҳолда олиб қарайди ва устун қўяди.

Индивидуализм эгоизмни вужудга келтирувчи хусусият бўлиб, эгоизм – ўз-ўзини севиш, худбинлиқдир. Яъни, эгоизм салбий ахлоқий хусусият бўлиб, худбинникка асосланади. Шахсий манфаат, ҳар қандай ҳолатдан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолиш хусусияти эгоизмни вужудга келтиради. Эгоизм ибтидоий жамиятларда ўзликни сақлаб қолишга интиладиган инсон табиатидаги табиий инстинкт сифатида шаклланиб, аста-секин ижтимоий ҳодиса даражасига қўтарилиган ҳодиса бўлиб, унинг ривожланиши жамиятдаги ахлоқий-тарбиявий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда айрим кишилар хулқ-атвори ва қарашларидаги худбинлик, фақат ўзини ўйлаб яшаш психологияси билан боғлиқ социал-маънавий ҳолатлар аслида индивидуализмдан озиқланмоқда. Хуллас, дастлаб ўзини сақлашга интилиш майли сифатида намоён бўлган ушбу феномен аста-секин ўзгалардан устун бўлиш, шахсий манфаатни жамият манфаатидан юқори қўйиш, бошқаларни менсимаслик сингари жиҳатларга алоҳида аҳамият беришга айланиб кетади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай интилиш охир-оқибатда эгоцентризмни вужудга келтиради. *Эгоцентризм* (лотинча ego – мен, centrums – марказ) ҳамма нарсани ўзи ва ўз манфаати билан боғлаб яшашни англатади. Бундай тушунчага эга бўлган шахс фақат ўзининг шахсий мақсад ва манфгаатларини, бошқаларнинг ўзига хос табиий интилишларини холисона қабул қила олмайди. Яъни, бундай мафкурали одам фаолияти билан боғлиқ барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётгани яққол кўзга ташланади. Эгоцентризм ўзгаларнинг хоҳиш ва истаклари билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам, ўзгалар фикрини инобатга олмаслик

ғоясига асосланади. Бунда шахсий фикр, шахсий дунёқарааш етакчи ўринга чиқиб, бошқа фикр ва мулоҳазаларга, гарчи илғор аҳамият касб этса-да, зарба берилади, эътироф этилмайди.

Инсон табиатидаги маънавий-ахлоқий фазилатларни юксалтириш масаласига юртимизда катта эътибор қаратилаётган бугунги даврда эгоцентризм ғояси айрим кишилар фаолиятида манманлик ва худбинлик сифатида намоён бўлмоқда. Модомики, эгоцентризм асосида ўзининг барча манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, ўзгалар ҳаётига бефарқ қарашдек худбин муносабат ётар экан, баркамол авлод характеристида эгоцентрик хусусиятларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасдан, жамият тараққиётига хизмат қиласиган, минг йиллар давомида халқимизга хос бўлиб келган маънавий баркамоллик фазилатларини янада ривожлантириш тақозо этилади. Чунки, эгоцентризм билан боғлиқ ҳар қандай салбий сифат маънавий-мафкуравий бузғунчиликнинг вужудга келишига замин яратади. Бундай бузғунчиликлар эса жамият тараққиётига гов бўлиб, одамлар тафаккурида салбий хусусиятларнинг илдиз отишига сабаб бўлади. Энг ёмони, ғаразли мақсадлар йўлида эгоцентризмдан маънавий озиқ сифатида фойдаланишга уриниш ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин.

Нигилизм (лотинча *nihil* - ҳеч нарсани тан олмаслик, эътироф этмаслик, инкор этишдир) — ҳамма нарсани инкор этишни тарғиб этади. Яхши ёки ёмоннинг фарқини тан олмайди. Унга кўра, ҳамма нарса “бир чизик” да кўрилади ва инкор этилади. Бу таълимот замирида янгиликни ҳис этмаслик, унга ёвузлик кўзи билан қараш мавжуд. Нигилистларнинг ғоявий жиҳатдан хавфли томони шундаки, улар ривожланишдаги тадрижийлик, ворисийлик қонуниятларини тан олмайди. Охир-оқибатда жамиятдаги миллий-маданий меросни, миллий қадриятларни, умуминсоний маданиятни ҳам инкор этади. Бундай шароитда турли маданиятлар вакилларини қарама-қарши қилиб қўйиш эҳтимоли кучаяди. Нигилизмнинг яшаб қолиши, тарғиб-ташвиқ этилиши факат ёвуз ва тажовузкор мафкуралар учун кераклигини унутмаслик лозим.

Бугунги кунда жамият онгига, айниқса ёшлар дунёқарашига таҳдид солаётган ғоявий таҳдидлардан бири “оммавий маданият”дир. Ғарб оламида “поп-культура” ёки “массовий культура” атамаси билан ифодаланаётган ушбу тушунча ғарб олимлари томонидан “антимаданият” атамаси түлиқ шаклланмаганлиги учун шартли равища қабул қилинганды.

“Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди,”¹ – деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Бу фикрдан “оммавий маданият”нинг энг мукаммал таърифини ҳосил қилиш мумкин. Яъни “оммавий маданият” бу - бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси”, десак бўлади.

Бугунги кунда юқорида келтирилган ғоявий таҳдидлар оммавий усулда – инсон нафсониятига таъсир ўтказиш ва унинг руҳий-маънавий қарашларини айнитиш мақсадида адабиёт, санъат, кино каби соҳалар воситасида тарқатилмоқда. Бу таҳдидлар инсоннинг ижтимоий ва маданий онгини издан чиқариши билан нафақат муайян халқ, балки бутун инсониятнинг тамаддунига хавф-хатар солади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 й. Б.- 117
95

**Мафкуравий таҳдид ва
унинг асосий йўналишлари**

”Мафкуравий таҳдид – ижтимоий-

сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини қўрқитув, зўрлик йўли билан бошқалар онгига сингдиришdir. Мафкуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси”¹. Бу турга кирувчи таҳдидлар кенг қамровлиги ва узокни кўзловчи хусусиятга эгалиги билан ажralиб туради. Мафкуравий таҳдидларнинг бугунги кунда қуйидаги кўринишлари кўзга ташланмоқда: миллий қадриятларни камситиш, миллий ахлоқ қоидаларини инкор қилиш, мўътадил қарашларни писанд қилмаслик ва буларнинг ўрнига муайян давлатлар иродасига итоат қилиш, космополит қоидаларни мақташ ва ўзга жамиятлар манфаатларига мос дунёқарашни мутлоқ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиш. Диққат қилинса, ижтимоий онгда нотўғри мақсад-муддаоларни, туйғуларни ва фикр-мулоҳазаларни ҳосил қилиш мафкуравий таҳдидларнинг негизини ташкил қиласди.

Мафкуравий таҳдидлар биз учун мутлоқа бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир. Мисол учун, ана шундай бегона *мафкуралардан бири* – миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилишdir. Унга кўра, инсонда миллий тараққиёт моделига шубҳа билан қараш ҳосил қилинади ва унинг “ёни”да ўзга давлатларнинг тараққиёт моделига ҳавас қилиш уйғотилади. Биз учун бегона *дунёқарашлардан бири* – мутаассиблиkdir. Унга кўра, шахс ўз тушунчаларини мутлоқ ҳақиқат деб қабул қиласди ва ўзга қарашларни эса асоссиз инкор қиласди.

Зеро, биз учун ёт бўлган мафкураларда Farb ҳаётини идеаллаштириш ва биз учун ёт бўлган дунёқарашларда эса Шарқ консерваторлигини тиқишиши ўзга ташланади. Ўзгача айтганда, ёт мафкураларда маънавиятни

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.:”Faafur Fulom”,2010.-Б.-297.

заифлаштириб гегемонлик қилиш ва ёт дунёқарашларда эса доктриник фикрлар воситасида шахс онгини динийлаштириш устувор даражада намоён бўлмоқда. Шу маънода мафкуравий таҳдидлар кўлами кенгайиб бориши мумкин.¹

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кундаги мафкуравий таҳдидларнинг глобаллашуви – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодалайди. Бугунги дунёда мислиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда.

Бугун дунёning мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартироқчи бўлаётган мафкуранинг турли шакллари дунё мамлакатларининг барқарорлик ва тараққиётига таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакл ва йўналишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган. Барқарор ривожланиш ва тараққиётга таъсир кўрсатувчи хавф-хатарлар тўғрисида давлатимиз раҳбари фикрига кўра икки мафкуравий тузум ўртасидаги қарама-қаршилик барҳам топган бўлса-да бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойиштароқ бўлиб қолгани йўқ. Унда можаролар камаймади. Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган, ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Бу можаролар илгари икки тузумнинг дунё миқёсидаги қарама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар кутбининг манфаатлари йўлида “бостириб келган” эди. Бундан ташқари, янги **минтақавий можароларнинг** вужудга келиши ва

¹ Яна қаранг: Аббосхўжаев О., Умарова Н., Кўчкаров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. –Т.: “Akademiya”. 2007. Адресон Р., Шихиров П. «Дельфины». –М.: Дело ЛТД. 1994 ва х.к.

уларга турли ташқи кучлар ўз жўғрофий-стратегик интилишлари доирасида жалб этилишидан иборат хавфлар ҳам мавжуд.

Янги юз йилликда минтақавий можаролар қуролли ҳаракатлар билан эмас, балки вирус каби сезиларсиз тарзда кириб келади, ўзи кучайиб, қолганларни ҳолдан тойдириб, фаровон минтақани таназзул ёки портлаш сари етаклайди. Шунинг учун минтақавий можароларнинг салбий оқибати тўғрисида маълум тушунчага эга бўлиш ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа хатти-ҳаракатларни, юз бераётган воқеаларни кузата олиш, бу ҳақда мустақил фикрлаб, тўғри хulosा чиқариш, можаро кириб келишига йўл кўймаслик, унга қарши курашиш каби дунёқарашнинг ҳалқ орасида оммавий шаклланишига эришиши шарт. Минтақавий можаролар бир давлатга оммавий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлгани каби, унга қарши кураш ҳам бутун ҳалқни қамраб олиши, оммавий бўлиши, яъни ҳалқ мафкурасига айланиши лозим.

Мамлакатимиздаги барқарор ривожланиш, тинчликка таҳдид солувчи оғир хавфлардан яна бири - *диний экстремизм ва фундаментализм* эканлиги маълум. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диний маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига эътибор қаратади.

Фундаментализм - муайян таълимотнинг жамият ҳаётининг асоси деб мутлақлаштирилиши ёки муайян ғоянинг таълимот асосида бўлишидир. Ушбу атама икки хил талқинда ишлатилиб, бири сиёсий атама ҳисобланса, яна бири фанда илмий истилоҳни ифодалайди. Фанда бу атама илк бор Янги давр фалсафаси вакиллари Бекон, Декарт ва Локк сингари файласуфлар асарларида ишлатилган. Улар билиш масаласида, агностик фалсафани тушунтиришда

фундаментализмни келтириб ўтган. Бу атама сиёсий мақсадларда илк бор XX аср бошида америкалик протестантларнинг бир гурӯҳи томонидан ишлатила бошланди. Улар христианликнинг фундаментал ақидаларини соғ асосда қайта тиклаш ва бунда муайян эътиқодий назарияларни қабул қилиш ҳамда бошқаларидан тамомила воз кечишни талаб қилиб чиқади. 70-йиллардан бошлаб бу атама Ғарб тадқиқотчилари томонидан ислом оламига нисбатан ҳам ишлатила бошлайди. Охирги пайтларда жаҳон матбуотида мутаассиб ислом жангарилигини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Аммо диний фундаментализм ҳамма динларда мавжуд бўлиб, улар ягона умумий хусусиятни ўзида мужассам этади. Протестант фундаментализми, проваслав фундаментализми, иудаизм фундаментализми каби атамалар бугунги кунда кенг ишлатилмоқда. Қизиги шундаки, баъзи мамлакатларда диний фундаментализм сиёсий саҳнада ўз мавқеига эга. Мисол учун, иудаизм тарафдорлари Истроил парламентининг салкам учдан бир қисмини ташкил қиласди. Юқорида таъкидлангани каби, сўнгги пайтларда айрим минтақаларда ислом фундаментализмининг кучайиши кузатилмоқда. *Ислом фундаментализми* – Қуръон ва ҳадисни кўр-кўрона талқин этадиган, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қиласди, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилади. Ислом фундаментализми турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усууллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган ғоялар - гўёки динсиз ёки «соғ исломдан чекинган» давлат раҳбарларига суиқасд қилиш ва уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк»ка (бутпарамастикка) барҳам беришдир. Транспорт ва коммуникация воситалари шиддат билан ривожланиб бораётган, халқаро алоқалар тобора

эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқда. Кейинги вақтларда рўй берадётган террорчилик ҳаракатлари бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозимлигини яққол кўрсатмоқда.

Ислом ниқобидаги экстремистик гурӯҳлар ёки уларни қўллаб-кувватлаётган бошқа сиёсий кучлар қандай йўл билан бўлишидан қатъи назар, дунё сиёсатига салбий таъсир кўрсатиш, халқлар эришган ютуқларни чиппакка чиқариб, ўз таъсир доирасига туширишга, сиёсий ҳокимиятни эгаллаб, ўзларининг сиёсий ва ҳуқуқий меъёрларини жорий этишга ҳаракат қиласди. Радикал гурӯҳлар жумладан диннинг маънавият юксалишига ижобий таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиб, ундан сиёсий дастур сифатида фойдаланишга ва ижтимоий бошқарувда жорий этишга интилмоқда, яъни барча элларни ягона ислом бошқаруви остида бирлаштириб, бир замонлар «фаровон ислом оламини яратган халифалик»ни қайти тиклаш, унга кирмаганларга қарши жиҳод ёки муқаддас уруш эълон қилиш йўлидан бормоқда.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар, айниқса, ғарб давлатларининг иқтисодий ва техник тараққиёт нуқтаи назаридан шарқ мамлакатларига таъсир кўрсатишга уриниши, шу мамлакатларнинг моддий-иқтисодий бойликларидан фойдаланиш асосида уларни ўз таъсирига тортишни турли услубларда мажбурий амалга оширишга уриниши, ислом мамлакатларини менсимай ички ва ташқи муносабатларига аралашишлари ҳам улар сафининг тобора кенгайишига, шундай руҳдаги янги гурӯҳ, оқимларнинг юзага келиб тарқалишига таъсир кўрсатмоқда. Натижада турли-туман диний муросасизликни байроқ қилиб олган гурӯҳларда «ислом мамлакатларини ягона бошқарув остида бирлаштириш керак», деган асоссиз фикр туғилишига замин ҳозирлаяпти. Бу эса асрлар давомида тараққиёт йўлидан борган турли ислом халқлари диний ва дунёвий урф-одатлари, эътиқодларини ислоҳ қилиш керак, деган тушунчага йўл очиб, оқибатда

күйпурувчилик билан шуғулланаётган диний гурухлар ва давлатлар ўртасидаги қонли тўқнашувларга сабаб бўляпти.

Инсоният тарихи мана шундай можаролар ва уларга қарши кураш билан ўтган ва бундан кейин ҳам бу жараён тўхтаб қолмайди. Бундай вазиятларда факат эзгуликка интилиш билан фожиаларнинг олди олинган. Президентимиз таъкидлаганлариdek: “халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урфодатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.”¹ Айни шу юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни халқимиз тафаккурида қарор топтириш орқали уларни ёвуз кучлардан ҳимоя қила оламиз.

Мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган яна бир хавф буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик бўлиб, у ҳам МДҲ худудида кучайиши мумкин бўлган хавф-хатарлардандир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш эканлигини таъкидлайди.

Шовинизм — миллатчиликнинг энг ашаддий кўринишларидан бўлиб, муайян миллатнинг мислсизлиги ва бекиёслигини тарғиб қилишда намоён бўлади. Шовинизмнинг моҳияти бир этнос манфаатларини бошқа халқлар манфаатларидан устун қўйишида, бошқа миллатларга нисбатан паст назар билан қараш ва нафратни тарғиб қилишда кўринади.

«Шовинизм» атамаси француз драматурглари ака-ука Конъярнинг «Уч бўёқли тож» пьесаси қаҳрамони Никола Шовен номидан олинган. Бу қаҳрамон агрессивлиги ва жангарилиги билан ажralиб турган. Ривоят қилишларича, Шовеннинг прототипи реал шахс бўлиб, у Наполеон юришларида иштирок

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 й. Б.- 96

этган. У императорга ва француз миллатига содиқлиги, уларнинг хар иккисини кўкларга қўтариб мақташи билан ажралиб турган.

Шовинистлар бошқа миллатларга нисбатан фақат даҳанаки жанг билан чекланишмайди. Шунинг учун шовинизм атамаси асосан миллатчи экстремистларга нисбатан қўлланади.

Мустамлакачилик юришлари пайтида шовинизм бир қатор Ғарб давлатларининг расмий мафкурасига айланган.

Буюк давлатчилик шовинизми шовинизмнинг қўринишларидан бири бўлиб, миллатдаги ҳукмрон гурухларнинг мафкураси ва сиёсатини ифода этади.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик бугунги фантехника ва ахборот айирбошлиш тараққиёти тобора юксалаётган XXI асрда янги шаклда намоён бўлмоқда. Бу иллат ҳозирги кунда жаҳоншумул қуролли тўқнашувлар билан эмас, балки иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, маънавий, интеграцион ва бошқа мазмундаги жазо чоралари орқали намоён бўлмоқда. Шунингдек, ҳозир бу усул иш бермаган тақдирда, тарихий услуб, яъни қуролли ҳарбий тазийик, босиб олиш ёки мажбуран таъсир доирасига киритиш усулларидан ҳам фойдаланилмоқда. Чунончи, гўёки бизнес фаолиятини кўзда тутувчи, аслида эса мақсади бошқа бўлган турли лойиҳаларга ёхуд нодавлат ташкилотлар таъсир доирасига олиш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида провакацион ташвиқотлар уюштириш орқали ўз ғояларини сингдириш амалиёти ҳам унинг асосий шаклларидандир. Ривожланган давлатлардаги айrim гурухлар томонидан амалга оширилаётган бундай хатти-ҳаракатларнинг асл моҳиятини тўғри англаган раҳбаргина ўзи етакчилик қилаётган жамоасининг дунёқарашини белгилашга ёрдам бера олади.

Ҳозирда давлатларнинг мутлақ аксарияти кўпмиллатлидир. Шунга қўра, миллатлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятлар албатта бир давлат чегарасидан ташқарига чиқиши ва минтақа доирасига ёйилиши нуқтаи назаридан таҳлил этилиши керак. Шуниси характерлики, этник ва миллий низолар мақсадига кўра, ички ёки ташқи асосли бўлади. Баъзан ички асослар

сабабли юзага келган низоларга, маънавий, этник, миллий ёки бошқа манфаатлар туташ ва яқин бўлишига қараб, ташқи сабаблар ҳам араласиб кетади. Оқибатда ички низолар давлат ёки минтақа доирасидан чиқиб, халқаро майдонда давлатлараро тус олади. Айни вақтда, уларнинг туб асослари илмий таҳлил этилмагани боис, муаммоларни бартараф этиш ўрнига уларни чуқурлаштиришга йўл қўйилмоқда.

Бугунги кунда бу агрессив миллатчилик ғоялари нацизм, фашизм ҳамда неофашизм қўринишларида миллатлараро алоқаларга рахна солмоқда.

Фашизм – (итальянча *fascismo* сўзидан олинган бўлиб, *fascio* боғлам, алоқа, боғлиқлик деган маъноларни билдиради) мустабидлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар, партия ва сиёсий тартибларни билдиради. Бу оқим биринчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларидағи тажовузкор таълимотлар асосида пайдо бўлди. Мазкур таълимотни пайдо бўлишининг асосий сабаби - жамиятдаги барча ижтимоий қатламларни қамраб олган узоқ муддатли глобал инқироз эди. Фашизм ана шу инқироздан тез ва нисбатан самарали чиқишига уриниш эди. Аммо жамиятнинг ўз муаммоларини янги фашистик элита ҳисобига ечиши одатда жуда қимматга тушади, яъни охир-оқибатда бундай ҳолатдан жамиятнинг ўзи ҳалокатга учрайди.

Фашизм миллий сафарбарлик ва бирдамликка асосланган мафкура бўлиб, жамият тузилиши ва тизимини янгича ташкил этишга қаратилган мистик этатизм ва давлат патернализми, миллатчилик ва ирқчилик шаклларининг йифиндисидир. У жамиятни мажбурий тарзда «бизникилар» ва «бегоналар»га ажратиб ирқчилик, милитаризм ғоялари асосида «бегоналар»ни йўқ қилишни тарғиб этади.

Фашизм - оммавий сиёсий ҳаракат бўлиб, катта тарғибот-ташвиқот аппарати асосида омманинг хулқ-атвори ва дунёқарашини бошқарадиган гоявий мафкуравий технологик мажмуадир. Фашизмнинг бошқа реакцион диктатуралардан фарқи шундаки, уни жамиятнинг муайян ижтимоий қисми қўллаб-қувватлайди, чунки фашизм етакчилари уларга бир қатор социал шароитларни ваъда қиласи. Фашистик ҳаракат ва режимларнинг ижтимоий

асоси турли мамлакатларда нисбатан турлича бўлиб, улар биринчи навбатда инқироздан зарар кўрган қатлам вакиллари ҳисобланади.

Фашизм ўзига хос тоталитар ёки авторитар сиёсий маданиятнинг шундай турини яратадики, у инсонларнинг оила, кундалик турмуш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги муносабатларига, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига амалий таъсир ўтказади. Фашизм, сиёсий ҳаракат сифатида турли кўринишларда - монархистик фашизм (Испанияда Франко бошчилигига), ҳарбий-фашистик (Чилида Пиночет бошчилигига) тартиблар шаклида намоён бўлиши мумкин.

Унинг янги тарихий шароитдаги кўриниши неофашизм бўлиб, неофашистик гуруҳлар янги шароитга мослашган ҳолда ўзини жаҳон афкор оммаси кўз ўнгидаги мутлако обрўсизлантирган фашизмдан фарқ қиласиган оқим сифатида кўрсатишга уринади.

Неофашистлар аҳолининг қашшоқ, маргинал гуруҳларини ўз томонига ағдариб олишга ҳаракат қиласиги. Шу боис ўз мавқеидан норози бўлган муайян гуруҳлар неофашистлар таъсирига тушиб қолади. Улар қўллайдиган асосий тактик усул – турли йўллар билан мамлакатда ижтимоий танглик вазиятини келтириб чиқариш ва сақлаб туришдан иборат. Шу тариқа улар демократик йўл билан сайланган парламентлар ва ҳукуматларни мамлакатда тартиб ўрнатиш ва сақлаш учун ноқобил, деб кўрсатмоқчи бўлади.

Ижтимоий тангликнинг сурункали давом этиши аҳоли қуий табақаларининг бир қисмини неофашистлар сафига қўшилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун неофашистлар турли тартибсизликлар келтириб чиқариш йўли билан тангликни сақлаб туришга ҳаракат қиласиги. Масалан, Россия Федерациясидаги Э. Лимонов бошчилик қилаётган национал-большевиклар ўз фаолиятида мана шу усулдан фойдаланади.

Нацизмнинг мақсади, Гитлернинг таъкидича, «марксистик дунёқарашни йўқотиш ва таг-туғи билан тугатиш», марксизм террорига ўн карра кучли террорни қарама-қарши қўйишдан иборат эди. Аслида Европа жамияти одида турган ҳалокатда бу бир фақат баҳона эди, холос. Нацизмнинг асл мақсади эса

жаҳонга эгалик қилиш эди. Шунинг учун ҳам нацизм ва фашизм тарғибот ва ташвиқот аппарати кечаю кундуз нафақат немис халқига, балки жаҳон халқларига йўналтирилган ғоявий хужумни тинимсиз олиб борган эди.

XXI асрда нацизм ва фашизм жабр-ситамларини тортган бир қанча мамлакатларда неофашизм ёшлар ўртасида яна қайта бош кўтара бошлади. Европанинг бир қатор давлатларида ва собиқ совет худудининг Россия, Украина ва Болтиқбўйи давлатларида содир бўлаётган воқеалар бунга мисол бўла олади.

Фашизм ва нацизмнинг инсоният бошига солган кулфатлари Нюренъберг суд жараёнида ҳар томонлама ўз баҳосини олган эди. Жаҳонда уларнинг қайта бош кўтармаслиги учун барча давлатлар биргаликда ҳаракат қилишиб олди. Аммо тарихдан сабоқ ва хулоса чиқара олмаган маълум бир гурухлар улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқда.

Дунёдаги барча халқлар яшаш, бахтли бўлишга ҳақли, уларни ҳеч қандай куч бу ҳуқуқдан маҳрум этолмайди. Жаҳон халқлари, ўз олдида турган ҳаётий масала ва муаммоларнинг ечимини ҳамжиҳатликда топиш учун дини ва мафкурасидан қатъи назар, бир-бири билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим.

Бугунги Ўзбекистоннинг табиий шароити тоталитаризм даврида йўл кўйилган жиддий хатолар оқибатида экологик муаммолар гирдобида қолган. Шу нуқтаи назардан табиатни асраш инсон зиммасига юклangan буюк вазифа эканлигини оммавий англаш, бу вазифани бажаришга мумкин қадар ҳисса қўшишга уринишни анъанага, инсон ҳуқуқларининг азалий қонунига айлантириш бугунги куннинг талабидир. Айни пайтда ҳозирги кунда бутун Ер юзида атмосфера билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Касалликлар, иқлиминг бузилиши, ер ости бойликларидан фойдаланишдаги хатолар ва унинг оқибатлари, сув захиралари билан боғлиқ муаммолар, ядервий синов ва чиқиндилар келтираётган заарларни ҳам халқ тўғри тасаввур этиши зарур.

Булар қолаверса жамият барқарорлигига бевосита таъсир этувчи айрим жиҳатлардир. Мазкур муаммога нафақат биз учун, балки ҳар қандай ривожланган кучли давлатнинг барқарорлиги ва тараққиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кучли таҳдидлар сифатида қараш керак. Келтирилган далиллар фақат мамлакатимизда эмас, балки жаҳонда юз берадиган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Тараққиётга салбий таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларни тўғри баҳолаб, ҳаққоний тарзда халққа етказиш ҳар бир раҳбардан алоҳида билим ва кенг илмий дунёқарашни талаб этади.

Халқаро терроризмнинг ғоявий-мафкуравий асослари

Терроризм ўта мураккаб, серқирра ҳодиса сифатида ҳар бир жамият ривожланишида хавфли таҳдидни юзага келтириб, унга қарши курашиш учун унинг моҳиятини, юзага келиш сабабларини, унинг келтириб чиқарувчи омилларни ва бошқа хусусиятларини чуқур ўрганиш зарур.

Шу асосларда даставвал «терроризм» тушунчасига оид айрим илмий, фалсафий адабиётлар таҳлили асосида терроризмга берилган таърифларнинг аксарияти умумий ва бирмунча мавхум эканлигига шоҳид бўламиз. Бунинг сабаби, фикримизча, терроризмга умумий таъриф беришни анча қийинлаштирувчи бошқа кўплаб омилларга боғлиқ равища турли мамлакатларда турлича намоён бўлувчи, моҳиятан жуда мураккааб ҳодиса эканлигидадир. Шу боис ҳам бу ҳодисага аниқ ва мукаммал таъриф бериш жуда мушкул. «Фалсафа» қомусий луғатида ушбу ижтимоий ҳодиса «Терроризм, террорчилик – зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Терроризм бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтақа ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган мураккаб феноменdir»¹, деб таърифланган. Бошқа бир луғатда: «Терроризм (лотинча «terror»— қўрқув, даҳшат) маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Кўрқитиши ва даҳшатга солиши

¹ Фалсафа: Қомусий луғат. –Т. 2004. – 398-б.

орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир»¹, деб таъриф берилган. Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, мазкур ижтимоий-хуқуқий ҳодисага хос энг муҳим хусусиятлар қўрқитиши, даҳшатга солиш, куч ишлатиш, зўравонлик, йўқ қилиш кабилардир. У сиёсий, иқтисодий диний, гоявий, ирқий, миллий, гурухий ва индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпорувчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, уларнинг барчаси гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай ишлар остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Террор билан консерватив, инқилобий, диний, миллатчи рухдаги кучлар шуғулланиши мумкин. Лекин уларнинг асосий моҳияти сиёсий бўлади. Қатор давлатлар учун террорист ҳисобланган кучлар, бошқалари учун исёнчи ёки эркинлик йўлидаги курашувчи сифатида намоён бўлмоқда. Терроризмнинг умумий жиҳатлари ва асосий кўринишларини ўрганишда авваламбор унинг таърифини, нисбий бўлса ҳам, аниқлаштириб олиш керак. Терроризм — муайян гуруҳнинг рухсат этилмаган ҳолатда онгли равишда куч ишлатишидир. Бунда террорчилар аниқ мақсадни кўзлайди ва ўзини тўла ҳақ деб билади. Бундан шу нарса аниқ бўладики, террорчилардаги мавжуд куч мақсадни амалга оширишда ижтимоий-сиёсий муҳит билан бевосита алоқадорликда бўлади. Шунинг учун бирон-бир сабабга асосланган мақсад террорчиликка олиб боради. Террор кўп ҳолатларда кенг миқёсдаги ҳарбий кучлар билан алоқадор бўлади ва бундай мисолларлар тарихда бир неча бор кузатилган. Бундан ташқари, террор давлатнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда икки хил шаклда куч ишлатилади: жазо бериш органлари ёки ҳарбий кучлар томонидан. Бунда сиёсий мақсадларни амалга ошириш ёки аниқ бир режимни жорий қилиш учун террор амалга оширилади. Терроризм тушунчаси ҳамма вақтда ҳам террористик ҳаракатнинг тез

¹ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. –Т., 2007.– 274-б.

суръатда амалга оширилишини билдиради. Бундай ҳодиса сиёсий, этник, диний ва бошқа кўринишларда бўлади.

Ғоявий терроризм сиёсий идеолог раҳбарлар томонидан вужудга келтирилади. Бунга расмий тор доирадаги истисно қилинган ички сабаблар кўрсатилади. Бунда миноритар идеологлар жамиятни бошқа бир жамиятга аралаштириб юборадилар Табиийки бу мафкуралар бир жамиятдан бошқа бир жамиятга ўтиб туради ва бир давлатда яширин ҳолда мавжуд бўлса, бошқа бир давлатда эса парламентда ёки ҳокимиятида ифодаланиши мумкин.

Диний терроризм муайян бир диний секта ёки гуруҳ таълимотининг жамиятда мутлақлаштирилиши оқибатида келиб чиқади. Бунда ушбу ғоя тарафдорлари бошқаларнинг фикр ва ғояларини кескин танқид остига олиб рад қиласи ва ғоявий безовталикни келтириб чиқаради. Бунинг даҳшатли томони улар қўллайдиган амалий чораларда кўринади. Чунки одатда фундаментализм тарафдорлари қўлида қурол ва баъзан бутун бошли ҳарбий гурухлар бўлади. Бугунги кунда ядровый, биологик, бактериологик қуролларнинг террорчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли — энг катта хавфдир.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида ҳам террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидағи ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телезэкранлар орқали доимий намойиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган вируслар тарқатиш шулар жумласидандир.

Ўзининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни қўзлайдиган кучларнинг зўравонлиги ва қўпорувчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий терроризм нафақат жиноятчи гурухлар, хатто баъзи тажовузкор руҳдаги расмий реакцион сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатан ғараз ният билан қаровчи ёвуз кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан чалғитишга, бизни яна қарамлик ва асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, террорчиликни касб қилиб олган, буюртма бўйича қўпорувчилик ва босқинчилик билан шуғулланадиган ёлланма ҳалқаро террорчи, жиноятчи гурухлардан ҳам фойдаланмоқда.

Террорчилар ҳаракатларининг икки жиҳати мавжуд бўлиб, улар рационал ёки иррационал тарзда амалга оширилади. Террорнинг рационаллиги шунда намоён бўладики, бунда фавқулодда зўравонлик билан, бир қанча ижтимоий меъёрлар доирасидан чиқиб, одамлар террористларга ён беришга мажбурланади ва муайян сиёсий ёки ижтимоий мақсадга етилади: бошқа террорчиларни озод қилиш, биронта сиёсий ёки этник эркинликни тан олдириш, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, руҳий тушқунлик ёки ночорлик ҳолатини уйғотиш, муайян гурухлар томонидан кенг намойишлар ўтказиш ва шунга ўхшаш шартлар қўйилиши мумкин. Ҳозирда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг деярли ҳаммаси мана шу усулда амалга оширилмоқда. Хатарли томони шундаки, баъзан бу борада ён беришлар кузатилмоқда.

Иккинчи жиҳат иррационал ҳолатда содир этилади. Бу экзистенционал тажрибада чегараланиб, теракт қатнашчисининг кучли эҳтиросга берилиши ва жазавага тушиши натижасида содир бўлади. Ҳозирги вактда бундай террорчилик камдан-кам ҳолатда содир этилмоқда. Бунда инсон моҳияти мавжуд қонун-қоидалар асосида ҳаракатга келтирилади. Жамиятда шаклланиб бораётган нобоп хатти-ҳаракатлар ва уларнинг турли номлар остида қонунийлаштирилиши индивидуал характердаги террорни келтириб чиқармоқда.

Терроризмнинг энг ашаддий кўринишларидан бири ҳалқаро терроризм бўлиб, у — давлат бошлиqlари ва ҳукумат аъзолари, дипломатик ваколатхоналар ходимлари жонига давлатнинг ички ёки ташқи сиёсатини

ўзгартириш мақсадида қасд қилиш. Халқаро терроризм одамларни гаровга олиш, ҳаво кемаларини олиб қочиш, қароқчилик, элчихоналар ва халқаро ташкилотлар биноларига ҳужум қилиш шаклида юз бериши ҳам мумкин.

Халқаро терроризм тармоғи бир давлат доирасидан чиқиб бир неча давлатни қамраб олиши мумкин. Халқаро террорчи ташкилотлар фаолияти бир ёки бир неча мамлакат ҳудудидан бошқарилиши мумкин.

XX аср охири ва XXI аср бошларида халқаро терроризм жаҳон ҳамжамиятияга борган сари кўпроқ таҳдид туғдирмоқда. 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида 2001 йил 11 сентябрда АҚШда, 2005 йил май ойида Андижон шаҳрида ва кейинги йилларда бир қатор Ғарб ва Шарқ мамлакатларида содир этилган террористик ҳаракатлар натижасида юзлаб ва минглаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши, катта миқёсда моддий заар келтирилгани халқаро терроризмнинг инсоният учун қанчалик хавф туғдираётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда халқаро терроризмнинг ўнлаб марказлари мавжудлиги маълум. “Ал-қоида”, “Ҳизбут-тахрир” сингари халқаро террористик ташкилотларнинг бўлинмалари кўплаб мамлакатларда фаолият юритади. Баъзи мамлакатлар раҳбарларининг бефарқлиги ва кўриб-кўрмасликка олиши сабабли “Ҳизбут-тахрир” террористик ташкилоти бир қатор мамлакатлар ҳудудида очиқ фаолият юритмоқда. Жумладан, бу жиноий ташкилотнинг штаб квартираси Буюк Британияда жойлашган. Қатор давлатлар расмий доираларининг баёнотлари ва талабларига қарамай, Буюк Британия ҳукумати виждан эркинлиги ва демократия тамойилларини рўкач қилиб, бу ташкилот фаолиятини тақиқлаб қўйишини пайсалга солмоқда. Аслида эса, юзлаб ва минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган ташкилотни ҳимоя қилишнинг виждан эркинлигига ҳам, демократияга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ҳозирги вақтда терроризм уюшган жиноятчиликнинг хавфли кўриниши сифатида халқаро миқёсда энг долзарб ва глобал муаммолардан бирига айланди. Терроризм замонамизнинг энг хавфли ва мураккаб ҳодисаларидан

бири бўлиб, вақт ўтган сари хавфли тусга эга бўлиб бормоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, бугун терроризм «...ҳақида бутун жаҳон ҳамжамияти қайғурмоғи лозим»¹, «Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган ҳалқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиши хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортишига, бу ерда доимий беқарорлик яратилишига олиб келиши мумкин. Минтақада жойлашган айrim мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қулай замин туғдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иктисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда»².

Терроризм ижтимоий-салбий ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқнинг ривожига ўта салбий таъсир кўрсатади, шунингдек, мазкур жиноят ижтимоий ва миллий гурухлар ўртасида баъзан бутун бир авлод ҳаёти мобайнида бартараф этиб бўлмайдиган ишончсизлик ва нафрат келтириб чиқаради. Ушбу жиноят хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солиб, мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг бевақт ўлимига ёки ҳаёти хавф остида қолишига, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига хисобсиз зарар етказилишига, мамлакатдаги тикланмайдиган моддий ва маънавий бойликлар йўқ бўлишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, мамлакатдаги ялпи нотинчликка сабаб бўлади.

Жумладан, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 16 нафар бегуноҳ шахс ҳалок бўлган, 130 нафар шахс турли даражадаги тан жароҳати олган, 700 млн. сўмдан ортиқ

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 89.

² Каримов И. А. Ўзбекистон Қуролли Кучларнинг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // — Постда. — 2012 йил.— 14-янв.

миқдорда моддий заарар етказилган¹, 50 дан зиёд маъмурий ва уй-жой бинолари заарарланган². 2004 йил 29 марта Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, 2004 йил 30 марта Тошкент вилояти Қибрай туманида, 2004 йил 1 апрелда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, 2004 йил 30 июля Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 38 нафар бегуноҳ шахс ҳалок бўлган³. 2005 йил 13 майда Андижонда содир этилган террорчилик оқибатида 169 киши ҳалок бўлган, қуролли хужум давомида террорчилар 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва қуролларни қўлга киритган⁴, шунингдек, улар жазони ижро этиш муассасаларидан қарийб 600 нафар маҳбусни чиқариб юборган⁵.

Дунё бўйича терроризмнинг содир этилиш кўрсаткичи йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда. Буни статистик маълумотларнинг таҳлили ҳам тасдиқламоқда. Масалан, мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 1966 йилдан бошлаб жаҳон миқёсида террорчиларнинг фаолияти анча кучайган⁶. Жумладан, дунё бўйича 1968 йилдан 1980 йилгача ўтган даврда 6700 га яқин⁷, 1970–1978 йилларда 5534 та, 1981 йилда 2700 та, 1984 йилда 700 та, 1985 йилда 800 та, 1987 йилда 832 та, 1989 йилда 856 та террорчилик ҳаракати содир этилган⁸. 1985–2006 йиллар оралиғида ер юзида 220 дан ортиқ аёллар томонидан ўзини қурбон қилиш йўли билан террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган⁹. Ҳозирги вақтда дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари ва

¹ Қаранг: Қодиров Р. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим хусусиятлари (амалий қўлланма). –Т.: Ўқитувчи, 2000. – Б. 9

² Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.:Ўзбекистон, 1999. – Б. 335.

³ Қаранг: Фойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи: Монография. –Т., 2009. – Б. 251–252.

⁴ Қаранг: Халқ сўзи. – 2005. – 18 май.

⁵ Қаранг: Халқ сўзи. – 2005. – 17 май.

⁶ Изоҳ: Ўзбекистонда фақат 1937–1953 йиллар мобайнида (бундан уруш йиллари мустасно) иттифоқ мустабид машинаси қарийб 100 минг кишини катағон қилинган, улардан 13 минг киши отиб ташланган. Қаранг: Ҳақлиев В.Миллий ғоянинг халқаро терроризм ва экстремизм таҳдидига қарши курашдаги ўрни // <http://akadmvd/files/lecture/TRPUDO/migvak-kir/mavzu-11.pdf>

⁷ Қаранг: Шнайдер Г. И. Криминология. – М., 1994. – С. 439–440.

⁸ Қаранг: Салимов К. Н. Современные проблемы терроризма. – М., 2000.– С. 8.

⁹ Қаранг: Иканов А. А. Суицидал терроризм инсоннинг яшаш ҳуқукига таҳдидлардан бири сифатида // Конституция – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси мавзуидаги давра сұхбати материаллари (II қисм). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 265.

экстремистик йўналишдаги гурухлар мавжуд бўлиб, улар томонидан 2000–2011 йиллар давомида 10 000 га яқин террорчилик ҳаракати содир этилган¹. Бунинг натижасида 26 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган ва жароҳатланган².

Терроризм сўнгги йилларда сиёсий, мафкуравий ва шахсий жиноий мақсадларда аҳолини қўрқитиш ҳамда давлат, ҳокимият ва бошқарув органларига руҳий тазийк ўтказишга қаратилган зўравонликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишининг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодисасига айланди. Террорчилик ҳаракатлари, яъни одамларни гаровга олиш, давлат ва жамоат арбоблари, диний ёки бошқа гурухлар ҳамда хорижий давлатлар ва ташкилотлар вакилларининг ҳаётига таҳдид солиш, йирик объектларни эгаллаб олиш, портлатиш, одамларнинг соғлиғига, ҳаёти ва мулкига таҳдид солиш каби ҳаракатлар мамлакат тинчлигига путур етказади.

Шу ўринда Президентимизнинг «бугун ҳалқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди» деган аниқ фикрини эслаш жоиз. Террорчилар исломий шиорлардан жуда усталик билан фойдаланяптилар. Инсоният тарихида диний онгнинг ажralmas қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан факат бунёдкорлик кучи сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч сифатида ҳам фойдаланилганини кўришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари хавфсизликни таъминлаш зарурлигига кўп бора эътибор қаратиб келмоқда: «Ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуктаи назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва ҳалқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндашувлар излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқиши тобора қаттиқ талабқилмоқда»³.

¹ Қаранг: Иканов А. А. Юқорида кўрсатилган адабиёт. – Б. 266.

² Қаранг: Францифиров Ю. В. Терроризм – преступление против общественной безопасности // История государства и права. – 2000. – № 1. – С. 42.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – 31-б.

Терроризм хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодисага айланиб бораётган бир пайтда унинг ижтимоий сабаблари тизимида янгидан-янги детерминанталар пайдо бўлиши шубҳасиз. Терроризмнинг олдини олиш, *биринчидан*, уларнинг жамиятда мавжуд бўлиши ва ўсиб боришини тақозо этувчи сабаб ва шароитларини аниқлашни, *иккинчидан*, ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, маънавий ва ташкилий соҳаларда комплекс умунижтимоий ва маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни талаб қиласиди.

Назорат саволлари:

1. Геосиёсат деганда нимани тушунасиз?
2. XXI асрда қандай мафкуравий ўзгаришлар содир бўлди?
3. Фоявий тахдид нима ва унинг қандай кўринишлари мавжуд?
4. Мафкуравий тахдиднинг қайси йўналишларини биласиз?
5. Терроризм нима ва унинг қандай мафкуравий таъсири мавжуд?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Фоявий тахдидлар ва уларнинг асосий кўринишлари
2. Оммавий маданият – фоявий тахдид омили сифатида
3. Диний экстремизм ва терроризм – халқаро тахдид
4. ИШИД ва унинг мафкуравий тахдиidi

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008

6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010

8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003

**5-МАВЗУ: МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ ВА АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИ.**

**Мафкуравий тажовуз ва унга
қарши миллий хавфсизликни
таъминлаш зарурати.**

Мафкуравий тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати.

Маълумки, жаҳонда вужудга келган мураккаб вазият туфайли ҳозирги даврнинг мафкуравий таҳдидлар структураси янада кенгайиб кетди. Замонавий мафкуравий таҳдид омили сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий соҳаларни яъни, инсоният жамияти ҳамда ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Айни пайтда бугунги кунда мафкуравий таҳдид орқали кўзланган мақсадларга эришишда маънавият омилидан асосий механизм сифатида фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолат мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш учун кўплаб назарий муаммоларни ҳал қилишни ҳам ниҳоятда долзарб вазифа қилиб қўймокда. Хусусан, «мафкуравий тажовуз» тушунчасини ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, илмий жиҳатдан янада чуқурроқ англаш зарурлиги муҳим бўлиб турибди.

“Мафкуравий тажовуз” тушунчаси муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумнинг заифлаштиришга ва барбод қилишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиётни ифодалайди.

Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуслардан, одамларнинг диний, миллий хиссиётлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласидар.

Бугунги кунда мамлакатимизга татбиқан мафкуравий тажовуз аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини

ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузгунчи ғояларни сингдиришдек кўринишларда содир бўлмоқда. Бундай тажовуз демократия байроғи остида фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятини издан чиқариш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш, уларни Конституциямизда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чақиришдек уринишларда ҳам намоён бўлмоқда.

Юқоридаги каби хусусиятлари туфайли мафкуравий тажовуз мафкуравий гегемонизм (юонча *gегемония* – раҳнамолик, ҳукмронлик, раҳбарлик) билан ҳамоҳанглик касб этади. Зеро, мафкуравий гегемонизм муайян ижтимоий грух, қатlam, миллат, давлатнинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини асослашга қаратилган назария ва амалиётдир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина мінтакаларни ўзларининг “ҳаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсатини амалга оширганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди. Гегемонизм – ана шундай мақсадларга хизмат қиласидиган ғоялардан бири бўлиб, у ижтимоий грух, синф, давлат ёки этноснинг бошқа грухлар, синфлар, давлат ва этнослар устидан етакчиликка даъво қилишини англатади.

Ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида гегемонияга турлича ёндашувлар бўлган. Қадимги юонлар ва римликлар ўзларини маданиятли одам ҳисоблашган ва бошқа барча халқларни, шу жумладан, Европа халқларини ҳам варварлар (яъни ёввойилар) деб ҳисоблашган. Бундай ёндашув, табиийки, юонлар ва римликларнинг дунёда гегемонликка даъво қилишига олиб келган. Собиқ иттифоқ сиёсий назариясида асосий ўрин пролетариат гегемонлигига ажратилган эди. Уларнинг фикрига кўра, барча

куйи синфлар, қатlam ва гурухларнинг социалистик инқилоб йўлидаги иттифоқига пролетариат етакчилик қилиши лозим.

Мамлакатларнинг XX аср давомида ва XXI аср бошларидаги ривожланиши пролетариат гегемонияси тўғрисидаги таълимот ўринсиз эканини кўрсатди. Ҳар бир муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, унинг ижтимоий тузилмаси хусусиятларига боғлиқ равишда турли ижтимоий қатlam ва гурухлар бошқа гуруҳ ва қатламларга маълум давр давомида етакчилик қилиши мумкин. XX аср ўрталарида жаҳон сиёсий харитасида икки қутблилик вужудга келгач, АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи гегемонликка даъво қила бошлади. Собиқ Иттифоқи парчаланиб кетгач, сиёсий майдонда кўп қутблилик вужудга келди. Бирок, АҚШ дунёга гегемонлик қилиш даъвосидан қайтмади. Умумжаҳон миқёсида гегемонликка даъво қиласидан давлатлардан ташқари, минтақавий гегемонликка даъво қилувчи давлатлар ҳам бор. Улар ўз минтақаларида давлатларга сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлади.

«Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқси бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, унинг энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади»¹.

Тарихдан маълумки, гегемония – жаҳонга якка хўжайин бўлиш вассасаси дунёнинг ўзи каби кўҳна муаммодир. Тўғри, бугунги кунда бирор-бир мамлакатни босиб олиш, қайсиdir халқни бўйсундириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бунинг учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳа, қимматбаҳо техника, қудратли лашкар ва кўп вақт керак бўлар эди. Ҳозир эса ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни ўзининг ғаразли ғояси таъсирига олиш, онгни бошқариш бўйича замонавий технологиялар ишга солинса бас, маданий босқинчиларнинг мақсади ҳосил бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 Б.-11
118

Бундай «мафкуравий гегемонизм» назариясининг ғоявий отаси бўлмиш Антонио Грамши «Қамоқ дафтарлари» асарида (бу асарнинг номиданоқ унинг қаерда ёзилганини билиб олиш мумкин) бу йўлдаги мақсадга эришиш учун инқилоб талаб қилинишини, бунда онг инқилобий бузғунчилик обьекти сифатида танланишини уқтиради.

Гегемонизм жамиятнинг маданий ўзагини нишонга олади. Бу ўзак инсоннинг ҳаёт ҳақидаги, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасавурларини, билим ва тажрибани, анъана ва рамзларни қамраб олади. Одатда маданий ўзак қанчалик мустаҳкам ва барқарор бўлса, жамиятдаги барқарорликни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган халқнинг иродаси ҳам шу қадар қатъий бўлади. Аксинча, маданий ўзакнинг заифланиши ёки қўпорилиши аҳоли иродасининг сусайишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади.

Бинобарин, жамиятдаги бирдамлик гегемония учун хавфли ҳисобланади. Демак, мафкуравий гегемонизмга эришиш йўлидаги кураш биз кўниkkeан шаклда — ҳарбий ёки ижтимоий-сиёсий кучларнинг тўқнашуви тарзида кечмайди, бу жараёнда қон тўкилмайди, қурбонлар берилмайди. Бу кураш зимдан, кўзга кўринмайдиган тарзда, кишиларнинг онгини, рухи ва кайфиятини аста-секин ўзгартириш орқали амалга оширилади. «Масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин»¹.

Ўйлаб кўрайлик, ҳарбий куч билан босқинчилик қилиш, уруш ва ноҳақ қон тўкишни бутун инсоният асрлар давомида қарғаб, қоралаб келади. Чунки шафқатсиз жангি жадаллар оқибатида содир бўладиган оғир талафотлар, моддий ва маънавий зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, ўрнини қоплаб ҳам бўлмайди. Лекин инсонлар онгига таъсир қилиш йўли билан босқинчиликни амалга ошираётганларни эса, табиийки, бундай гуноҳларда айблаш қийин.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 Б.-113
119

Чунки улар тарғиб қилаётган ғоялар ортида қандай манфаатлар яшириングани ва улар қандай мудҳиш кулфатлар келтиришини билиш ҳам, исботлаш ҳам ниҳоятда мураккаб. Бундай курашда истилочининг ким экани ҳамиша номаълум бўлади, аксарият одамлар ҳатто ўзига қарши кураш олиб борилаётганини англамайди ҳам. Шу боис бундай босқинчиликка уюшган ҳолда қаршилик кўрсатиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай тажовуз тинч аҳолига қарши курашни эслатади. Айнан шу омил ғоявий курашларнинг муваффақиятини белгилаб беради. Аҳолининг қаршилик кўрсатмаслиги инобатга олинган ҳолда, бундай курашлар оқибатида юз берадиган ўзгаришлар сиёsatшунослик илмида «пассив инқилоб» деб аталади.

Шундай қилиб, мафкуравий гегемонизмга эришиш учун кўп сонли кўрсатув ва эшиттиришларда, китоб ва рисолаларда, журнал ва газета мақолаларида, интернет саҳифаларида маданий ўзакни қўпоришга қаратилган вирус-ғояларни тарқатишнинг ўзи кифоя қиласди.

Маънавий ўзакдан маҳрум қилинган халқнинг онгу шуури фалажланади, хавф-хатар ва таҳдидларни англаш қобилияти йўқолади. Оқибатда у ожиз ва ҳимоясиз, муте ва қарам бўлиб қолади. Шу тариқа жамиятда мутлақо бегона маданиятнинг ҳукмронлиги ўрнатилади, яъний у ўзгалар томонидан батамом забт этилади, омманинг онгига ёт қадриятлар сингдирилади. Кўриниб турибдики, *мафкуравий гегемонизм* негизида инсонни мустақил фикрлашдан, ўзлигидан, миллий ҳис-туйғулардан маҳрум қилиш, уни манқуртга айлантириш мақсади ётибди.

Бугунги кунда турли хил мафкура марказларининг ғаразли ниятлари ва интилишларининг олдини олиш, ғоявий таҳдидларни бартараф қилиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мафкуравий хавфсизлик тизимини шакллантиришда ўзига хос ўринга эга. Шу ўринда республикамиизда *мафкуравий хавфсизлик* халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланишини таъкидлаш зарур. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар

томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги жамиятнинг маънавий етуклигига мос равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади ҳамда жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлашни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этишга асосланади.

Бундай шароитда миллий хавфсизликни таъминлаш, унинг турли йўллари, воситалари ва усуллари имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мафкуравий жараёнлар глобаллашуви шароитида шахс, миллат, жамият, давлатни хилма-хил шаклларда намоён бўладиган ғоявий кураш ва тажовузлар таъсиридан ҳимоялаш, содда қилиб айтганда, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, эзгу мақсадларга хизмат қиласиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Турли мафкуравий таъсирлардан ҳимояланишнинг замонавий усуллари ва воситалари жамиятда эзгу ғояларга содиқлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради. Бунда ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари манфаат ва мақсадларини ҳисобга олиш лозим. Мафкуравий ҳимоя тамойиллари акс ҳолларда бегона ва заарли ғоялар таъсирига тушиш, мафкуравий курашда мағлуб бўлиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса соғлом мафкура тамойилларини аҳоли онги ва қалбига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Бугунги қунда турли мафкуравий таъсир ва тазииклардан ҳимояланишнинг устивор вазифаси халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, мустақиллик ва ислоҳотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ва айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатdir.

Истиқолимизнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишига эътибор қаратиб келинмоқда. Айни шу маънода, ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларга сиёсий соҳада пухта ва мукаммал билим бериш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш, онги ва қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий ғояларга садоқат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини камол топтириш устувор вазифа ҳисобланади.

Бугунги давр воқелиги ҳар бир масалада янгича тамойиллар асосида ёндошишни тақозо этмоқда. Муайян тушунчалар, ғоялар ёки тамойилларни англаб олиш ишнинг бир қисми холос. Шу маънода мафкуравий таҳдидларга қарши курашда амалий ишларга эътибор бериш асосий масаладир.

Мафкуравий тажовузнинг асл моҳияти – эгаллаб олиш кўзда тутилган жамиятни, халқни ўзнинг миллий қиёфасидаги, онги, тафаккуридан, ижтимоий ҳамкорлик тизимидан, хулқ-атвор нормаларидан, тарихий илдизларидан онгли равишда бегоналаштиришдан иборат бўлиб, у мамлакатни бутунлай қарам қилиб олиш мақсадида амалга оширилади. Негаки, бирон бир миллатни мафкуравий қарам қилмай туриб, уни тўла бўйсундириш мумкин эмас. Бу тарихда ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Мафкуравий тажовузларга қарши курашиш ва миллий хавфсизликни таъминлашда қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- 1) миллий маънавий қадриятларни авайлаб-асраш;
- 2) ёшларни миллий руҳда тарбиялаш;
- 3) хорижий санъат намуналарини мунтазам эксперт қилиб бориш;
- 4) маънавий даҳлсизлик масаласини қонунлаштириб қўйиш;
- 5) инсон иродасини чиниқтириб бориш;
- 6) тарғибот ишларини замонавийлаштириб бориш.

Зоро, “мафкуравий хавфсизлик” тушунчаси жамият аъзоларининг миллий, инсоний ва шахсий туйғулари, қарашлари, турмуш тарзи, қадриятлари ҳамда урф-одатларини даҳлсиз сақлашни англатади.

Демак, бугунги кунда биз жамиятимизда ўзга ғояларга қарши кучли мафкуравий қалқонни жорий этиш мақсадида ҳаракатлар олиб бораётган эканмиз, авваламбор, унинг ўзига хос ички механизми ва элементлари тўғрисида чукурроқ фикр юритишимиз зарур бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай миллий мафкурунинг ўзи социал базасининг онги, тафаккуридан чукур жой олиб, унинг фаолияти асосини ташкил этганидан кейингина ҳақиқий яратувчи ва йўналтирувчи кучга айланади. Унга қадар кўпроқ декларотив даражада қолади. Бундай даражадан чиқиш эса, жамиятнинг барча ителлектуал ва бошқа ижтимоий-сиёсий кучларининг тинимсиз меҳнати натижасида рўй беради.

Келажак авлодларга обод ва озод Ватанни мерос қолдиришдек эзгу ният йўлида ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳақида фикр юритар эканмиз, эркинлик деган неъматнинг қадрига етишда, аввало, инсон омилиниңг ўрни ва мавқеини тўғри баҳолай олиш зарур.

Турли хавфли жараёнларни бартараф этишда инсоннинг иштироки ва ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз, ушбу ўринда, мафкуравий фаол шахснинг қиёфаси, моҳияти, ички дунёси, қолаверса, мойилликлари тўғрисида турли-туман фикрлар мавжудлигини албатта эътиборга олиш зарур. Инсоннинг шаклланиши ва ижтимоий мавжудот сифатидаги маънавий ривожланиши ижтимоий тараққиёт босқичлари, уларнинг моҳият ва хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин мустақилликка эришиб тафаккур хилма-хиллиги тамойили қарор топгунга қадар, бу муаммо бир ёқлама талқин қилиниб келинган. Доимий такрорланиб турувчи ижтимоий қонуниятлар жараёни билан инсон салоҳиятининг ўзаро муносабати ҳақида нотўғри фикр ҳосил қилинди. Инсон бу кўр-кўрони бўйсунувчи, унинг буюк куч-қудрати, унинг чексиз имконияти тан олинмай кўплаб илғор ғоялардан онгли равишда узоқлаштирилган эди. Илғор маънавий дунёқарашга эга киши эса дарҳол “идеалистлар” сафига киритиларди.

Бундай ёндашувнинг номақбул жиҳатлардан бири инсоннинг барча хавф-хатарлар олдида ожиз қилиб қўйилгани. Инсоннинг ижтимоий ҳодисаларни тушуниш, билиш ва англаб етиш қобилияти тан олинмаган,

жамият ҳаётидаги хавф-хатарларни бартараф этиш йўллари, воситалари ва қуроллари инсоннинг ўзидан эмас, балки ундан ташқарида бўлган аллақандай “объектив борлиқ”дан қидирилган. Рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳияти ишлаб чиқариш, синфий кураш билан боғланиб, уларнинг манбаи турли мафкуравий йўллар билан тўсиб келинди. Инсоният бошига улкан хавф-хатар ва фожиаларни солган фашизм ва большивизм мафкурасининг асл сабаби инсон табиатидан ахтарилмасдан, бу ҳолатлар қандайдир “тарихий зарурият” деб талқин қилинди.

Инсон омилидан шу тариқа йироқлашиш оқибатида шахсдан тақдирга тан бериш, факат жон сақлаб қолишининг турли-туман чора-тадбирлари ҳақида ўйлашгина талаб қилинди. Инсон ўз мураккаб муаммолари билан тақдир гирдобига ташлаб қўйилдики, натижада у ор-номус, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни қандайдир “партия раҳнамолиги” ёки “халқлар отаси” бўлган “доҳийлар” номи билан боғлаш пайига тушди. Шўролар тузумида яшаган инсон шу қадар ихтиёrsизликка юз тутдики, оқибатда у фашизм, коммунизм ва тоталитаризм сингари ваҳший тартибларга қарши очиқдан-очиқ бош кўтаришдан кўра ёлғизликни, узлатни, лоқайдликни афзал кўра бошлади. Буюк немис файласуфи И.Кант: “Мен тарихни ўқиган ва таҳлил қилганим сари, унинг инсонлар номукаммаллигининг унсиз гувоҳи эканлигини англаётдим” деганида ниҳоятда ҳақ эди. Бу улкан муаммо бугун ҳам ўз ечимини топганий йўқ. Шу маънода Ғарб оламининг ҳам бугунги жамиятимизга нисбатан қилаётган дахллари вайронкорликдан иборатdir. Чунки дахл қилишлар таҳдидлар омили сифатида кўзга ташланмоқда. Бундан маълум бўладики, ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш ҳар бир кишининг ижтимоий фаол шахс сифатида фаолият қўрсатишини тақозо этади.

Мафкуравий таҳдиднинг ошкора ва ёпиқ характеристики.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кундаги мафкуравий таҳдидларнинг глобаллашуви - ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс

касб этганини ифодалайди. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, гоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча худудларидағи одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан фарқ қиласидиган икки йўналиш, тенденция мавжуд:

1. Инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллий ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кучмоқда.

2. Миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги бекарорлик, улар манфаатларидағи ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувиға олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг босимини сезиб яшамоқда. Бу жараённинг муҳим хусусиятларидан бири - турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилишиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузиликни тарғиб қиласидиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Фоявий-мафкуравий тазиик ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат,

давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чоратадбирларни кўриши зарур бўлмоқда.

Мафкуравий таҳдид ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онгига, тафаккури ва хулқ-авторига хавф-хатар солмоқда. Инсон онги ва қалбини вайронкор ва бузгунчи ғоялар билан издан чиқаришга ҳаракат қилиш мафкуравий таҳдиднинг энг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мафкуравий таҳдид муайян жамият аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан чалғитиб, миллий менталитетга мос келмайдиган бегона ғоялар, фикрлар, мақсадлар ва қарашларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида ўзини янада аниқроқ намоён қиласди.

Мафкуравий таҳдиднинг ўта хавфли жиҳати шундан иборатки, у биринчи навбатда жамиятнинг маънавий соҳасини бузиб ташлашга йўналтирилгандир. Чунки айнан маънавий соҳа ҳар қандай жамиятнинг мавжудлигини, яшовчанлигини таъминлайдиган асосий ўзаги ҳисобланади. Бугун мафкуравий таҳдидларнинг турли хил усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Киши хаёлига келмайдиган оддий гугурт қутисидан тортиб, устимиздаги кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кинофильмларнинг хар бирида муайян тарзда катта ёки кичик бўлса-да, мафкуравий таҳдид мавжуд.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун мафкуравий таҳдидларнинг бир неча мақсадлари мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

Биринчидан, мамлакатнинг барқарор ривожланишига шубҳа уйғотиш;

Иккинчидан, жамиятдаги мавжуд соғлом эътиқодни издан чиқариш;

Учинчидан, Республикани ён-атрофдаги этник можароларга тортиш;

Мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишларини аниқлаш у қадар мушкул иш эмас. Аввал улар интернет сайтларида маънавий-ахлоқий таҳдидлар кўринишида пайдо бўлиб, кейин аламзада ва онги кишилар онгида “акс-садо” бермоқда. Аслида интернет воситасида тарқатилаётган бу мафкуравий таҳдидлар қуйидаги уч жихатга эга:

1) Интернет сайтларида берилаётган ва тарқатилаётган маълумоту хабарлар илмий жиҳатдан аҳамиятга эга эмас, улар провакацион характерга эга;

2) Бундай маълумот ва хабарларни онги паст кимсалар ўқиб, ”илҳомланмоқда”;

3) Мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишлари четдан туриб халқаро интернет сайтилари воситасида тарқатилаётгани кишини хушёр тортиради.

Дикқат қилинса, илмий аҳамиятга эга бўлмаган тарғибот воситасида жамият ҳаёти учун хавфли бўлган мафкуравий таҳдид тарқатилмоқда. Мисол учун, ён-атрофдаги этник можарога тортиш кўринишини олайлик. 2010 йил июнь ойида бир гурӯҳ ёвуз ниятли кишилар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод шаҳарларида ўзбек этник гурӯҳига нисбатан қўпорувчилик олиб борди. Натижада ўнлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди ва юз мингдан ортиқ одамлар қочқин сифатида Ўзбекистонга ўтишди. Четдан туриб уюштирилган бу ёвузликнинг асосий мақсади – Ўзбекистонни этник можароларга тортиш эди. Шу сабабли Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда шундай оқилона фикрни билдириди: ”Бу воқеалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Бегуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш – бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Бундай қонли жиноятларнинг тагига етилишига, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман.

...Фожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, мен қонга-қон, жонга-жон, деган қарашга қаршиман. Мен халқимизни оғир-вазмин бўлишга, етти ўлчаб бир кесиш керак, деган нақлга ҳамиша амал қилишга яна бир бор даъват қиласман. Чунки жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган”¹.

Барча замон ва маконларда маънавияти кучли, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам миллат бир жону бир тан бўлиб, муаммоларни тез ва соз ечган, пешқадам бўлган. Мафкуравий бирлиги ичидан ёки ташқаридан бузилган миллатлар эса, мағлуб бўлиб, мустамлакага айланган. Бунинг тарихий

¹ Изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Бухоро вилоятига ташрифи:// ”Халқ сўзи”, 2010 йил 19 июнь сони.

мисолини Билга хоқоннинг турк халқига бундан минг йиллар олдин тошга битилган мурожаатида ҳам қўрамиз. Бу битик мафкурасизликнинг аянчли оқибатларини тасвирлайди. Билга хоқон турк элининг адашуви натижасида унинг бошига қанчалар фалокат ёғилганини куйиниб айтади. ”Табғач халқи сўзи ширин, нафис ипаклари билан алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг. Эй, турк халқи, ўлдинг....”

Ушбу тарихий мисол “мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар” эканлигини қўрсатиб туради. Мана шу ўринда мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда:

1. Олдиндан аниқлаш ва бунда ҳар бир фактни эътибордан четдан қолдирмаслик;
2. Уларга қарши ҳақгўй далилларни қатъий эълон қилиб бориш;
3. Юзага келаётган муаммоларни илмий таҳлил қилиб бориш лозим бўлади.

Мамлакатимиз халқининг қалби ва онгига ёт мафкурани сингдириш учун душманларимиз бир қарашда беозор, гуё сиёsatдан холи туюладиган мафкуравий воситаларга катта эътибор бермоқда. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган енгил-елпи ёки жангарилик фильмлари бунга мисол бўлади. Маълумки, бу фильмларни қўпчилик, айниқса ёшлар мароқ билан томоша қиласи. Сир эмас, анчагина одамлар табиатида, хулқатворида мана шундай тўполонларга мойиллик бўлади. «Шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қахрамонларига кўр-кўrona тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениемизда ҳам шундай

фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда»¹, - деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этишга, пировард натижада юртимизни қарам қилиб олишга қаратилган тажовузкорликнинг мафкуравий шаклда намоён бўлишидир.

Мафкуравий таҳдидларнинг ниҳоятда кенг қамровли эканлигидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича тоифалаш мумкин:

Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг миллий онгига таъсир қилишга қаратилган таҳдидлар. Маълумки, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёқарашида ҳамда хулқ-автор нормаларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, катта ёшдаги кишиларга чуқур ҳурмат билан қараш, муайян воқеа ва ҳодисаларга босиқлик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатиш каби хислатлар устуворлик қиласи. қолаверса, айнан мана шу қадриятлар жамиятимиз маънавиятигининг тамал тошларини ташкил қиласи.

Бундай вазиятни яхши ўрганган душманларимиз бизга қарши мафкуравий таҳдидларни амалга оширишда халқимизнинг мана шундай улуғвор қадриятларига мутлақо тескари ва бегона бўлган, асосан ғарбга хос «индивидуализм», «эгоизм», меҳр-мурувват, оддий одамийлик ва ватанпарварликни инкор қилувчи «космополитизм», «зўравонлик», диний мутаассиблик ғояларини иложи борича чиройли ниқобларга ўраб жамиятимиз ичкарисига олиб киришга уринмоқдалар.

Бу ўринда улар нафақат замонавий ахборот воситаларидан, балки замонавий биоэтика фанининг ютуқларидан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Маълумки, айрим ғарб олимлари ўтган аср давомида ва ҳозирги вақтда ҳам «умуман инсон табиати йўқ, инсон мияси ҳар қандай ва исталган

¹ Ислом Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir», Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 11-бет.

хулқ-атворнинг намоён бўлишини таъминлаб беравериши мумкин», деган хulosаларни баралла илгари суриб келмоқдалар.

Мазкур олимларнинг инсонни инсон қилиб турувчи табиатининг аслида умуман йўқлиги ҳақидаги «илмий» ғоялари мафкуравий уруш ижодкорларининг қуроллари заҳирасидан алоҳида жой олганлиги бежиз эмас албатта. Чунки инсон табиатини инкор қилувчи фикрлардан таъсир қилиш орқали инсонни хоҳлаган кўйга солиш мумкин деган хulosса келиб чиқади. Шу боис ҳам «доно олимлар»нинг бу хulosалари мафкуравий таҳдид муаллифларига ёқиб тушиши табиийдир.

Ғанимларимизнинг халқимиз миллий онгига таъсир кўрсатишдан кўзланган асосий мақсадлари Президентимиз И.А. Каримов хulosса қилганидек: «Ўзбекистонда хукм суроётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тоборо кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлини издан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамида ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат»¹.

Иккинчидан, миллий урф-одатларимизга бўлаётган таҳдидлар. Маълумки, дунёни англаш усули ижтимоий-фалсафий қарашларидан келиб чиқиб, халқимизда ўзига хос миллий одатлар, анъаналар шаклланган. Жамоа бўлиб яшаш, қариндош-уругларга меҳрибонлик, тўй ва маъракалар, байрамлар, тарбия масалаларида, ҳашарларда ижтимоий ҳамкорликнинг бошқаларда учрамайдиган ўзига хос юқори даражасининг намоён бўлиши шулар жумласидандир. Халқимизнинг бу урф-одатлари асрлар давомида жамият мустаҳкамлигининг асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Халқимизнинг донологи, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-

¹ Ислом Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 9-бет

заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишига хизмат қилди»¹.

Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мамлакатимиз тараққиёти учун нақадар улкан аҳамиятини сезган душманлар бу борада ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган таҳдидларни амалга ошироқдалар. Шу мақсадга эришиш учун улар глобал алоқа тизимлари ва бошқа воситалари орқали маънавий қашшоқликка, хиссизликка, таркидунёчиликка, одамларга нисбатан оқибатсизлик ва шафқатсизликка олиб келувчи ғояларни ҳамда урф-одат нормаларини зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Булар орасида ғарбда кўп учрайдиган одамовилик, ота-онага нисбатан беписанд қараш шахсий ҳаётни улуғлаш кабилар айниқса устуворлик қилмоқда.

Учинчидан, миллий маданиятимизга бўлаётган таҳдидлар. Сир эмаски, халқимизнинг миллий маданияти ўзининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Президентимиз таъкидлаганидек, «Марказий Осиё тарихида ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захриддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум»².

Юқорида мен тилга олиб ўтган ва шунга ўхшаш заарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

¹ Ислом Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir», Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 12-бет

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 Б.-113

Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир.

Мафкуравий таҳдидни олдини олишда миллий ғоянинг кучи бир томондан маърифат – тарғибот ишлари, унинг самарадорлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ёшларнинг кундалик ҳаётида дуч келаётган муаммоларни тушунарли, уларнинг муносабатларидаги фикрга фикр, ғояга ғоя билан жавоб берса олиш, уни қандай ҳал этаётганларига бевосита боғлиқдир.

Миллий равнақи, Ватанга керак бўлса жонини фидо қилиб фаолият кўрсатадиган ёшлар бўлмаса, миллий ғояда кўзда тутилган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бу ёшларда миллий ғуурнинг баланд бўлишини тақозо этади. Биз умумбашарий қадриятлар, шарқ фалсафаси, юксак ахлоқийлик - эстетик идеаллар, миллий анъаналар тарбия мактабини бунёд этган мутафаккирларимиз бўлганидан фахрланамиз. Бизга бобокалонларимиздан динимиз, ўзбекона турмуш тарзимиз мерос қолган. Ана шунинг учун маънавий қадриятларимизга эътибор бериш ёшларнинг мақсади ва орзу – умидларига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Бизнингча, бугунги кундаги ижтимоий – гуманитар фанларнинг асосий вазифаларидан бири мафкуравий таҳдидга муносиб жавоб беришдан иборатдир. Бунда асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиш керак:

- миллий ғояни шаклантириш ва такомиллаштиришнинг самарали йўллари илмий асосланишини таъминлаш;
- миллий ғоянинг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний ҳуқуқий, сиёсий, социологик, психологик, ижтимоий – иқтисодий, маънавий – ахлоқий жиҳатлари, унинг халқ одатлари, анъаналари ва қадриятларни шаклантириш

ҳамда бойитишдаги ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот йўналишларини кучайтириш;

- дунёдаги мафкураларнинг уйғунлашиши ва курашиш жараёнларини ўрганиш, мониторинг ўтказиш, мафкура соҳасида, айниқса, илмий омилни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва минтақавий муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

- Ўзбекистон мустақиллиги учун мафкуравий таҳдидга қарши самарали кураш йўллари хусусида илмий асосда тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ёш авлодни тарбиялаш жараёнларига кучли тартки бериш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилмалар, болалар – ёшлар бирлашмалари ҳаракатларини яратиш;

- камолга етган шахсни, янги ижтимоий онгини шакллантиришга демак, миллий ғоя ва мафкурани амалга оширишга эришиш учун тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг самарали ҳамкорлик қилиши учун шарт – шароитлар билан таъминлаш;

- ижтимоий институтлар бўлмиш таълим муассасаларининг вазифаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, мактаб, лицей, коллеж, институт фақат билимлар ва фан масканинг эмас, шу билан бирга, чинакам маданий – маърифий марказга айланишига эришиш;

- миллий ғояни шакллантириш маъносида болалар ва ўсмирлар учун ўқув – методик, илмий оммабоп ва бадиий адабиётнинг янги туркумини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни фоалиятнинг муҳим йўналиши деб ҳисбламоқ керак. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертиза қилиш асосида ҳалқнинг бой ижтимоий – маданий ва тарихий тажрибасига унинг прогрессив анъаналари ва урф – одатлари, умуминсоний қадриятларга асосланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар нашр этишга эришиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб суверен давлат сифатида тараққий этиш жараёнида сиёсий имкониятини қўлга киритганлигидан бошлаб тарихан қисқа вақт мобайнида асрларга teng ютуқларни қўлга

киритишга мушарраф бўлинмоқда. Ана шундай ютуқлардан бири ёш авлодни, айниқса таълим оловчи талабаларни ўз ватанига меҳр – мухаббат қўядиган, содик ва баркамол, билимдон, комил – инсонли авлодни вояга етказишнинг тўла имконияти яратилганлигидир. Ана шундай имкониятларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилаётган, президентимиз ташаббуси билан 1997 йил 27 августида Олий Мажлиснинг IX – сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинганлигидир. Бу қонун ва «Миллий дастур»нинг асосий мақсади келажакда ўз ватанига содик, билимдон, рақобатбардош ихтисосли мутахассис кадрларни тарбиялаб вояга етказиш бўлсада, бунинг учун таълим тизимини, қарамлик асоратидан, қизил мафкуравий тушунча ва сарқитли қарашлардан батамом холис этишдан, келажакда ривожланган демократик давлат даражасига мувофиқ келадиган маънавиятли, баркамол, юксак малакали кадрларни миллий ғоя руҳида тайёрлаб, беришдан иборатдир.

Хуллас, мафкуравий таҳдидни бартараф этишда миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим ва долзарб ишлардан энг асосийси у ҳам бўлса ҳозирги кунда амалга оширилаётган давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кенг кўламли моҳиятини, қабул қилинган қонунлар, норматив хужжатлар, Давлат дастурининг бажарилиш аҳамиятларини халқка, оммага, ёшларга тушунтириш, мамлакатимиз мустақиллигига қарши хавф соладиган диний экстремистик, террористик ҳаракатлар ва бошқа ғоявий, информацион хуружлар ва уларнинг реакцион моҳияти, уларни қўллаб-қувватловчи четдаги кучларнинг ғаразли мақсадларини узлуксиз фош этиш, одамларни асосан ёшларни, талаба-ёшларни доимо хушёरликка ва огоҳликка даъват этиб, уларнинг тайёр ҳолда бўлишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ахборий хуружлар ва уларни бартараф этиш йўллари

Биз ўз олдимизга очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини қўйганмиз. Уни бажариш учун

Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ёзганидек, "... Давлатимиз келажагини ўз қобиғига ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро маърифатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз"¹.

Бирок, XXI аср бошларига келиб, бутун жаҳонни қамраб олган глобаллашув жараёнида, ёвуз мақсадни кўзлаб, инсон қалби учун кураш кучайган, бунда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан тобора кенг фойдаланилаётган бир пайтда бу орзу-ниятга осонгина эришиб бўлмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлатгичи сифатида улкан ижобий натижаларга олиб келган глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари бугунги кунда бизнинг жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақил ривожланиш йўлига хатарли таҳдидлар кўринишида тобора кучли намоён бўлаётганини кўриб-кузатиб турибмиз. Унинг кенг қамровли ва ўткир таъсири маънавий ҳаётимизда, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш йўлида дуч келаётган мураккабликларда, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Эзгулик ва ёвузлик, юксак маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзи билан ҳаётбахш ва заарли ғоялар ўртасида рўйи азалдан давом этиб келаётган кураш "эркин маданият" – ахлоқий тубанлик, зўравонлик ва шаҳватпарастлик, босқинчилик ва бутун-бутун халқлар, мамлакатлар устидан хукмронлик қилиш орқали ўз иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга интилиш кўринишларида намоён бўлаёттир.

Замонавий ахборот коммуникациялари ва тобора юқори даражада ривожланиб бораётган ахборот технологиялари бундай таҳдидларга кенг майдон очаётгани, заарли мафкуравий таъсир ўtkазиш қуролига айланиб, ёвуз сиёсий кучлар, турли "марказ"лар, диний-экстремистик оқимлар

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: "Маънавият" 2008 Б.-14
135

манфаатларига хизмат қилаётгани сир эмас. Шу боис давлатимиз раҳбари огоҳлантирадики, "Бугунги замон мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин"¹.

Айтиш жоизки, ўз мустақиллигини қўлга киритиб, маънавий-иқтисодий ҳаётини тубдан янгилашга киришган халқимиз, айниқса, ёшлар онгига зарарли мафкуравий таъсир кўрсатиш, бизни танлаб олган йўлимиздан чалғитиши, мамлакатимизнинг бой табиий ва меҳнат ресурсларини ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш бугунги кунга келиб кескин кучайди. Жаҳоннинг турли бурчакларида, баъзи олис-яқин мамлакатларда уя қуриб олган сиёсий кучлар, динни ниқоб қилган турли ахборот "марказ"лари, "Озодлик" ва бошқа ниқоблардаги "овоз"лар телевидение, матбуот, интернет, ҳатто "қўл" телефонлари орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳиятини бузиб кўрсатиб, одамлар онгини заҳарлашга, айниқса ёшларнинг ақл-идроқини фалажлашга, уларни ўз "хукм"ларини амалга оширувчи қўғирчоқларга айлантиришга уринмоқдалар. Тобора кенгайиб бораётган жаҳон ахборот майдонида мафкуравий ҳужумлар янги-янги воситалар орқали, янги-янги шакл-шамойилда намоён бўлмоқдаки, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдиндан илғаб олиш жуда мураккаб. Ахборот уруши, унинг мақсадлари, воситалари, шакллари мутлақо кутилмаган кўринишларда намоён бўлаётир. Улар давлат ва жамият қуришимизга, мустақил ташқи сиёсатимизга, айрим давлат ва жамоат арбоблари фаолиятига қора бўёқлар чаплаб, одамларда кундалик ҳаётимиздан норозилик кайфиятини пайдо қилиш ва кучайтиришга, ички, ҳатто, миллатлараро ва динлараро зиддиятларни келтириб чиқаришга уринмоқдалар. т. Бунинг учун ҳеч нимани аяшмаётир. Экспансив руҳдаги давлатлар, халқаро наркомафия бу ёвуз ниятли кучларни ҳисобсиз маблағлар,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 Б.-18
136

энг янги ахборот тарқатиш воситалари билан таъминлаб, зимдан қўллаб-куватлашмоқда. Ўз режаларини рўёбга чиқариш учун бузғунчи ғояли адабиётларни, бошқа матбаа маҳсулотларини миллион-миллион нусхаларда тарқатишмоқда, ҳар турли йўллар билан мамлакатимизга олиб киришга уринишмоқда. Маълумки, замонавий ахборот воситалари чегара билмайди. Айтиш мумкинки, бугун бузғунчи ғояли адабиётлар, лента ва дискларни, ҳатто, контрабанда йўли билан мамлакатимизга олиб киришга ўрин қолгани йўқ. Интернет, радио ва телевидение бу мақсадларни амалга оширишнинг энг қулай ва қудратли воситаларига айланди.

Бундай янги ахборот хуружи жараёнида одамларни огоҳ бўлишга, эшитилган ва кўрсатилган ҳар бир нарсани мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қиласликка ундаш, таҳлил қилиш ва қарши тура олиш даражасида мустақил фикрли инсонларни тарбиялаш тобора долзарб тус оляяпти. Зеро, ўз мустақил дунёқарашига, соғлом мафкуравий тафаккурга эга бўлмаган киши ҳозирги маънавий-мафкуравий таҳдидларга, уларнинг гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора таъсирига бардош бера олмаслиги аниқ. У ёки бу кўринишда намоён бўлаётган салбий ҳолатлар, одам савдоси, гиёҳвандлик, миллатчилик, бошқа халқларнинг соғлом турмуш тарзи, диний эътиқоди, ижтимоий-иктисодий ҳолатига беписандлик кўринишлари, ахлоқсизлик ва жиноятчилик фикримизнинг далили бўла олади. Яқин ўтмишдаги ҳодисалар, Наманган ва Андижонда, вилоятларимизнинг тоғли ҳудудларида содир бўлган воқеалар, айрим ақидапараст кучларнинг хатти-ҳаракатлари буни тасдиқлайди. Шу боис мафкуравий, маънавий-ахлоқий тарбияни бўшаштиришга асло ҳаққимиз йўқ. Тобора кучайиб бораётган ахборот хуружларини ҳамиша сергаклик билан фош этиш, ёт қарашлар тарғиботига қарши ҳушёр туриш – бурчимизга айламоқда.

Бу шунчаки ўткинчи, "бир кунлик" иш эмас. Мамлакатимизнинг мустақил тараққиётига, фуқароларимиз онги ва идрокига, айниқса, ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга ҳар қандай кўринишдаги уринишларга ҳар томонлама чуқур ўйлаб, пухта режалаштирилган, илмий

асосларда ташкил этилган ва узлуксиз олиб борилаётган мафкуравий ва маънавий ахлоқий тарбияни қарши қўймоқ лозим.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тараққиёт суръатлари бекиёс равища жадаллашди. Айрим олимлар бундай шиддатни босма дастгоҳнинг кашф этилиши билан изоҳлайди. Чунки бу кашфиёт зарур билимларни эгаллаш йўлида катта сакраш бўлган эди. Тан олиш керак, китоб чоп ишнинг миқёси ва кўлами инсоннинг янги билимларни эгаллаш суръатларига мос тушади. Шундай экан, агар дастгоҳ кашф этилган даст-чабки пайтларда Европада йилига тахминан 1000 номдаги китоб чоп этилган бўлса, ҳозир-да кунига 1000 номдаги китоб чоп этилмокда¹. 1950 йилда кашф этилган компьютер эса билимларни эгаллаш жараёнини янада жадаллаш-тириб юборди. Умуман, янги технологияларнинг ҳаётга жорий этилиши оқибатида охирги 100 йил мобайнида силжиш тезлиги 102 марта, мулоқот тезлиги 107 марта, ахборотни қайта ишлаш тезлиги 106 марта ўсади.

Шу боис ҳам мафкуравий хуруж «ижодкорлари» ўз кирдикорларини амалга ошириш учун глобаллашув туфайли шаклланган янги ахборот тизимидан ҳар томонлама фойдаланишга интилмоқдалар. Маълумки, ўтган асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Глобал ахборот тизими вужудга келди. Бунинг натижасида пайдо бўлган ҳалқаро ахборот макони мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий муносабатлар учун бутунлай янги шароитларни яратиб берди. Ҳалқаро ахборотлашув жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб бора бошлади ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ушбу ҳолат жамиятларнинг, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари ҳар томонлама кучайишига олиб келди.

Ҳалқаро ахборотлашув мамлакатларнинг ҳалқаро сиёсий аҳволига ҳам сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Шу боис ҳозирги вақтда жаҳоннинг айрим

¹ Тоффлер Э. Шок будущего. - М.: ООО «Издательство АСТ», 2004, 43-44-бетлар
138

мутахассислари ахборот коммуникация технологиялари XXI асрда жамиятлар шаклланишига таъсир кўрсатувчи етакчи омилига айланганлигини эътироф қилмоқдалар. Глобал ахборот тизимининг ривожланиши туфайли замонавий жамиятлар ҳаётининг бошқаларга боғлиқлиги ҳам вазиятини тобора чуқурлаштиrmоқда. Айни пайтда ахборот хуружларидан ҳимояланиш билан боғлиқ бўлган муаммолар кўлами ҳам ниҳоятда катталалиб бормоқда. Буларнинг натижасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш айrim олинган мамлакатлар жамиятларининг энг етакчи сиёсий-ижтимоий талабига айланмоқда. Чунки аслида ахборот хуружидан жамиятлар маънавий ҳаётини вайрон қилишга қаратилган қурол сифатида фойдаланиш бугунги куннинг факторига айланиб қолди.

Демак, ҳалқаро ахборотлашув мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни тезлаштириш билан бир қаторда, афсуски, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларни вужудга келтирмоқда. Мазкур таҳдидлар олимларнинг Ҳалқаро Федерацияси томонидан “XXI асрдаги инсониятга нисбатан бўлган энг етакчи хавф-хатар омили» деб эътироф қилиниши ҳам бежиз эмас. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шундан иборатки, ҳалқаро хавфсизлик ҳам, айrim олинган мамлакатларнинг тинчлиги ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги ўз навбатида тўғридан-тўғри жамиятнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлашни билдиради. Мафкуравий хавфсизликнинг амалиётда етарли даражада таъминланишига эътибор бериш ҳар бир жамият олдидаги долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамиятнинг мафкуравий хавфсизлиги деганда биринчи навбатда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот маконидаги турли таҳдидлар хавф-хатар омиллари, бегона манфаатлар талабларидан ҳар томонлама ҳимояланганлигини билдирувчи ҳолат тушунилади.

Оммавий ахборот воситалари тизими деярли барча аҳолини, жумладан, ўсмирларни ҳам қамраб олади. Чунки, ҳар бир оила у ёки бу телерадиовоситага эга, телесигналлар қабул қилишади. 2014 йил 1-ярим йилдаги

статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 10 миллионга яқин киши интернет хизматларидан фойдаланмоқда. Демак, ҳозир болалар ҳали ўқишни ўрганмасдан, катта ҳажмдаги турли хил, жумладан, мафкуравий маълумотларни ҳам қабул қила борадилар; улар Ўзбекистон, унинг давлат рамзлари, мустақиллиги, тинчлик учун кураш тўғрисидаги тасаввурга эгадирлар. Вақт ўта бориш билан ўсмирларнинг тарихий-сиёсий билим ва тасаввурлари оша боради.

Президент Ислом Каримов глобаллашув ва Интернетнинг роли тўғрисида: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўкув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимида очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз¹”, - деган эди. Ушбу дастурий фикр барчамизга Интернет феноменининг ижобий ва салбий жиҳатларини чукур ўрганишни ва ёшларимизда Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш вазифасини юклайди.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашиб боришида маданий омилнинг ҳам ўрни бор. Айниқса, халқлар ўртасида маданий ҳамкорлик ва айирбошлишлар жараёнида бир миллий маданиятдаги баъзи йўналишлар бошқа халқларнинг маданий ҳаётига ҳам сингиб боради. Бу хол глобаллашувнинг кўринишларидан бири бўлиб, мафкуравий ҳаётнинг ўзгариб боришига таъсир кўрсатиши мумкин. «Фарб маданияти»га хос айрим унсурларнинг халқимиз турмуш тарзига кириб келиши мафкуравий тарбия ишимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, бузғунчилик

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.-1766. 114-б
140

мафкураси, гиёхвандлик, зўравонлик, жангирилик, тажовуз ва бошқа ғайриахлоқий унсурларнинг оммавий ахборот воситалари, китоблар, рок-музиқа, интернет орқали зимдан тарғиб этилиши миллий қадриятларга путур етказиши мумкин.

Маълумки, Интернетдаги ҳамма сайтлар ҳам яхшиликни тарғиб этмайди. Айрим ўйинлар киши онгини заарли томонга ўзгартириб юборади. Бундай ўйинларни тарғиб қилувчи сайтлар “Фоявий вирус” сайтлари деб аталади. Бунга қонхўрлик, ваҳшийлик, ўғрилик, фаҳш, зўравонлик каби иллатларни тарғиб этадиган ўйинларни мисол келтириш мумкин. Интернетдаги фаҳш саҳифаларидан фойдаланган ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввурлари салбий томонга ўзгариб кетмоқда. Бунинг оқибатида, ёш оиласарнинг бузилиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар кўплаб учрайди. Баъзи бир ёшларнинг ўта асабий бўлиб қолаётганига ана шундай ўйинлар ҳам сабабчи эмасмикан? Демак, айрим ёшлар Интернетдан ўз билганича фойдаланишмоқда.

Энг ачинарлиси, бундай холат янада кенгаймоқда. Айрим ёшларга ёмонликни тарғиб этадиган саҳифалардан фойдаланмасликни таклиф қиласангиз, у сизга “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги қонунни рўкач қилади. Ҳолбуки, ўзи бу қонуннинг нима мақсадда қабул қилингани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас.

Қонуннинг Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида бандида қўйидагилар белгилаб қўйилган: “Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва тероризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланишига йўл қўйилмайди”.

Кўриниб турибдики, бу қоидалар Интернет саҳифаларидан фойдаланишда ҳам маълум бир меъёрларга амал қилишни тақозо этади.

Айниқса, демократия шароитида фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши бу кучлар учун кўл келади. «Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»¹.

Назорат саволлари:

1. Мафкуравий тажовуз деганда нимани тушунасиз?
2. Мафкуравий гегемонизм нима?
3. Мафкуравий тажовузга қарши курашнинг асосий омиллари нималардан иборат?
4. Ахборот хуружи нима ва унинг ғоявий хавфи нималардан иборат?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Мафкуравий гегемонизм ва унинг миллий тараққиётга хавфи
2. Мафкуравий тажовузга қарши кураш омиллари
3. Ижтимоий тармоқлар ва улардаги ғоявий таҳдидлар масаласи

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 114 бет

4. Интернет ёшлар маънавий ҳаётига таъсири ва ғоявий хавфи

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010

6-МАВЗУ: МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТ - МИЛЛИЙ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ.

**«Мафкуравий фаолият» тушунчаси,
унинг мазмун-моҳияти.**

Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда “мафкуравий фаолият” тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай ғоя ҳам ўз-ўзидан тарқалиб, кишилар онгига автоматик тарзда сингиб боравермайди. Муайян ғоявий тамойиллар ва таълимотлар ишлаб чиқилишининг ўзи уларнинг кишилар фаолиятини белгилаб берувчи, унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳодисага айланиши учун етарли эмас. Бунинг учун улар кишилар орасида тарқалиши, одамлар ана шу ғоялар руҳида тарбияланиши лозим. Акс ҳолда, ҳар қандай ғоя ва мафкура қанчалик тўғри ва жозибадор бўлмасин муайян ҳодиса сифатида тарих сахифасида қолиб кетаверади. Айни пайтда, ҳар қандай ғоя ва қарашлар тарқалиши учун энг аввало улар ишлаб чиқилиши билан бирга, тарғиб ва ташвиқ этилиши зарур. Мафкуравий фаолият эса ҳамиша шаклланган ғоявий қарашлар, баҳолар ва мақсадлар тизимини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш борасидаги ишларни амалга ошириш жараёнини англаатади.

Шу маънода “Мафкуравий фаолият” тушунчаси бирон-бир ғояни амалга ошириш, уни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, муайян ғоявий қарашлар тизимини шакллантириш, унинг амалиётини таъминлаш билан боғлиқ чоратадбирлар мажмuinи ифодалайди. Айни пайтда, у ғоявий қарашлар – билимлар, баҳолар, мақсадларни шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш, ғоявий тарбияни амалга ошириш билан боғлиқ жараённи ҳам англаатади. Ҳар қандай ижтимоий фаолият шакли каби мафкуравий ишларнинг мазмуни ва мақсад-муддаолари ҳам ҳар бир даврнинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, хусусиятларига чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади.

Мафкуравий фаолият жараённада кенг оммани эзгу ғоялар асосида тарбиялаш, уларнинг умумий сиёсий ва маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилияtlарини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали

ўтказишга кўмак берувчи тадбирларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим. Мафкуравий фаолият тушунчаси кенг маънода ўқув муассасалари таълимтарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлар фаолиятини ҳам муайян даражада қамраб олади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасалар, шунингдек, ОАВ (газета, журналлар, Интернет, радио, ТВ) муҳим ўрин тутади. Мафкуравий ишлар муассасаларининг кенг тармоғининг ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви билан унга раҳбарлик қилиш жараёни ҳам мукаммаллашиб борган. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбия, ғоялар тарғиботи, иқтисодий билимларнинг илмий-техникавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва жисмоний тарбия, бадиий ҳаваскорлик, маданий дам олишни ташкил этиш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мафкуравий ишларнинг турли йўналишларидир. Эзгулик ва меҳр-оқибат, улуғворлик ва гўзаллик, вижданойлик ва меҳр-шафқат, бошқаларга ҳурмат ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш каби маънавий хислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишида сингдириб борилади.

Мафкуравий фаолият жараёнида таълим ва таълимдан ташыари муассасаларида анъанавий шакллар (сухбат, мулоқот, маъруза, спектакль, концертлар, шеърхонлик) билан бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва бошқа тадбирлар ҳам уюштирилади.

Истиқлол даврида миллий ғояни шакллантириш, анъаналарни қадрлаш, урф-одатлар, миллий қадриятларни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Маънавият ва маърифат соҳаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, олимлар ва зиёлилар, маданият муассасалари ва бошқа соҳалардаги мутахассисларнинг ижодий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, Президент И.А.Каримов таъкидланганидек, “Маънавий-маърифий соҳада истиқболни факат бу соҳа одамлари яратмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса – иш юришиб кетаверади.

...Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”.

Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқдалар. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» (1994) ташкил этилди ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. ЎзР Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ҳамда таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишда фаолият олиб борадиган ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот маркази шакллантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йигинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди.

Мафкуравий ишларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Республиkanинг барча вилоятлари, йирик шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, «Мустақиллик», «Наврӯз», «Мехржон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг қўрик танловлари, «Ўзбекистон Ватаним маним»,

«Энг улуғ, энг азиз» ва бошқа кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида унинг бағрида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, хужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилиб, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу соҳадаги мафкуравий фаолият йўналиши ҳар бир киши онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, имон-эътиқодни тарбиялашга, маънавиятнинг миллий-этник асослари ва замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

Мафкуравий фаолият ҳамиша аниқ тарихий мазмунга, мақсад-муддаога эга бўлади. Бу энг аввало, инсон билимлари, шу жумладан, мафкуранинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Мафкура тизимидағи билимлар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион мазмунга эга бўлиши мумкин. Мазкур билимлар ўз навбатида улар асосида шаклланадиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яратади. Шаклланадиган баҳоларда эса реал ёки кутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб ўзига хос муносабат ифодаланади. Билимлар қанчалик чуқур бўлса, ҳосил қилинган баҳоларга ишонч шунчалик юқори бўлади. Шу маънода баҳолар – қадриятлар кишиларда ишонч, эътиқоднинг шаклланишга хизмат қиласи. Шу билан бирга, эришилган билимлар, уларга асосланган баҳоларнинг мутлақ тўғрилигига ишонч дорматизмга айланиб кетишини, бу мафкуравий турғунликни юзага келтиришини ҳам унутмаслик зарур.

Мафкуравий билимлар ва баҳолар тегишли мақсадларнинг шаклланишига замин яратади. “Манфаатсиз мақсад, мақсадсиз фаолият йўқ, фаолиятсиз эса ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди”, – деб ёзган эди мутафаккирлардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, айнан мақсад муайян мафкуравий фаолият изчилигини таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Мақсад ҳамиша мавжуд воқелик билан кишиларнинг реал интилишлари ўртасидаги фаолият натижаси сифатида ўзлигини намоён қилишини ёдда тутиш лозим. Мақсадга эришиш муайян воситалар билан боғлиқ бўлади. Аммо бу мақсадга эришиш учун ҳар қандай восита ўринли эканини билдирамайди. Кишилик жамияти тараққиёти давомида ўз мазмунига кўра ғайриинсоний мазмун касб этган “Мақсад воситани оқлайди” деган тамойилга амал қилингани натижасида кўплаб фожиалар келиб чиққани ҳам бундай ёндашувнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Одатда, мақсадларнинг индивидуал ва ижтимоий, стратегик ва тактик турлари фарқланади. Мафкуравий фаолиятда мазкур мақсадларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилишини қайд этиш зарур. Ғоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истиқболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш ҳам кўзланади. Албатта, бундай ишонч ўз моҳиятига кўра сароб бўлиши ҳам мумкин. Аммо у чуқур илмий асос ва гуманистик моҳиятга эга бўлганда ҳамда жамият тараққиёти қонуниятлари билан ҳамоҳанглик касб этганда кишилар хулқи ва фаолиятининг муҳим регулятори бўлиб хизмат қиласи. Зеро, бундай пайтда ишонч кишилар қарашларидағи барқарорликни белгиловчи халқа сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга хизмат қиласи ва шу туфайли хулқдаги событлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга йўл очади.

Мафкуравий фаолият ғоявий қарашларни тарқатиш ва унга мос тарбияни амалга оширишни ҳам ифодалайди. Унга кўра мафкуравий қарашларни тарқатиш тизими, механизмлари, усул ва воситалари доимий такомиллашиб боради ва ҳар бир даврда конкрет характер касб этади. “Одамзод бахти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган эзгу ғояларни кишиларга сингдириш буюк санъатдир”, – деб ёзган эди француз ёзувчиси Стендалъ. Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий фаолият ғоявий

тарбияни ўзгарувчан воқелик ва ижтимоий гурухларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни англатади.

Шу билан бирга, мафкуравий фаолиятни ташкил этишда техника ва технологиялар, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш усулларининг ривожланганлик даражаси ҳам ўзига хос қимматдорлик касб этади. Хусусан, бугунги кундаги ва XX аср бошидаги мафкуравий фаолият ўртасида кескин фарқ борлиги шубҳасиз Ҳозирги даврда ОАВ мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Яқин истиқболда техника ва технология ривожи одамлар онгига таъсир ўтказиш, яъни мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг янгидан-янги механизмларини топишига ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Айни пайтда, фанлар ривожи мафкуравий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш учун замин яратганини ҳам унутмаслик лозим.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар, мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий-тариҳий белгиланганини кўрсатиш баробарида унинг ўзгарувчан характерга эга эканини ҳам билдиради. Ижтимоий жараёнларда мавжуд воқеа, ҳодиса, жараёнлар моҳияти, ривожланиш қонуниятларини англаб етмаслик, уларнинг назоратдан ташқарида бўлиши ва охир оқибатда кутилмаган натижаларни келтириб чиқариши билан характерланувчи ва стихиялийк деб аталиши мумкин бўлган ҳолатлар кўплаб кузатилади.

Мафкуравий фаолият ҳам ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодиса бўлса-да, унга нисбатан стихиялийк тушунчасини ишлатиш бирмунча қийин. Зеро, мафкуравий фаолият аниқ онгли характерга эга бўлади. Ғоявий қарашларни тарқатиш, мафкуравий тарбияни амалга ошириш эса аксарият халқларда тизимли ва тадрижий тарзда амалга оширилади. Онглийлик деганда кишиларнинг ижтимоий қонуниятларни тушунган, англаган ва унга асосланган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши тушунилишини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда мафкуравий фаолият тобора онгли ва аниқ мақсадларга қаратилган ҳолда амалга оширилаётганини тан олиш зарур бўлади.

Мафкуравий фаолият самарадорлиги

“Мафкуравий
самарадорлиги” тушунчаси жойларда
амалга оширилаётган таълим ва тарбиявий
ишлардан қандай натижаларга эришилганини ва шу соҳа ходимларининг
фаолияти ва тарбиявий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.
Бу мақсадга эришиш учун тадбирларни таълим жараёни билан
уйғунлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.
Таълим-тарбия жараёнида аҳолига таъсир ўтказувчи омилларнинг ҳаракат
қилиш механизмлари ва хусусиятларини аниқлаш, улардан унумли
фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларни миллий ва
умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият
касб этади. Мафкуравий фаолият самарадорлиги юқори бўлиши учун уларни
тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ёшларда тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш
ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш ташкилотчининг дикқат
марказида бўлиши лозим. Таълим тизимидағи маъруза, амалий машғулотни
маънавий-маърифий тадбирлар билан уйғунлаштириш, бир томондан, таълим
самарадорлигини оширса, иккинчи томондан, таълим ва тарбиянинг
узвийлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Мафкуравий тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга ёшларни кенг
жалб қилиш уларда туйғудошлиқ ҳиссини уйғотади ва бу ҳолат ўтказилган
тадбирнинг тарбиявий самарадорлигини янада оширади. Бундай тадбирлардан
маънавий-ахлоқий тарбияда самарали фойдаланишнинг муҳим шарти шуки,
бунда ҳар бир кишининг хусусиятлари, муайян воқеа-ҳодисага нисбатан
фикри қай даражада шаклланганини ҳисобга олиш лозим. Таълим
муассасаларида тадбирларни режалаштириш, ташкил қилиш, тайёрлаш ва
ўтказишга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш, айниқса, мавзу танлаш, режа
тузиш, сценарий тайёрлаш, тадбир ўтказиладиган хоналарни жиҳозлаш каби
юмушларни талабаларнинг ўзларига топшириш лозим.

Мафкуравий фаолият самарадорлиги самарадорлигининг ошиши ўқув
юртларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг режа ва

сценарийлари профессор-ўқитувчилар ёки ўкув юрти ходимлари томонидан тузилган тақдирда уларни талабалар муҳокамасидан ўтказиш ва муҳокама жараёнида билдирилган фикрларнинг инобатга олинишга ҳам боғлиқ. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини ошириш мақсадида ўкув юртларининг маънавий-маърифий муассасалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта. Бундай ҳамкорлик, бир томондан, маданий-маър-й муассасаларни аудитория, томошабин билан таъминлашга, иккинчи томондан, маънавий-маър-й тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Қолаверса, мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлиги тадбирларнинг мазмунан миллий маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, миллий ғоя ва маданиятимиз, маънавий меросимиз билан уйғун ҳолда ҳамда замонавий шакллар ва интерактив услублар асосида ташкил этилишига боғлиқ.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини шу соҳанинг фаоллари, тарғиботчи ва ташвиқотчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура тарғиботчиси шу соҳадаги янгиликлар ва ахборотларни тарқатувчи, кишиларни муайян ғоя ва ғоялар тизимиға хос мақсад-муддаоларга етиш, идеалларга эришишга даъват этувчи, ҳаётнинг барча соҳаларидаги илфор жараён ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиб, бу борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш бўйича хабар, маълумот, таклифларни оммага тарқатувчи шахсни ифодалайдиган тушунчадир. Мафкура тарғиботчиси кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, яъни ғоя ва мафкура масалалари билан шуғулланади ва ижтимоий-сиёсий, ғоявий, ахлоқий қадриятларни тарғиб қиласи. Тор маънода эса, фаолияти маънавият, мафкура ва сиёsatни тарғиб этишга қаратилган шахсни англалади.

Мафкура тарғиботчиси илмийлик, конкретлик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларга асосланиши, илмий, назарий, амалий-ташкилий жиҳатдан етук киши бўлиши лозим. У шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар манфаатларини ифода этиб, адолатли жамият қуриш ҳақидаги бунёдкор ғояларни омма орасида ёйиш, кишиларга

маънавий, ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш субъектидир. Мафкура тарғиботчиси ўзи англаган, ўргангандан юрагидан ўтказган, тўғрилигига ишонган маълумотларнинг серқирралиги, янгилиги билан аҳолини маънавий, ғоявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларда фаолликка чорлайди.

Учинчи минг йиллик ибтидосида дунё миқёсидаги глобаллашув жараёни тезлашгани, маънавий-мафкуравий курашнинг авж олиши, тажовуз ва таҳдидларнинг янги шакллари пайдо бўлиши тарғиботни ўзига хос маънавий-сиёсий таъсир қуролига айлантиrmоқда. Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, энг аввало, таълим-тарбия, маънавият-маърифат, тарғибот-ташвиқот масаласига бориб тақалади. Истиқлол йилларида ушбу ўта муҳим масалага кенг жамоатчилик диққат-эътибори жалб қилинмоқда. Матбуот, ТВ, радио, ҳалқ таълими, олий ва касб-хунар таълим тизимлари орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик каби эзгу хусусиятлар кучайтирилмоқда.

Шунинг учун ҳам маърифий ишларни амалга ошириш чоғида барча бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришилган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки юрт тараққиётига ғов бўлаётган, унга заарар етказаётган муаммоларни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга мафкура тарғиботчиларининг бутун куч-ғайрати, билими, иқтидори, истеъдоди, қобилиятини жалб этиш даркор. Мафкура тарғиботчиларини тарбиячи-устоз деб ҳисоблаш мумкин. Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маънавият зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб тайёрлаш учун, энг аввало, тарғиботчининг ўзи ана шу юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Шарқ маънавияти тарғибот-ташвиқотида азалдан илм-фанга, соғлом фикр, мантиққа таяниб келинган. Ҳалқни рўшноликка чиқаришнинг асосий йўли – уни саводли қилиш, ортиқча

сарф-харажатлар талаб қиласынан маросимларга қарши курашда деган қарашлар устувор бўлган.

Ҳозирги даврда ҳам ҳар бир маърифатли, вижданли инсон бузғунчи ғоялар таъсирига қарши курашиши, аҳолига бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамлар руҳини, онгу тафаккурини, умуман, маънавиятини ҳимоя қилиши зарур. Элга эзгу ғояларга асосланган тушунчаларни тарғиб қиласынан, аҳолига тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни саклаш, маърифатни тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой – мактаблар ва уларда ишлайдиганлар ҳам мафкура тарғиботчиларидир. Юксак маънавият ёшлар онги ва қалбига сингиши, давлат ва жамият мақсад-муддаоларини жамоатчилик қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун тарғибот-ташвиқот узлуксиз бўлмоғи лозим.

Шу маънода, мафкура тарғиботчиси янгиликларни англашга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидойи бўлиши лозим. Бундай хусусиятлар эса, тарихдан, аждодлар тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла – жамиятимизда алоҳида маънавий тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос демократия мактабидир. Бу ноёб тажриба – аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, унинг маънавиятини тарбиялайдиган бирламчи макон – бу маҳалладир.

Миллий урф-одатлар, маросимлар тарғиботи чогида ҳам, бутун инсоният, Ватан ва миллат манфаатларини, шахс эркинлиги, миллий қадриятлар мажмуини яхлит уйғунлигини ёдда тутмоқ лозим. Фоя ва мафкура тамойиллари шу соғадаги ҳар бир инсон, жумладан, тарғиботчининг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Унинг яшаш тарзи, қилган ишлари, яратган асалари, меҳнатининг натижалари, атроф воқеликка муносабати – барча-барчаси ғояларга садоқатнинг кўзгусидир. Олимнинг кашфиёти, мусаввирнинг картинаси, ёзувчининг романи, шоирнинг шеъри, ўқитувчининг, воизнинг маъruzаси, бастакорнинг мусиқаси маънавий дунё

даракчилариридир, ўзига хос тарғиботдир. Эзгулик даракчиси, яхшилик тарғиботчиси, энг аввало, ёвузликнинг моҳияти, унинг оқибатларини аудиторияга аниқ-равшан, содда ҳолда изоҳлаб, ундан қайтмоқликка даъват этмоғи даркор.

Ўзбек давлатчилиги илк даври маънавияти, мафкурасини ўзида ифода этган “Авесто” замонидан бошлаб эл-юрт ғамини еган минглаб аждодларимиз, гарчи маҳсус маош олмасалар-да, миллат, жамият тараққиётини кўзлаган ҳолда ёвузликка қарши курашиб келгани бежиз эмас. Бугунги кунда ҳам жаҳолатга қарши маърифат қуролини ишга солиш мафкура тарғиботчиси зиммасига катта масъулият юклайди. Оилада ва мактабда таълим-тарбияни тегишли даражада ташкил этишга, тарғиботнинг самарали бўлишини таъминлашга, ота-она, белгиланган ўқитувчилар, амалда, бутун жамият масъул. Эзгу ғояларни тарғиб-ташвиқ этиш эса ҳар бир ўзини зиёли деб билган, жам-т аъзоси деб ҳисоблаган шахсларнинг виждан иши ҳисобланади. Бундай тарғиботда кўп китоб ўқийдиган, маълумотли зиёлиларга мўлжалланган бироз мураккаброқ ахборотлар билан тадбиркорлар кайфиятига таъсир этиб, бўлмайди.

Шунингдек, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, фермерларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки, турли ижтимоий групҳ вакилларининг дунёқарashi, манфаатлари, ва қадриятлари бир-биридан фарқ қиласди. Мафкура тарғиботчиси томонидан ҳар бир групҳ, табака, тоифа хусъятларини ҳисобга олиш кўпроқ самара бериши мумкин. Мафкура тарғиботчиларининг ўзлари ҳам эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, қўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топадиган ҳалол инсонлар, яъни бунга маънавий ҳуқуқи бор киши бўлиши лозим.

Демак, мафкура тарғиботчиси. “Авесто”даги “эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига мос шахс бўлмоғи зарур. Мафкуравий тарғиботда ҳиссиётларга кучли таъсир қилиш, жозибалилик, ноанъанавий усулларни

қўллаш, ошкоралик, миллий қадриятлар доирасидан чиқмаслик, оммабоп ва тушунарли ифодалаш кўпроқ самара беради. Бугунги ғоят мураккаб, таҳликали дунёда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни миллий анъана ва қадриятларга ёт бўлган бузғунчи ғоялар, заарли оқимлар таъсиридан асраш вазифаси мафкуравий тарғибот фаоллари билан бирга бу соҳада фаолият юритадиган турли ташкилот ва муассасалар зиммасига улкан масъулият юклайди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида ташкилотлар, ижодий уюшмалар, таълим-тарбия муассасалари ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўзаро уйғун ҳолда фаолият юритишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси, республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши фаолиятининг бир жабҳаси ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Бу борада ўтказиладиган анжуманлар, танловлар ва бошқа шу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мафкура тарғиботчилари орасидан энг моҳир ва тажрибалиларини аниқлаш, бу ишни мамлакат миқёсида янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Оммавий ахборот воситаларининг
мафкуравий фаолиятдаги ўрни.** Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларининг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қиласи. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. “Мажбурий яккафикрлаш“ даври деб аташ мумкин бўлган бу паллада оммавий ахборот воситаларида ҳаёт фақат ёрқин бўёқларда тасвиirlаниб, муаммолар ҳақида гапирилмаган эди. Чунки ўша пайтда муаммолар ва иллатлар ҳақида гапириш – коммунизм сингари “бенуқсон” ва “мукаммал” тузумга халқнинг ишончини пасайтириб юбориши мумкин эди. Яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафкура ва яккафикрлаш сиёсати ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қиласи эди. Барча журналистлар собиқ Марказдаги “мутассадди раҳбарлар”нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди. Афсуски, шу даврларни бошдан кечирганимиз, лекин минг афсуски, айrim кишилар ишга ана шундай ёндашишдан хали-хануз воз кеча олмаяптилар, ўша даврлардан қолган айrim эски қолип ва андозалардан қутула олмаяптилар.

Ҳаётийлик - бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаб. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки заарли эканини чамалаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат заарар келтириши мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, тарғиботнинг негизида фақатгина ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ҳам ётади. Шу боис, мақташ тарғиботнинг ягона ва ҳатто энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурани ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвиirlаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бунга бир мисол. Бир вақтлар АҚШ фуқароларида демократик тамойилларнинг бир оз қадрсизланиши кузатилган эди. Мутахассислар томонидан бу муаммонинг турли ечимлари таклиф қилинди, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинди: демократиянинг камчиликлари ошкора айтилди, унинг баъзан «ишламаётгани» очик танқид қилинди ва унга муқобиллар сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули кутилган самарани берди: одамлар «ёмон бўлса ҳам, демократиядан қўймасин» деган фикрга келдилар ва демократиянинг ашаддий ҳимоячиларига айландилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсиран воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда, журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмаётир. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун кулай муҳит яратилган.

Гарбда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи қўппак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажарадилар. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши демократиянинг тараққиётига хизмат қиласи. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишлиарда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш

лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да хали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очиқ бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпорувчиликка чақиравчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да bemalol рақобат қила олишлари керак.

Биз демократияни қандай тушунсак, оммавий ахборот воситаларига ҳам шундай вазифаларни юклаймиз. Биз демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларини англаши, уларга эҳтиёж сезиши, уларни қадрлаши, улардан фойдалана билиши ва улар учун курашиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий ғояни сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлик. Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини кўрсатадиган шундай бир гап бор: “Хар қандай пуч ғоя, уйдирма хафтасига уч мартадан тўрт йил давомида такрорланса – “ҳақиқат” тайёр бўлади, одамлар унга чиппа-чин ишонадилар”.

Охиригина пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ

қила олмаса-да, унинг қўпорувчилик кучи, келтирадиган талофтлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арzon воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион хуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион қўпорувчиликдан мақсад – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги баъзи фикрлар ҳам бугунги хуружларнинг мақсадини ойдинлаштиради. Ушбу рисолада айтилишича, геополитик мақсадлар – давлатнинг ўзга ҳудудларда ўз мавқеи ва таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир. Очиги, бу таъриф айрим оммавий ахборот воситаларининг фаолияти нимага йўналтирилганлигини фош этиб қўймоқда.

Йирик сиёсатчилардан бири Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: “Оммавий ахборот воситалари – террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди”, деган. Бу гапнинг мағзини чаққан одам “оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан”, деган хulosага келади. Бир қарашда бу фикр мантиқиздай туюлади. Чукурроқ ўйлаб кўрсакчи? Аслида террорчилар бир қанча инсонларни шафқатсизлик билан ўлдириш орқали миллионларда қўрқув ва даҳшат уйғотишга интиладилар. Демак, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўzlари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, қўпорувчилик таъсирини янада оширишга

“хизмат” қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги қўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши аксилтарғиботни ўюштириш зарурати туғилади.

Аксилтарғибот «ғояга қарши ғоя билан курашиш» тамойилига мос равища олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтариш талаб этилади. Хусусан:

- ҳорижий журналистларнинг ҳукумат сиёсатини бузиб талқин қилувчи чиқишлигига;
- диний ақидапарастларнинг танлаган йўлимизга қарши мафкуравий қўпорувчилик ҳаракатларига;
- ривожланган давлатларнинг ўз мафкураси ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги уринишларига;
- ахборот хилма-хиллиги шароитидаги информацион тажовузларга;
- одамлар онгига сақланиб қолган коммунистик мафкуранинг асоратларига қарши фаол курашиш зарур.

Аксилтарғиботни ташкил этишда тезкорлик, қатъиятлилик, ҳужумкорлик, муросасизлик талаб қилинади. Бу борада тайёрланган материаллар далиллар билан исботланган, ҳаққоний, оммабоп ва барча учун тушунарли бўлиши шарт. Аксилтарғибот олдини оловчи ва фош этувчи шаклларда амалга оширилади. Олдини оловчи йўналиш асосан тарбиявий характерга эга бўлади. Бунда:

- фуқароларнинг позицияларини шакллантиришда ғоявий рақиблардан ўзиб кетиш;
- инсонларни бегона ғояларнинг нотўғрилигини фош этишга ва уларнинг далилларини рад этишга ўргатиш;
- пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга нисбатан хушёрликни ошириш;
- ёт мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтариғиботнинг фош этувчи йўналишида:

- ғоявий душманлар томонидан эълон қилинган фикрлар ва баҳоларни рад этиш;
- «мафкуравий уруш» олиб бораётган тараф ташвиқотининг ёлғон ва сохта моҳиятини очиб бериш;
- мафкуравий босим кўрсатувчи гурух етакчиларини обрўсизлантириш;
- рақибларнинг руҳини сусайтириш орқали уларнинг ҳаракатларини кучсизлантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтариғиботнинг ҳар иккала кўриниши ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Инсоннинг онги ва қалби учун шиддатли кураш кетаётган ҳозирги пайтда аксилтариғибот билан маҳсус шуғулланиш зарурлиги шак-шубҳасизdir.

**Мафкуравий фаолиятда миллий
ғояни аҳоли онгига сингдириш**

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора расм бўлмоқда. Чунки

асримизда инсон эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар унинг истакларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилишга йўналтирилган. Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб бериладиган эртаккача, борингки, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга - уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Бу ҳолат «Энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари кишини ҳамма ерда ва ҳар куни куршаб туради. Бу кучларнинг мақсади – инсонни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, нимагадир оғдириш. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга унрайди. Диний арбоблар ўз динига эътиқод қилишга чақиради. Халқаро майдонда баъзи давлатлар ўзининг «катта оға» эканини уқтиришга ҳаракат қиласи.

Лекин танганинг орқа томони ҳам бўлади-ку. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор тамаки сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари ҳақида одамларни ким огоҳлантиради? Агар ўша диндор, дин четда қолиб, давлат

тузумини ағдаришга чақираётган бўлса-чи? Бундай бузғунчиликлардан халқни ким қайтаради? Ёки жаҳонда «катта оға»ларнинг қўлидан тутиб эмас, мустақил одим ташлаш кераклигини ким тушунтиради? Бу каби тарғиботни ёки аксилтартарғиботни ким ташкил қилиши керак?

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қудратли тарғибот машинасига эга бўлишга интилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ хукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини ахолига тушунтириш ишларига йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда муҳимлигини, балки сиёсатда ҳам, маънавий-маърифий ишларда ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Демак, ривожланган демократик давлатлар ҳам мафкуравий фаолиятдан сира воз кечмаган.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарларида белгилаб берилган. Шу мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни ғоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз, инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини халқга тушунтиришни талаб қиласи. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи «хукумат сиёсатининг ташвиқоти» кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон хукуматининг сиёсатини маҳсус тарғиб қилишни талаб этади. Бундай тарғибот ислоҳотларни «мафкуравий таъминлаш»га хизмат қиласи.

Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай давлат янги инсонни тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши табиий.

Демак, Ўзбекистонда ҳам «комил инсон» ғоясига мос сифатларни фуқароларда қарор топтириш вазифаси кўндаланг турибди. «Фуқаролик аҳлоқи»ни бундай тарбиялаш мафкуравий сиёсатнинг негизини ташкил этади.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт мафкуравий таъсиrlарга қарши курашда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона мафкураларнинг қўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтарғиботни ташкил этиш муҳим саналади. Чунки бундай мафкуравий курашни нафақат мамлакатимиз ичкарисида, балки ҳалқаро майдонда ҳам олиб бориш талааб этилади.

Мафкуравий фаолиятда тарғибот ва ташвиқот муҳим ўрин эгаллайди. “Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот” бирон-бир шахс, гурӯҳ, миллат, жамият, худуд ҳалқларининг онги ва қалбига муайян ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, амалиёти тўғрисидаги билимларни, уларга доир тушунча ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли фаолият ҳамда у билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнини ифодалайдиган тушунчадир. Шу билан бирга бугунги кунда бу тушунча юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб этиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида ҳалқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини ҳам англатади. Одамлар қалби ва онгида ана шундай инсоний туйғулар қарор топиши, жам-тда олижаноб фазилатлар устувор бўлишида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот муҳим аҳамиятга эга.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот аслида таълим-тарбиянинг муҳим кўринишидир. “Тарғибот” атамасининг ўзагини “рағбат” сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутади. “Ташвиқот” тушунчасининг ўзаги эса “шавқ” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ, ишонч туйғуларини уйғотишга йўналтирилган.

Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад – нафақат билим орттириш, балки кишини бирор-бир хатти-ҳаракатга ундашдан иборат. Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги ғояларни сингдириш узоқ давом этадиган жараёндир.

Миллий ғояни сингдириш усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялар кенг расм бўлди. Технологиялар асири деб аталаётган XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ўстириб юборди. Бироқ янги технологиялар фақат саноат ва қишлоқ хўжалигига қўлланилмаяпти, балки маънавий, мафкуравий жараёнларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуктаи назардан ёндошиш миллий ғояни тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий ғояни халқ қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар қамраб олинади. Уларнинг муҳимлиги шунда кўринадики, масалан, тарғиботда меъёрнинг бузилиши, миллий мафкура тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси миллий ғоя ва миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- миллий ғоянинг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;

- бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига баҳрам бериш;
- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг икки анъанавий йўли мавжуд. Биринчиси – инсоний фазилатларни улуғлаш, юксак маънавиятли кишилар ҳаёти ва фаолиятини таърифлаш, уларни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечади. Иккинчи йўл эса иллатларни қоралаш, улардан халос бўлишга даъват, тарғиб-ташвиқ орқали амалга ошади. Бу восита биринчисига нисбатан самаралироқ. Шу сабабдан ҳам эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиши лозим.

Жамиятимизни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби қатор муҳим масалалардан иборат. Ушбу бунёдкор ғоялар онги ва қалбига сингдирилган жисмоний ва маънавий соғлом авлодни вояга етказиш эса бир йиллик иш эмас. Буни англаб етмаслик, қандайдир хомхаёллар билан енгил-елпи тарғибот-ташвиқот юритиш кўзда тутилган катта мақсадларни обрўсизлантириб қўяди. Баркамол фарзанд соғлом оиласи мухитда вояга етади. Бунга эришиш учун – биринчи навбатда, тарғибот-ташвиқот ишларини ота-оналар онги, уларнинг фарзандларига бўлган муносабатини ўзгартиришга йўналтирмоқ лозим.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотда улуғ аждодларимизнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бир ёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттироғимиз даркор. Лекин, бунда фақат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмай, бугунги кун қахрамонлари, илғор замондошларимиздан

ўрнак олиш ҳам мұхим ақамиятга эга. Токи, улар ёшлар учун том маңнода ибрат намунаси бўлсин. Чунки, тарғибот-ташвиқотда фақат ўтмишдан мисол келтириш билан чекланиб қолинса, бу – кечаги кун билан яшаш бўлади. Маънавий тарғибот-ташвиқот борасида эски даврдан қолган қуруқ, сийқаси чиққан ваъзхонликдан воз кечиб, юрт бугун бошидан кечираётган мураккаб ва мاشаққатли ҳаёт ҳақиқатига таяниб, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг замонавий, таъсирчан усул-услубларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу сабабдан ҳам маънавият тарғиботчилари, ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар миллий ғоянинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари мұхим ақамиятга эга. Бунинг учун нима, қандай тарғиб қилишни аниқ ва пухта тасаввур этмоқ маънавий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқмоқ даркор. Маънавий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга интилишга рағбатлантирилади.

Ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Мас., бола гўдаклигидан бирор эзгу фазилатга ўргатилмаса, керак бўлса, мажбур қилинмаса, юз-кўлинни ювмаслик, катталар гапини бўлиш сингари қусурлар унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлиб келган андиша, ота-онага ҳурмат, илм-маърифатга интилиш каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларида ҳар бир ихтисос, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислардан фойдаланиш керак. Шундагина ҳар бир кўрсатув, эшиттириш, маъруза, маърифий тадбирлар мазмун-моҳияти билан одамлар қалбига ва онгига етиб боради.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгига ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина улар инсон қалбига чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса

аудитория тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини ҳис қилиши керак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни тортиш билан ҳам қаноатланиш мумкин эмас. Чунки эътиборни жалб қилиш - тарғиботнинг биринчи босқичи, холос.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиб беришни талаб қиласди. Чунки миллий ғояни тушуниш - унга ишониш демакдир. Ана шу ерда бир савол билан тўқнашамиз: нима қўпроқ ишонч уйғотади: жиддий далиллар билан асосланган ахборотми ёки ҳиссиётларни уйғотувчи маъruzами? Тарғибот давомида инсоннинг ҳисларига, қалбига мурожаат қилиш катта самара беради, албатта. Лекин ишончли далиллар, эътиroz уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши бу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишдан ҳаммамиз манфаатдор эканлигимиз ҳақидаги фикрни уйғотади.

Тарғибот жараёни шу ерда тугайди, деб ўйлайдиганлар катта хато қиласдилар. Зоро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундейди. Ҳаракатсиз мафкура эса сафсатабозликдан бўлак нарса эмас. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган ғояларга мос ҳаракат қила бошлаганларида гина миллий ғоя халқнинг эътиқодига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Мафкуравий тарғибот ўткинчи, мавсумий ҳолга айланиб қолмаслиги ҳам лозим. Бугунги мураккаб маънавий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганлигини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, маънавий тажовузлар моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фақат ана шундай асосда аҳоли, айниқса, ёшларни ўз фикрига эга, маънавий тажовузларга қарши событ тура олишга қодир, иродали, фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамият маънавий

иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиши, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тарғиботчи-ташвиқотчилар учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бу борадаги муҳим вазифалар таркибиға киради. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотда кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Мафкуравий фаолият деганда нимани тушунасиз? Унинг ижтимоий-тарихий белгиланганлиги ва ўзгарувчан характери нималарда кўринади?
2. Мафкуравий плюрализм ва мафкуравий толерантликнинг моҳияти нимада?
3. “Тарғибот” ва “ташвиқот” деганда нима тушунилади? Ҳозирги даврда мафкуравий тарғибот ва ташвиқот усуллари такомиллашиб боришига хос хусусиятларни қандай тавсифлаш мумкин?.
4. Кўп миллатли ва кўп конфессиялилик шароитида “Ўзбекистон-ягона Ватан” ғоясининг аҳамияти нималарда кўринади?
5. Мустақиллик шароитида ғоявий тарғибот ва ташвиқотнинг амалга оширишдаги ютуқлар, муаммолар ва вазифаларни қандай тавсифлаш мумкин?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. “Ўзбекистон-ягона Ватан” ғояси сиёсий партиялар ва мафкуравий жараёнлар ривожидаги ўрни
2. Оммавий ахборот воситалари ғоявий тарғибот ва ташвиқотни амалга ошириш воситаси
3. Мафкуравий плюрализм ва мафкуравий толерантлик.
4. Мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий-тарихий моҳияти ва ўзгарувчан характери

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
9. Қ. Назаров. Фоялар фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т.:2011 й.

7-МАВЗУ: ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ.

Хозирги даврда дунёning мафкуравий манзараси.

Хозирги давр дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврdir. Дунёning худудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлинишини география дарсларидан яхши биламиз. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб ва мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда ҳам Ер юзининг худудий бўлинишини bemalol тасаввур қила оламиз. Инсоният XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Бутун Ер юзи одамзот учун ягона макон эканлиги аник. Бунга шак-шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян худудларни босиб олиш учун сонсаноқсиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш учун ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш учун олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан ажralиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланмоғи керакқа ўхшайди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганлигини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа худудни босиб олиш у ёқда турсин,

балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади.

“Бугунги кунда одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимо равища сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ніхоясида – бугунги давримизда бу таъсирлардан ҳоли бўлиш деярли имконсизdir.”¹

Ҳозирги даврда ғоявий-мафкуравий курашлар ер юзини, барча минтақа ва мамлакатларни қамраб олмоқда. Бугун бу жараёнлардан бирор киши ёки мамлакат четда қолмаяпти. Айниқса, диний экстремизм, фундаментализм ёки прозелитизм ва бошқа эгоцентризмга асосланган ахлоқсизлик ғояларини кишилар онгига сингдиришдан иборат мафкуравий тажовузлар минтақавий ва умумбашарий муаммо даражасига чиқиб, унга қарши курашнинг ҳалқаро институционал тизимини шакллантириш тақозо қилинмоқда. Бундай шароитда, жамиятни ташкил қилган синфлар, ижтимоий қатламларнинг манфаат ва мақсадларини уйғунлаштирувчи имкониятларни глобал миқёсда аниқлаш зарурияти вужудга келади.

Бугунги кунда «глобаллашув» жараёнига ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни масаласига қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки ҳеч бир восита мамлакат ва ҳалқларни глобаллашув жараёни сингари бир-бири билан узвий боғлаб қўймаган. Бу жараён шу даражада кучайиб бормоқдаки, дунёning бирон-бир ҳудуди унинг таъсиридан ҳоли қолаётгани йўқ.

Ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлган “глобаллашув” атамаси дастлаб давлатларнинг ўзаро молиявий ва иқтисодий ҳаётининг умумлашиб бораётганлигини билдирап эди. Бугунги кунга келиб, у кенг қамровли тушунчага айланди, давлат ва ҳалқлар ҳаётининг барча соҳаларида ялпи умумлашув жараёнини англатмоқда.

¹ Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни - ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т. 1999 й

Глобаллашув жараёнларининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Ўзбекистон ҳам ушбу жараёндан четда қолаётгани йўқ. Юртимизда фан-техника, технология ютуқларининг кириб келиши глобаллашув жараёни туфайлидир. Бу ҳолат ўз ўрнида мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига, халқимиз турмуш тарзининг салбий томони шундаки, мингминглаб майда, ўрта, ривожланаётган миллатларнинг маданияти, тили, расмруслари катта миллатлар, давлатлар маданиятлари билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан унинг таъсирига тушиб қолиши ҳам мумкин.

Бу жараёнда глобал давр технологиялари: замонавий телекуммуникация, телевидение, реактив самолёт, космик йўлдош, компьютер, уяли телефон ва интернет каби алоқа воситалари орқали ўзга хорижий ҳудудга хос миллий-маънавий қадриятларни халқимизга сингдириш ва шу йўл билан мамлакатимизда миллий-маънавий ҳукмронликни ўрнатишга уриниш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиласиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, баъзи «демократияпарвар» давлатлар иқтисодий интеграцияни кучайтириш, фан-техника, технология, таълим соҳасида юртимизга ёрдам бериш баҳонасида миллий-маънавий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равища сезиб яшамоқда.

Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадиоалоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласиган, олис-яқин

манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб бормоқда. Муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалари асосида ташкил этилган мафкуравий марказлар фаволияти гоявий-мафкуравий зиддиятлар жараёнида янада кескинлашади. Ўзининг харктери, мақсадига қараб маълум партия, гурӯҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказ ядросини ташкил этиши мумкин. Уларнинг ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усуллариға эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, гоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутади. Шунингдек улар ўз фаолиятларини яширин ва ошкора йўл билан амалга оширадилар. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим мафкура марказлари, масалан, фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдирган. Мафкурани яширин йўл билан тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири – турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирманиб кетганидир.

Агар тарих сахифаларига кўз ташлайдиган бўлсак, кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқдан-очиқ босиб олиб, уларга ўз хукмини ўтказган бўлса, XX аср охирига келиб, бундай сиёsat янги бир шакл касб этди. Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилиш кучаймоқда.

Бугун дунё тараққиёти шу даражага етди, энди мафкуравий кураш, маънавий салоҳият етакчи ўринга чиқди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик,

иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда».¹ Демак, энди қурол-яроқлар эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя» билан курашиб, олға бориш мумкин. Кимнинг мафкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша енгиб чиқади.

Мафкуравий кураш бир жамият, мамлакат ичида ҳам, халқаро ва давлатлараро миқёсда ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид соловчи мафкуравий тажовузлар кескинлашмоқда. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуслардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларидан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. “Шуни унутмаслик керакки, - дейди Президентимиз И.Каримов, бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, - бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ха-бар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.²

Глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи қучи – иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий этган мамлакатлар, шунингдек, улар худудида жойлашган трансмиллий корпорациялар ва молиявий марказлардир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.119.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.115.

Бу давлатлар бутун дунё табиий захираларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлгани боис глобаллашув жараёни жаҳонни тўлиқ қамраб олишдан манфаатдор экани сир эмас. Масалан, АҚШ дунё аҳолисининг 5 фоизини ташкил этгани ҳолда, сайёрамиз табиий захираларининг 25 фоизини тасарруф этади.

Глобаллашувни четлаб ўтиш мумкин эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндир. Лекин глобаллашув жамиятдаги муайян унсурлар ва тузилмаларга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик XXI аср халқлари ва давлатлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки ғоявий-мафкуравий тазийик ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чоратадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда.

**Мафкуравий таҳдидларга қарши
кураш усуллари ва воситалари.** Ҳозирги кунда глобаллашув таъсирини ҳар бир инсон ўз ҳаётида бевосита ҳис қилиб, англаб турибди. Инсоннинг бир кунда оммавий ахборот воситалари орқали эшитаётган, кўраётган янгиликлари миқдори бундан ўн йиллар олдинги миқдордан камида ўн баравар кўп десак, хато бўлмайди. Бунда техника ютуқларининг ўрни мислсиз, албатта. Интернет тармоғи, сунъий йўлдошлар орқали узатилаётган ахборот оқимларининг шиддати бир сонияга бўлса ҳам сусаймаяпти.

Одам шу каби янгиликларнинг ҳаммасини ҳам таҳлил қилиб, хулоса чиқариш учун вақт топа олмайди ва унинг кўп қисмини тайёр ҳолда қабул қиласверади. Натижада, кишида у ёки бу воқеа-ҳодисаларга нисбатан кимларнингдир манфаатларига хизмат қилувчи ва тегишли ОАВ томонидан тайёрланган муайян қарашлар шаклланиб боради. Олдин турли китоблар, кино санъати орқали тарғиб этилган “оммавий маданият” маҳсулотлари учун бугун неча минг километрлик масофаларни ўлкалар бўйлаб босиб ўтишга ҳам ҳожат йўқдек. Негаки, интернет деган техника мўяжизасидан, энг аввало, ана шундай эгри мақсадларни кўзловчи кучлар биринчилардан бўлиб фойдаланмоқда. Шафқацизлик, худбинлик, зўравонлик, ахлоқсизлик, майшатпарастликларни

очик-ойдин тасвирловчи суратлар, клиплар, мусиқалар нафақат айрим ёшларни, балки катта ёшдагиларни ҳам ўз домига тортиб бораётгани сир эмас.

Албатта, маънавияти бутун, онгли ҳар бир инсон бу каби таъсирлардан энг олдин ўз оиласи ва фарзандларини асрашни ўйлаб безовталанади. Ўз яқинларини, қўни-қўшнисини ва маҳалласини бепарво бўлмасликка, ёшларни турли бегона, бузғунчи ғоялардан, маънавиятсизликдан асрашга ундаиди. Лекин жамиятда юз бераётган салбий ҳодисаларга қўл силтаб қўя қолувчи ҳамда бу мени четлаб ўтади, деб ўйловчи кишилар ҳам бор. Ёки “оммавий маданият” ниқобига яширган бузғунчилик ғояларини илғаб, уларга қарши туришга ақл-тафаккури даражаси етишмайдиган одамлар ҳам йўқ эмас.

Агарда, бегона одам бировга мундоқ қилиб яшаш керак, фарзандларни бундоқ тарбиялаш даркор, турмуш ўртофингга мана бунақа муомала қилиш жоиз, деб ақл ўргаца, кишининг иззат-нафсиға тегиши аниқ. Аммо, “оммавий маданият” маҳсулотлари, хусусан, кино, улардаги турли “қаҳрамон”лар образлари воситасида беихтиёр ёшлар қалбига сингдирилаётган яланғоч туйғулар, фикрлардан кўз юмиб бўлмайди. Бир қарашда, улар бор-йўғи бир кино, сериал бўлиб, изсиз ўтиб кетаверадигандек кўринади. Муайян вақтга қадар шундай бўлиши мумкин. Аслида эса такрор-такрор, турфа бўёқлар ва тасвирларда намоён бўлаётган “оммавий маданият”нинг бу каби кўринишларидағи инсон тарбияси, маънавиятига зид ғоялардан фарзандларимизни асранимиз, эртага уларнинг уруғи инсон қалбида чуқур илдиз отишининг олдини олмоғимиз шарт. Баъзан андишасиз, маънавияциз, худбин, ўз манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўювчи кишиларни учратган пайтда булар ҳам “оммавий маданият” жабрдийдалари эмасмикан, деб ўйлаб қолади киши.

“Оммавий маданият”нинг энг муҳим жиҳатларидан бири истеъмолчилик кайфиятини уйғотиш ва доимий равищда унинг иштаҳасини қитиқлаб, кўзини янги истеъмол нарсаларига - улар буюм бўладими, озиқ-овқат маҳсулотларими, кино маҳсулотларими, кўнгилочар кўрсатувларми, фарқи йўқ, ўч қилиб боришдан иборатлиги яхши маълум. Бу эса, инсон онгида

нима қилиб бўлса ҳам, тарғиб қилинаётган нарсага эришиш истагини кучайтиради, унга эгалик қилиш иштиёқи ҳаёт мазмунига айланишига олиб келади ва охир-оқибат киши қалбида жамиятга фойда келтирадиган янгилик яратиш, ён-атрофдагиларга ёрдам бериш каби инсоний туйғуларни сиқиб чиқариши мумкин. Айниқса, ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларни ҷалғитиши осонроқ. Ёшлар янгиликни осон қабул қиласи, техника янгиликларини тезда ўзлаштиради ва натижада энг биринчилардан бўлиб ёт кучларнинг таъсирига рўпара келади.

Глобаллашув жараёнида миллий ғоянинг энг муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш алоҳида аҳамият касб этади. Миллий ғояни тарғиб қилишда маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам бу жараён миллий ғоянинг хусусиятлари билан боғлиқ. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда, глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки глобаллашув бўлмагандан ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди.

Миллий ғоянинг моҳияти шундаки, у одамлар онгиди, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиласидиган кучга айланади¹.

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш хусусиятлари ва мафкуравий иммунитетини ҳосил қилишнинг таъсирчан ҳамда самарали усул ва воситаларини яққол кўрсатиш лозимдир. Президентимиз И. Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганини қайд этиш лозимки, улар қаторида “мафкуравий

¹ Эргашев И. ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслер. -Т.: Академия, 2005. 87-бет.

иммунитет”, “мафкуравий профилактика” кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмунини ойдинлаштиришда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тассавур қилиш имкони туғилади.

Аввало, инсоннинг кўплаб ҳусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур бўлади.

Мафкуравий иммунитетнинг ҳосил қилинишида, унга муайян тизим сифатида ёндашиб, ундаги унсурларнинг ролини усул ва воситалар мисолида баҳолаш лозим. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиласидар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчидан, бу билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан, халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиқкан алломалар бутун дунёга донг таратганидан, умуминсоний маънавиятга катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларди ҳисса қўшган бўлса, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, ат Термизий, Мотуридий, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳовуддий Нақшбандий, Аҳмад Яссавийлар эса, Ҳадис, қалом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади.

Шўролар даврида миллий қадриятларимизни дунёга ёйиш тугул ўз юртимизда қадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпчилик қадриятларимиз эса

топталди. Мустақилликка эришганимиздан кейин ўша топталган қадриятларимизни тиклаш имконига эга бўлдик. Бундан ташқари миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш имконига ҳам эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёning кўпчилик мамлакатларида ўзбек кураши федерацияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли. Дунё бугун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам қашф этмоқда. Демак, биз глобаллашув жараёнида пассив қабул қилуви томонгина бўлмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар асосида шаклланган қадриятлар тизимиdir. Зеро билимлар қанчалик объектив ва чукур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласди.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммуни-тетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкура-вий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисо-дий, маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқдир. Яъни, ҳар бир киши каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга, бу мақсад англанган, уни амал-га оширишда событқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга бардош бериши қийиндир.

Бундай мафкуравий иммунитетни шакллантиришда юқорида таъкидлангани каби мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни

йўқотишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини ўз ичига қамраб олади.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

**Мафкуравий профилактиканинг
ижтимоий сиёсий зарурияти**

“Мафкуравий полигон —
одамлар ва халқларнинг қалби ва
онгини эгаллашга қаратилган турли

ғояларнинг синов майдони”¹дир.

Одатда «полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган маҳсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган маҳаллий аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлиқ, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради.

¹ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.: “Академия” 2007й, Б-195
180

Президентимиз таъкидлаганлари каби ҳозирги давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврdir. Хусусан, мамлакатимиз ичida ўзларининг заарали ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиши, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳҳобийлар, «хизбут таҳрир»чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллагандагина, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Бугунги кунда мафкура полигонларида муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг ғаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмокдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард-натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва арzon усулидир. Мафкуравий полигонларда синовлардан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура оладиган, юқорида таъкидланганидек мафкуравий иммунитетни аҳолида, ёшлар онгида шакллантириш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда, негаки дунёning икки қутбли нисбий мувозанати бузилиб, минтақамизга, ҳусусан мамлакатимизга

бўлган ғоявий-мафкуравий хуружлар, таҳдидлар кўпаймоқда. Бунга 1999 йилги ва 2004-2005 йилги воқеалар мисол бўла олади.

Бугунги глобаллашув даври айни шу мафкуравий майдонлардан доимий равишда ҳимояланиш заруратини вужудга келтирмоқда. Бунинг учун эса кишилар, айниқса ёшлар онгига миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодни шакллантириш ва майкура майдонлари таъсирида кириб келадиган ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий профилактика ишларини тўғри ташкил этиш зарур.

Мафкуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий полигонни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатlam, гуруҳни ёт ва заарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва воситаларидан фойдаланилади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлага таянади. Таълим тарбия ва тарғибот ва ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради.

Соғлом мафкуруни халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиласиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ мафаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиклару рақслар, турли кўринишдаги ва мазмунга эга

бўлган маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шаклидир.

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий профилактика мафкуравий иммунитет тушунчалари узвий алоқадор бўлиб, муайян бир яхлитликни ўзида ифода этади. Зеро, тарғибот ва ташвиқот ишлари ва унинг усул ва воситалари мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига олиб келади.

Одамларни у ёки бу мақсадга йўналтириш, тарбиялаш икки томонлама жараён бўлиб, бунда тарғибот субъектлари (тарғиботчилар, ТВ, радио, матбуот) ва тарғибот обьектлари (шахс, аҳоли) иштирок этади, бу эса ўз ўрнида профилактика ишларининг самарадорлигини белгилайди. Тарғибот ва ташвиқот самарадорлиги халқ, жамоа сиёсий онгига тарғиботгача ва тарғиботдан кейинги даражалар орасидаги фарқда билинади. Жамоа мафкурасидаги ўзгаришлар илмий ютуқларга асосланган ҳолда олиб борилса, тарғибот ва ташвиқот самарасини аниқлаш ва такомиллаштириш мумкин бўлади.

Мафкуравий профилактика самарадорлиги, энг аввало жамиятни мафкуравий тарбиялашдан натижага қандай бўлиши керак эканлигини аниқ белгиланишига боғлиқ.

XXI асрда ҳам ғоявий зиддиятлар ва тортишувлар тўхтамаяпти, балки мураккаблашмоқда. Шу боис халқимизнинг мафкуравий иммунитетини таъминлаш ғоявий табиянинг изчил, доимий асосга кўйилишини тақозо этади.

Миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит-қиз, фуқародаги мустақилликнинг сиёсий моҳияти, Президент И.Каримов асарларида кўтарилигандаги сиёсий ғоялар, ислоҳатлар ютуқлари ва муаммолари, ички ва ташқи сиёсатга доир чуқур билимларга таянади. Ҳар бир киши ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетни беш даражага бўлиб ўрганиш, баҳолаш ва шу асосда такомиллаштириш мумкин. Бунда:

Биринчи, яъни мафкуравий иммунитетнинг қуий даражаси-шахс, жамоа, жамият юқоридаги билимлардан хабардор эмас; бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд;

Иккинчи даражаси - билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, системалашмаган, шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас;

Учинчи даража – мафкуравий билимларга эга, лекин улар назарий, шахс, жамият уларни қўллашга қийналади.

Тўртинчи даража - асосий билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади, ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитети шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади.

Бешинчи – олий даража - мукаммал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо ҳамма жойда фаол фош қила олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда айрим ёшларда миллатга, Ватанга фойда келтиришни ўйлаш, мустақилликни мустаҳкамлашда фойдали инсон бўлиб етишиш ҳисси маҳсус, илмий асосда шакллантирилмаганлиги туфайли шахсий манфаатни ўйлаш, енгил йўллар билан тўқис ҳаётга интилиш ҳисси намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, айрим фуқаролар орасида маънавий чекланганлик, дунёқарашнинг торлиги, миллий одоб меъёрларига риоя қиласлиқ, сўз ва иш орасидаги тафовут, миллий ғуурнинг сустлиги каби нохуш кўринишлар учраб турадики, уларни биргалашиб бартараф қилиш лозим.

Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади.

Бугунги кунда рўй берадиган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда. XX аср 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини «дўст», «диндош», «миллатдош» қилиб кўрсатиб, гўё ислом дини соғлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келди. Ақидапарастлар жуда «чиройли даъватлар» билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига ром қилишга улгирди.

Аслида одамнинг қалбидаги иккита куч: бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктларини қўзғатиб юбориш осонроқ.

Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун:

- **биринчидан**, одамларимиз, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, мустақил фикрга эга бўлган инсонлар қилиб тарбиялаш лозим;
- **иккинчидан**, мафкуравий иммунитетни қучайтириш керак;
- **учинчидан**, миллий мафкурани шакллантириш;
- **тўртинчидан**, турмуш даражаси ва эркинлигини таъминлаш;
- **бешинчидан**, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, (айниқса сиёсий ва давлат курилишини);
- **олтинчидан**, кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш;
- **еттингчидан**, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципидаги учта ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлашдан иборат;
- **саккизинчидан**, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясини амалга ошириш;
- **тўққизинчидан**, оилани мустаҳкамлаш;
- **ўнинчидан**, иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, мулкчиликни қарор топтиришдан иборат;
- **ўн биринчидан**, жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таяниб, жамиятни ривожлантириш;
- **ўн иккинчидан**, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, диний бағрикенгликни таъминлаш лозим.

Мафкуравий иммунитет шахс томонидан Ватан, миллат учун кўнгилли, ғоявий асосланиб амалга ошириладиган кундалик ишларда намоён бўлади. Бу фаоллик миллий бирлик, маънавий юксалишга халақит бераётган сифатлар, ёт қарашлар, миллий хавфсизлигимизга, ички ва ташқи таҳдидларга очиқ ва мардона қарши туришни ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда,- Элим деб, юртим деб яшашнинг ҳар бир кишида, жамиятда намоён

бўлишини англатади. Бу эса миллий ғояни амалий кучга айлантириш ва бузғунчи мафкуравий таъсирлардан аҳолини, ёшларимизни ҳимоя қилишнинг шартларидан биридир. Зеро “Фикр ва сўз амалиётга йўналтирилганда, уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга – нарсага айланади.”¹

Мафкуравий иммунитет - хавфсизликнинг маънавий асоси

Мустақилликни
мустаҳкамлашнинг мухим
шартларидан бири бу ғоявий тарбияни

кучайтиришдан иборатdir. Бу борада кишиларимизда ёт ва заарли ғояларга қарши курашиб учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқишириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, заарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил февраль, 2004 йилнинг мартаидаги Бухоро ва Тошкент шаҳрида, 2005 йил Андижон шаҳрида содир этилган террористик воқеалардан тўғри хулоса қилиш мухим. Ҳар бир давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Яъни жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган мафкуравий таҳдидларидан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичida ғоявий парокандалиқ, бўлиннишлар бўлса, душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади.

Мамлакатимизнинг хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ҳеч бир ўзбекистонликни бефарқ қолдирмаслиги керак. Чунки улар ўз, ягона Ватанинг тарихи қандай мashaққатли, азобли асрларни ўтказиб, мустақилликка эришганлигини яхши биладилар. Шундай экан, Ватан - Ўзбекистоннинг посбони ҳам миллатидан, динидан, туғилган жойидан, касбу-ёшидан қатъий назар унинг ўзбекистонлик бўлишидир. Демак, мамлакатимизнинг хавфсизлиги учун энг биринчи кафолат –

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т. 2000 й.

ўзбекистонликларнинг миллий ғоя атрофидаги жипслигидир. Шу тариқа миллий ғоя бизни ўтмишимиз, ҳозирги ҳәётимиз ва келажагимиз билан боғлаб туради. Шу сабабли Ўзбекистон халқининг миллий ғояга асосланган иммунитети - Ватан хавфсизлиги даражасининг муҳим қўрсаткичларидан бирига айланади.

Миллий ғоя халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комилликка таянар экан, ана шу ғояларга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар ташқи ва ички таҳдидларни олдини олади.

“Мафкуравий иммунитет (лотинча “immunitatis” – бирор нарсадан озод этиш) — шахс, ижтимоий гурӯх, миллат, жамиятни турли заарли ғоявий таъсиrlардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим”¹, деб таъриф берилади миллий ғоя қомусий луғатида. Бундан қўриниб турибдики, мафкуравий иммунитет - маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади. Мафкуравий иммунитет, ўз навбатида одамни тўғри йўлдан “озиш”дан, турли йўлларга адашиб, кейин пушаймон бўлишлардан, баҳтсизликдан, миллатни эса парокандаликдан, парчаланишлардан, синфий ёки маҳаллий бўлинишлардан асраб қолади. Демак, мафкуравий иммунитет – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.Каримов “Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, отабоболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини қучайтиришимиз зарур” лиги ҳақидаги фикрни алоҳида таъкидлаганлар.²

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли

¹ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.: “Академия” 2007й, Б-191

² Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз.8 жилд- Т 2000 й

равиша тушуниб етишни, бу билимларни замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қиласлик ҳолатидир.

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий ғоя негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳдид сезилса, нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирумай ғояга ғоя билан жавоб бериш амалда бажариладиган бўлса, мафкуравий иммунитет амалий шаклланади, деб ҳисоблаш мумкин.

Мафкуравий иммунитет миллий мустақилликнинг афзалликларига бўлган ишонч асосига қурилади. Бу ишонч эса ишонтириш, тушунтириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон – дунёвий давлат. Дунёвий давлат фаолиятининг асосий тамойиллари, афзалликлари унинг диний давлат билан қиёслаганда тўлиқ тушунчалар беради. Бу эса дунёвий миллий-демократик тузумнинг моҳияти ва афзалликларини англаб етишга олиб келади.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани мафаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши туроши олиш малакаларидир.

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равиша тушуниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қиласлик ҳолатидир.

Мафкуравий иммунитет ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Унинг намоён бўлиши учун ички ёки ташки ғоявий, фикрий таъсир бўлиши керак. Инсон қархисида янги, ноганиш ғоя, таклиф турганида, ёки икки йўлдан бирини танлашга тўғри келганида уларни ўз манфаатлари “кўриги”дан ўтказади.

Унинг ўша пайтдаги манфаатларига кўпроқ мос келган, бошқа ғоялар, таклифларни енгган ғоя энди унинг ҳаракатларини бошқара бошлайди.

Мафкуравий иммунитет муайян ғоялар тўқнашган вазиятларда намоён бўлади. Мафкуравий иммунитет фикрий жараён натижаси бўлганлиги туфайли у илмий асосланган, далиллар системасига қурилади. Талаба мафкуравий иммунитетининг таркибини мафкуравий билим (вайронкор ва бунёдкор ғояларнинг моҳияти, фарқи ҳақидаги) (Х) ҳис-туйғу, (И) ирода, (К) кўникма ва малакалар (М)тизими ташкил қиласиди. Мафкуравий кўникмалар билим, фаолият ва ҳатти-ҳаракатлар бирлигига намоён бўлади. Малакалар эса ёт ғоялар таъсирига қарши қаратилган автоматлашган муносабат, адекват йўл ва усуллардир. Шу тариқа мафкуравий иммунитетнинг формуласини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{МИ} \ddot{\text{К}} \text{Б+Х+И+К+М}$$

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий ғоя негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳтид сезилганда, нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирумай ва айрим ҳаракатларга алоҳида диққат қилиб ўтирумай ғояга билан жавоб бериш амалда бажарила бориладиган бўлса, мафкуравий иммунитет амалий шаклланди, деб ҳисоблаш мумкин.

Миллий ғояга шахснинг ишончи, мустаҳкам иродаси унинг мафкуравий иммунитети манбаи ҳисобланади. Бундай мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди, чунки Миллий ғоя мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўзига хос имконият ва хусусиятларга эга.

Мафкуравий иммунитет миллий мустақилликнинг афзалликларига бўлган ишончга қурилади. Бу ишонч эса ишонтириш, тушунтириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон - дунёвий давлат. Дунёвий давлат фаолиятининг асосий тамойиллари, афзалликлари уларни диний давлат билан таққослагандагина кенг ва тўлиқ тушунчаларни беради. Бу дунёвий миллий-демократик тузумнинг моҳияти ва афзалликларини англаб етишга олиб келади. Тараққиётнинг «Ўзбек модели» ривожланишининг умумий

қонуниятларини, ҳамда бошқа давлатларда юз берәётган жараёнлар, ҳодисаларни қиёслаш, англаб етишга имкон беради.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш-муайян мафкуравий вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши турға олиш малакалариdir.

Миллий ўзига хосликка қарши таъсирнинг авж олиши нафақат вужудга келаётган таҳдидни англаш, балки унинг олдини олиш учун амалий фаолият олиб боришини тақозо этади. Бу борада, миллий ғоявий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари, ўзига хос хусусиятларини қўйидагича келтириш мумкин:

1. Инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади. Бунинг асоси билимдир, аммо билимларнинг ҳам тури кўп. Мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлса, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши, халқ, жамият тараққиятига хизмат қилиши лозим.

2. Ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга. Яъни, мафкуравий элемент иккинчи асосий элементи ана шу билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимиdir. Қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва унга қалқон бўлиб хизмат қиласди.

3. Иммунитет тизими шакллангандағина жамиятда мафкуравий дахлсизлик таъминланади. Бунда ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Чунки мақсадлар тизими бўлмаса, инсон, миллат, жамият мафкуравий тизимларга бардош бериши қийин.

Бу жараёнлар, яъни мафкуравий иммунитетни шакллантириш ўз навбатида мафкуравий профилактика билан боғлиқ. Мафкуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан (таълим, дин, маънавий-маърифий муассасалар ва ҳ.к.) амалга ошириладиган турли шакллардаги

ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тўлдиради. Бу тезкор ва қисқа суръатларда амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар кўриш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва событ қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги даврда мафкуравий кураш ўта мураккаблашиб, алоҳида давлатлар чегараларидан чиқиб, энг долзарб умуминсоний муаммолардан бирига айланмоқда. Унинг шакллари, усул ва воситалари кундан-кун ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Бундай вазиятда турли таъсир ва таҳдидларга фақат халқнинг, талаба ва ёшларнинг онгини мустаҳкам эгаллаган кучли ғоя, мафкура билан демократик, дунёвий тафаккур асосида доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, унга қарши тура олиш мумкин. Айниқса, «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кириша олиши мумкин» тамойилига амал қилган ҳолда, мафкуравий-маънавий ишларни узлуксиз амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Албатта биринчи навбатда ёт ғояларга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан мактабларимизда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз даркор. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Фикрга қарши фикр бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, баҳслашишга ўргатишни янада чуқурлаштиришимиз лозим. Учинчи масала – жаҳолатга қарши маърифат. Бу ўринда XX аср бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчилик ҳаракати намоёндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур. Уларнинг мероси бугунги кунда қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий

озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми? Биз истаётган миллий ғурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми? Мазкур тамойилга кўра ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашга интилиш ҳисси инсон қалбидаги эътиқод, одам онгидаги дунёқараш ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятидан далолат беради. Бундай кураш усули, айниқса бугунги кунда, инсоният тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган XXI асрда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Назорат саволлари:

1. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси тўғрисида шарҳланг?
2. Глобаллашув тушунчаси ва унинг миллий ғояга таъсири қандай?
3. Мафкуравий таҳдидларга қарши қандай курашиш мумкин?
4. Мафкуравий иммунитет нима?
5. Мафкуравий профилактика қандай амалга оширилади?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Глобаллашув ва гоявий ўзгаришлар
2. Мафкуравий полигон – ядро полигонлариданда кучли майдон
3. Мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш омиллари
4. Мафкуравий профилактикани амалга ошириш омиллари

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
9. Қ. Назаров. Ғоялар фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т.:2011 й.

8-МАВЗУ. ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

**Жамият барқарорлигини
таъминлашда иқтисодий-сиёсий,
ижтимоий - маънавий омилларнинг
муштараклиги.**

Ҳозирги даврда рўй
бераётган мураккаб ижтимоий,
сиёсий ўзгаришлар оламни қайта

шакллантироқда. Бугунги кунга келиб олам кўп қутбли бўлган бўлса-да, ер юзидағи тинчлик, барқарорлик муаммолари ўз моҳиятини йўқотгани йўқ, аксинча, баъзи бир мамлакатлар учун ўта долзарб, асосий муаммоларга айланмоқда. Чунки сайёрамизнинг айrim ҳудудларида уруш, бекарорлик, миллий тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Натижада одамлар, маданият, маданий қадриятлар йўқолиб кетмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон барқарорлиги, миллий хавфсизлиги, ижтимоий муштараклиги ва худудий яхлитлигига ташқи хавф мавжуд.

Мамлакатимизда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий нормалар ва қонунлар асосида ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришда барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатларини таъминловчи омилдир. Лекин шу билан бир вақтда, барқарорликни, миллий хавфсизликни таъминлаш учун жамиятимиз фуқаролари ўртасида ижтимоий тотувликка интилиш, ижтимоий муштараклик мавжуд бўлиши керак. Бу муаммонинг яна бир жиддий томони шундаки, ҳозирги кунда жамиятимизда ижтимоий тузум алмашиши жараёни кечмоқда. Бу жараён эса мамлакат тараққиётини олға қараб боришининг асосини ташкил қилувчи ислоҳотлар мажмуининг моҳиятини, уларнинг ҳаётийлигини англашни ва шу билан бирга уларни барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатлари сифатида тушуниш энг муҳим муаммолардан биридир. Айни вақтда, ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва бошқа шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир.

Албатта, ислоҳотларнинг амалга оширилиши, бозор муносабатлариға ўтиш даври қийинчиликлар, етишмовчиликлар, ишсизликнинг кўпайиши билан кечади. Ушбу мураккаб шароитда ҳам кўп миллатли Ўзбекистон халқи ислоҳотлар йўлини танлади ва уларни қўллаб-қувватламоқда.

Бу эса, биринчидан, жамиятда барқарорлик кафолати бўлса, иккинчидан эса, ислоҳотларнинг натижалари жамиятдаги ҳамжиҳатликни, барқарорликни таъминлашнинг мухим омилидир ва ижтимоий муштаракликни тақозо этади.

Демократик давлат қуриш жараёни инсонлар фаолиятининг серқирралигини, турли-туманлигини тақозо этади. Ушбу жараёнда фаолият ва фикр, манфаатлар, эҳтиёжлар, қадриятларни танлаш плюрализми, яъни кўплиги билан белгиланади. Улар баъзида бир-бирларига қарама-қарши бўлган қарашлар, фаолиятларда намоён бўлади. Лекин булар ижтимоий танглиksiz, тинч, осойишта йўл билан ҳал қилинмоғи лозим.

Бунинг учун жамиятда барқарорлик мавжуд бўлиши керак. Ижтимоий барқарорлик ва мамлакатнинг олға қараб ривожланиши жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш жараёнининг фундаментал таянчидир. Демак, барқарорлик турли хил қарашлар бирлигининг шарти ва ички ҳамда ташқи мувозанатни сақлаш воситаси ҳамдир.

Республикамиз фуқароларининг аксарият қисми туб ўзгаришларни жамиятда кенг кўламлилигини амалга оширишнинг ажralmas шарти бўлган барқарорлик, тинчлик тарафдоридир.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, миллий хавфсизлик, барча соғлом фикрловчи фуқаролар, ижтимоий гурухлар, қатламларнинг ижтимоий муштараклигига асосланади.

Ижтимоий муштараклик жамиятдаги ижтимоий гурухлар ва айrim жамият аъзолари учун маъқул бўлиб, ўз мақсадларини, орзу-ниятларини амалга оширишда тенг имкониятлар ва шароитларга эга бўлишларининг мажмуасидир. Ижтимоий муштараклик, муроса маълум бир қадриятлар тизимиға асосланган бўладики, бу қадриятлар жамиятнинг аксарият қисми учун мақбул бўлади. Тинчлик, тотувлик, хавфсизлик, барқарорлик, ижтимоий

адолат каби қадриятлар шулар жумласидандир. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатмоқда, 100 дан ортиқ элатлар ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Тинч, фаровон яшаб, ижтимоий фаолият билан шуғулланиш учун фуқаровий, миллатлараро тотувлик, барқарорлик билан бирга ижтимоий адолат, толерантлик муносабатлари мавжуд бўлиши керак.

Плюрализмга устунлик берилган демократик давлат, фуқаровий жамиятда ижтимоий муштаракликни, фуқароларни ўз мақсадларига эришишда имконият ва шартлар тенглиги ҳақидаги ижтимоий келишув деб ҳам аташ мумкин. Бунга мисол қилиб бир қатор тамойилларни келтириш мумкин, уларни амалга ошириш эса ижтимоий муштаракликнинг асоси деб қаралади.

Булар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, эркин танлаш хукуқи, ўз иродасини эркин ифодалаш хукуқи инсонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши ва амалга ошириши ҳамда бошқа шахс хукуқ ва эркинликларини таъминловчи, мулкдорлар синфи хукуқ ва мавқеини ҳимоя қилувчи ижтимоий адолатни таъминловчи тамойиллардир. Ушбу тамойилларга риоя қилиш эса жамиятда қабул қилинган Конституция нормалари ва қонунларга мос келадиган ижтимоий муштараклик, барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт кафолатлари деб қарашга имкон беради.

Шу билан бирга, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошиши, инвестицияларнинг кўпайиши, маданий-маърифий алоқаларнинг ривожланиши ва бошқа бир қатор соҳалардаги ютуқлар жамиятдаги барқарорликка, ижтимоий муштаракликка бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда ижтимоий муштараклик Ўзбекистон барқарорлиги ва олға қараб ривожланишининг асоси сифатида жамият фаолиятининг барча соҳаларида амалга ошмоқда.

Жумладан, иқтисодий барқарорлик, республика фуқароларига ҳам, ташқи инвесторлар учун ҳам, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва

ривожлантиришда қулай шароит туғдиради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бунинг учун ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилган. Инвестициялар эса, ўз навбатида, иқтисодиёт таркибининг прогрессив ўзгаришини таъминлайди.

Бироқ равшанки, Ўзбекистонда ҳаётий зарур товарларни ишлаб чиқариш мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги учун катта стратегик аҳамият касб этади. Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг хом–ашё базасига айлантирилган эди. Шу боис бугунги кунда энг асосий вазифалардан бири юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва чет элларга экспорт қилишдир. Бу республиканинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ўсишга олиб келади. Ўзбекистон импорт қилувчи давлатдан экспорт қилувчи давлатга айланмоғи лозим. Давлат учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу вазифани амалга ошириш эса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, хавфсизликнинг асосидир.

Масалан, сўнгги пайтларгача мамлакатга оддий, лекин инсонлар ҳаёти учун жуда муҳим бўлган туз, гугурт ва бошқа товарлар ташқаридан олиб келинар эди. Нисбатан қисқа вақт ичida давлат нафақат кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган моллар қарамлигидан, балки ғалла, нефть каби стратегик товарлар қарамлигидан ҳам халос бўлди.

Бугунга келиб хорижий капитал билан ҳамкорликда улкан автомобилсозлик корхонаси қурилган, рангли металларни ишлаб чиқарувчи, нефтни қайта ишловчи корхоналар қурилмоқда ва ишга туширилмоқда, алоқа ва коммуникация тизими таъмирланмоқда ва янгиланмоқда. Бу ўзгаришлар, ютуқлар, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигининг асоси эса ижтимоий-сиёсий барқарорликдир.

Иқтисод соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси давлатнинг бошқарув ролини чегараланиши ва хусусий мулк кенг тарқалган кўп укладли иқтисоднинг шаклланиши, жамият ишлаб чиқаришида етакчилик мавқеига эга бўлган мулкдорлар синфининг шаклланишига ва фаолият кўрсатишига шароит ва имконият яратилди. Мулкдорлар синфининг шаклланиши ва улар қаторига тобора кенг фуқаролар қатламининг қўшилиши эса кишилар моддий турмушининг яхшиланишига олиб келади, бу эса, ўз

навбатида, уларнинг бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятга эришишига имкон яратади. Маданият, фан, санъатга ошно бўлиш инсонни маънавий бойитиб, ҳар томонлама етук, комил инсон бўлишига ёрдам беради, ижтимоий фаоллигини оширади.

Сиёсий фаоллик, сиёсий маданият, нодавлат нотижорат ташкилотлари роли ва хуқуқларининг ортиши бошқа омиллар билан бирга барқарорлик ва тутувликнинг янада мустаҳкамланишига шароит яратади. Чунки бунда фуқароларга ўз ҳаётларини ва жамият ҳаётини ташкил этишда иштирок этиш имкони юзага келади, бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига мос келади ва барқарорликни, ижтимоий хавфсизликни мустаҳкамлайди ва уларни амалга оширишни кафолатлади.

Турли сиёсий партияларни, ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ва жамоат уюшмалари ўз аниқ режалари, мақсадлари, услублари асосидаги конструктив алоқалари, ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини ифодалаб, фаол сиёсий фаолиятини, сиёсий маданиятни шаклланишига ва бу орқали амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни у нуқтаи назардан баҳолашга, уларда яратувчилик руҳида фаол иштирок этишга имкон яратади.

Бундан ташқари, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда улар давлат органларига посанги вазифасини бажариши, улар манфаатлари ва ижтимоий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдириш орқали ҳокимиятнинг сайлов органларида фаол иштирок этишда жамият тараққиётининг боришига самарали таъсир кўрсатади.

Манфаатларни ушбу демократик йўл билан ифодалаш имконияти барқарорлик, хавфсизлик ва жамиятни олға қараб ривожлантиришнинг асосларидан биридир. Бунда нодавлат ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятлари демократик қадриятлар доирасида амалга ошиб, инсон хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали амалга ошади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида шу нарса аниқ исботини топдики, озод ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг асосий

омилларидан бири - барқарорликдир. Охирги йилларда жаҳон ҳамжамиятида барқарор ривожланиш концепцияси кенг оммавийлашмоқда. Хусусан, БМТ хужжатларида ҳам барқарор тараққиёт олий қадрият сифатида талқин этилади, унинг универсал хусусиятлари, турли моделларининг кучли ва заиф томонлари таҳлил этилади.

Мутахассислар орасида барқарорлик деганда демократик тузилмаларнинг тез ўзгарувчан ижтимоий жараёнларга нисбатан акс-таъсир кўрсата олиш қобилияти тушунилади. Бунда барқарорлик демократиянинг вазифаси деб қаралади, у ўзига кишиларнинг фуқаролик жамияти институтлари воситасида давлатни бошқаришдаги иштирокини ҳам ўз ичига қамраб олиши зарур. «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» қоидаси ҳозирда демократик институтларни жорий этишни жадаллаштириш, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик жамоатчиликнинг фаоллигига асосланиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, «барқарорлик» тушунчаси кўплаб ёндашувларни ўзига жамлаган. Уларни қуйидаги кўринишда умумлаштириб келтириш мумкин:

- а) жамиятда ноқонуний зўрлик ва куч ишлатиш таҳдидининг бўлмаслиги;
- б) бирмунча узоқ вақт давомида бир ҳукumatнинг амал қилиши, унинг ўзгарувчан шароитларга самарали тарзда мослашувчанлиги;
- в) конституцион тартибнинг барқарорлиги;
- г) барқарор легитим ҳокимиятнинг барқарор мавжудлиги;
- д) сиёсий тизимда тузилмавий ўзгаришларни бошқариш имкониятининг мавжудлиги;
- е) сиёсий қучларнинг мувозанати.

Фикримизча, бу демократлашув жараёнини бошдан кечираётган жамиятларга хос умумий меъёрлардир. Аммо умумийлик доимо хусусийликдан таркиб топади. Бизнинг мамлакатимизда барқарор тараққиёт, унинг асосий омиллари ва шартлари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI

аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида батафсил келтирилган. Мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти мавжуд шарт-шароит билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган ва унинг шартлари кўрсатилган. Булар: а) маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши; б) давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; в) демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; г) бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши; д) кучли ижтимоий сиёsat ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши¹.

Бир сўз билан айтганда, барқарорлик бирор-бир сиёсий объект ёки институтнинг ҳолатинигина эмас, балки ички ва ташқи муносабатлар тизимини ҳам ифодалаши зарур. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик демократик тартиб билан бирга узвийликни, давомийликни ҳам талаб этишини айтиб ўтиш зарур.

Шундай қилиб, демократиятни таъминлаш бошқарув тизимини, фуқаролик тартибини, бошқарувнинг қонунийлиги ва ишончлилигини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий барқарорлик шароитидагина амалга оширилиши мумкин. Бу эса озод ва обод Ватан барпо этиш йўлини таъминлайди.

Демократик жараёнлар самараси фақатгина сиёсий институтларга эмас, фуқароларнинг уларга жалб этилишига ҳам боғлиқ. Сиёсий ҳаётдаги иштирок демократик тартиб ва жараённинг муҳим мезони бўлиб, унда сиёсий субъектларнинг сиёсий муносабатлар ва ҳокимият тизимига жалб этилганлиги даражаси айниқса, сайловлар жараёнида яққол кўзга ташланади. Шу маънода демократия жамиятда сайловчилар овози учун ошкора, барчанинг қўзи олдида ҳалол рақобатга киришишни ва аҳолининг кенг гурухларининг сиёсий жараёнга «киритилганлигини» тақозо этади.

¹Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-190 бетлар.

Миллий ғоянинг этносиёсат ва этномаданият ривожига таъсири.

Миллий ғоя - этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг ёки бошқа бир давлатга тегишли титул — шу давлатга ном берган миллатнинг манфаатларини ифодалайдиган ғоя эмас. Хусусан, Ўзбекистон учун юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ана шундай стратегик вазифалар сирасиға киради. Шу боис, миллий ғоямиз, биринчидан, шу юрт, яшаётган, тили, дини ва миллатидан қатби назар, барча фуқароларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган ана шу тушунчаларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам ана шу орзу-интилишларни юзага чиқаришга қаратилган. Миллий ғоямизнинг бошқа таркибий қисмлари — комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатларапо тотувлик, динларро бағрикенглик тамойиллари ҳам шу мақсадларга хизмат қиласи.

Бугунги кунда миллий масаладаги ижобий қарашлар барча тараққийпарвар давлатлар ҳамда миллий тараққиётни ижтимоий ривожланишнинг таркибий қисми деб ҳисобловчи сиёсий етакчилар фаолиятида муҳим ўрин олиб, устувор йўналиш сифатида миллий тотувликни таъминлашда назарий ва сиёсий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Хусусан, президент И.А.Каримовнинг мамлакат ижтимоий тараққиёти асосий устувор йўналишларидан бири миллатлар ва фуқаролар тотувлигини таъминлашдан иборат эканлиги ҳақидаги концептуал ғоялари¹ этник ва фуқаровий ҳамжиҳатлик - ижтимоий сиёсатдаги асосий мақсадлардан бири сифатида эътироф этилганлигини тасдиқлайди ҳамда шундай инсонпарварлик сиёсати орқали минтақада ижтимоий тараққиётни мустаҳкамлаш мумкинлигини ўз асарлари ва расмий нутқларида эътироф этади.

Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, қатлам, этник ва ҳоказо гурӯҳларга мансублик хусусиятига эгадир. Ўз-ўзини англаш туфайли киши ўзини бошқа

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI – асрга интилмоқда. //Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курмоқдамиз. Т.7. Тошкент, 1999. 379-383 б.

кишилар билан таққослай олади. Этник ўз-ўзини англаши туфайли киши ўзининг муайян гурухга мансублигини, муайян тилли этник гурух вакили эканлигини англайди. Этник ўзликни англаш асосан кишининг муайян этносга хосликни тан олишидир. Ўз-ўзини англаш туфайли ўз-ўзини аташ вужудга келади. Киши муайян этносга хослигини аташи учун биринчи навбатда ўзлигини англаши лозим. У қуйидаги кўринишларда намоён булади:

1. Шахсий ўзликни англаш;
2. Этноижтимоий ўзликни англаш;
3. Умуминсоний ўзликни англаш.

Маълумки, кичик этник гурухларда ижтимоий эҳтиёжларни тез илғаб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш кучли бўлади. Этносиёсатнинг шаклланиши миллий (худудий) ва минтақавий (регионал) манфаатлар билан бевосита боғлиқдир. Агар миллий манфаатлар бир давлатда яшовчи ҳалқларнинг истак, хоҳиш ва интилишларини ифода қиласа, минтақавий манфаатлар икки ёки ундан кўп давлатларга қарашли худудларда яшовчи жуғрофий-худудий жойлашиши, ижтимоий - иқтисодий инфраструктураси ва тарихий ўтмиши яқин ҳалқларнинг кизиқишлигини акс эттиради.

Демак, этно-манфаатларни бошқариш ва уйғунлаштириш этносиёсатнинг бош мақсади ҳамда пировард натижасидир. Янги шаклланган миллий давлатлар ҳалқлари ўртасидаги ижобий тарихий, маданий алоқаларни сақлаб қолиш ҳозир Марказий Осиёдаги этносиёсатнинг энг мухим вазифасидир. Минтақада этник тараққиётни таъминлаш мақсадида қуйидаги жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш лозим:

- Минтақадаги барча миллат ва этник гурух вакилларини этнохудудий ҳамкорликнинг кейинги ривожини таъминлашга жалб этиш;
- Этник ўзликни англаш билан бир каторда этноижтимоий гурухларга хос булган этномаданий хусусият ва хислатларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини аниқлаб, ижобий хусусиятларнинг устунлик мавқеини таъминлаш;

- Этник гурухлар, миллатлар ва ҳудудий бирликлараро муносабатларни мувофиқлаштириш учун трансмиллий этноижтимоий институтлар фаолиятини жонлантириш;
- Этник хусусийлик ва умумийлик жиҳатларини, шунингдек, Марказий Осиё ҳалқлари менталитетидаги умум ижтимоий ҳислатларни ўрганиш мақсадида комплекс тадқиқотларни амалга ошириш;
- Миллий маданиятларниpg кўп қирралилигини таъминлаш мақсадида минтақада этник интеграциялашув жараёнларининг индикатори ҳисобланган миллий маданий марказлар фаолиятига кенг эътибор каратиш;
- Минтақа ҳалкларида умум фуқаровий, яхлит менталитет, умумий ҳудудга мансублик ҳислатлар ривожини миллий маданий марказлар, зиёлиларнинг ўзаро учрашуви, адабий ва маданий декадалар ҳамда сиёсий тадбирлар орқали ривожлантириб борилишини миллий-этник жараёнлар ривожига ҳизмат килувчи ижобий омиллар сифатида кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан қўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани ҳалқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш мақсади миллий мафкуранинг асосий мақсадларидан биридир. У ҳалқимизга бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатларига асосланади. Миллий ғоя дўстона муносабатлар устун бўлган шароитда ижтимоий тараққиётнинг омили сифатида майдонга чиқади. Республика Президенти И.А.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: «Жаҳон тажрибасидан миллатлар ёки этник гурухлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мамлакатларда этник гурухлар ва ирқлар ўртасида маълум муаммолар мавжуд. Шунга қарамай, кўп элатлилик омили уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги тўғаноқقا

айланиб қолмаган. Аксинча, тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг ижтимоий-ақлий бойиши учун яхши манбага айланган. Шундай қилиб, бу мамлакатларда кўп миллатлилик омили демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг фуқаролар жамияти қурилишининг таъсирчан васитасига айланб қолган».¹ Ўзбекистон Президенти бу фикрларни янада чуқурлаштириб, кўпмиллатлилик бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканлигини, ҳамма нарса ундан фойдаланишда эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир миллат ўзининг бетакрор маданий-маънавий қадриятларига эга. Бундай миллатлар вакилларининг бир мамлакат худудида яшашлари, биргаликда меҳнат қилишлари, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзаро таъсирда бўлишлари халқларнинг ҳар жиҳатдан тараққиётини тезлаштиради. Айтайлик, айрим миллатлар тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқаришнинг маълум саҳасида юксак лаёқатни шакллантирган тарбия тафаккурнинг таъсири йўналишига эътибор беради. Миллий характерида, ҳаётга, ижтимоий ҳодисаларга муносабатида ўзига хосликлари бор. Ахлоқий, хуқуқий, сиёсий маданият соҳаларидаги хатти-ҳаракатларда ҳам маълум ижобий тафовутлар учрайди. Бунга ўхшаш ранг-баранглик нафақат бойлигимиз, балки тараққиётимиз суръатини тезлаштирувчи омил бўлиши мумкин.

Адолатли этносиёсат олиб борилганида кўп миллатлилик мақсадимиз ягоналигини, тақдиримиз бирлигини, ҳамжиҳатлик зарурлигини тушунишга ёрдам беради, умуммиллий тамойилларга бироз эътиборсизлик ҳам тинчлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. И.А.Каримов ўз фикрини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, 70 бет
204

давом эттириб, шундай ёзади: «Айни чоғда инсоният тарихида бунинг аксини, яъни кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги, бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни анча орқага улоқтириб ташлаган ижтимоий-сиёсий фалоқатларга олиб борганини кўрсатувчи мисоллар ҳам оз эмас. Зеро, кўп элатлилик нафақат айрим мамлакатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган».²

Миллатлараро ҳамжиҳатлик қарор топмаса, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмнинг ҳалокатли ғоялари тарқалиши учун қулай вазият яратилади. Миллий гоянинг амал қилишига, кишилар қалби ва онгига сингдирилишига жиддий зарар етказади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда бу муаммо илмий холисона ҳал қилинмоқда. Миллатлар ўртасида можароларга йўл қўймаслик учун: этник сиёсатда шахс ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг устувор бўлишини, мамлакатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиласдан үсулларга асосланиши бош йўлимиз эканлигига, бозор муносабатларини иқтисодий тараққиётда барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мос келишига, ҳар бир миллат маданияти, тили, урф-одат ва анъаналари, маданий меросини ривожалантириб беришларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда статистик маълумотларга кўра, 136 миллат, элат, халқ ва этник грухларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тили, конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар борасидаги давлат сиёсатининг натижаси - демократик тараққиётнинг ҳосили сифатида 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Шу йўналишда марказлар тузиш бўйича 15 та ташаббускор грух иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда

² Ўша манба. 70-71 бетлар.

ўқитишиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигида кўринмоқда.¹

Турли миллат вакилларининг бадиий, ижодий тадбирлари, кўргазмалари, бир томондан, айни миллатнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида ўз ўрни борлигини кўрсатса, иккинчи томондан, шу заминда яшовчи барча миллатларнинг Ўзбекистон халқи - Ўзбекистон фуқароси эканлигини намоён этувчи, мустаҳкамловчи миллий ғоя атрофида бирлашувига олиб боради.

Башарият тушунчаси ранг-баранг миллатлар ва элатлар, шунингдек, турли дин ва ирққа мансуб инсонларни ўзига қамраб олади. Демак, ҳар бир инсон башарият ва айни вақтда ўз халқи ўз Ватанининг фарзанди ҳамдир. Ҳар бир кишида ўз халқининг тили, руҳияти, анъаналари, қадриятлари барқ уриб туради.

Миллий ғоя ўз мазмун-моҳиятига кўра барча миллатларнинг умумий манфаатларини рўёбга чиқаради. Мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлашга хизмат қиласиди.

Зотан, ҳар қандай полиэтник давлатда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар давлат ва жамият тараққиётига замин яратувчи омиллардан хисобланади.

Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик – ижтимоий барқарорликни таъминлаш шарти

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик мамлакат инсоният тараққиётининг энг муҳим омилидир. Ўзбекистон ҳудудида азалдан кўплаб миллат ва элатлар ўзаро иноқ тинч-тотувликда истиқомат қилиб келган. Тарих юртимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик асосида бирор марта ҳам низо чиқмаганлидан далолат беради. Бинобарин, мазкур ҳолатни ҳозирги вақтда юртимизда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик мамлакат барқарорлигини таъминлашда

¹ Қаранг: Абилов Ў.М. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи Т.: Истиқлол, 2003, 184 бет.

кўриш мумкин. Бу ҳақда Президентимиз И. Каримов: “Бизнинг мамлакатимизда азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқиега эга. Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб, меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди”¹, деб таъкидлаган эди. Мазкур ҳолат, ўз навбатида юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликнинг нодир тимсоли эканлигидан далолат беради. 1995 йил 16 ноябрда Парижда қабул қилинган Юнесконинг 28 сессиясига йиғилган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТга аъзо давлатлар “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилган эди. Мазкур декларациянинг 1-моддасида бағрикенглик тушунчаси “дунёмиздаги турли бой маданиятларни ўзида ифодалashi ва инсоннинг инвидуаллигини намоён қилишнинг хилма-хил кўринишларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади”², дея таърифланган. Бинобарин, диний бағрикенглик ғояси ўз моҳиятига кўра, хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган инсонларнинг ягона Ватанда, олижаноб ғоялар ва эзгу мақсадлар йўлида ўзаро ҳамкорликда ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Ҳозирги замонда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда яшовчи турли миллат ва элатлар ўртасида миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни сақлаш мақсадида фуқароларимизнинг teng ҳукуқлигигини таъминлаш учун мамлакатимизда қонунчилик асоси яратилган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган дастлабки қунларданоқ юртбошимиз И.А. Каримовнинг бевосита раҳнамолигида миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустахкамлаш, маънавий ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ижобий ишлар амалга ошириб

¹ Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т. : Ўзбекистон. 9-жилд, 2001. – 432 б.

² ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлар (тўплам). – Т. : Адолат, 2004.

келинмоқда. Президент томонидан миллалараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий тадбирларидан бири сифатида Конституциямизнинг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”¹, деб аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Бинобарин, мазкур модда юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасидаги барқарорликни таъминлашда асосий омил вазифасини ўтайди. Шунингдек, Конституциямизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф- одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”², дея таъкидлаган. Мазкур моддага кўра, юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши алоҳида эътиборга олинган. Ўз навбатида, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар замирида халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришда эзгу ишларнинг амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

«Динлараро бағрикенглик ғояси - хилма-хил диний эътиқодга эга бўлганкишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади». ¹ Дин қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий ва диний қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам уларни бир-бирлари билан яқин муштарак мақсадларга эга лигидадир. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Ҳозирги заминда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Масалан, азал-азалдан диёrimизда ислом, насронийлик, иудаизм

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.5 - б

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. : Ўзбекистон, 1997 б -6

¹ Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар -Т.: Ўзбекистон, 2000, 60 бет

каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков, хонақоҳларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдигидир.

Ҳозирги кунда юртимизда турли динга эътиқод қилувчи дин вакилларнинг маънавий дунёси, эътиқод эркинлиги ва уни таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Ҳозирда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ўрнатилиши учун барча шароитлар мавжуд. Ўз навбатида республикамизда ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлашда аввало миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тўлиқ таъминланган ва қонуний кафолатланган. Мазкур ҳолат, кўп миллатли, кўп конфессияли бўлган мамлакатда ўзига хос ёндашувни тақоза этади. Айниқса, миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ўзига хос бой тажриба орттирганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз диний бағрикенглик ва динлараро мулокат борасида олиб бораётган ислоҳатлари дунё миқёсида ўзга мамлакатларга нисбатан намуна бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Юртимизда барча динлар учун диний бағрикенгликни ўрнатилиши, аввало, динлараро зиддиятларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳолат, турли дин вакилларини ўзаро хамкорлик, бирдамлик ва ҳам жиҳатликни шаклланишига замин яратади. Айниқса, мазкур омил юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига бевосита хизмат қиласи. Ўзбекистонда виждан эркинлиги, ҳар кимнинг хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки қилмаслик ҳуқуқи тўлиқ таъминланган ва қонуний кафолатланган. Зоро, виждан эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ўзининг аниқ ифодасини топган: “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний

қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹, дея кўрсатиб ўтилган. Маълумки, виждон эркинлиги-фуқароларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳукуқидир. Ушбу қоида замирига эътибор қаратилса, дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини хурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш. Ўз навбатида, давлатнинг динга бўлган муносабатининг асосий хусусиятидан бир шундаки – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги қонунан белгиланган. Дунё тажрибасидан маълумки, ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қила олмайди. Акс ҳолда у дин вазифасини бажара олмайди. Мазкур фикрлар ўз ифодасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида конститутциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверентитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конститутциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуж қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 9-б
210

жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади¹, дея белгилаб қўйилган. Бинобарин, ҳар қандай дин, энг аввало маънавий, маданий, ахлоқий жиҳатдан ўзида эзгулик ва бунёдкорлик ғояларини мужассам этади. Диний ташкилотлар амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Ўз навбатида, диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб борища, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий меъёрларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи ўйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, ҳар хил ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади. Бу ҳақда Президент И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган асарида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхталар экан: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятларидан,

тариҳий ва маданий меросидан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диннинг давлат ҳокимияти учун курашга, сиёsat, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки, бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»², деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда йигирмага яқин конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини ошириш ва мамлакат ҳаётида иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 12-б

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. : Ўзбекистон, 1997 58-б

ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

Динларнинг умуминсоний моҳияти, мақсади бир бўлиб, улар аслида бир-бирларига зид эмас. Диний бағрикенгликнинг моҳияти шундан келиб чиқади. Жамият тарихидан турли динга мансуб кишиларнинг ёнма-ён яшаб келганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг мамлакатимиз худудида ҳам ислом, ҳам насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган, диний амаллар эркин ижро этиб келинган. Ўша даврларда ҳам зиёлилар, олимлар бир-биридан ўргангандар, устоз-шогирд бўлишган. Уларнинг турли динларга мансублиги бундай муносабатларга халал бермаган.

Диний бағрикенгликнинг карор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларни эътиқодидан қатъий назар миллий ғоя ва мафкуруни амалга ошириш йўлида бирлаштиради. У миллий ғояни кишилар онги ҳамда қалбига жойлашишига ёрдам беради.

Аксинча, диний бағрикенгликни тор тушуниш бир томонлама талқин қилиш умумий мақсадлардан чалғитиб, кишиларни ўзаро гурухларга бўлиб юбориши мумкин. Айрим гуруҳларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилувчи диний ниқобни юзага келтиради. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А Каримов шундай ёзади: «Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажralмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан факат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва қўринишлари авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатdir. Айнан фанатизмга йўлиқкан одамлар ёки уларнинг гурухлари жамиятда бекарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар».¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 37-бет.

Ўзбекистонда янги демократик, фуқаролик жамияти асосларини яратишга киришилган ҳозирги ўтиш даврида диний бағрикенглик қанчалик муҳим бўлса, диний бағрикенглик учун миллий мафкура ҳам шунчалик муҳимдир. Миллий мафкуранинг юксак ғоялари ўз навбатида диннинг ҳақиқий моҳиятини жамият тараққиётидаги ўрнини англаб олишга ёрдам беради. Диний бағрикенглик ғоясини тўғри тушунишга ёрдам беради, барча кишиларни эътиқодидан қатъий назар бирлаштиради. Миллий ғоя кишилар онги ва қалбига сингганда диний мутаасибликка айирмачиликка ҳеч қандай ўрин қолмайди.

Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки, Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат маънавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шаклланган ҳамжиҳатлиқ, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади.

Ҳозирги кунга келиб республикамиз бўйича жами 2104 та диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови Тошкент ва ўрта Осиё епархияси, Евангель христиан баптистлар черковлари Иттифоқи, Рим-католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яхудийлар жамоаси, 7 та баҳоийлар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрти (1 та Ислом институти, 10 мадраса ва 1 та православ ва 1 та тўлиқ инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ўртасида андоза сифатида қўллаш мумкин бўлган янги нисбатнинг шаклланиши натижасида динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табаррук заминимизнинг азалдан умумжаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлгани барчага аён.

Тарихимизнинг ҳар қайси даврида дин доимо одамларда яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Юксак умуминсоний қадриятларга асосланган. Бугунги қунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирларига нисбатан ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан биридир.

Бугунги қунда юртимизда яшовчи турли динга эътиқод қилувчи дин вакилларини ўзининг диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча зарур шарт-шароитлар мухайё этилган. Айниқса, кўп миллатли, кўп конфессияли бўлган мамлакатда ўзига хос ёндашув бўлиб, шу маънода ижтимоий муносабатларни тартибга солища Ўзбекистон ўзига хос бой тажриба ортирганлигини таъкидлаш ўринлидир. Амалий натижалар қаторида айтиш мумкинки, Республикада Юнеско раҳнамолигида “Жаҳон динлари-тинчлик ва маданият йўлида” мавзууда динлараро мuloқot халқаро Конгресси, мусулмон ва христиан илоҳиётчилари ҳамкорлигига “Бир само остида” халқаро христиан-мусулмон конференциялари ўтказилди. Мазкур конференциялар натижасида мамлакатда фаолият кўрсатаётган Рус проваслав черковининг 125 йиллиги, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 130 йиллиги, Евангель-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги, Рим-католик черковининг 100 йиллиги ҳамда Арман апостоллик черковининг 100 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. 1998 йилдан эътиборан Тошкент Православ ҳамда Самарқанд Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистоннинг диний-маданий ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида кўплаб масjid, черков, синагога ва ибодатхоналар курилди ва қайта таъмирланди.

Айниқса, шулар қаторига Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларидағи православ черковлари, Тошкентдаги католик костёли, Самарқаддаги арман

апостол черкови, Тошкентдаги Будда ибодатхонасини айтиб ўтиш лозим. Мазкур ижобий ишлар самараси Республикада барча дин вакиллари учун диний бағриенглик мұхитини мустаҳкамлаш, мамлакат фуқаролари ўртасидаги ўзаро бирдамлик, тотувлик ва иноқликни таъминлашда мұхим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги замонда миллатлараро тотувлик ва диний бағриенглик дунёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашни, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигини назарда тутади. Шу тамойилга асосланган Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб – авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарақ анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Миллий ғоя - ҳар бир миллат вакилининг истеъоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Муайян мамлакатга ном берган (титул) миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик бўлиши ижтимоий тараққиётнинг энг мұхим омилларидан биридир. Аксинча, миллий ғоянинг аҳамиятини тушуниб етмаслик жамият хаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Шу ўринда, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро тотувлик ва диний бағриенгликнинг таъминланиши эзгу ғоялар ва инсоний фазилатларни камол топтириш орқали Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суришида мұхим ўрин тутади.

**Ўзбекистоннинг халқаро
ҳамжамиятга интеграциялашуви
ва унинг ғоявий асослари**

Ўзбекистоннинг инсоният
цивилизациясида салмоқли ўрни
бор. Юртимиз маънавий мерос

билин бой, у нафақат миңтақада, балки дунёда ҳам турли маънавий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир ўтказиб келган.

Ҳозирги замон ғоявий-мафкуравий геосиёсатини демократик ва гуманистик тамойиллар асосида ташкил қилиш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Ер куррасини асраб қолиш, инсониятнинг келажак ҳаётини сақлаб қолиш, барча халқларнинг озод ва тенг яшashi учун бевосита демократик ва гуманистик тамойиллар асосидаги ғояларга амал қилиш тарихий заруриятдир. Биз демократик ва гуманистик тамойиллар деганда нимани тушунамиз? Бу халқларнинг эркинлиги, озодлиги, хур фикрлилиги, қонун олдида тенглиги, инсон ҳаётини ҳамма нарсадан устунлиги, инсон қадр-қимматининг юқорилиги, барча олиб борилаётган жараёнларнинг инсон ҳаётини яхшилашга қаратилганлиги демакдир.

Бунинг учун ҳар бир мамлакат ёки давлатнинг мустақиллигини тан олиш, миллати, дини ва қадриятларини ҳурматлаш, ички ишларига аралашмаслик, ташқи сиёсатда ўзаро манфаатдорлик, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳамкорликда ўзаро ҳурмат каби умуминсоний қадриятларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатда илғор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, яъни мафкуравий плюрализм ҳукмрон бўлса тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қиласи.

Бунда мамлакатлар ўртасидаги интеграциялашувнинг роли ортиб боради. Мамлакат ва давлатларнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнларида қатнашиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, Ўзбекистон юқорида қайд этилган геосиёсий омиллари жиҳатдан жаҳондаги маданий, илмий, технология ва иқтисодий юксакликка эришиб, bemalol Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин. Мамлакатлар ўртасида интеграциялашув жараёни ҳакида Президент И.Каримовнинг қўйидаги фикри диққатга сазовордир: «XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб

олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман-бутун сайёрамиз кўламида ҳам событкадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур. Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз»¹.

Дарҳақиқат давлатлар ўртасидаги интеграция жараёнида БМТнинг ўрни каттадир. Чунки ушбу ташкилот умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган асосий ташкилотлардан бири бўлиб, хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиласидиган - олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига ушбу ташкилот эгадир. Ўзбекистон БМТ га 1992 йил 2 марта аъзо бўлиб кирди. БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари ғоят улканлигини ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бу имкониятларнинг ташкил этувчилари ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш лозим. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТнинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Халқаро меҳнат ташкилотлари, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилиш барча тинчлиқпарвар давлатлар олдида турган асосий вазифадир. Бу жараёнда бизнинг мамлакатимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат эканлигини Президентимиз ўз асарларида бир неча марта таъкидлаб ўтган. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.:Ўзбекистон. 1999.Б. 657-658, 659.

Умуман ғоявий–мафкуравий геосиёсатда миллий ва умуминсоний қадриятлар муносабати бирламчи аҳамият касб этади. Биз биламизки, мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Биз ўз милллий қадриятларимизни сақлаган ҳолда умуминсоний қадриятларни чукур ҳурмат қилишга ҳам эътибор қаратишимииз керак. Масалан, миллий ғурур, ор-номус, имон-эътиқод, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик, меҳр-муруват, оилани севиш, маҳаллани ҳурмат қилиш каби қадриятларимиз борки, бу қадриятлар халқимизнинг ўзига хослигини, маънавий етуклигини акс эттиради. Шу билан бирга бугун халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда интеграциялашув жараёни орқали кириб келаётган умуминсоний қадриятлар, жумладан, демократия, инсон хуқуқлари, адолатли жамият барпо этиш, фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш каби интилишларга ва бошқа халқларнинг миллий қадриятларига ҳам ҳурмат билан қарамоқда. Бугун юртимизда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг бирлаштирган Байналминал марказнинг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам халқимизнинг умуминсоний қадриятларга чукур ҳурмат билан қараётганлигини билдиради.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ғоявий-мафкуравий муносабатлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2010 йил 12 ноябр куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzасида “юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат

бўлмаса керак”¹, деб таъкидлаб, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналиш эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу йўналиш Ўзбекистон миллий қонунчилигига ҳам ўз ифодасини топган.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни² қуйидаги тамойилларни мустаҳкамлаб берган:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ички ишларга аралашиб, мустақилликни ва суверенитетни камситиш ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришнинг ҳар қандай эҳтимолини истисно этувчи тенг хуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни барча давлатлар билан йўлга қўяди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув Ўзбекистон Республикаси тегишли тузилмаларининг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг муҳим вазифадир. Бугунги кунда интеграция ва хавфсизлик тушунчалари ўзаро боғлиқлиқда бўлиб, интеграцион ташаббусларнинг энг муҳим мақсадларидан бири – хавфсизликни таъминлаш бўлмоқда³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. —Норма маслаҳатчи газетаси 2010 й. 16 ноябр. № 45(278).

² «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни N 336-I. 26.12.1996 й.

³ Қаранг: Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность. // Р. Алимов, Ш. Арифханов ва б. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2002.; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005.; Ш. Р. Орифхонов. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Академ-Хизмат, 2008.

Ўзбекистон Республикаси мамлакатнинг барқарорлигини, сабитқадам ривожланиши ва миллий хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига ахборот, технология ва коммуникация жиҳатидан кириб боришига кўмаклашадиган давлатлараро тузилмаларга, шу жумладан иқтисодий тузилмаларга устувор аҳамият беради.

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасига мувофиқ ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, бу тузилма ҳарбий-сиёсий блокка айлантирилган тақдирда, чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

«Ўзбекистон Республикаси минтақадаги ҳамда ундан ташқаридаги можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ишида фаол қатнашади»¹. Ушбу тамойилга амал қилган ҳолда 2010 йил сентябр ойида бўлиб ўтган БМТ ассамблеясида президент И.Каримов «Афғон муммосининг ҳарбий ечими йўқ» мазмунидаги нутқида 6+3 гурӯхини ташкил этиш таклифини яна бир бор илгари сурди.

Интеграцияга оид Ўзбекистон позициясини Республика президенти қуйидагича таърифлаб берган:

Биринчидан, Ўзбекистон тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрийликка асосланган интеграция тарафдоридир;

Иккинчидан, интеграциялашаётган давлатлар таҳминан бир ҳил қонунчилик базасига эга бўлиши ва бир ҳил ислоҳотлар йўналишига эга бўлиши асосий шартdir;

Учинчидан, ўз режеларини бошқалар ҳисобига қуриш мумкин эмас, яъни боқимандалик рад этилади;

¹ «Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни N 336-I. 26.12.1996 й.7-модда.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини куч билан тезлаштириш мумкин эмас, бу хавфлидир;

Бешинчидан, интеграцион жараёнларнинг мафкуралаштирилишига йўл йўйилмаслиги¹.

Ўзбекистон бир давлатнинг бошқа давлатга ўз шартларини қабул қилдириш, иқтисодий ва гуманитар интеграция муаммоларини ҳал қилиш ўрнига ҳарбий-сиёсий манфаатларга қаратилган ташабbusларга қаршидир. Иқтисодий ва молиявий алоқаларни чуқурлаштириш, тўлов муаммоларини цивилизацион ҳал қилиш, иқтисодий ва гуманитар интеграцион интеграция йўлидаги бошқа тўсиқларни бартараф этиш лозим². Лекин давлатлар устида турувчи бошқарув органларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Собиқ иттифоқда ягона “уй”да биргаликда яшаган ҳалқлар том маънода тенг хуқуқлилик асосида шундай иттифоқ тузса олмайдилар. Интеграция интеграция учун эмас, популистик ва сиёсий мақсадлар учун эмас, ҳалқ фаровонлиги йўлида амалга ошиши лозим. Давлатлар эмас, уларнинг мафкура ва сиёсатдан холи бўлган иқтисодиётлари ва бозорлари интеграциялашиши лозим³. Минтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча ҳалқлар ва бутун кўп миллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор⁴. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда - дунё миқёсида ва минтақа қўламида - интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қиласди⁵.

Иқтисодий интеграция учун юқори технологиялар соҳасидаги қўшма корхоналар, илмий-техникавий тараққиётнинг сўнгги ютуқларини амалга ошириш иқтисодий интеграциянинг асоси бўлиши лозим. Булар Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Тошкента аккредитациядан ўтган чет эл журналистларига интервьюсидан, 12 апрел 1996 й. Қаранг.: Ҳалқ сўзи, 17 апрел 1996.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.

³ Каримов И.А. По пути созидания. Т. 4. Ташкент: Узбекистон. С. 344.

⁴ И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Узбекистон, 1998. – 476-б.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. 290.6

Республикасининг интеграцион жараёнларга нисбатан позициясини белгилайди.

Минтақавий сиёсий ривожланиш жараёнларининг самарали кечиши учун худуд ижтимоий-сиёсий шаклланишига таъсир кўрсатувчи қуидаги омилларни инобатга олиш лозим:

1. Йирик ва кўп йиллик сиёсий муаммонинг мавжудлиги.
2. Бир этноснинг бир нечта мамлекатлар худудида яшashi билан бодлик умумий, узоқ муддатли манфаатларнинг шаклланиши.
3. Маданий, диний, тил ва этник ўхшашликнинг мавжуд бўлиши.
4. Минтақавий ижтимоий-сиёсий тизим сунъий ёки табиий чегараларининг мавжудлиги, аникроғи уларнинг реал жисмоний, сиёсий, ижтимоий макон билан мувофиқлиги.
5. Мутассил алоқалар: сиёсий, савдо, молиявий-иктисодий, миграцион ва бошқа алоқаларнинг қўлланилиши.

Сиёсий ривожланиш нуқтаи назаридан, давлат (минтақа) унинг ижтимоий-сиёсий тизими функцияларни дифференциациялаш йўли билан ўз структурасини мураккаблаштириш ва худудий вакилликнинг маҳсуслаштирилган таркибларини яратиш йўналишида ҳаракатланаётган тақдирда тобора ривожланиб боради¹.

Назорат саволлари:

1. Жамият барқарорлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Этносиёсат нима?
3. Этномаданият ривожига миллий ғоя қандай таъсир этади?
4. Миллатлараро тотувлик ғоясининг ижтимоий аҳамияти қандай?
5. Интеграция нима ва унинг ғоявий асослари тўғрисида сўзланг?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

¹ Ю.В. Косов, В.В. Фокина., Политическая регионалистика. – М.: Питер, 2009. 32-бет
222

1. Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ғоявий асослари
2. Миллий ғоя этномаданият ривожининг асоси
3. Диний бағрикенглик – миллатлараро тутувликнинг омили
4. Ўзбекистон халқаро интеграциялашуви – унинг мафкуравий негизлари

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
8. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
9. Қ. Назаров. Ғоялар фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т.:2011 й.

9-МАВЗУ. ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ ВА МАЊНАВИЙ ЯНГИЛАНИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РОЛИ

**Бозор муносабатларига
ўтишнинг инсон тафаккурига
таъсири.**

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёти жараёнида, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида бўлгани каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиши зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр шароит, вазият, анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади.

“Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади. Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиши-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги - эркин бозор муносабатларига асосланган хуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик.”¹

Дунё сиёсатида рўй бераётган улкан янгиланишлар таъсирида оламни тушуниш, идрок этиш ва унга муносабат ҳам ўзгарганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда ҳам инсон ҳақидаги тасаввурлар ўзгариб бормоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кун кишилари кечаги кун одамларидан тубдан фарқ қиласди. Миллий мањнавият ва қадриятларимизнинг

¹ Каримов И.А. Юксак мањнавият – енгилмас куч. Т.:”Мањнавият” 2008 й, 39 б
224

қайта тикланиши, ўзлигимизни англай бошлаганимиз туфайли бугун ҳар биримизнинг онгимизда, тафаккур тарзимизда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳар бир фуқоронинг ўзига, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда.

Бугун башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишининг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни амал қила бошлаганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда ер юзининг турли минтақаларида миллий-озодлик ва мустақиллик учун кураш кенгайиб бораётганлигини тарихий зарурият сифатида, объектив ҳолат деб қараш мумкин. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асримизнинг ўзига хос ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин мустақилликка эриша бошлади.

Она заминга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси элу юрга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарни енгишнинг асосий манбаидир. Шундай экан, Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда, унинг куч-қудратини янада оширишда инсон салоҳияти, яъни инсон омилиниң ўрни бекиёсdir. Давр инсон дунёқараши ва фаолиятида сифат жиҳатдан ўзгариш рўй беришини, ўзлигини англаб этишини тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, инсон ақл-идроқи, заковати ва салоҳияти ижтимоий тараққиёт, олам яхлитлигининг бирдан-бир омилига айланишига эҳтиёж кучаймоқда. Турли-туман таҳдидларни бартараф этиш фақат ва фақат инсон зиммасига тушмоқда. Шу боис жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган бунёдкорлик руҳи билан йўғрилган, ҳаётимизни обод ва фаровон бўлишига хизмат қиласидиган янги ишланмалар, таклиф ва тавсиялар бугун ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Ўзбекистон умумсайёравий ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос ўрин эгаллай бошлади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён этишга интилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилган фавқулодда кенг кўламдаги ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумпланетар мўлжаллар доирасида изчил ва тадрижий кечаётган ялпи ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш ҳамда илмий-назарий умумлашмалар қилиш асносида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиланишлар ривожи ўзига хос кечаётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётни мақсадли такомиллаштириш, бу муҳитни умуминсоний ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шартшароитлар яратиш, либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга даъват этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёнлари бошланишига назарий пойдевор қўйилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъминлаб берувчи миллий ғоя шаклланди.

Миллий истиқбол моҳияти ва мустақиллик ғояларини англашда тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Ал-Мотуридий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуг аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг рӯёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади. Жамиятдаги ўзгариш, янгиланиш жараёни инсон ҳулқига жиддий таъсир ўтказиши тўғрисида Э.

Тоффлер “Янги киши шакланаётгани йўқ, янги ижтимоий характер шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам, биз мифологик “одам” қиёфасини эмас, балки характернинг ўзига хос белгиларини аниқлашимиш даркор, негаки, у эртанги тараққиёт томонидан баҳоланади”¹, -деб ёзган эди.

Одамлар тафаккурида, феъл-авторида, саъй-ҳаракатларида янгича қарашлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизими ўзгарди. Ўзбек менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳада туб янгиланишларга, ўзгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Президент Ислом Каримовнинг жамиятни тубдан янгилаш концепциясини инсоният тарихининг турли даврларида, турли мамлакатларида юз берган туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар ҳодисасига қиёслаш мумкин.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш назарияси ва кўп қиррали ислоҳотлар концепциясини яратиши жиҳатидан Америка Кўшма Штатлари давлатининг асосчиси ва унинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон, Америка иқтисодий тараққиётига жуда катта илмий-назарий ва амалий таъсир кўрсатган ислоҳотчи, Президент Авраам Линкольн, жамиятни эркинлаштириш ва демократия назариясининг асосчиларидан бири, Президент Томас Жеферсон, Индонезияда мустамлакачиликка қарши курашган, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари тўғрисида қатор асарлар ёзган Аҳмад Сукарнолар билан бир қаторда туради. Францияда Шарл де Голл, Хиндистонда Жавоҳарлаъл Неру, Маҳатма Ганди, Туркияда Мустафо Камол Отатурк, Мисрда Жамол Абдул Носир ва бошқалар ўзининг сиёсий фаолияти, янгиланишлар концепциясини ишлаб чиқиши билан жаҳон тараққиётига қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, Президент Ислом Каримовнинг давлат сиёсатини инсон манфаатларига хизмат қилдириш, тинчлик

¹ Тоффлер Э. Третья война. М.: Аст. 1999 С.602

маданиятини қарор топтириш, ижтимоий ҳамкорлик доираларини кенгайтириш борасидаги қарашлари, амалий концепциялари дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларининг инсонийлашуви тенденцияларини мустаҳкамлашда шунчалик муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айни пайтда жаҳон ислоҳотчилик тажрибаси «ўзбек модели» пайдо бўлганлигини тан олмоқда.

И. Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маъruzасида: «Жамиятни янгилашнинг инқилобий усусларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий — эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиласиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини — менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир»¹, деб миллат иродасини ифодалаган эди.

Бу илмий-назарий ва амалий хулоса, бир томондан, миллий ғоянинг олий мақсади бўлиб, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг: ижтимоий таркибидан, сиёсий мавқеидан, этник хусусиятларидаи, диний эътиқодидан, иқтисодий ахволидан қатъий назар мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ривожланиш истиқболи билан боғлиқ эзгу орзуумидларини амалга оширишни ифодалайди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида, «Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъий назар, шахс сифатида намоён бўлиш, ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имкониятларига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир»².

Иккинчи томондан эса, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга ошириш, жамиятнинг нисбатан мустақил: ижтимоий, иқтисодий сиёсий, маънавий соҳалардаги ривожланиш хусусиятларига ва

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: 1999 –Б.379.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: 1999 –Б.379.

даражаларига боғлиқ бўлади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг маъно-мазмунини конкретлаштириш ва аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг: минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, баркамол авлод тарбиясининг дастлабки асоси ва шарти бўлган оилани мустаҳкамлаш, жамият бошқарувида маҳаллий ҳокимиятнинг, хусусан маҳаллалар ролини ошириш, миллат менталитетига хос сабр-қаноат, инсоф-диёнат, барқарор психологик муҳит, соғлом экологик вазият, урбанизация даражаси ва аҳолининг иш билан бандлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда демократик тамойилларнинг устуворлашуви, давлат ва жамиятни бошқаришда муқобил сиёсий партиялар, оммавий ва нодавлат ташкилотлар ролининг ошиб бориши, ҳудудий дахлсизликни таъминлаш ва мамлакат мудофаа қобилиятини, аҳоли сиёсий онги, масъулияти ва фаолигини ошириш — миллий тараққиёт ғоясининг *сиёсий мақсадларидан* келиб чиқади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидағи ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, моддий ишлаб чиқаришнинг замонавий хом-ашё ва техник-технологик асослари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобат, ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни кучайтириш, энг муҳими, аҳолининг иқтисодий онги ва тафаккурини, маданиятини ривожлантириш миллий барқарор тараққиёт истиқболларини, таъминлашнинг *иқтисодий имкониятларини* яратди. Миллий тарихий меросимиз ва анъаналаримизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмий ва маънавий-маданий муассасаларни, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича Ўзбекистон республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Конунининг қабул қилиниши ва илгор педагогик технологиялар

ёрдамида изчил амалга жорий этилиши, оммавий ахборот воситалари ва алоқа коммуникациялари таъсиричанлигини ошириш, халқаро маданий муносабатларни кучайтириш каби маънавий-маърифий тадбирлар ҳам миллий тараққиёт манфаатларига хизмат қиласди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тақдирида ўз ифодасини топмоқда. Келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш масъулияти эса, ҳаммага бирдек мажбурият юклайди. Уни англаш эса, инсон баркамоллигининг муҳим мезонидир. Зеро, бу ғоя «ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади».¹

**Ижтимоий онг ва тафаккур
янгиланишига миллий тараққиёт
моделининг ижобий таъсири.**

Янги ижтимоий – фалсафий тафаккур мақсад ва вазифаларини миллий мафкурадан олади. Шунинг учун миллий мафкура янги ижтимоий – фалсафий тафаккурнинг ривожланиш стратегиясини, тадқиқотининг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

“Бугун биз янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз, - дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, - бу тизимда ижтимоий – сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак”.² Юртбошимизнинг фундаментал аҳамиятга эга ушбу фикридан шундай фикр келиб чиқади, янгиланишни ўз бошидан кечираётган ҳар бир жамият, давлат янгича тафаккурга эҳтиёж сезади, ўзининг ҳар бир фуқароси онгидаги янгича онг, янгича қарашлар шаклланишидан манфаатдордир. “Бу масала ҳақида чуқурроқ ўйлаб қўрадиган бўлсак, - деб уқтиради И.А.Каримов, - шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл – шамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари,

¹ Миллий истиқбол ғояси: асосий тушуача ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2001. —Б. 51-52.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 -489 б.

устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикрлар, баҳс – мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.

Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга бўлган ўз муносабати ва ўрнини, керак бўлса, ўз бурчини ана шу асосда аниқлаб олиши зарур. Асосий эътибор шу вазифага қаратилиши керак”¹. Айни шу вазифаларни амалга оширишда халқимиз онги ва қалбини бирлаштираётган миллий ғоянинг ўрни бекиёсдир.

“Мафкура”, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - факат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий – ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий – руҳий куч – қувват берадиган пойdevor бўлиб келган”².

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий – сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир”³. Хуллас, мафкура давлат, миллат ёки айрим гурухлар, синфлар, партияларнинг ғоявий қарашлари мажмуасидир.

Ижтимоий – фалсафий тафаккур ҳам онгнинг инъикоси, маълум бир ғоялар, қарашлар мажмуаси, субъектив воқеликдир. Лекин бундай мафкура ва ижтимоий – фалсафий тафаккур ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, улар айнан воқеликлар экан, деган хulosा келиб чиқмайди. Ижтимоий – фалсафий тафаккур кишиларнинг эркин фикрлашига таянган ҳолда уларни мафкура мақсадларини англашга, бу борадаги қарашларини шакллантиришга ёрдамлашади, лозим топса, мафкурани танқид қилиб, янги концептуал

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 -489 б.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 -490 б.

³ Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. –Т.: “Шарқ”, 2004. -196 б.

ғояларни илгари суради. Мафкура жамият, давлат, фуқаролар учун маълум бир йўл – йўриқ, яшаш ва фикрлаш тарзини белгилаб берадиган ғоялар ийғиндисидир, ижтимоий – фалсафий тафаккур эса мафкуруни ижтимоий борлик ва ижтимоий тараққиёт манфаатлари синтезидан ўтказиб унга бутунлик, яхлитлик, умумийлик бахш этади, яъни фалсафага хос бўлган кенг мушоҳада обьектига айлантиради. Ижтимоий манфаатларга йўналтирилганлик мафкура ва ижтимоий – фалсафий тафаккурни ўйғунлаштиради, уларни бир – бирини тўлдириб келувчи гносеологик воқеликка айлантиради.

Миллий ғоя ва мафкура бизнинг жамиятимиз, ижтимоий борлиғимиз учун мутлақ янги воқеликдир. Янги воқелик эса янги тафаккурга таяниши, янги тафаккурни яратиши мумкин.

“Миллий ғоя ва мафкурунинг синтетик мазмуни, характеристири ижтимоий – сиёсий вазиятга бевосита боғлиқ. Бекарор ижтимоий – сиёсий вазият умуммиллий манфаатларни англашни қийинлаштириш, гурухий манфаатларни бирлаштириш ўрнига пароканда қилиб, умуммиллий обьектив мақсадлардан узоқлаштиради, яқин даврдаги эгоистик хусусий манфаатларга йўлловчи хилма – хил мафкураларни вужудга келтиради. Халқнинг туб манфаатларига, менталитетига ёт бўлган ғоя ва мафкураларнинг тарқалишига қулай шароит яратади. Аксинча, ижтимоий – сиёсий барқарор вазиятгина халқнинг тарихий меросига, менталитетига, умуммиллий манфатларига мос, халқнинг ижтимоий – маънавий тараққиёт тенденцияларига, ўзи интилаётган баркамол келажакка мос мафкуруни яққол ва аниқ шакллантириш имкониятига эга бўлади”.¹ Ижтимоий – фалсафий тафаккур ҳам ижтимоий – сиёсий вазият ва умуммиллий манфаатлардан ташқарида шаклланмайди. Мустақиллик йилларида юзага келган ижтимоий – фалсафий тафаккур миллий маънавий бойликларни қайта тиклашга хизмат қилаётгани ушбу фикримизни тасдиқлайди.

¹ Дунёвийлик фалсафаси. (Мақолалар тўплами). –Т.: Иқтисодиёт университети нашр., 2007. -140 б.
232

Хар қандай тарихий даврда, ҳар бир мамлакатда: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғояси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиш даражасини белгилашда муштараклашган универсал мезон ҳисобланиб, миллат, элат ва халқларнинг тарихий шаклланган менталитетига, манфаатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғояси билан бевосита боғлиқ ва унинг мазмунини ифодалайдиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳодисалар ривожланишининг объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини, чуқур ўрганиш ҳамда назарий-концептуал асосларини ишлаб чиқиши ғоят долзарб илмий муаммодир.

Ўзбекистон халқининг миллий ғояси ва мустақиллик фалсафасининг асосчиси Ислом Каримовдир. Хусусан, илмий-концептуал жиҳатдан мамлакатимиз миллий тараққиёт йўлини, озод ва обод юрт тинчлигининг истиқболлари стратегияси ҳамда тактикасини асослаб бериш, мустақиллик йилларида қўлга киритилган катта муваффақиятларнинг амалий тажрибалари бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлиб, бу унинг Ватан ва миллат олдидаги буюк хизматларидир.

Умуман инсоният тарихий тараққиёти тажрибаси, хусусан мустақил Ўзбекистон ривожланишининг «ўзбек модели» теран илмий-фалсафий тафаккур натижасидир. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихида қиёси бўлмаган «беш тамойил»нинг ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши умуминсоният цивилизацияси тараққиётини муҳим назарий хулосалар ва амалий тажрибалар билан бойитишга олиб келди.

Биз бу тамойилларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғояси билан боғлиқлик жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг мавжудлиги ва ривожланишидаги объектив-субъектив омиллар ҳамда шарт-шароитлари бирлиги яққол намоён бўлади.

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойили, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлигини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий омиллар таркибидаги иқтисодий детерминизм ғояларидан тубдан фарқ

қиласи. Зоро, мустақилликка эришгандан кейин мамлакат олдида турган вазифалар тизими ва уларни ҳал қилиш кетма-кетлиги нүқтаи назаридан иқтисодиётни ривожлантириш, биринчи навбатда кун тартибига қўйилди. Чунки, иқтисодиётни мустабид тузумдан мерос қолган тоталитаризм, волюнтаризм, субъективизмга асосланган ҳукмрон коммунистик ғоя ва мафкурунинг, сиёсий тизимнинг исканжасидан халос қиласдан, Ватан равнақини, юрт тинчлигини, ҳалқ фаровонлигини таъминлайдиган демократик ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас эди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг жамият сиёсий тизимини ўзгартиришга нисбатан устуворлигини таъминлаш, мафкура якка ҳокимлигидан ҳоли қилиш натижасида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ фаравонлиги ғоясини амалга оширишнинг қуидаги имкониятлари вужудга келди. Яъни: 1) жамиятни бошқараётган мавжуд сиёсий тизимнинг пароканда бўлиши натижасида, муқаррар тарзда, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳокимият талашиш, сиёсий бошбошдоқлик, анархия ҳодисасининг олди олинди, жамият ижтимоий-сиёсий «икклимининг» мўътадиллиги, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланди; 2) иқтисодиётни сиёсатдан босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида муқобил мулкчилик шаклларининг вужудга келиши иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасининг таркибий ўзгаришларига асос бўлди; 3) сиёсий тизими шаклидан қатъий назар турли мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш, «очиқ эшик» сиёсати чет эл инвестицияси кириб келишига имконият яратди; 4) кишилар онгидаги мустабид тузумдан қолган боқимандалик кайфияти барҳам топиб, ташаббускорлик, тадбиркорлик сифатлари қарор топди.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, уни «эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат бўлди..

Булар ўз навбатида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги гоясини амалга оширишнинг, миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг зарурий иқтисодий шарт-шароитларини яратиб берди.

*Иккинчидан, жамиятнинг ҳар қандай тарихий ривожланиш босқичларида, давлат сиёсий устқурманинг муштараклашган асосий элементи сифатида, ижтимоий-сиёсий муносабатларни ташкиллаштириши, бошқарии ва назорат қилишида мухим рол ўйнайди. “Айникса, ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини ислоҳотларни жорий этишнинг асосий шартларидан бири тариқасида қатъий белгилаб олганимиз иқтисодиётнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусиятлари билан ўйғунлаштиришда гоят мухим аҳамият касб этди”.*¹

Инсоният тараққиётининг тарихий тажрибалари демократик тамойилларга асосланган давлатгина бош ислоҳотчилик ролини бажариши мумкинлигини назарий ва амалий жиҳатлардан исботлаб берган. Дарҳақиқат, жамият сиёсий институтлари ичida давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини белгилайдиган куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.

Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги гоясини амалга оширишда давлатнинг бош ислоҳотчилик роли қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

1) давлат - сиёсий ҳокимиятнинг узвий муштараклашган институтлари тизимига эга бўлиб, миллий ғояни амалга оширадиган, стратегик мақсадларга йўналтирилган ички ва ташқи функцияларини бажаришнинг мукаммал механизmlарига, воситаларига эга;

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008. –Б. 108.

2) давлатнинг демократик конституционализмга асосланган қонуний-хукуқий тамойиллари ва уларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги манфаатларига мос келиши бош ислоҳотчилик роли самарадорлигини белгилайдиган мезон ҳисобланади;

3) давлатнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш жарёнида ислоҳотчилик ролини такомиллаштириб бориши юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаравонлигини таъминлаш даражаси билан ўлчанади;

4) Миллий тараққиётнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғояларини амалга оширилиши давлатнинг ислоҳотчилик роли натижаси бўлиб қолмасдан, шу билан биргаликда, унинг мавжудлиги шарти ва ривожланишини таъминлайдиган омиллариdir.

Учинчидан, инсоният жамиятининг ҳар қандай босқичида, умуман ижтимоий-сиёсий муносабатларни, хусусан ғоявий-мафкуравий муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш муайян қонунларни тақозо қилган. Бу қонунларни яратиш «технологияси», уларга қатъий амал қилиш механизмлари мукаммаллиги жамият, шахс ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар томонидан устуворлигини таъминлаш даражасига боғлиқ бўлади. Қонунларнинг жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний манфаатларига мослиги - юрт тинчлигини, Ватан равнақини, халқ фаравонлигини таъминлашнинг зарурий шартиdir. Зеро, умумдемократик тамойилларга асосланган қонунлар устуворлиги миллий тараққиётнинг асосий ғояларини амалга ошириш йўналишларини белгилайдиган мезонлар тизимида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бу ғояларни инсон онгига сингдириш, амалий ҳаётига жорий этиш:

1) жамият ривожланишини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи қонунлар устуворлигини ҳамманинг бирдек эътироф этиши ҳамда истисносиз бажаришига;

2) қонунларни яратувчи ва қабул қилувчи демократик институтлар фаолияти, уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларидағи миллій хусусиятларининг умуминсоний андазаларга мослигига;

3) жамиятнинг динамик ўзгаришига мос мавжуд қонунлар тизими ўзгаришини тақозо қиласынан объектив зарурият ва эхтиёжни ўз вақтида аңглаш асосида қонунларни таҳрир қилишга;

4) аҳоли турли қатламларининг ҳукуқий онги ва маданиятини ривожлантириш ҳамда уларни юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишга йўналтиришга боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият ҳолатларда қонун устуворлиги ҳақида гапирилганда, ҳукуқий қонунлар назарда тутилади, Ваҳоланки, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланиш қонунлари объектив характерга эга бўлиб, инсон уларни билиш асосида ўз амалий ва назарий фаолиятини оқилона ташкил қилиши мумкин.

Тўртинчидан, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг асосий мақсади — бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида, *аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши* билан бевосита боғлиқдир. Чунки, Ўзбекистоннинг демографик структураси, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг, мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган, таркибий тузилиши аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган, ночор қатламини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни кун тартибига қўйган эди.

Бу вазифага мамлакатимизда давлат ижтимоий сиёсати даражасида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг зарурий шарти ва гуманистик тамойили сифатида қаралмоқда.

Давлатнинг ижтимоий муҳофаза сиёсати мамлакатимизда яшаётган аҳолининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, руҳий ҳаёт шароитларини менталитетига ёт ғоя ва мағкураларнинг тажовузидан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Зоро, миллат руҳига, ҳаёт тарзига ёт бўлган ғояларнинг мамлакатимизга кириб келишига қарши кураш, фуқароларнинг ғоявий-мағкуравий иммунитетини шакллантириш ҳам ижтимоий муҳофаза

сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб, миллий тараққиётни рағбатлантирувчи зарурий омилдир.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили ўртасидаги боғланиш, уларнинг бири иккинчисини тақозо қилишида намоён бўлади. Хусусан:

1) Ватан равнақи ғояси аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, усуслари ва воситалари самарадорлигини таъминлаган вазиятда, ўз мазмунига эга бўлади;

2) аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражаси юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг гуманистик мазмун ва моҳиятини ифодалайдиган асосий мезондир;

3) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги изчил ривожланиш хусусиятлари юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини фаол амалга ошириш жараёнида намоён бўлади;

4) юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси динамик характерга эга бўлса ҳам, ҳар қандай тарихий даврларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг умумий мақсад ва вазфаларини ифодалайди.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий, эволюцион йўл билан босқичма-босқич ўтиш тамойили, ҳозиргача жамиятни ривожлантиришга доир мавжуд бўлган ижтимоий фикр тарихидаги назариялар ва ғояларнинг мазмунини, умуминсоний тамойилларини ривожлантиришнинг конкретлашган йўналишидир. Зеро, жамият тараққиётининг тарихий тажрибалари ижтимоий ҳаётни инқилобий йўл билан кескин ўзгартиришлар, унинг равнақини эмас, балки ғоят хавфли: иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозларининг асоси, бошланиши бўлганлигини қайта-қайта исботлаб берган. Бу ҳақда Н.Бердяев «Интеллигенциянинг маънавий инқирози» деган асарида: «Хар қандай революция реакцияга қарши

реакциядир, ундан кейин эса революцияга қарши реакция бошланади»¹, деб ёзган эди. Шу нүктаи назардан, жамиятимиз ривожланишидаги ворислик муносабатлари, тадрижийлик, «янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик» тамойили юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда

Умумлаштириб айтганимизда, бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий-эволюцион йўл билан ўтиш жараёнида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга ошириш қуйидаги хulosаларга асос бўлади:

1) Ўзбекистонда жамият тараққиётининг маҳаллий шарт-шароитларини, миллат менталитети хусусиятларни эътиборга олиб, босқичма-босқич, тадрижий амалга оширилиши миллат ва умуминсоният манфаатларига мос келади;

2) ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий соҳалар ислоҳотидаги тадрижийлик сусткашлик, инертлик эмас, балки янги жамият қурилишининг стратегик мақсадларидан келиб чиқкан тактиقادир;

3) Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли истиқболига халқимизнинг чуқур ишончи, эътиқоди ва уни амалга оширишдаги фидоийлиги Ватан ҳамда миллат равнақининг асосий кафолатидир;

4) Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтишдаги ютуқлари, тажрибалари жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборига сазавор бўлмоқда.

Миллий ғоя қонун устиворлигига асосланган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий омили.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқук ва

манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришда мустахкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямизда белгиланган

¹ Бердяев Н. Духовный кризис интеллигенции. СПб., 1909. –С.92.

нормаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабхаларда салоҳияти тобора юксалаётгани, халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганида намоён бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Бош қомусимиз умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади, айни пайтда миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг бугуни ва келажагини ёрқин ифода этади, барча норма ва принциплар замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам бўлган.

Мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади ва Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкам белгиланган. Ана шундан келиб чиқиб юртимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар халқимиз маънавиятини, турмуш даражасини оширишга, ижтимоий адолат тамойилининг қарор топишига хизмат қилмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнлари, дунёда турли ғоявий-мафкуравий хуружлар авж олаётгани халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, мустақиллик ғояларини чуқур сингдиришни тақозо этмоқда.

Бунда мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асоси бўлган Асосий қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, таъсирчан воситалар орқали ёшлар тафаккурига чуқур сингдириш муҳим ўрин тутади. Зотан, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини ҳам чуқур англаши лозим.

Демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш – узоқ давом етадиган жараён. Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда шундай деган: “**Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла**

олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир”¹.

Ҳар бир жамият, давлат ўзи учун мос демократик тараққиёт йўлини ўзи танлайди. Ўзбекистон ҳам ўзи учун масъул демократик тараққиёт йўлини танлаб олди ва бунда “шарқона демократия”нинг бир қатор устувор жиҳатларига асосий урғу берди. Бу – ғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварликдир. Шарқ сиёсий фалсафасида “меъёр” тушунчасига катта аҳамият берилган. Чунки демократия, аслида, меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Меъернинг ўзи эса ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тенглик ўртасидаги мувозанатни англатади. Демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун демократияни бирдай жорий қилишнинг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. Мана шундан демократиянинг ғарб ва шарқоналиги ҳақидаги қарашлар юзага келиб чиқкан. Бу ҳақда Республикаиз Президенти Ислом Каримов «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «Ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб айтганлар. Табиийки бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»², - деганда демократияни жорий этишнинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қалби орқали амалга ошириш каби ўзбекона тамойиллари мавжудлигини кўрсатади.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008. –Б. 108

² Каримов И.А.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 10-11 бетлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда Туркия, Германия, Франция, Англия каби мамлакатлар бизга ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Тўғри, бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Бироқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу таклифларга ўзининг аниқ муносабатини билдириди. Бу масалага ҳар бир **миллатнинг турмуш тарзи, рухиятидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини айтди**. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб қўр-қўронга кўчириш асло самара бермайди. Бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ғарб демократиясини тўғридан-тўғри шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Эркинликка ортиқча йўл бериш давлат ва бошқарув аппаратининг бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз ҳоҳишига қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига оғир кулфатлар келтириши билан яқунланишини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Ғарб демократиясида очиқдан-очиқ муносабат, кескин инқилобий ҳаракат устунлик қиласи. Шарқ демократиясида эса аксинча андишалик, босиқлик; ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда ўзидан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қараш, босиқлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Баъзи одамлар Ўзбекистонда ҳукуқий демократик жамиятни шакллантириш факат қоғозда, шунчаки оғзаки гап, амалда фуқароларнинг барча имкониятлари чекланаётир, деб даъво қилмоқдалар. Бу гапни айтганлар нуқул Ўзбекистонни Америка, Германия, Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштиришга уринадилар. Бу ўринда бир нарсага эътибор беришимиз талаб этилади. Юқорида қайд этилган мамлакатларда инсон ҳукуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз йил ва ундан ҳам ортиқ йиллар мобайнида, оғир кураш ва синов йўлларидан ўтиш орқали вужудга келган. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт мобайнида, кечаги кундан

бугунги кунга ўтган куннинг ўзида ўарб давлатларида гидек кенг миқёсли тадбирни амалга оширишни талаб қилиш ақлга сифмайдиган ҳолат. Одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзgartириш сира мумкин эмас.

Шахснинг факат ўзини ўйлаши, барча ташаббуслар остида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатларини устун қўйиш каби кайфияти - демократиянинг чуқурлашишига тўсқинлик қиласди. Боз устига асрлар давомида халқ турмушига айланган қадриятларга ҳам зиддир.

Сайлов тизими, давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари – барчаси Шарқда ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ҳокимиятга анъанавий ишонч қонунияти билан ифодаланади. Шарқ мамлакатларида сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг амалдаги татбиқини таъминлаш, халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, масъул кишилар томонидан амалга оширилган. Шу туфайли Шарқда “Эл-юрт нима дер экан?” деган масала ҳар бир хукмдор ва сиёсатчи фаолиятида бош масала бўлиб турган.

Шарқ халқлари ҳаётида одил ва доно хукмдор ғояси “Авесто” яратилган замонлардан бошлаб ривожланиб келган. Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида “Куч – адолатда” деган қоида устувор бўлгани бунинг яққол тасдигидир. Шарқ мутафаккирлари, аввало, жамият тараққиётидаги икки муҳим омил: ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларини амалга ошириш қуроли деб давлатни тушунган, қонунчилик ва меъёрий тизимлар ҳам айнан ана шу мақсадларга хизмат қиласди. Амир Темур “Тузуклар”и бунга мисол бўла олади.

Шарқда маҳалла ва бошқа ўзини ўзи бошқариш идоралари асосан жамоатчилик фикрига таянган ҳолда иш юритган. Ижтимоий салмоқли масалаларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш маҳалла гузарларида, чойхоналарда, карвонсаройларда, тўй-маърака ва ҳашарларда амалга оширилган. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри давлат қарорларини қабул

қилишда ҳам муҳим ўрин тутган. Хуллас, Шарқ халқлари, хусусан, бизнинг ҳаётимизда азалдан ўзига хос демократик анъаналар бўлган. Умуминсоний ғояларга ўта хайриҳоҳлиги туфайли халқимиз замонавий демократик қадриятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз.

Демократия, аслида, инсониятнинг ўзи қадар тарихий бўлиб, у инсон фаолиятининг турли жиҳатларига татбиқ этилади ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Аҳмад Заки Валидий Тўғон бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Демократиянинг бирдан-бир, ягона рецепти (қолипи) йўқ. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкониятини беришидадир. Демократия турли миллатда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий шарти бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишда иш қонунларига бўйсуниш керак бўлади. Инглизларда, Америкада, Швецияда, Норвегияда иш шу тарзда тузилган. Россияда эса бу йўқ. 1919-йилда яхшигина демократик партиялар вужудга келди, аммо большевиклар партияси тепага чиқдию, бутун бошли партияларни йўқ қилди ва тарихда мисли кўрилмаган мустабидлик тузумини ўрнатди. Давлат ишида масъулият ҳиссининг умумийлиги – халқнинг маданий камолотига боғлиқ тарбия ва одат масаласи ҳамdir.”¹

Бугунги шарқона демократияда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, қадр, оқибат, андиша, катталарга хурмат, она заминни эъзозлаш борасида ўзига хослик яққол намоён бўлади. Булар эса миллий ғоянинг амал қилишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғояни амалга ошириш кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясини амалга ошириш жараёни билан уйғун ҳолда олиб борилади. Маълумки, Ғарбда демократия ташқи оламни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, институтларни ўзгартиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашувга айланган. Шарқона демократия эса дунёни, ижтимоий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсондан, унинг ички, маънавий ҳаётини

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

мукаммалаштиришдан бошлайди. Унинг мақсади инсонни, унинг маънавиятини мукаммалаштириш орқали етук давлат, идеал жамият куришидир.

Шарқ демократиясини Гарб демократиясига қарама қарши қўйиб, уларни бир-бирига зид оқимлар, назариялар деб талқин этиш тўғри эмас. Айни пайтда шарқона демократиянинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ҳам мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Ўзбекистонлик айrim мутахассислар, хусусан Ф.Мусаев¹ шарқона демократиянинг қуидаги хусусиятларига алоҳида урғу берадилар:

1) субординация ва иерархик муносабатларда кам тажрибали ва кам билимли кишининг тажрибалироқ, билимлироқ кишига итоат этишида; 2) давлат ва жамиятни бошқаришда аввало ахлоқий, маънавий меъёрларга риоя этилишида;

3) аждодлар тажрибасига асосланган одатий ҳукуқларнинг сакланиб туришида;

4) фикҳда тарихий анъаналар (Қуръони Карим, ҳадислар) ва аналогларга таяниб ҳукуқий муаммолар эркин ҳал этилганида;

5) подшоҳ (монарх, шоҳ) саройида давлат ва жамият ишларини бошқаришга оид муаммоларни ҳал этишда иштирок этадиган кенгаш (аёнлар кенгаши, вазирлар кенгаши фузалолар кенгаши) мавжуд бўлганида;

6) подшоҳнинг (монарх, шоҳ) нафақат ўз ҳаёти, худди шунингдек, фуқароларнинг турмуши, маънавияти, ишонч-эътиқоди учун Аллоҳ олдида жавобгарликни теран ҳис этишида;

7) ижтимоий-сиёсий ҳаётни тадрижий ривожлантиришга мойилликда;

8) инсон ва жамият ҳаёти сиёсий мафкуралар тазиқидан холи тарзда кечиши таъминланганида;

¹ Қаранг: Мусаев Ф.А. Ҳукуқий демократик давлат қурилишининг маънавий асослари. – Тошкент, 2007.

9) инсоннинг маънавий ҳаётини, маънавий дунёсини бойитиш, такомиллаштириш бошқарув ишларидағи асосий вазифа сифатида қаралишида;

10) инсон – жамият – давлат силсиласи уйғунлигига қаралганида;

11) жамоа ҳаёти ва унинг манфаатларининг устуворлигига намоён бўлади.

Ижтимоий-тарихий парадигмага айланган ахлоқий қадриятлар халқни халқ, миллатни миллат сифатида бошқа этнослардан фарқлайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий-ахлоқий қадриятлар миллатнинг бош миллий белгиси, маданиятининг ўзагидир. Масалан, ўзбекнинг уйига бирор келса, у аввал меҳмондан ҳол-аҳвол сўрайди, дастурхон ёзиб, тўрга ўтқазади, нон-чой тутади, шундан кейингина келишининг сабабини сўрайди. Бу ўзига хос ўзбекона ахлоқ белгисидир. Қариндош-уругчилик, қўни-қўшничилик, маҳалла-кўйчилик, ошна-офайничилик муносабатлари асосида ҳам асосан ахлоқий мезонлар ётади. Ўзбекларнинг маданий-маънавий бирлиги - тўй ва азада, бошқа маросимларидағи елқадошлиги ҳам муайян вазиятлардаги ахлоқий муҳит кўринишларидир. Халқимизнинг тарихий-маданий анъаналаридан бехабар, узок киши учун булар консерватизм сифатида намоён бўлади, трансформация ва модернизацияга бефарқлик бўлиб кўринади. Чунки, демократияга тинмай ўзгариш, ижтимоий ҳаётни узлуксиз янгилаш, зарур бўлса, ҳатто нигилизм ҳам хосдир. Гарб жамиятлари модернизацияга мойил бўлмаган обьектга демократияга бегона, ёт ёки консерватив нарса сифатида қарашга одатланган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий демократик ўзгаришлар эса халқнинг анъаналарини, ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган қадриятларини қўллаб-қувватлайди, уларни миллий-маданий бойлик сифатида асрашга, уларни янги авлодни шакллантиришда унумли фойдаланишга даъват этади. Қайси мамлакатда, қандай ижтимоий маконда рўёбга чиқмасин, том маънодаги демократия модернизация байроғи остида анъанавий қадриятларни рад этолмайди, тадрижийликка таянмаган

ўзгаришлар халқ турмуш тарзидан, қалбидан жой олмайди. Муайян объектив сабаблар инсонни янги меъёрларни, ўзгаришларни қабул қилишга мажбур этиши мумкин, бироқ бундай ўзгаришларнинг умри узоқ бўлмайди. Эскилар айтганидек, отни сувга олиб бориш мумкин, лекин сув ичишга мажбурлаб бўлмайди.

Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар халқимизнинг ижтимоий-ахлоқий қадриятлари ва миллий гояси билан уйғунлиги сабабли эътиборлидир. Бизда демократия ижтимоий-сиёсий институтларни ўзгартириш ва уларни модернизациялашдангина иборат эмас, у халқимиз ижтимоий хаётининг таркибий қисми, жамиятимиз мустақиллик йилларида яратган маънавий-ахлоқий бойликнинг ҳаётий аксиdir.

**“Ўзбекистон мустақилликка
эришиш остонасида” китобининг
тафаккур янгиланишига
таъсири.**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “Ўзбекистон
мустақилликка эришиш остонасида”
китоби Ватанимиз мустақиллиги,

буғунги тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизга эришиш йўлида олиб борилган мاشаққатли ва шарафли кураш тарихини яққол намоён этиб берган асаддир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур китобдан ўрин олган мураккаб тарихий даврда сўзлаган нутқлари, маъруза ва суҳбатлари, мақола ва интервьюларининг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати ва аҳамияти барчамиз учун, айниқса, ёшларимиз учун ниҳоятда бекиёсдир.

Қанча-қанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, буғунги кунда кўпмиллатли халқимиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланган мустақилликка эришиш йўлида 1989 — 1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва мешаққатли курашлар тарихи бу китобнинг бош мавзусини ташкил этади. Назарий ва амалий жиҳатдан катта тайёргарликни, улкан сиёсий тафаккур ва донишмандликни, бой ҳаётий билим ва тажрибаларни талаб қиласиган бундай мураккаб мавзунинг айнан истиқлолимиз меъмори, мустақил давлатимиз асосчиси, ўша пайтда юз берган ижтимоий

жараёнларнинг асосий марказида турган, уларнинг барчасини ўз қалби ва юрагидан ўтказган инсон — Юртбошимиз томонидан ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлил асосида ёритиб берилиши мамлакатимиз жамоатчилигининг ушбу китобга бўлган қизиқиш ва эътиборини янада оширмоқда.

Яқинда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида чоп этилган хабарларда, жумладан, «Ўзбекистон» телеканалида таниқли тарихчи ва файласуф олимлар, сиёсатшунослар, адабиёт ва санъат намояндадари, журналистлар иштирокида намойиш этилган туркум давра сұхбатларида бу китобнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида дастлабки мулоҳазалар билдирилди. Бугунги кунда бу борадаги муҳокамалар, фикр алмашувлар илмий-ижодий муассасалар, билим ва маданият масканларида, кенг жамоатчилик ўртасида қизғин давом этмоқда. Бундай сұхбат ва мулоқотларда турлитуман фикр-мулоҳазалар билдирилиши табиий, албатта. Аммо ушбу китоб билан танишган барча инсонлар бир масалада ҳамфикр бўлишлари аниқ: яъни, бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, она - Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялашда бу китобнинг ўрни ва таъсири бекиёс. Ислом Каримовнинг ушбу тўпламдан ўрин олган барча чиқишлиари, маъруза ва нутқлари, биринчи навбатда, ҳар томонлама чуқур ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, аналитик руҳи, муаллифнинг юксак интеллектуал салоҳияти, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишга қаратилган принсириал позицияси, нотиқлик маҳоратини ёрқин акс эттириши билан алоҳида ажralиб туради.

Китоб ҳолида биринчи марта нашр этилаётган бу чиқишлиарда ўз ифодасини топган даврга оид аксарият тарихий ҳужжатлар, айниқса, фотосуратлар, видеотасвирлар, афсуски, сақланиб қолмаган. Шу боис кўпгина нутқ ва маърузаларнинг матнлари архив ҳужжатлари асосида тиклангани ҳар бир чиқиш ниҳоясида берилган изоҳлар орқали маълум бўлади. Яъни, тўплам

бутунлай бирламчи, асл манбалар асосида тузилгани унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади.

Таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида истиқлол арафасида республикамизда хукм сурган сиёсий, ижтимоий-иктисодий вазият, халқимиз бошидан кечирган ғоят таҳликали воқеалар хронологик тарзда, кетма-кет ёритилмасдан, ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва хулосалар атрофлича баён этилади. Уларнинг барчасини мустақиллик ғояси бамисоли қизил ип каби бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тўплам яхлит асар сингари като қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Агарки ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бораётганини, униб-ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу китоб ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида халқимизнинг истиқлол йўлидаги барча интилиш ва курашларини бор мураккаблиги билан намоён этиши аён бўлади.

Мухтасар айтганда, ҳам сиёсий-иктисодий, ҳам ғоявий-мафкуравий, ҳам тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усууларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади. Шу маънода, бу китоб ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини қучайтиришда бебаҳо манба бўлиб хизмат қиласди, десак, адашмаган бўламиз. Айтиш керакки, китобдан жой олган барча чиқишлиар чуқур амалий ва прагматик руҳи, ўша даврга хос бўлган коммунистик риторика, баландпарвозлик ва сафсатабозликдан мутлақо холи экани билан алоҳида эътиборни тортади. Муаллиф ўзининг ҳар бир фикри ва сўзини аниқ далил ва рақамлар, мантиқий хулосалар билан асослаб беради.

Ҳаётый фактлар унинг ўткир муроҳазалари, эҳтиросли кечинмалари, теран муроҳадалари, энг муҳими, маънавий жасорати билан муштарак бўлиб, ўша пайтдаги сўз билан ифода этиб бўлмайдиган ўта қалтис ва мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳолатларни китобхон тасаввурида бутун зиддият ва қарама қаршилиги билан яққол намоён этади.

Шу борада бир мисол келтириш ўринли деб ўйлаймиз: “Биз республикамида 1500 та йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергия ҳозир тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирав эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Қишлоқ хўжалигимиз мамлакатдаги пахтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоиздан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди. Бу хуносалар мўътабар минбарлардан туриб, диссертациялардай рапортларда ва маълумотномаларда кўп такрорланган. Хўш, бу гапларнинг заминида қандай маъно бор? Иқтисодиётимиз бирёқлама тарзда, фақат хомашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади.

Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилмоқда. Республикадан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хомашё, материаллар ва чала тайёр материаллар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликтан дарак беради.

Республикага келтирилаётган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.

Ғалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хомашё — пахта, нитрон, капролактам ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмагани оқибатида айни шу хом-ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда”¹.

Ёки яна бир характерли мисолга эътибор берайлик: “Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблагандা даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда кун кечириш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

...Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи — ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас”².

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидан жой олган материаллар билан танишар эканмиз, собиқ Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатағон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зугум ва тазийкларни тинимсиз кучайтириб борганини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз. «Пахта иши», «ўзбеклар иши» деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига «қўшиб ёзиш», «юлғичлик», «кўзбўямачилик», «боқимандалик» каби тухмат ва маломатлар бўронини ёғдиргани ҳақидаги саҳифаларни чуқур алам ва изтироб билан ўқиймиз. Шундай таҳликали пайларда халқ дардига дармон бўлиш ўрнига собиқ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 169-170-бет

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 47-49-бет

Марказнинг ноғорасига ўйнаган, мустақиллик ғоясини ниқоб қилиб, аслида ана шу муқаддас интилишга қарши чиққан кимсалар, дунёвий ва диний кўринишдаги радикал сиёсий гурӯҳ ва оқимларга қарши Ислом Каримовнинг қандай катта жасорат, сиёсий вазминлик билан кураш олиб боргани, элъюртимизга суюниб, унинг қалбига йўл топиб, вазиятни ўнглаш, юртимизни ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқиши, истиқлол сари бошлаш бўйича қатъий чора ва тадбирлар, чукур ислоҳотларни амалга оширгани ва ниҳоят, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилгани ушбу китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади.

“Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак”¹ деб таъкидлайди Юртбошимиз ва бундай қарашни ўз фаолиятининг бош мезони деб билади. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечими — бу мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантиқий хулосага келади. Бундай дадил фикрни собиқ Иттифоқнинг катта-катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирумайди. Жумладан, биз учун мустабид тузумнинг бутун даври давомида энг оғриқли масала бўлиб келган пахта хомашёси етиштириш ва халқимиз ўзининг машаққатли меҳнати учун муносиб ҳақ олиш, муносиб турмуш шароитига эга бўлиши ҳақидаги талаб очик-равшан баён этилган, муаллифнинг Москвада чоп этиладиган «Рабочая трибуна» газетасига берган интервю сидаги қўйидаги фикрларга эътибор берайлик:

“Пахта толаси белгилаб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни қайта ишлашдан келадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа республикаларда нисбат аксинча

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 355-бет
252

бўлмоқда. Масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак ғоят катта фойда келтироқда. Мехнати — бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг «пахта сехи» бўлиш, мана, нимани англатади”¹.

Ушбу китоб билан танишган ўқувчиларда «Бошқа тадқиқот ва илмий ишларда учрамайдиган бундай далил ва ракамлар каердан олинган, улар нимага, қандай манбаларга асосланган» деган табиий савол туғилиши мумкин. Маълумки, Ўртбошимиз кўп йиллар давомида Давлат план комитетида масъул вазифаларда хизмат қилган, кейинчалик бу ташкилотнинг раиси, молия вазири, Министрлар Совети раисининг ўринbosари лавозимларида фаолият кўрсатган. Иш жараёнида минглаб расмий ҳужжатлар, жумладан, маҳсус статистик маълумотлардан фойдаланиш имконига эга бўлган. Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб сайланишидан олдин — Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган пайтида ана шу мураккаб масалалар устида узок вақт системали тарзда ишлаб, бир муҳим хulosани, яъни Ўзбекистон иқтисодиёти шу тариқа бир ёқлама ривожланишда давом этадиган бўлса, бу хатарли жараён охир-оқибатда ҳалокатли натижаларга олиб келиши муқаррар, деган, чуқур илмий асосланган фикрларни республика раҳбариятига ёзма равишда маълум қиласди. Давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, келажак ҳақида қайғуриб билдирилган бундай таклифларга эътибор қаратиш ўрнига, Марказ ва унинг республикадаги гумашталари бундай мустақил ва дадил қарашлар билан чиқкан раҳбарни пойтахтдан четлаштириб, уни олис Қашқадарё вилоятига, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг оғир аҳволда қолган минтақага раҳбар қилиб, аслида эса жазолаш учун юборади.

Тақдирнинг ана шундай қалтис ўйин ва синовларидан ўтган, қисқа давр ичида Қашқадарёдек катта бир вилоятдаги аҳволни тубдан ўзгартиришга эришган Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари бўлиб сайланганининг эртасига, яъни 1989 йилнинг 24 июн куни республика ҳукуматининг мажлисида «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 353-354-бет
253

замоннинг ўзи йўл қўймайди» деб, қатъий баёнот бериши унинг қандай катта азму шижаот билан янги вазифага киришганидан далолат беради.

Республикамизда 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошида вужудга келган ҳақиқий ахволни ўзимизга аниқ тасаввур қиласак, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби истиқлол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чукур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида тўлдириши билан, айниқса, эътиборлидир. Чунки ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга бу китоб ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Бу тўпламнинг энг муҳим жиҳати ва аҳамияти, аввало, ана шунда — яқин тарихимиздаги суронли ва тўфонли воқеаҳодисаларни фақат ҳақиқат ва яна бир бор ҳақиқатга асосланиб, ўз онгу шууридан, қалбидан кечирган муаллифнинг теран нигоҳ, улкан донишмандлик, ўз халқи ва юргига чексиз муҳаббат ва садоқат ҳисси билан ёритиб берганида яққол кўзга ташланади.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидаги теран фикр ва мулоҳазалар, ўта халқпарварлик ғояларига йўғрилган қарашлар асосини мустақиллик ғояси, эл-юрт манфаати, халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга бўлган интилиш ва саъй-ҳаракатлар ташкил этади.

Ушбу асар нафақат ижтимоий-сиёсий, балки жуда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Унда муаллифнинг доимо ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб, уларнинг амалий ижросига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, тинимсиз меҳнатлари қўзга ташланади. Ана шундай улуғ мақсадлардан бири – бугунги кунда реал воқеликка айланган улуғ мақсад – халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитлари яратиш эди. Бугунги озод ва обод, тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз ўша йилларда амалга оширилган фидокорона саъй-ҳаракатлар, Истиқлол йўлидаги чинакам сиёсий ҳамда маънавий жасорат ва интилишлар натижасидир.

Мазкур китоб айниқса, ёшлар учун, уларнинг ҳаётда ўз йўлини топишлари учун, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбия топишлари учун жуда муҳим манба эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Китоб ҳар биримизга, айниқса ёшларимизга ғоятда ибратли бўлган инсоний фазилатларни, хусусан, сўз ва иш бирлигини, ҳалқимиз тарихи ва маданиятига, ўз она заминимизга, миллий қадриятларимизга муҳаббат туйғуларини сингдиради.

Китобни ўқир эканмиз, кўз ўнгимиздан ўша йилларда миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш, маънавиятимизни юксалтириш, дунёда бебаҳо бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек саклаш йўлида Юртбошимиз томонидан олиб борилган мисли кўрилмаган ишлар ўтади. Бу китоб ҳар биримизнинг олдимиизда тарих ойнаси каби айни ҳақиқатни намоён этади.

Президентимизнинг мазкур китобда акс этган “Фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак”, “Ўзимиз ҳаракат қиласасак, четдан келиб бирор бизга ёрдам бермайди” дея ўша даврларда таъкидлаган сўzlари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юртбошимизнинг касаба уюшмалари тўғрисида ушбу китобда таъкидлаган фикрлари айнан бугунги кунда ҳам Республика касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган такомиллашув жараёнларига ҳамоҳангдир. Бу ушбу фикрларнинг нақадар узоқни кўзлаган ҳолда билдирилганлиги далолатидир.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг ҳалқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват этади. Шу асосда Ватанимизнинг янги тарихини чуқур англаб, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб, юртимизнинг қадимий шуҳрати, бугунги қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатади.

Назорат саволлари:

1. Бозор муносабатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Тафаккур янгиланишининг миллий тараққиётга таъсири?
3. Ўзбек модели тафаккур янгиланишига қандай таъсир этади?
4. Демократик жамиятнинг ижтимоий аҳамияти қандай?
5. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги ғоялар тўғрисида сўзланг?

Мустақил таълим учун реферат мавзулари:

1. Бозор муносабатларининг ғоявий асослари
2. Миллий ғоя демократик давлат ва фуқаролик жамияти ривожининг асоси
3. Инсон тафаккури ўзгариши миллий тараққиёт пойдевори
4. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги ғоявий мафкуравий асослари

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон 2011

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
9. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
10. К. Назаров. Ғоялар фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т.:2011 й.

10-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ

**Ғоявий таълим-тарбия ишларига
комплекс-тизимли ёндашиш
тамойиллари.**

XXI аср - инновациялар асидир. Мамлакатимиз келажаги жамият ҳаётининг

бошқа соҳалари билан бирга таълим тарбия тизимини янги замон талаблари даражасига кўтаришга йўналтирилган ишларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Инсон ва инсоният ҳеч қачон ташқи дунёдан ўзини қуршаб турган оламдаги ўзгаришлар, ривожланишлар, рўй берәётган ҳодисалар, воқеалар, жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда яшай олмайди. Дунёдаги давлатлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар, улар ўртасидаги муносабатлар, айниқса ижтимоий жараёнлардаги мафкуравий таъсирлар одамлар онги, тафакури ва дунёқарашига таъсир этмасдан қолмайди. Чунки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли Қарорида таъкидланганидек, “*ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиши, юртдошларимизнинг ҳаётга онgli муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз берәётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириши, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф түғдириши мумкин бўлган тажсовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушибу соҳадаги ишларни ... қайта кўриб чиқшини тақозо этмоқда*”¹.

Бу борадаги энг долзарб вазифа – талаба ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғуурни тарбиялаш масаласидир. Ушбу вазифа билан узвий боғлиқ бўлган муаммо – ёшларнинг фаол гражданлик позициясини шакллантириш, ҳаётга онgli муносабат, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш туйғусини оширишdir.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли “Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори

Шу маънода олиб қаралганда ҳар қандай жамият ўз истиқболини кишиларни эътиқод даражасига айланган муайян ғоясида кўра олади. Чунки, «жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади»¹.

Ўз навбатида кишилар онги ва қалбини макон тутган ғоя ва мафкуралар таълим ҳамда тарбиясиз шаклланмайди, жамият равнақига, миллат ва халқни келажагига хизмат қилувчи қудратли ботиний кучга айлана олмайди. Зеро, жамият мафкураси, ўтмиш билан хозирги давр ва келажакни, кечаги кун билан эртанги кунни боғлаб, туташтириб, алоқадорлигини мустаҳкамлаб туриш учун хизмат қилишга қодир ижтимоий ғоялар мажмуи бўлиб, уларнинг моҳиятини белгиловчи устувор тамойил, бу жамиятимиз табиатига, миллатимиз менталитетига хос бўлган инсонпарварлик туб негизи ҳисобланади. Бинобарин, ёшларимиз руҳиятига инсонга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш жараёнида миллий ғоянинг ана шу тамойилини таълим-тарбия тизимини бош мақсадига айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Бошқача айтганда, биз ўз хақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»².

Ёшларни имон-эътиқодли, миллий ғояга садоқат, бир-бирларига меҳр оқибатни, ўз Ватанига, миллати, дини, тили, тарихи, маданияти урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Зеро, фуқароларни янгича тафаккур асосида тарбиялаш орқали миллий ғоя ва мафкурунинг хаётбахш инсонпарварлик томойилларига, умумбашарий

¹ Каримов И.А.. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни –миллат қилишга хизмат этсин. Т. «ўзбекистон», 1999 й, 5-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Ташкент. 1999й. 17-18 бетлар.

қадриятларга мос келадиган хулқ-атворни шакллантириш ва камолга етказиш, яъни жамиятда меҳр-муруват маданиятини қарор топтириш мумкин.

Юртимизда ҳар бир йилнинг муайян ижтимоий масалага бағишиланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зотан, ҳар бир нарсага, инсон қалбидаги олий туйғу меҳр билан ёндашилмаса қутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу боис миллий ғоя ва мафкурага ҳам ихлос билан муносабатда бўлиш, унинг тарихий, фалсафий, диний, ахлоқий илдизларини мунтазам ўрганиб бориш, аждодларимиз меросини таълимнинг ҳар бир бўғинида ёшларимиз онги тафаккурига сингдириш муҳимдир.

Ўз навбатида, йилларда белгиланган маҳсус вазифалар бир марталик ҳаракат ҳам, «тадбирлар комплекси» ҳам эмас, балки дунёқарааш ва феъл-атвордир, инсон ички маънавиятининг таркибий қисми жамият маданиятининг аломатидир. Юқоридаги фикрларга таяниб, миллий ғоя ва мафкура шаклланишида таълим тарбия тизимидағи ўрни нимадан иборат деган масалага ойдинлик киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, ҳар бир йилда устувор вазифани белгилаб олиш миллий мустақиллик ғоясининг инсонпарварлик томойилларидан кўзланган асосий мақсаддир. Шунинг учун ҳам тарбия жараёнида худди шу аниқ мақсаддан келиб чиққан вазифаларга жиддий эътибор бериш зарур.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ўз навбатида бу соҳада янги, замонавий, илғор педагогик технологияларни изчил жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим самарадорлиги ўқувчи бу жараёнда қай даражада фаол қатнашаётганлиги билан белгиланишини ҳисобга олган холда янги ўқитиши услублари, шакллари таълим олувчиларга мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш учун имконият яратади.

Таълим жараёни дунё бўйича турли мамлакатларнинг яқинлашуви, том маънода глобал, инсоният цивилизацияси тақдирни учун ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб омиллар билан белгиланади. Бу омиллар орасида юзага келган умумий ва миллий ўзига хосликлар алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимнинг ноёб имкониятлари ҳозир нафақат инсон ақлини янги тезкор имкониятлар билан қуроллантириш, балки унинг онгини қайта қуриш билан боғлиқ. Инсоният цивилизацияси ривожининг янги босқичи инсоннинг шаклланиш жараёни, шахсий фазилатлар, ҳаётий мақсадлар ва қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиради. Ўсиб келаётган ёш авлод учун таълим тизими сифат жиҳатдан янгича талаблар қўяди.

Навқирон авлод давр руҳида маънавий камол топиб, буюк аждодларимиз барҳаёт мевасидан озиқланиб, замонавий билимларни эгаллаб, уларни онги, шуурига сингдириб бормас экан, бизнинг ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадларимизга эришишимиз, нурли истиқболимизни бунёд этишимиз ҳам қийин. Мана шу боис ҳам ёшлар тарбияси, уларни баркамол инсонлар этиб шакллантириш, вояга етказиш масаласи ҳар доим давлатимиз олдидаги биринчи даражали вазифалардан биридир.

Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айни вақтда мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча янгиликлар ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик – таълим-тарбия жараёнида миллий мероснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини ҳам англатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ўтмиш алломалари, мутафаккирларининг маънавий меросларини ёш авлоднинг тарбиясидаги аҳамияти бугунги кунда ҳам ғоят бекиёсdir.

Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб, Комил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлашни қўйилишида ҳам юқоридаги масалалар билан мантиқий алоқадорлик мавжуд. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий модели, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз, бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Халқимизда «Сув бўлмаган жойда қамиш ўсмайди», деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, қамишни ўриб ташласангиз ҳам, ёкиб юборсангиз ҳам барибир ўсиб чиқаверади. Уни йўқ қилишнинг ягона чораси — мавжудлигини таъминлайдиган сувни қуритиш, ўсиш муҳитини йўқотишдир. Шу тамойилга кўра, миллий тараққиётимиз жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ғояларнинг кириб келиши ва илдиз отишига имконият бермаслик муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун «биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва заарли бўлган таъсирларидан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим».¹

Маълумки, ғоявий-мафкуравий тажовузлар учун чегараларнинг ғоят нисбийлигидан, техник-технологик жиҳатдан ғоят мукаммал оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялари орқали содир бўлганлигидан, жамиятимизга, ҳаёт тарзимизга, миллий менталитетимизга ёт бўлган мафкурами «фильтрлаш», «элаб ўтказиш» сиёсати билан, унинг салбий таъсирини бартараф қилиш жуда қийин. Бунинг учун жамиятимизда мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик мақсадида юртимизнинг миллий истиқололига, халқимизнинг ҳаёт тарзига ёт бўлган ғояларнинг эътиқоди суст, имон-иродаси бўш кишиларнинг онгини забт этиш сабабларини аниқлаш зарур. Чунки, ғоявий-мафкуравий тажовузларга қарши ижтимоий, иктиносий, сиёсий ва маънавий-маърифий чора-тадбирларни қўллаб, унинг олдини олиш, салбий оқибатларига қарши курашишга қараганда самаралироқдир. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ёт ғояларга, мафкуравий тажовузларга қарши курашини муштарак-мужассам, ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда олиб боришнинг цивилизациялашган системасини, мустаҳкам институционал тизимини яратиш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш вазифаси бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

¹ Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал.

Жамиятнинг барқарор ғоявий-мафкуравий маконини шакллантирувчи институционал структурасини ташкил қилиш жараёни муайян вақтни талаб қиласди. Чунки, миллатнинг менталитетига хос бўлган жамоатчилик фикри, моддий ва маънавий қадриятлари тизими, тарихий тафаккур тарзини, хуллас мафкуранинг ижтимоий-психологик, сиёсий онг, маданият каби элементларини, уларнинг муносабатларини жамиятнинг демографик, этнографик структураси хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзгартириш сабр-тоқат билан изчил ҳаракатни тақозо қиласди. Бундан ташқари, «биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур қилишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур».¹ Бу ғоявий-мафкуравий ишларимизнинг самарадорлигини белгилайди.

Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тарақкий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга боғлиқдир.

Таълим-тарбия тизимида миллий ғояни ривожлантириш имкониятлари.

Миллий ғояни одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвикотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Таълим ва тарбия соҳалари миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларидандир. Бунда қуйидаги вазифалар кўзда тутилади:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. . Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: 1999 –Б.373.

1. Таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равиша миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурни яратиш;
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида уқувчи-талабалар онгида миллий гоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
3. Ўқув дастурлари, дарслик ва кўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;
4. Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;
5. Педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи ўз навбатида миллий ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутади.

Республикамида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ғоявий нуқтаи назардан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун принципларига тўла мувофиқ келади. Таълим-тарбияга оид миллий меросимизни ўрганишнинг долзарблиги назарий жиҳатдан асослидир. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида зикр этилган узлуксиз таълимнинг миллий модели тамойиллари моҳиятан таълимнинг миллий-маърифий, халқ анъаналари, миллий меросимиз билан уйғунликда олиб борилишини англатади. Шунинг учун «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-бобида, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг замонавий тарбиявий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш, миллий тарихий анъаналар ва умумбашарий қадриятларга асосланиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилган. Умуман таълим-тарбиянинг миллий моделига кўра, таълим тизимини янгилаш – табиий равиша миллий меросимизни

ўрганиш ва уни педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг биринчи компоненти шахсdir. Чин маънодаги шахс ўзини-ўзи қайта тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллат учун бефойда, заарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарти деб тушунади. Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобигидан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан қўпроқ, самаралироқ меҳнат қиласди. Умуммиллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қиласди. Талабада бу фазилатлар бирданига пайдо бўлиб қолмайди. У, аввало, оилада ота-она, оиладан ташқарида қариндош-уруг, қўшни-маҳалладошлар орасидаги тарбиявий муҳитни рағбатлантириб бориш, сўнгра олий ўкув юртида - мафкуравий билимларни эгаллаш орқали тарбияланади. Шу сабабли бу жараёнга ижтимоий педагогиканинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараш лозим.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, миллий меросимизнинг ғоявий негизи – шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёsatда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Дикқат қилинса, таълимнинг миллий моделида илгари сурилган мақсадларнинг моҳияти айнан миллий ғоя ва мафкурадаги асосий тамойиллар билан уйғунлигини англаб олиш қийин эмас.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишига олиб келади, жамиятда янги шахс - комил инсонлар вужудга келади. Улар ҳаётга тамомила бошқача ёндашадилар ва бошқача нигоҳ билан қарайдилар.

Иккинчидан, миллий модел тадбиқи кишининг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради. «Таълимнинг янги модели ишга тушгач, – деб кўрсатган эди И.А.Каримов, - инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндиғина вояга етиб келаётган даврда жамиятдан муносиб ўрин топиши керак»¹.

Миллий моделнинг такомиллашуви жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Яъни, одамлар оламон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди. Энг муҳими, бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузук ғоялар, қуруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларни ўзи танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари стаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади².

Шундай экан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган таълимнинг миллий модели масаласи, аввало, жамиятимиз ҳаётининг ўзига хос мазмунига айланган, ҳалқ таянадиган куч бўлмиш миллий ғоядаги асосий тамойилларни ҳам ўзида акс эттирган.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ёзганидек «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳтсаодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимиз бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий мафкуранинг бош мақсадидир»³.

¹ Баркамол авлод орзуси. –Т., 1999, -Б. 179.

² Ғоя ва мафкура. –Т., 2002 йил, «Ijod dunyosi» нашриёти. 25-бет.

³ Бобоев Х. ва бошқалар. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. -Т.:Янги аср авлоди, 2001. –Б. 3.

Бизнинг эзгу мақсадимиз эса таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш асосида ғоя ва мафкурамизни эътиқод қилинадиган муқаддас туйғуга айлантиришdir. Чунки, эътиқодга айланмаган ғояни ғоя, миллий мафкурани мафкура деб бўлмайди¹.

Шунинг учун ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган, бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим ҳаётий масалалар илгари сурилган. Унга кўра:

- ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;
- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига, садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;
- ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;
- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш.

Бинобарин, таълим соҳасида белгиланган бу вазифалар, миллий ғоя ва мафкурунинг асосий тамойиллари, унинг мақсади ва моҳияти билан ҳам узвий боғлиқдир.

Фикримизни асослаш учун миллий мафкурунинг мазмунига эътибор берайлик:

¹ Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т.: 2000. -Б. 21.

- иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига сингиб кетган собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қолган ярамас меросни узил-кесил тугатишдан;
- мустақилликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий-хукуқий заминларини мустаҳкамлашдан;
- Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини асослашдан;
- фан-техника ютуқларини ривожлантириб, жамики замонавий янгиликларни чуқур ўрганиб, уларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга ижодий, оқилона жорий этиш ва Ўзбекистонни жаҳон бозори талабларига мос келадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мамлакатга айлантириш;
- ижтимоий адолат, қонунчилик тантана қилишини таъминлайдиган фуқаролик жамияти қуриш, тинчлик, осойишталик, миллий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, барқарорликни таъминлашдан;
- инсон маънавий камолотини тезлаштиришдан;
- эскича ақидалардан, диний экстремизм, ваҳобийчилиқдан, ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслиқдан, уларни камситиши кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, эътиқоди мустаҳкам, иймони бутун, иродаси бақувват, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, ўз Ватанига меҳрсадоқат туйғуси кучли кишиларни тайёрлаш, тарбиялашдан;
- ёшлар қалбига ватанпарварлик, эл юртга садоқат, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришдан;
- кишиларни доимо огоҳ бўлиб туришга даъват этиш..., мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга эканлигини одамлар онги ва қалбига етказишдан;
- ёшларда меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик, вижданлилик ва имонлилик, ҳалоллик, миллий ғуур туйғуларини тарбиялашдан;
- ижтимоий онг, ахлоқ ва одобнинг миллий ва умуминсоний заминларини мустаҳкамлашдан иборат жараёнларнинг барчаси миллий ғоянинг асосий тамойиллари мазмунини англатади. Агар диққат билан

қаралса, таълимнинг миллий моделида илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришни узвий алоқадорлигини таъминлаш асосида аввало шахс, сўнгра давлат ва жамият манфаатини таъминлаш масаласида ҳам миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири - комил инсонни тарбиялаш ғояси етакчилик қиласди.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши маънавий-маърифий ишларнинг миллий сиёсатимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланиши, бу борада амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар халқимизнинг феъл-атвори, тафаккуридаги ўзгаришларга жиддий туртки берди. Иккинчи жиҳатдан эса, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг илмий-техникавий, маданий муносабатлари миқёсининг мунтазам кенгайиб бориши кишиларимиз дунёқараши, турмуш тарзида янгича хусусиятларни таркиб топтираёт¹. Бинобарин, ҳар қандай тараққиёт ва тамаддуналар турли халқлар маънавияти, маданияти, эришган ютуқлари ва интилишлари уйғунлашувидан туғилади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги ўта мураккаб, қалтис ва масъулиятли даври маънавий-маърифий ишлар, мафкуравий таълим-тарбия марказида ёш авлод туриши зарурлигини, фарзандларимизнинг ақл-заковатли, теран фикрли, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбияланишларига жиддий эътибор беришни, уларнинг соддалик қилиб сохта оқимлар йўлига кириб пана-пасқадамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапи ва йўлига кириб кетишларига асло йўл қўйиб, бепарво қараб бўлмайди. Ўз навбатида, халқимиз тарихидаги буюк алломаларни, хусусан, маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак.

Бунинг учун эса таълим-тарбия тизимини мунтазам такомиллаштириб, миллий моделнинг ҳаётийлигини, унинг миллий ғоя тамойиллари билан узвий

¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети кеча ва бугун. Тафаккур журнали. №2. 2002 йил, 15-бет.
269

алоқадорликда ривожлантиришни таъминлай олишимиз зарур. Ана шундагина биз кутилган натижаларга эриша оламиз.

**«Мафқуравий тарбия» тушунчаси,
унинг мазмуни ва намоён бўлиш
хусусиятлари**

Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнининг барча маърифий мажмуасини ҳам вазифасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим, тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Тарбия, хусусан миллий тарбия хақида сўз борганда, бу тушунчанинг моҳияти устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Тарбия сўзи асли арабча бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсdir. Мукаммал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун субъектив омил бўлиб, унга асос ҳам яратади Шунинг учун ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, “ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир¹.

Мафқуравий тарбия талабанинг маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларини оддийгина қабул қилиб олишинигина эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишини, бу билимлардан замонавий ижтимоий ҳодисаларга мафқуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантиришга ўргатишни кўзда тутади. Бу кўникмалар талаба дунёқарашини, билимларини миллий ғоя – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик (толерантлик) нуқтаи назаридан секин-аста бойитиб бориш билан таъминланади. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқарashi, билим даражаси, маданий

¹ Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. Т. , «Ijod dunyosi» нашриёт ўйи. 2002 йил, 7-бет.

ва сиёсий савияси, хулқ-атвори умуминсоний қадриятларга ва қонун-қоидаларга мос келиши энг муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсон мавқеи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ва оиласвий-маишӣ муносабатлар тузумида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган.

Инсон, жамият, ижтимоий гурух, миллат дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларини ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган жараён – *мафкуравий тарбия* дейилади. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қиласди. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари, таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, ҳалқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига берилиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифалари – ҳалқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асосий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришдир, ва айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса

ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Мафкуравий тарбия ҳақида гап кетар экан, унинг мафкуравий профилактика, мафкуравий таъсир тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигини назардан қочирмаслик лозим. Мафкуравий профилактика олдинги мавзуларда таъкидланганидек, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-тарбиявий, маънавий мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун мафкуравий тарбия тизимини қамраб олади. Хусусан, таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишда ёрдам беради. Ўз ўрнида мафкуравий профилактика мафкуравий тарбияни таъминлашда фаол иштирок этади. Бу қисқа таърифдан англаш мумкинки, мафкуравий тарбия ва мафкуравий профилактика тушунчалари бир-бирини тақозо этадиган ва тўлдираётган алоқадорликда бўлиб, ўзаро объект-субъект, субъект-объект муносабатида бўладиган жараён дейиш мумкин.

Мафкуравий таъсир – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим хислатларидан биридир. Мафкуравий таъсирсиз (турли хил шакллари, усуллари, воситалари) мафкуравий тарбия ҳақида фикр юритиш табиий равишда мантиқсизликдир. Мафкуравий тарбиянинг самарадорлигини оширишда мафкуравий таъсирнинг обекти ва субъектига қўп нарса боғлиқ. Чунончи, мафкуравий таъсир самарадорлиги мафкуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) билим даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида мафкуравий таъсир ўтказаётган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотлар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмuni ва шаклига, мафкура ходимларнинг профессионал маҳоратига инсоний фазилатларига, хислатларига боғлиқ бўлади. Демак, айтиш мумкинки, мафкуравий таъсир тушунчаси мафкуравий тарбияни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади.

Бундай ўзаро алоқадорлик мафкуравий тарбиянинг мағзини ташкил этиб, мафкуравий таъсир доирасига тушадиган ҳар бир киши ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

Мафкуравий таъсир кўрсатишида нутқ воситалардан кенг ва ўз ўрнида фойдаланиш ижобий натижа беради. «Яхши сўз - қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Дарҳақиқат, ўрнида ишлатилган сўзлар, ёркин ва дилдан баён этилган нутқ, бамаъни фикр ҳар доим одамларнинг хулк-авторига ижобий таъсир кўрсатади. Ана шундай фазилатлар сохибини одатда «Бамаъни одам» деб таърифлашади. Бундай шахслар соғлом мулоқот мухитида фазилатларини ўзгаларга намойиш қила олади, ўзини эркин тутади ва ўзига ишонади.

Мулоқот жараёнида фикрга, соғлом ғояга эга бўлиш - масаланинг бир жиҳати. Унинг бошқа бир муҳим жиҳати ана шу фикрларни баён эта олиш қобилиятидир. Инсоний муносабатлар соҳасида буюк мутахассис деб эътироф этилган Дейл Карнегининг кучи ва машҳурлиги, аввало, унинг гапириш ва ўзгаларни тинглаш қобилиятида намоён бўлган. У бир вақтнинг ўзида минглаб одамларга мурожаат қила олар ва тингловчилар вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмас экан. Демак, нима ҳақида гапириш эмас, у тўғрида қандай гапириш ҳам ўта муҳим. Ана шундай таъсирчан гапириш маҳорати ва санъати – нотиклик санъати (риторика) фани бўлиб, у одамдаги нотиклик ва ўзгаларни ўз қарашларига эргаштира олиш маҳоратини назарда тутади. Мафкуравий тарбия ва таъсир жараёнида ҳам гапга чечанлик, сўз бойлиги ва уни аудиторияга етказа олиш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғояларни халқ онгига етказишида сўз асосий таъсир воситаси бўлган ва бўлиб қолади. Шу сабабли кадимги Грецияда риторика мактаблари ташкил этилган ва воизлар маҳсус қоидалар ва қонунлар асосида омма олдига чиқиб сўзлашга ургатилган. Одамлар онгига муайян ғоя асосан шу йўл билан сингдирилган.

Маълум бўлишича, одамни ўзи ишонишни хоҳламаган нарсага ишонтириш ўта мушкул иш экан. Чунки у ўзининг шахсий қарашлари, манфаатларига мос келадиган нарсаларгагина ишонади. Яъни, оммага чиройли

илмий иборалардан кўра, табиий, одатий, кундалик ҳаётда ишлатиладиган иборалар, сўзлар тизими тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Тажриба уткир сиёсатдонларнинг ҳеч қачон ўз нутқарида ғайритабиий, илмий иборалардан фойдаланмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тингловчига таъсир этувчи ва унинг ишончини уйғотувчи нутқ шундай бўлиши лозимки, уни тинглаганлар ҳар бир ифода этилган сўз устида камроқ уйланиши, аксинча, таниш, ўзига ёкимли нарсалар хусусида гап бораётганини қалбан ҳис қилиб туриши керак. Демак, нотик ёки воиз нутқида ишлатиладиган, жамият ва халқ манфаатини ифодаловчи ижтимоий рамзлар - сўзлар, иборалар, шиорлар, нарса ёки ҳодисалар ўша тингловчи талаб-эхтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига бевосита алоқадор бўлгандагина таъсирчан ва ишончли бўлади. Мисол учун, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ вакиллари билан учрашувларини эсланг. Давлатимиз раҳбари ўзининг ўта масъулиятли лавозими ва мавқеидан қатъийй назар, оддий меҳнаткашлар билан учрашганда ёки Ватан ва юрт тақдирига алоқадор масалалар юзасидан интервьюлар берганда, ҳар бир ўзбекистонлик учун тушунарли ва равон тилда, аниқ жумлалар билан гапирадиларки, унинг мазмуни кекса онахонлардан тортиб, талаба-ўқувчиларгача – ҳаммага бирдек тушунарли бўлади. Юртбошимиз чет эллик меҳмонлар ва давлат делегацияларини кабул қилганларида, яъни соф расмий маросимларда эса сиёсий терминлар, жумлалардан шундай оқилона фойдаланадиларки, Президент тимсолида меҳмонларимиз бутун жамият ва халқнинг ақл -иродаси ва интеллектуал салоҳияти тўғрисида аниқ тасаввур хосил қиласди. Юртбошимизнинг нотиклик қобилияtlари ҳар бир юртбошимиз учун ҳақиқий мактабдир.

Мафкуравий таъсирнинг яна бир муҳим хусусияти борки, у ҳам бўлса, муайян қарашлар тизимини бирдан, бир вақтнинг ўзида ифода этишга интилмаслик. Чунки оддий тингловчи айрим-алоҳида фикрлар орқали ўша мафкуравий тизимнинг туб моҳиятини англаб олиши мумкин. Масалан, миллий қадрияларимизнинг аҳамиятини уқтириш учун уларнинг барчасини бир бошдан санаб ўтиш шарт эмас. Яъни, она меҳр- муҳаббатининг нақадар улкан куч экани,

бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она алласининг таъсиранлигини англаш ҳам кучли кечинмаларни уйғотиши мумкин.

Таъсир кўрсатувчи шахсдан нималар талаб қилинади? Аввало, тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишончи ва бошқалар. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби, методларига ўзида мавжуд билим, тушунча, ғояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, қолаверса, кенг халқ оммаси онгида мустаҳкам эътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатиш ва тақл ид этишга чорлашдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсиран воситаларидан – монолог, диалог, баҳс-мунозара, брейншторминг кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фалият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қиласди. Сўзловчи ўз нутқида нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрнида мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Агар воиз ёки нотик ўзига берилган минбарда фақат сўз ва иборалар тизимидан фойдаланиш билан чекланса ёки когозга туширилган матндан четга чиқолмаса, уни аудитория тингламайди, унга ишонмайди. Шунинг учун ҳиссий таъсир усуллари – ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика ва патомимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологик механизмлар эканини унумаслик керак.

Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир муҳим хислат - гапираётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотикка нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. ғшлар аудиториясида, воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар аудиторияда, мантиқий, илмий таҳдилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

Нотикнинг нима ҳақида гапираётгани ҳам мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган – (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссиёт уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қиласди. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, укимишли, тушунган одамлар аудиторияси фактларга таянган, асосли маълумотни тез кабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси

пастроқ шахслар күпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга уч бўлади. Бундайлар ҳаттоқи улардаги айрим негатив хис-туйғуларни кўзгатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фаолроқ бўлади. Шунинг учун ҳам касалликка қарши ёки заарли одатларга қарши қаратилган рекламада кўпинча даҳшат уйғотувчи расмлар берилади. Керакли фикрни ўзгартириш учун берилаётган маълумот тингловчидага мавжуд бўлган билимлардан кескин фарқ қиласа ҳам унда янги маълумотга нисбатан ишонч ва уни қабул қилишга мойиллик кучли бўлади.

Мафкуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарсликлар, ёзма манбаларда мужаассамлашган маълумотлар кирса, иккинчисига маъруза ўқиш, дарсни баён этиш, мунозара ва сухбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий ғоялар турли бадиий ва хужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Муҳими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

Маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини уларнинг оммаболлиги, билдирилган ёки ифода етилган ғояларнинг содда, ихчам ва равон баён қилинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда теран муносабат шаклланади.

Бундан ташқари, бирламчилик ва иккиламчилик самараси қонунияти ҳам бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, дастлаб кабул қилинган маълумотнинг мазмуни одамга кучлироқ таъсир қиласи. Лекин, иккинчи томондан, тингловчи томонидан охирида эслаб қолинган маълумот ҳам хотирада мустаҳкам ўrnashadi. Буни ҳам мафкуравий тарбия жараёнида албатта инобатга олиш зарур.

Болалар билан миллий ғояларимиз хусусида олиб бориладиган сухбатларда тарбиячи ёки мураббий аввалдан тайёр саволлар тартибини ишлаб чиқиши, ишлатиладиган таянч иборалар катта аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир жумла ёки иборанинг конкретлиги, ҳаётийлиги ва образлилиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тарбияда яна бир омил – маълумотнинг нима воситасида у ҳар

кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан кўп нарсани ўз қарашлари асосида ҳал этар экан.

Демак, масъулиятни ҳис қилган болалар ҳаётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлади. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйгулари ҳам юксак бўлади. Шунинг учун ҳам мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда она Ватан олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мафкуравий тарбияни
ривожлантиришда оила, маҳалла,
нодавлат-нотижорат
ташкилотларнинг ролини ошириш**

муассаса ва ташкилотларда олиб борилиши лозим бўлган тадбирлар амалий аҳамият касб этади. Мафкуравий тарғибот ишларида булардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шахс маънавияти, унинг дунёқараси, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўниқмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила - ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

“Ҳар бир инсон учун, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, - Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис, оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллий манфаат нуқтаи-назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура яратса олмаймиз»¹. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир”², дейди.

Бинобарин, жамият фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган одамлар йиғиндисидан иборат эмас. Умумий манфаатларни теран англаш, кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва нормаларни эътироф этиб, уларга амал қилишларига сабаб бўлади. Бу айниқса, ҳозирги ўтиш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кишиларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш мафкуравий жараёнларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунга оила, маҳалла,

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. --Т.:Ўзбекистон, 2000. --Б. 23.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008. –Б. 52.

Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштириш мафкуранинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзининг Ватан деб аталмиш улуғ бир оиласига мансублигини ҳис этиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муттасил ва изчил ғоявий тарбия самараси ўлароқ, юзага келади¹. Оиладаги тотувлик, ахиллик, меҳр-шафқат ҳислатлари улуксиз равишда турли шаклларда олиб бориладиган ахлоқий тарбиянинг ғоят хилма-хил қатламларини умумий манфаатлари атрофида жипслаштириш, одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик тотувлик, ўзаро ёрдам ҳислатларини шакллантириш ҳам изчил мафкуравий тарбия воситасида амалга оширилади.

Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зоро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остоонадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан халқ ва юрт тақдири учун фидоийлик туйғусини шакллантириш мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таниширишнинг миллий анъаналаримизга хос шаклларини қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган «жангари» уйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланмаслик. Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китобчалар, миллий эртаклар асосида яратилган мультфильмлар болалардаги илк ёшлиқдан мафкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида қўл келади. Масалан, болалар ўртасида машхур бўлган «Зумрад ва Қиммат», «ғрилтош», «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари» каби қатор эртаклар орқали болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч ҳиссини уйғотиш мумкин.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т.:«Ижод дунёси» нашриёт уиि, 2002. – Б. 9.

Юқорида тилга олинган тарбия шаклларини амалга оширишнинг энг кулай йўли – аввало ота-оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидағи, эл-юрт олдидағи бурчини тўғри англашни инсоннинг дунёга келиши ва камол топиб ривожланишига оид қонуниятларни пухта билишини, оиласи муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва аньналаримизни энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий қадриятларга меҳр-муҳаббатни уйғотишни, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни таказо этади. Бинобарин, ота-оналиқ шундай масъулиятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга оширилиши учун инсон ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам психологик жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Касбни пухта эгаллаш ва фидокорона меҳнат қилиш учун илм қанчалик зарур бўлса, фозил фарзандлар тарбиялаш ва уларни инсонларга нафи тегадиган даражада етук қилиб тарбиялаш учун ҳам билим шунчалик муҳимдир. Шунинг учун ўрта асрнинг кўзга кўринган истеъодли шоирларидан бири Абдигек Шерозий ота-онага, Айниқса, аёл кишига илмнинг зарурати тўғрисида шундай ёзган эди: «Илм - аёл учун зийнат. Ақслини нодонликдан халос этган ҳар бир аёл номус, иззат, аёлликкадр ини тушуниб этади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди».

Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари - боболар, момолар, яқин қариндош-уруглар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари юисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк ажоддларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуғ бибилари-бувилари шуғулланган. Хусусан, Шоҳруҳ Мирзо, Мухаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари темурий шахзодалар Сароймулхоним қўлида тарбия топган.

Хуллас, ота-она ўз боласини ахлоки ва хуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Ота-оналик бурчига эътиборсиз қараш фуқаролик масъулиятини ҳис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан тенгдир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга наф тегадиган, соғлом эътиқодли, солих фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлиб, у халқимизнинг азалий удумлари, анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгида эзгулик ғоялари сингдирилиб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирига эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулк-атвори, ўзаро муносабатлариниadolat ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода И.Каримов таъкидлаганидек, “Маҳалла – ҳақиқий демократия дарсхонасидир”¹.

Таълим-тарбия соҳалари миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларидир. Таълим тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи ўз навбатида ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутади. Мактабгача таълим муассасалари, бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари) макфуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир.

Макфуравий тарбиянинг маънавий-маърифий вазифалари ҳақида гап боргандা, оммавий ахборот воситалари, фан, адабиёт, санъатнинг бунёдкор ғояларни амалга оширишдаги ўрни, баркамол авлодни тарбиялаш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг ғоявий омиллари назарда тутилади.

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўхбекистон”, 2000 й

Оммавий ахборот воситалари – энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Чунки оммавий ахборот воситалари оммани ўзига хос тарбиячиси бўлиб, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва яккаҳукмрон ғояни сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини ҳам яхши биламиз.

Охиригина пайтларда ахборий хуружларнинг тез-тез уюштираётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Шу маънода аксилтарғибот «ғояга қарши ғоя билан курашиш» тамойилига мос равища олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтариш талаб этилади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёсdir.

Мафкуравий тарбияни шакллантиришда фаннинг, хусусан, ижтимоий фанлар алоҳида ўрин тутади. Бу ўринда ижтимоий фанлар миллий ва умуминсоний қадриятлар эзгу ва бунёдкор ғоялар, жаҳон цивилизациясининг илғор илмий намуналари акс этган билимларни ёшлиар тарбиясида унумли кўллашлари керак. Адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам одамлар онгига кучли таъсир этган ва реал воқелик тамойилига асосланадиган, бунёдкор ғоялар замерида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар каби ғояларни ўзида акс эттирадиган асарлар ҳам шулар қаторига киради.

Баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури долзарб характер касб этиб, баркамол авлод тарбияси ғоясига асосланган бир неча босқични ўз ичига олади. Айни замонда таълим муассасаларининг барча буғинларида олиб боралаётган дастлабки натижаларни санаб ўтиш мумкин. Қувонарлиси шуки, бугунги ёшлиарда мустақил дунёқарашиб, эркин фикрлаш миллий мерос ва қадриятларга бўлган ижобий ўзгаришлар ўзини намоён қилмоқда.

Мафкуравий тарбия самарадорлигини, аввало, жамиятни мафкуравий тарбиялаш натижаси қандай бўлиши керак эканлигини аниқ белгиланишига боғлиқ. Шу маънода, одамларни у ёки бу мақсадга йўналтириш, тарбиялаш икки томонлама жараён.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Назорат саволлари:

1. Фоявий таълим тарбия ишлари қандай ташкил этилади?
2. Таълим-тарбия тизими миллий ғоя ривожига таъсири қандай?
3. Мафкуравий тарбия деганда нимани тушунасиз?
4. Оила ва маҳалланинг мафкуравий тарбиядаги ўрни нимадан иборат?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Миллий ғоя ривожининг тизимлилиги
2. Миллий ғоя ривожида таълим-тарбия масаласи
3. Мафкуравий тарбия тараққиёт асоси
4. ННТнинг мафкуравий таъсири

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон». 2005.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. - Тошкент: Маънавият, 2008
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон 2011
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матни. Т.: ЎзМУ. 2010
9. Отамуратов С., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-рухий танланиш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003